ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

“ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР” КАФЕДРАСИ

МАЪМУРИЙ ВА ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ

фанидан

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Билим соҳаси:	100000	Гуманитар соҳа;
	200000	Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	230000	Иқтисод
Мутахассислик:	5230800	Солиқлар ва солиққа тортиш

ТОШКЕНТ-2017

Абдуллаев Ж.С., Кушбаков К.Б., Умаров С.Р. “Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи” фанидан Ўқув-услубий мажмуа. - Т.: ТМИ, 2017.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 201__ йил “___” _____даги ___ -сонли буйруғининг ___ -иловаси билан тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

Абдуллаев Ж.С. - Ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
Кушбаков К.Б. - Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси
Умаров С.Р. - Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

Тақризчилар:

Оқюлов О. - ТДЮИ “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д.
Джанбакиев Б. - Ижтимоий фанлар кафедраси кафедраси доценти, ю.ф.н.

“Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи” фанидан ўқув-услубий мажмуа кафедра йиғилишида муҳокама қилинган ва тавсия этилган (2017 йил “___” _____ даги “___” -сонли баённома)

Кафедра мудири **М.Примов**

“Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи” фанидан ўқув-услубий мажмуа “Молия-иқтисод” факультети илмий-услубий кенгашида муҳокама этилган ҳамда нашрга тавсия этилган (2017 йил “___” _____ даги “___” -сонли баённома)

Факультет декани **Д.Рустамов**

Келишилди:

Ўқув-услубий бўлими бошлиғи **У.Якубов**

Ўқув ишлари бўйича проректор **И.Қузиев**

“Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи” фанидан Ўқув услубий мажмуа Тошкент молия институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2017 йил “___” _____ даги “___” -сонли баённома).

МУНДАРИЖА

	Кириш	Бетлар
	Ўқув материаллари	
1	1-модуль. Давлат бошқарувида маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг аҳамияти	
1.1.	Давлат бошқаруви тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари	
1.2.	Маъмурий ҳуқуқ фани предмэти, тизими ва манбалари	
1.3.	Маъмурий-ҳуқуқий нормалар	
1.4.	Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари	
1.5.	Солиқ тизимини бошқариш соҳасида ваколатли органлар	
1.6.	ва уларнинг вазифалари	
1.7.	Давлат хизматчилари	
1.8.	Нодавлат нотижорат ташкилотлар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида	
1.9.	Фуқаролар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида	
1.10.	Давлат бошқарувининг шакл ва усуллари	
1.11.	Давлат бошқаруви ҳужжатлари	
1.12.	Маъмурий жавобгарлик	
1.13.	Давлат бошқарувида қонунчилик ва интизом	
	Давлат бошқарувида алоҳида соҳалар ва тармоқларни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш	
	2-модуль. Жиноят ҳуқуқи тизими	
2.1	Жиноят ҳуқуқи тизими, вазифалари, предмэти ва тушунчаси	
2.2.	Жиноят ва жиноятлар тушунчаси. Жиноий жавобгарлик асослари	
2.3.	Жиноят таркиби	
2.4.	Жиноят содир қилиш босқичлари	
2.5.	Жиноятда иштирокчилик	
2.6.	Бир қанча жиноятлар	
2.7.	Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи	
2.8.	ҳолатлар	
2.9.	Жазо тушунчаси, белгилар ва мақсади	
2.10.	Жиноят ҳуқуқи махсус қисми тушунчаси, унинг аҳамияти ва тизими	
	Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар	
	Амалий машғулотлар учун материаллар	

Тавсия этиладиган адабиётлар ва бошқа манбалар

3 Мустақил таълим машғулотлари

4 Глоссарий

5 Иловалар

фан дастури;

ишчи фан дастури;

тарқатма материаллар;

тестлар;

ишчи фан дастурига мувофиқ баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услубий кўрсатмалар;

фанни ўзига хослигига қараб ўрганиш бўйича бошқа материаллар келтирилиши мумкин;

ЎУМнинг электрон варианти.

КИРИШ

Фаннинг мақсад ва вазифалари

“Маъмурий ва жиноят ҳуқуқи” фанининг асосий мақсади – талабаларда маъмурий ва жиноий ҳуқуқлар моҳияти, ижтимоий аҳамияти ҳақидаги илмий тушунчаларни шакллантиришдан иборат.

Фаннинг вазифаси – талабаларга маъмурий, жиноий ҳуқуқлар фанининг предмэти, мақсад ва вазифалари, маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар ва маъмурий-ҳуқуқий нормалар, давлат бошқаруви ва давлат бошқарувининг маъмурий-ҳуқуқий шакллари, усуллари, солиқ соҳаларини бошқариш, фуқаролар ва нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик, жиноят ҳуқуқи фани тушунчаси, предмэти, вазифалари ва принциплари, жиноят қонуни, жиноий жавобгарлик ва унинг асослари, жиноят ва жиноятчилик тушунчаси, жиноят таркиби, жазо тушунчаси, мақсади, тизими ва турлари, иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар бўйича назарий-амалий билимларни ўргатишдан иборат.

Ҳар бир мавзу якунида таълим технологиялари келтирилган ва уларни қўллаш юзасидан аниқ тавсиялар мазкур фандан ишлаб чиқилган ўқув-услубий мажмуа (ЎУМ)да баён этилган.

Ўқув услубий мажмуа 200000 -“Ижтимоий фанлар, иқтисод ва ҳуқуқ”, 5340800 - “Солиқлар ва солиққа тортиш” мутахассислиги ҳамда институтда таълим олаётган IV-босқич бакалаврият талабалари учун мўлжалланган.

ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАР

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИДА МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

1.1. Давлат бошқаруви тушунчаси ва унинг асосий тамойиллари

Режа:

1. Давлат бошқаруви тушунчаси, мақсади, вазифалари ва тамойиллари.
2. Бошқарув субъекти ва объекти.
3. Давлат бошқарувини ташкил этиш.
4. Давлат бошқаруви муносабатларини тартибга солувчи нормалар.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: Давлат бошқаруви тушунчаси, бошқарув ҳуқуқи тушунчаси, бошқарув тамойиллар, ҳуқуқий акт, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар, «маъмурий мажбурлаш» атамаси.

Маъмурий ҳуқуқ ҳуқуқ соҳаси бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Маъмурий ҳуқуқ лотинча “администратион” сўзидан олинган бўлиб, «бошқарув ҳуқуқи» дэган маънони англатади.

Маъмурий ҳуқуқ фанини, унинг мақсад ва вазифаларини англаб олишдан олдин давлат бошқаруви ва умуман бошқарув тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим.

Ҳар қандай бошқарув жамиятда юзага келадиган турли-туман муносабатларни тартибга солишга ҳаратилган бўлади. Жамиятда мавжуд бўлган бошқарув ижтимоий бошқарув деб аталиб, давлат бошқаруви унинг асосий турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг алоҳида бир тури бўлиб ҳисобланади. Давлат бошқаруви бевосита давлат органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқарувининг тамойиллари - бу асосланувчи қарашлар (фикрлар) бўлиб, унинг ёрдамида давлат бошқарувини амалга оширувчи аппарат ташкил этилади ва функсияланади. Давлат бошқаруви тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конститусиясида ва қонунларида, давлат бошқарувида иштирок этувчи жамоат ташкилотларининг Устав ва бошқа ҳужжатларида акс эттирилади.

Давлат бошқаруви тамойиллари икки гуруҳга бўлинади:

1. Ижтимоий-сиёсий тамойиллар.
2. Ташкилий тамойиллар.

Шакл — бу маълум бир ҳодиса ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўринишидир. Масалан, таълим жараёни — маърузалар ёки амалий машғулотларни олиб бориш (яъни таълим шакллари) орқали намоён бўлади.

Ҳар қандай фаолият сингари давлат бошқаруви фаолияти ҳам, маълум бир шаклларда ифодаланади. Давлат бошқаруви шундай жараёнки, унда кўпгина шахслар, ташкилот ва органлар иштирок этади. Бу жараёнда ижро этувчи ҳокимият органларининг (бошқарув фаолияти асосий субъйектининг) вазифалари, функсиялари ва ваколатлари амалга оширилганлиги сабабли, биринчи навбатда, мазкур ҳокимият субъйектлари фаолияти шакллари муаммоси вужудга келади. Ушбу фаолиятнинг шаклларини аниқлаш орқали давлат — бошқарув фаолиятининг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин.

Маълумки, давлат ҳокимияти қандай кўринишда болмасин ўз-ўзидан амалга оширилмайди. Балки давлатнинг ўзини намоён қилиш мақсадида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд соҳасида ҳаракат қилиши лозим бўлади. Айнан давлат тэгишли субъйектларининг аниқ ҳаракатларида мазкур ҳокимиятнинг мазмуни ва йўналишлари намоён бўлади.

Бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ўзларининг кундалик амалий фаолиятларида турли хил ҳаракатлами амалга оширадилар. Бунда давлат органи ёки унинг вакили (мансабдор шахс)нинг компэтенсияси — бошқарув соҳасидаги у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш имконини белгилаб беради. Жумладан, айрим ижро этувчи ҳокимият органлари қонун ости ҳуқуқий нормаларини, яъни давлат бошқаруви жараёни ёки унинг айрим соҳаларида хулқ-атвор қоидаларини ўматиш ваколатига; бошқалари еса бошқарув муносабатларининг у ёки бу субъйектига қаратилган аниқ юридик ҳокимият кўрсатмаларини бериш ваколатига; учинчиси еса, контрол-назорат функсияларини амалга ошириш ваколатига эга болиши мумкин. Уларнинг барчаси ўз фаолияти ёки бўйсунувчи субъйектларининг фаолиятини ташкил этиш мақсадида маълум бир ҳаракатларни амалга оширадилар; турли хил фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг еҳти- ёжларини қондирадилар.

Ижро этувчи ҳокимият субъйектлари томонидан амалга ошири-ладиган турли хил ҳаракатлар давлат бошқарувининг мазмун- моҳиятини ифода этади, бошқарув вазифалари ва функсиялари, яъни давлат-бошқарув фаолияти қандай амалга оширилиши тўғрисида тасawур ҳосил қилишга олиб келади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ўз функсияларини бевосита давлат номидан амалга оширар екан, улар фаолиятининг ташқи кўриниши (шакли) ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган болиши керак. У ёки бу давлат органининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар, улар фаолиятининг ташқи кўриниши (шакллари)ни ҳам белгилаб беради.

Бошқарув шаклларининг мазмун-моҳиятини очиб беришда «бошқарувнинг мақсади», «бошқарув функсиялари», «бошқарув вазифалари», «ваколат», «компэтенсия» сингари терминларга алоҳида еътибор қаратиш лозим. Мазкур тушунчалар аниқ бир бошқарув соҳасида бошқарув услубини танлашда ҳам хизмат қилади. Бошқарув функсиялари - бошқарув фаолиятининг мазмунини белгилаб беради. Бошқарув мақсадига - бошқарув субъйектлари томонидан фойдаланиладиган барча бошқарув

шакллари бўйсундирилган. Бошқарув органлари бошқарув шакллари орқали ўзларининг ваколатларини амалга оширадилар.

Бошқарувнинг мақсадига еришиш учун бошқарув шакллари бошқарув функсияларини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Демак, бошқарув жараёнининг мазмуни бошқарув функсиялари, бошқарув услублари ва бошқарув шакллари орқали ёритиб берилади. Бошқарув назарияси айнан мана шу катэгорияларга асосланади. Бошқарув амалиёти еса, мазкур катэгорияла- рининг ривожланишига бевосита боглиқ бўлади.

Бошқарув шакллари бошқа ҳокимият органлари фаолиятининг шаклларидан, яъни қонун ижодкорлиги (қонунчилик фаолияти) ва одил судлов (суд фаолияти)дан фарқ қилади. Бошқарув шакллари давлат ва жамият ҳаётининг, бошқарувнинг барча соҳаларида давлат функсияларини амалга ошириш имкониятини беради.

Бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳар бир ҳолатда аниқ бошқарув шаклини қўллайдилар. Бошқарув ҳаракатларининг у ёки бу шаклини танлаш еса, маълум бир қоидалар асосида амалга оширилади. Жумладан, улар мазкур орган (мансабдор шахс) компэтенсиясига, йўналишига (аҳамиятига), бошқарув фаолиятининг функсиялари ва услубларига, ҳал қилинадиган масалалар хусусиятига, бошқарув таъсири мақсадларига, аниқ обйект хусусиятларига мос келиши керак. Бошқарув шакллари тэгишли бошқарув органи (мансабдор шахс) фаолияти доирасига кирувчи обйектларгагина қўлланилиши мумкин.

Бошқарув органлари ўз вазифа ва функсияларини амалга ошириш жараёнида турли хил маъмурий-ҳуқуқий шакллардан фойдаланадилар. Бошқарув фаолияти шакллари бошқарув фаолияти мазмунига мос келиши керак, яъни бошқарувнинг у ёки бу функсиясини амалга оширишда мақсадга мувофиқ ва кам вақт талаб этадиган куч ва воситалардан фойдаланиш лозим. Давлат бошқаруви жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уставлар, низомлар, йўриқномалар) билан ўрнатилган бошқарув шаклларидан фойдаланилади. Бошқача айтганда, бошқарув жараёнида давлатнинг у ёки бу вазифасини ҳал этиш, у ёки бу функсиясини амалга оширишнинг рухсат берилган (яъни норматив ҳужжатлар билан белгиланган) шаклларидан фойдаланилади. Акс ҳолда, бошқарув ҳаракатлари ва уларнинг мазмуни шубҳа остига олиниши, норматив ҳужжатлар талабига мос келмаслиги мумкин. Лекин бу бошқарув субъйектининг ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиш имко- ниятидан маҳрум этилганлигини англатмайди. Бошқарув субъйекти ҳар бир ҳолат бўйича бошқарув вазифаларини ҳал этиш жараёнида у ёки бу шаклни танлашга ижодий ёндашиши мумкин.

Давлат бошқаруви фаолиятининг ташқи кўрин иш лари турли хил болганлиги сабабли, уни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Бошқарув шакллари турли юридик аҳамиятга эга бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Уларнинг баъзилари конституциявий нормалар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, Қарор, Фармойишлари) ва қонунлар билан

(масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари), бошқалари еса қонун ости актлари билан (масалан, вазирлик, давлат қўмитасининг буйруқлари, кўрсатмалари ва ҳоказо) тартибга солинади. Давлат органларининг ички ташкилий фаолияти шакллари ҳам маълум бир нормалар билан тартибга солинган болиб, ташкилот ичидаги у ёки бу органнинг фаолияти доирасида бўлади (масалан, йўриқномалар).

Давлат бошқаруви шакллари бўйича кенг доирада илмий тадқиқотлар ЙЕ.Староссяк томонидан олиб борилган болиб, унинг моногралиясида бошқарув шакУаринининг қуйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:
биринчидан, умуммажбурий нормаларни ўрнатиш; иккинчидан, маъмурий актлар қабул қилиш; учинчидан, шартномалар тузиш; тўртинчидан, ижтимоий-ташкилий фаолиятни амалга ошириш; бешинчидан, моддий-техник ҳаракатларни бажариш.

Ю.М. Козлов бошқарув шаклларига тўхталиб, уларни икки гуруҳга ажратади:

Биринчиси — ҳуқуқий шакллар. Ҳамма вақт маълум бир юридик оқибатларни вужудга келтирадиган ҳаракатлар. Бу ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бевосита ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатлари ҳисобланади. Бундай ҳаракатларда юридик ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Мазкур гумҳга кирувчи ҳаракатларнинг хусусиятлари — бошқарувнинг ҳуқуқий актларида яққол намоён бўлади.

Иккинчидан — ноҳуқуқий шакллар. Ушбу шакллар бошқарувнинг ҳуқуқий актларини қабул қилишни назарда тутмаганлиги сабабли, юридик оқибатларни тўғридан-тўғри вужудга келтирмайди. Улар ҳуқуқий шаклларга хос болган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Ноҳуқуқий шакллар ҳуқуқий шаклларни қўллашга ёки уларни кейинчалик амалга оширилишига кўмаклашувчи турли хил ташкилий ҳаракатлар ҳисобланади.

Давлат бошқаруви актларининг мазмуни ва хусусиятлари:

Маъмурий ҳуқуқ назариясида бошқарувнинг ҳуқуқий акти институти алоҳида аҳамиятга эга болиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг енг муҳим функсиялари амалга оширилади. Тэгишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари, қоида бўйича, норматив ёки норматив болмаган ҳуқуқий актлар шаклида расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари ижтимоий бошқарув олдида турган мақсад ва вазифаларга еришиш учун унинг ҳаракатиарини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари муаммосига оид ҳуқуқ- шунос олимларнинг кўпдан-кўп илмий ишлари мавжуд болиб уларнинг аксарияти ўқув юртларида бошқарув ҳуқуқий актлари (маъмурий ҳуқуқий актлар)ни ўрганишга қаратилган махсус фанни киритиш тарафдоридир.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари, ҳозирги вақтда, кенг норматив асосга эгадир, яъни бундай актларни қабул қилиш ва унинг тартиби - Ўзбекистон

Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Бошқарув ҳуқуқий актларини қабул қилиш — ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий актлар орқали мазкур субъйектларнинг вазифалари, функсиялари ва ваколатлари, яъни компэтенсияси бевосита амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари дэганда — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бир томонлама ҳокимият кўрсатмаларини ифодалаш, юридик оқибатларни вужудга келтириш ва бажарилиши мажбурий болган актлар тушунилади.

Ҳуқуқий актлар — бошқарув қарорларининг юридик шакли болиб ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият органи (мансабдор шахс) ваколати доирасида ҳуқуқий акт қабул қилиш орқали умумий (норматив) ёки индивидуал (якка, маъмурий) аҳамиятга эга болган масалаларни ҳал этади.

Ҳуқуқий акт — ижро этувчи ҳокимият субъйектининг бир томонлама юридик ҳокимияти иродасини намоён этиб, биринчидан, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият табиатини ифодалайди; иккинчидан, унинг ёрдамида ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функсиялари амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий акти — императив хусусиятга эга болиб, унинг талаблари қайси субъйектга қаратилган болса, унинг учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий актларнинг ижроси, унинг талабларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларни юридик жавобгариикка тортиш таҳдиди билан таъминланади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари:

биринчидан, давлат бошқаруви соҳасида хулқ-атвор қоидаларини ўрнатади;

иккинчидан, аниқ бир маъмурий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи юридик факт сифатида намоён бўлади. Масалан, вазир ўз буйругл билан тэгишли соҳада фаолият юритувчи барча давлат органлари, мансабдор шахслар, корхона ва муассасалар учун мажбурий болган қоидалар ўрнатиши мумкин. Шунингдек, унинг шахсни маълум бир лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйругл билан, аниқ давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши мумкин.

Бошқарувнинг ҳар қандай шаклдаги ҳуқуқий акти қонун ости хусусиятига эга бўлади, яъни улар ваколатли давлат органлари томонидан Конституция ва қонунларга асосланиб ва уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинади.

А.Г.Чернявскийнинг фикрича, давлат бошқарув актлари ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг бошқа шаклларидан фарқ қилган ҳолда қуйидаги о ъзига хос хусусиятларга эгадир:

бошқарув актлари — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг, яъни маъмурий ҳуқуқ субъйекти ҳисобланган ижро этувчи ҳокимият органлари

ёки корхона ва муассаса маъмуриятининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалашдир.

Бу актлар — маъмурий ҳокимиятнинг мақсад ва функсияларини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири бо либ, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади. Бошқарув актлари - бошқарув субъйектлари томонидан мамлакатнинг хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларига кундалик ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш жараёнида қабул қилинадиган қарорлардир. Бошқарув актлари ўртасида ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслар) томонидан қабул қилинадиган актлар алоҳида аҳамиятга эгадир;

бошқарув актлари - ижро этувчи ҳокимият ёки маъмурий ҳуқуқнинг ваколатли бошқа субъйекти томонидан қабул қилиниши мумкин. Бу актлар - бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шаклларидан бири ҳисобланади;

бошқарув актлари - адресатга (яъни қайси шахсга қаратилган бўлса), императивлик, мажбурийлик хусусиятига эга, унда бир томон (маъмурий ҳуқуқ субъйекти)нинг тэгишли иродаси ифодаланган бўлади;

бошқарув актлари - хулқ-атворни, маълум бир қоидани ўрнатиш ва тартибга солиш хусусиятига эгадир;

бошқарув актлари - маъмурий-ҳуқуқий муносабатламинг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида ҳуқуқий асос болиб хизмат қилади.

Демак, бошқарув акти - бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шакли болиб, маъмурий ҳуқуқнинг тэгишли субъйекти (ижро этувчи ҳокимият органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда иродани ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга болган ва ижро этувчи ҳокимият соҳасидаги вазифа ва функсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган актдир.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича, бошқарувнинг ҳуқуқий актларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

Ҳуқуқий акт — бошқамв вазифалари ва функсияларини амалга ошириш учун бошқамв жараёнининг ўрнатилган қоидалари асосида тайёрланган ва қабул қилинган бошқарув қарорининг бир шаклидир. Бошқамв қарори ўз моҳиятига кўра бошқамв субъйектларининг режалаштирилган ва назарда тутилган ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий акт — компэтенсия доирасида ваколатли бошқарув субъйекти (давлат органи, мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

Ҳуқуқий акт — бир томонлама тартибда, яъни оммавий бошқарувнинг махсус органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинади. Бошқарув акти қаратилган субъйектлар ҳокимият иродасини ифодаловчи субъйектнинг ҳаракатига таъсир кўрсата олмайди.

Шу билан бирга, бошқарув акти қаратилган шахслар ёки ташкилотлар ҳуқуқий актнинг амал қилиши жараёнида унинг асосланганлиги ва қонунийҳгини аниқлашга (масалан, судда ишни кўриб чиқиш орқаҳ) ҳаракат

қилишлари мумкин. Ҳуқуқий акт суд тартибида ёки маъмурий тартибда кўриб чиқилиши ва қонунга зид деб топилиши мумкин.

Ҳуқуқий акт — бошқарув органининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалаш болиб, унда давлат-ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий актнинг намоён болиши давлат ва жамият манфаатлари билан изоҳланади ва у аниқ муносабатларни тартибга солишга, умуммажбурий қоидаларни ўрнатишга, шунингдек, бошқарув жараёнида вужудга келадиган низолами ҳал этишга қаратилган бўлади.

Ҳуқуқий акт — бошқарув соҳасидаги хулқ-атвор (юриш- туриш)нинг мажбурий қоидаларини, ҳуқуқ нормаларини белгилаб беради ёки аниқ бир бошқарув муносабатларини тартибга солади.

Ҳуқуқий акт — давлат бошқаруви соҳасида субъйектларнинг намунали хулқ-атвор доирасини белгилаб беради. У маъмурий- ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор болиши учун ҳуқуқий асосни яратади ёхуд бундай муносабатларнинг бевосита вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида юридик факт сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий актлар қонуний, яъни ҳуқуққа мос келади ёки қонун ости хусусиятига эга бўлади.

Ҳуқуқий акт — бошқарув органлари (мансабдор шахслар) фаолияти жараёнида фойдаланиладиган юридик аҳамиятга эга болган ҳужжатларнинг бир кўриниши ҳисобланиб, бир томонлама ҳокимият иродасини ифодалашни назарда тутмаган ва юридик аҳамиятга эга болган маълумотнома, хулоса, баённома, тафтиш далолатно- маси, инвентаризация, текшириш ҳужжатлари орқаҳ намоён бўлади.

Ҳуқуқий акт — махсус шаклга ҳамда қабул қилиш (тасдиқлаш)нинг алоҳида тартибига эгадир. Одатда улар муайян қоидаларга, яъни лойиҳани тайёрлаш, келишиш, муҳокама қилиш, експертизадан ўзтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва эълон қилиш тартибига риоя қилган ҳолда ёзма шаклда қабул қилинади.

Бошқарув ҳуқуқий актлари фақатгина бошқарув соҳаси билан чэгараланмайди. Ҳуқуқий актлар орқали бошқа ҳуқуқ тармоқлари предмэтини ташкил этувчи ижтимоий (масалан, молиявий, меҳнат, екологик) муносабатлар ҳам тартибга солинади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари қонунчилик ҳужжатларини янада аниқлаштириш мақсадида кўпгина масалаларни ҳал этади.

Бошқарув актларининг асосий хусусиятларидан яна бири — бу уларнинг юридик аҳамиятга эга еканлигидир, яъни:

биринчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — юридик фактлар сифатида намоён бўлади, ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишида, ҳуқуқ субъйектлари ҳуқуқий мақомига янгича тус беришда фактик асос бўлиб хизмат қилади (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ — давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини вужудга келтиради);

иккинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — ҳуқуқ нормаларини ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади; кенг доирадаги шахслар иштирок

этган муносабатларни бир хил тартибга солади; бошқарув тартибини, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини белгилаб беради.

Бошқарувнинг норматив ёки индивидуал актлари у ёки бу субъйектнинг хулқ-атворини, унга ҳуқуқлар бериш ёки аниқ мажбуриятлар юклаш орқали ёхуд ҳар иккисини ҳам ўрнатиш орқали тартибга солади;

учинчидан, бошқарув актлари бошқа ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишида хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вазирликлар, давлат қўми- талари ёки бошқа органларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинади;

тўртинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари маълум бир юридик жараёнда (масалан, судлар томонидан фуқаролик, маъмурий ёки жиноий ишларни кўриб чиқишда) далил сифатида намоён бўлади;

бешинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий актларнинг амал қилишида ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари амалга оширилишида хизмат қилади. Масалан, юридик шахсни давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги қарор мазкур шахснинг турли фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишга имконият беради;

олтинчидан, бошқарув актлари ҳуқуқий воситалар, жумладан: маъмурий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини ўз вақтида амалга ошириш; маъмурий ислоҳотларни олиб бориш; давлат бошқаруви мақсадларига еришиш; ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, давлат ва маҳаллий хизматчиларнинг иш фаолиятини ташкил этиш; фуқаролар ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Бошқарув ҳуқуқий актларининг хусусиятлари унинг моҳияти ва юридик табиатини, шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларга таъсирининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолиятининг бошқа шакллари

Бошқарув фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларидан бири — маъмурий-ҳуқуқий шартномалар тузиш ҳисобланади.

Ҳозирги шароитда маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг аҳамияти — ижтимоий муносабатларни тартибга солишда оммавий ҳуқуқнинг, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда шартномалар ролининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши нафақат ижро этувчи ҳокимият соҳасида интизом ва жавобгарликни кучайтиришга, балки шартнома воситаларини қўллаш орқали бошқарув вазифаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга йўналтирилган.

Маълумки, хусусий ҳуқуқ соҳасида шартнома субъйектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи одатий восита сифатида намоён бўлади. Бу муносабатлар, қоида бўйича, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади ҳамда унинг иштирокчилари тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш еса, норматив ва императив хусусиятга эга болган кўрсатмалар воситасида амалга оширилади. У умумий мақсадларга еришиш ва оммавий манфаатларни қондириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг иродаси ва хулқ-атворига ҳокимият-бошқарув таъсирини кўрсатади.

Оммавий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида усули ҳисобланган - шартномалардан ҳам фойдаланилади. Оммавий - ҳуқуқий соҳада шартномалар, оммавий манфаатларни қондириш мақсадида, бошқарув функсияларини (масалан, муволиқлаш- тириш, бўйсунув, ташкил этиш, тақсимлашни) ўз зиммасига олади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига нафақат моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар, яъни муносабат иштирок- чилари, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, ижро этиш тартибини ўрнатувчи нормалар орқали, балки унга маъмурий- процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш лозим бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар жараёни — бошқарувнинг маълум бир тури сифатида, маъмурий жараён таркибга киради.

Демак, маъмурий-ҳуқуқий шартнома — бу маъмурий- процессуал жараённинг бир тури болиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга.

Амалдаги қонунчиликда унинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар ваколатларнинг тақсимланиши ва юқоридан қуйига берилиши, маълум соҳаларда турли субъйектлар фаолиятини муволиқлаштириш, ресурслар- дан фойдаланиш мақсадида уларни бирлаштириш билан боглиқ горизонтал муносабатларда ифодаланишини кўрсатиб оладилар.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг мазмуни уларнинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Юридик адабиётларда берилган тушунчаларга таяниб, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларга махсус мажбуриятлар (шартлар)ни назарда тутадиган ва оддий фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасидан ташқари чиқадиган шартномаларни киритиш мумкин.

Давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари тушунчаси ва турлари:

Бошқарув жараёнида ижро этувчи органлар олдида турган вазифаларни муайян воситалар ва усуллар орқали амалга оширилади. Давлат бошқаруви усуллари ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бошқарилувчи обйект- ларга ва шахсларга маъмурий таъсир кўрсатиш мақсадида, қонун- чиликда рухсат этилган доирада қўлланиладиган усул ва воситалардир.

Бошқарув усули ҳуқуқий восита сифатида давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига еришиш, вазифаларини бажариш ва функ- сияларини амалга ошириш учун қўлланилади. Ўз навбатида, бошқарув усуллари бошқарув шаклари билан чамбарчас боғлиқ- дир. Чунки муайян

бошқарув ҳаракатлари натижасида юзага келган ҳуқуқий оқибат (ҳуқуқий акт) асосидагина бошқарув усуллари қўлланилиши мумкин. Аниқроғи, бошқарувнинг ҳуқуқий шакли болган бошқарув ҳужжатининг қабул қилиниши у ёки бу усулнинг қўлланилишига асос бўлади.

Бошқарув усуллари - ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бошқарув мақсадлари, вазифалари ва функсияларини амалга ошириш ҳамда ваколатларини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бошқарув усуллари муайян ижро этувчи органларнинг бошқарув мақсадларига қандай усул ва воситалар билан еришишини белгилаб беради.

Бошқарув усули бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига нисбатан мақсадга мувофиқ йўналтирилган таъсир этиш воситаси ҳамдир.

Бошқарув усулларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб олиш мумкин:

бошқарув усулидан фойдаланишдан асосий мақсад ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятида давлат бошқарувини таъминлашдан иборат;

бошқарув усуллари бошқарув фаолиятида қўлланилади;

давлат бошқарув субъйектлари ўртасида махсус ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради;

бошқарув усулларини қўллаш тартиби асосан ҳуқуқий актларда белгиланади;

давлат бошқарув усуллари бошқарув субъйектларининг ваколатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади;

бошқарув усулларининг қўлланилишини назарда тутувчи ҳар қандай аниқ ҳолатда бошқарув обйектининг хусусияти (жисмоний шахс, ташкилот, вертикал бўйсунувнинг мавжудлиги ва ҳоказо.) инобатга олинади.

Шундай қилиб, давлат бошқаруви усули дэганда давлат бошқа - рувини амалга ошириш мақсадида бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига ҳокимият таъсирини тушуниш мумкин.

Давлат бошқарув фаолиятида бошқарув обйектларига таъсир кўрсатишнинг икки асосий усули: ишонтириш ва мажбурлаш усуллари қайд этилган.

Ишонтириш - бошқарув усули сифатида шахснинг хулқ-атвори, онгига таъсир этиш учун турли хил тушунтириш, тарбиявий ва рағбатлантириш чораларидан фойдаланишни назарда тутади. Ушбу усул мақсадига шахсдан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ихтиёрий равишда риоя этишни талаб этган ҳолда унинг хулқига ахлоқий таъсир этиш орқали эришилади.

Ишонтириш усулининг тушунтириш, тарбиявий ва рағбатланти- риш чораларини қўллаш натижасида мақсадга эришилмаган тақдирда бошқарувнинг мақсад ва вазифалари мажбурлаш чоралари билан таъминланиши мумкин.

Мажбурлаш чоралари интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари сифатида намоён бўлади. Мажбурлаш чоралари муайян шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун таъсир чорасини

қўллашни назарда тутиши ёки айрим ҳолларда ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган болиши мумкин.

Бошқарув усуллари маъмурий ва иқтисодий усулларга ҳам болинади. Маъмурий усуллар бошқарув субъйектининг обйектга (фуқаролар, юридик шахслар, давлат хизматчилари) бир томонлама давлат-ҳокимият таъсири кўрсатиш орқали ифодаланади. Бунда ушбу усулни қўллаётган бошқарув субъйекти тэгишли бошқарилувчилар учун мажбурий болган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий актларни қабул қилади. Қабул қилинган қарор, буйруқ ёки фармойишнинг бажарилмаганлиги интизомнинг бузилиши ҳисобланиб, айбдорга нисбатан қонунда белгиланган мажбурлов чоралари қўлланилишига сабаб бўлади.

Маъмурий усуллар бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига таъсир кўрсатиш усуҳ сифатида бошқарилувчининг иродасини бошқарувчининг иродасига бўйсундиришда, яъни «ҳокимиятга бўйсундиришда» намоён бўлади. Бошқарув субъйекти ўзига берилган ваколатлар доирасида бир томонлама равишда тэгишли шакллар (ҳужжатлар) орқали ўзининг ҳукмрон иродасини ифодалайди, бошқарилувчилар учун бажарилиши мажбурий болган кўрсатмалар, топшириқлар беради. Ушбу топшириқларнинг мазмунини бошқарилувчилар учун бериладиган қайси ҳаракатларни қандай усулда ва қайси муддатда бажариш кераклиги ёки қайси ҳаракатлардан тийилиш лозимлигига доир кўрсатмалар ташкил қилади. Бундай усуллар муайян бошқарув ҳаракатиарини муволиқлаштириш, бошқарув мақсадларига еришиш, тартиб ва интизомни сақлаш учун ниҳоятда зарурдир.

Бошқарув обьектларига тўғридан-тўғри таъсир этиш (маъмурий усул)дан фойдаланмай туриб давлат бошқарувининг мақсад ва вазифаларига еришиб бўлмайди. Тўғридан-тўғри таъсир этиш — бошқарилувчининг иродасига бевосита таъсирни, буйруқ хусусиятига эга еканлигини, берилган кўрсатмаламинг бажарилишини рағбатлантиришни ўзида ифода этади.

Маъмурий усулларни қуйидаги асосларга кўра таснифлаш мумкин:

маъмурий усуллар ифодалаш шаклига кўра: ҳуқуқий (норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган, ҳуқуқий мазмунга эга), ташкилий (бошқарув субъйекти томонидан ташкилий-бошқарув ҳаракати арини амалга ошириш) усулларга болинади.

маъмурий усуллар маъмурий-ҳуқуқий хусусиятларига асосла- ниб: норматив ва индивидуал усулларга болинади.

маъмурий усуллар бошқарув обйектига таъсир кўрсатиш даражасига кўра: императив, яъни тақиқларни, тўғридан-тўғри маъмурий буйруқларни, давлат-ҳокимият кўрсатмаларларини назарда тутувчи, шунингдек, тэгишли ҳаракатларни содир этиш ёки тэгишли хулқ-атвоми амалга оширишга мажбурловчи усуллар; ваколат берувчи, яъни маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ёки бошқарувнинг тэгишли актини қабул қилишга рухсат берувчи усуллар; рағбатлантирувчи ва тавсия берувчи, яъни рағбатлантириш ёки маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш бўйича тавсиялар берувчи усулларга бўлинади.

Давлат бошқарувининг мақсад ва вазифаларига билвосита таъсир этиш, яъни иқтисодий усуллар орқали ҳам еришилади. Иқтисодий усуллар бошқарилувчиларга уларнинг манфаатларини қондириш, турли имтиёзли шарт-шароитлар яратишни назарда тутувчи билвосита таъсир усулидир.

Иқтисодий усулларнинг қўлланилиши натижасида: бошқарув натижаларига еришиш учун бошқарилувчи шахсларнинг онги ва иродасига таъсир кўрсатишга;

бошқарилувчи субъйектларнинг манфаатларига, еҳтиёжларига таъсир кўрсатиш орқали, уларнинг намунали хулқ-атворда болишини таъминлашга;

маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорлар қабул қилишни белгиловчи бошқарув актлари чиқаришга еришилади.

Иқтисодий усулларнинг қўлланилиши маъмурий ёки бошқа усуллар билан чамбарчас боғлиқ. Иқтисодий усуллар орқали муайян имтиёзларминг, шарт-шароитларминг ўрнатилиши натижасида бошқарувнинг самарадорлигига маъмурий усуллар ёки бошқа таъсир чоралари қўлланилиши оқибатида еришиш мумкин (масалан, солиқ- ларни ўз вақтида тўлаш ҳуқуқ субъйектларининг мажбурияти ёки улар мажбурий чоралар билан таъминланган бўлса-да, иқтисодий усул сифатида солиқ имтиёзи ўрнатиш усулининг қўлланилиши натижасида бошқарув жараёнида муайян самарали натижага олиб келиши мумкин).

Иқтисодий усулларга меҳнат жамоаларини ҳам, алоҳида ходимлами ҳам моддий рағбатлантиришда фойдаланиладиган усулларнинг барчаси киради. Иқтисодий усуллар тизими фойда, иш ҳақи, мукофотлар, кредит, баҳо кабиларни ўз ичига олади. Бирламчи давлат ёки маҳаллий ишлаб чиқариш ташкилоти (корхона, бирлашма) даражасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда иқтисодий рағбатлантириш, хўжалик мустақиллиги, солиққа тортиш сиёсати кабилар алоҳида ўрин тутади.

Иқтисодий рағбатлантириш бошқарув усул сифатида режали равишда ишлаб чиқиладиган ва амалга ошириладиган ҳамда меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилган тадбирлар лизимидир.

Иқтисодий рағбатлантириш ижтимоий (меҳнат жамоаларининг манфаатлари) ва шахсий манфаатларминг; ходимларминг юксак онглилигига асосланган иқтисодий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг; меҳнат жамоалари ва мансабдор шахсларнинг белгиланган топшириқлар ва мажбуриятларни бажармаганлиги ҳамда ишдаги хатолари учун моддий жавобгарлигини назарда тутувчи иқтисодий жазоларнинг уйғунлигига асосланади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У меҳнатга ишнинг миқдори ва сифатига қараб ҳақ то лаш принсипининг қўлланишини, меҳнат натижаларининг тўғри баҳола- нишини, иш ҳақининг корхона, бирлашма, ташкилот фойдаси билан алоқадорлигини билдиради. Моддий рағбатлантириш турларидан бирини орган, корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларини иш ҳақи фондидан мукофотлаш, йил натижалари

бўйича мукофотлаш ҳамда моддий рағбатлантириш фондидан бериладиган бир марталик толовлар ташкил қилади. Рағбатлантириш фондларининг ҳажми рентабеллик даражасига, шунингдек меҳнат унумдорлигининг ўсиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатининг яхшиланиши кабиларга боғҳқдир.

Меҳнат жамоаси (корхона, бирлашма) хўжалик мустақиллиги асосида фаолият кўрсатиб, ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган даромадлар ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқариш, илмий тадқиқот ҳамда лойиҳа ва конструкторлик ишлари, маҳсулот ва техниканинг янги турларини ўзлаштириш, бошқарув аппаратини сақлаш учун сарфланадиган харажатлами толиқ қоплайди.

Олинадиган фойда буджэт, банклар билан ҳисоб-китоб қилиш, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий рағбатлантириш фондлари ва захираларини ташкил қиҳш учун ишлатилади. Даромадларнинг харажатлардан кўплиги ишнинг рентабелли еканидан далолат беради. Моддий манфаатдорлик икки таркибий қисмдан иборат: моддий рағбатлантириш ва моддий жавобгарлик. Моддий рағбатлантириш чоралари ходимларга самарали меҳнати учун мукофотлар кўринишида бериладиган моддий неъмат- ламинг кўпайиб боришини назарда тутади. Моддий жавобгарлик чоралари еса ходимларнинг фаолияти зарар келтирган ҳолларда улар оладиган моддий неъматлар миқдорининг камайтирилишини назарда тутади.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларига кредит киради. Кредит ёрдамида қўшимча капитал сарфлашни талаб этадиган ишлаб чиқариш вазифалари ҳал қилинади. Кредитдан фойдаланиш евазига ишлаб чиқариш ва товарлар шаклидаги фондламинг пул шаклидаги фондларга айланиш жараёни тезлашади, ишлаб чиқариш ва муомала вақти қисқаради, пул маблагларининг айланиши тезлашади. Кредит ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда фан-техника тараққиётини амалга ошириш учун зарур болган пул маблагларининг йирик манбаидир.

Бошқарувда бошқа иқтисодий усуллар, чунончи, солиққа тортиш сиёсати ҳам муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун солиқнинг мақбул фоизини белгилаш ушбу ташкилот- нинг маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан манфаатдор болишига ёрдам беради ва аксинча, солиқни асоссиз равишда кўпайтириш ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирмайди. Жамият учун муҳим болган ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш мақсадларида давлат имтиёзли солиқлар белгилайди.

Бошқарувнинг иқтисодий усулларидан фойдаланиш уларнинг самарадорлигини назорат қилишининг амалий тизими болишини талаб этади. Маълумки, моддий мукофот, айниқса индивидуал мукофот миқдорини ошириш, агар у тўғри танланган бўлса, одатда кутилган натижага еришилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, иқтисодий усулларни нотўғри қўллаш моддий мукофотлашнинг кутилган самара бермаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, асоссиз равишда моддий мукофот бериш кўп ҳолларда салбий

оқибатларга олиб келади, моддий рағбатлантиришнинг таъсир кучини камайтиради. Мукофот миқдорининг ҳаддан ташқари камлиги одатда рағбатлантирувчи таъсир кўрсатмайди.

Ички ишлар органларида ходимларни хизматда еришган катта ютуқлари учун пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар билан мукофотлаш, лавозим маошини ошириш каби моддий рағбат- лантириш шакллари кенг қўлланилади.

Бошқа иқтисодий чоралар чекланган соҳаларда қўлланилади, чунки ички ишлар органлари ишлаб чиқариш фаолияти билан уларнинг ишлаши учун зарур шароитлами таъминлашга керак болган даражадагина шуғулланадилар. Улар давлат буджэти ҳисобидан мо- лиялаштириладилар, шу сабабли кредит, солиққа тортиш, фойда, баҳо каби усулларни жорий этишнинг обйектив шароитларига эга емаслар.

Шу билан бирга, бошқарувнинг иқтисодий усуллари Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимига кирувчи ишлаб чиқариш корхоналари ва бирлашмаларининг фаолиятида толиқ ҳажмда қўлланилади.

Бошқарувнинг маъмурий ва иқтисодий усуллари билан бир қаторда, инсонга маънавий, руҳий таъсир кўрсатиш усуллари кенг қўлланилади. Шу сабабли бошқарув таъсири кўрсатишнинг ижтимоий- психологик усуллари мустақил гуруҳ сифатида ажратилади.

Бошқарувнинг маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-психологик усуллари бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига таъсир кўрсатишининг турли усулларини ифодалайди ҳамда ўзаро богликдир. Ушбу усулларнинг ҳар бири иродавий йўналишга, иқтисодий мазмунга эга болиши ҳамда ижтимоий-психологик таъсир кўрсатиши мумкин. Бошқарув амалиётида усуллар бир-биридан ажратилган ҳолда қўлланилмайди. Барча усуллар ягона вазифага эга, яъни бошқарув мақсадларига еришишга хизмат қилади. Уларни муайян бошқариш субъйектлари қўллайдилар ҳамда шу бошқариш обйект- ларининг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатадилар. Бир бошқарув субъйектига бир вақтнинг ўзида бир неча усуллар қўлланилиши мумкин. Бошқарувнинг барча усуллари мазмуни, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги ва ташкилий шаклига кўра амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мос келиши керак.

Турли хил бошқарув вазиятлари, тармоқлари ва соҳаларида у ёки бу усуллардан кўпроқ фойдаланиш мумкин. Масалан, ишлаб чиқаришни бошқариш соҳасида иқтисодий усуллар афзал деб топилади, бошқарувнинг таълим, маданият, согликни сақлаш соҳаларида ижтимоий-психологик усуллар кенг қўлланилади; мудофаа, ички ишлар, миллий хавфсизлик соҳаларида маъмурий усуллар устунлик қилади.

Бошқарувнинг муайян усулларини танлаш ва уларни амалда қўллаш субъйектив ва обйектив хусусиятга эга болган бир қатор омиллар билан боғлиқ.

Субъектив омил бошқарув таъсири кўрсатиш усулларидан фойдаланишда алоҳида аҳамиятга эга. Этарлича малакага эга бўлмаган

ходимнинг бошқамв усулларидан фойдаланишга авторитар ёндашуви салбий оқибатларга, бошқарув мақсадларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Шу сабабли раҳбарлар тайёргар- лигининг сифати ва даражаси, уларнинг билимдонлиги, шунингдек раҳбарларнинг қабул қилаётган бошқарув қарорлари, уларни амалга ошириш усулларини танлаши учун масъулиятини ошириш катта аҳамиятга эга.

Бошқарув усуллари бошқарувнинг реал жараёнида қўлланилади. Бунда бошқамв тизими олдида турган мақсад ва вазифалар, бошқарув субъйекти ва обйектининг хусусиятлари, муайян ҳаё- тий вазиятнинг табиати ва ўзига хос жиҳатлари, мавжуд усуллардан фойдаланиш самарадорлиги, бошқарув тизимининг амал қилишидаги ички ва ташқи ҳолатлар ҳамда бошқарув субъйектининг ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа обйектив омиллар инобатга олиниши лозим.

Шу сабабли бошқарув усулларидан фойдаланишнинг субъйектив омиллари обйектив шарт-шароитдан келиб чиқиши керак. У ижтимоий бошқарувнинг обйектив қонуниятлари ва ҳтиёжларига бўйсун- дирилиши лозим. Ҳар қандай қарор амалий тажриба ва ишни ҳар томонлама ўрганишга асосланиши зарур.

Ички ишлар органларининг бошқарув тажрибасида, бошқарувнинг бошқа тизимларида бўлгани каби, бошқарув усулларини танлаш ва қўллашда қуйидаги вазифалар ҳал қилинади: бошқарув ишини ҳал қилиш учун енг самарали усулларни ёки уларнинг енг мақбул мажмуини аниқлаш; бошқарув жараёнида танланган усуллардан моҳирлик билан фойдаланиш.

Давлат бошқарувида маъмурий мажбурлаш ва унинг хусусиятлари

Маъмурий мажбурлаш давлат мажбурловининг муҳим таркибий қисми сифатида маъмурий ҳуқуқ нормаларига мувофиқ қўлланиладиган ҳуқуқий мажбулов туридир.

Юридик адабиётларда «маъмурий мажбурлаш» атамасининг талқинига оид бир неча ёндашувлами учратиш мумкин. Маъмурий мажбурлашга, энг аввало, маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан мустаҳкамланган ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида қаралади. Ҳуқуқий тизимнинг алоҳида тармоғи сифатида маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмэти нуқтаи назаридан маъмурий мажбурлаш давлат бошқарувини амалга оширишда жорий этилади. Маъмурий мажбурлов чораларини маъмурий қонунчиликда мус- таҳкамланганлигини инобатга олган ҳолда, ушбу мажбурлов турини тартибга солувчи нормалар маъмурий ҳуқуқнинг мустақил ҳуқуқий институти маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов институти сифатида ҳам эътироф этилади. Шу ўринда маъмурий-ҳуқуқий мажбурлаш билан маъмурий мажбурлаш тушунчаларини бир-биридан фарқлаш мумкин. Бу тушунчалар ўртасидаги фарқларнинг юзага келишига, «маъмурий мажбурлаш» атамасининг ҳуқуқий асослари, қоллаш тартиби ва субъйектлари нуқтаи назаридан талқин қилинишида турли ёндашувларнинг мавжудлиги сабаб болмоқда.

Ўз навбатида, маъмурий мажбурлаш — ҳуқуқий мажбурловнинг соҳавий тури сифатида ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатларнинг содир этилиши

ёки жамоат хавфсизлигига ёхуд шахснинг хавфсизлигига таҳдид соладиган ҳолатлар юзага келиши муносабати билан айбдор шахсларнинг юридик мажбуриятларини оғишмай бажаришини таъминлашга қаратилган маъмурий ва маъмурий — процессуал ҳуқуқ нормаларида белгиланган мажбурий таъсир чораларининг функсионал ҳокимият субъйектлари томонидан қўлланилишида ифодаланган давлат бошқаруви усулидир.

Маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлаш маъмурий ҳуқуқда ўзига хос хусусиятга эга болиб, алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади. Айтиш жоизки, бугунги кунга қадар маъму- рий-ҳуқуқий фанда маъмурий мажбурлаш чораларига нисбатан уму- меътироф этилган ягона фикр, қараш йўқ. Шу билан бирга, соҳа олимларининг кўпчилиги маъмурий мажбурлаш чораларини тасниф- лашда асосий мезон сифатида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш усули ва ушбу чораларни қўллаш мақсадини асос қилиб оладилар.

Маълумки, дастлаб рус олими М.И. Йеропкин ҳам маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлашда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш усулидан келиб чиқиб, маъмурий мажбурлаш чораларини уч гуруҳга тақсимлаган:

маъмурий олдини олиш чоралари;

маъмурий чеклаш чоралари;

маъмурий жазо.

Маъмурий-ҳуқуқий мажбурлов чораларини таъсир этиш усулига кўра олдини олиш, чеклаш, жазо турларига ажратиш ҳақидаги ликрни яна бир неча олимлар қўллаб-қуwатлади.

Юридик адабиётларда маъмурий мажбурлаш чораларининг ушбу таснифидан ташқари бошқа таснифлари ҳам мавжуд. Жумладан, Д.Н.Бахрах маъмурий мажбурлашнинг уч турини, яъни маъмурий жазо, маъмурий чеклаш, тикловчи чоралами қайд этади. АП.Коренев еса, маъмурий мажбурлаш чораларини маъмурий олдини олиш, маъмурий чеклаш, маъмурий жазо, маъмурий-процессуал таъминлаш чораларига ажратади.

Ушбу таснифда келтирилган маъмурий-процессуал таъминлаш чоралари Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғри- сидаги кодексининг 285-моддасида санаб ўтилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ишларни юритишни таъминлаш чоралари маъмурий олдини олиш (шахсни кўрикдан ўтказиш, ашёларни кўздан кечириш), маъмурий чеклаш(маъмурий йўл билан ушлаб туриш, транспорт воситасини бошқаришдан чэтлатиш) чораларида ўз ифодасини топган.

Маъмурий олдини олиш чоралари маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўймаслик ниятида қўлланилади. Хусусан, бу гуруҳда одамлар ёки ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликлар пайдо болганда шу ҳудудда карантин еълон қиҳниши; давлат чэгараларини ёпиш; йўл ҳаракатини чеклаш ва тўхтатиш; транспорт устидан техник назорат ўтказиш; санитария назорати; ёнғиннинг олдини олиш назорати; ҳужжатларни текшириш; олиб кэтилаётган ёки олиб келинаётган молларни текшириш; ички ишлар органларига фуқаролами оҳб кеҳш, рўйхатдан ўтказиш ва расмий огоҳлантириш (агар фуқаронинг ҳуқуқбузарлик йўлига кирмоқчи бўлгани тўғрисида ахборот бўлса); жазони

ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар устидан маъмурий назорат ўрнатиш ва ҳоказолар киради.

Шахсни кўрикдан ўтказиш ва ашёларни кўздан кечириш. Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 289-моддасига асосан, шахсни кўрикдан ўтказиш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органлари ва чэгара қўшинларининг ваколатли шахслари, Ўзбекистон Республикаси қонунларида бевосита назарда тутилган ҳолларда еса, шунга ваколати болган бошқа органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Шахсни кўрикдан олказиш кўрикдан олказилаётган шахс билан бир жинсда болган шахслар томонидан ва шу жинсдаги икки нафар холис иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Ашёларни кўздан кечириш ички ишлар органларининг, ҳарбий соқчилик, ҳаво транспортининг, божхона органларининг, чэгара қўшинларининг, солиқ органларининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги болинмаларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларининг, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда еса, тэгишли ваколати болган органламинг бошқа ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

Назорат учун саволлар

1. Давлат бошқаруви тушунчаси?
2. Давлат бошқаруви мақсади?
3. Давлат бошқаруви вазифалари?
4. Давлат бошқаруви тамойиллари?
5. Давлат бошқаруви субъйекти?
6. Давлат бошқаруви объйекти?
7. Давлат бошқарувини ташкил этиш?
8. Давлат бошқаруви муносабатларини тартибга солувчи нормалар?

1.2. Маъмурий ҳуқуқ фани предмети, тизими ва манбалари

1. Маъмурий ҳуқуқ фани тушунчаси, предмети ва вазифалари.
2. Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси.
3. Тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули.
4. Маъмурий ҳуқуқ тизими ва манбалари.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: «Маъмурий ҳуқуқ» атамаси, Республика, Суверенитет, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими, молия ҳуқуқи, Ўзбекистон - демократик давлат, Конституциявий ҳуқуқ фани.

«Маъмурий ҳуқуқ» атамаси лотинча «Администратио» сўзидан олинган бўлиб, «бошқарув ҳуқуқи» маъносини англатади. Шу сабабли, «Маъмурий ҳуқуқ» фанининг мазмун-моҳиятини очиб беришдан awal «бошқарув», «давлат бошқаруви» тушунчаларини англаб олиш лозим.

Бошқарув давлат пайдо болмасдан олдин вужудга келган бўлиб, кимни, нимани ёки қандайдир фаолиятни «йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш» маъносини англатади.

XX асрнинг 60-йилларида турли соҳалардаги бошқарув жараёнини ўрганувчи фан - кибернетика вужудга келди. Математик аппарат, математик мантиқ ва функсия назариясидан фойдаланиб, автоматик тартибга солиш, ахборот ва илм-фаннинг кўпгина бошқа соҳаларидаги енг муҳим тажрибаларни (ютуқларни) бирлаштириш имконини берди.

давлат хизмати, яъни давлат ва жамиятнинг барча соҳаларида фаолият кўрсатиш:

а) ижтимоий-маданий соҳаларни (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муқофаза қилиш) бошқариш;

б) иқтисодиёт соҳаларини (саноат, қишлоқ ва сув хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари) бошқариш;

в) маъмурий-сиёсий соҳаларни (мудофаа, давлат хавфсизлиги, адлия, ички ишлар, ташқи ишлар) бошқариш;

нодавлат, жамоат, диний, халқаро, ҳорижий ташкилотларда хизмат кўрсатиш;

жамиятнинг турли соҳаларида маълум бир еҳтиёжларни қондириш мақсадида ижтимоий фаолият билан шуғулланиш ва бошқалар.

Таниқли рус ҳуқуқшунос олими Бахрах Д.Н.нинг фикрича: «Инсонларнинг, шунингдек давлат ва жамиятнинг мақсадга мувофиқ фаолият йўналишларидан бири - бу хизматдир. Бу тушунча турли

маъноларда: инсоннинг фаолият тури сифатида, ижтимоий-ҳуқуқий институт сифатида, давлат органларининг махсус тизими маъносида ишлатилиши мумкин.

Хизмат - бошқарувдан, давлат фаолиятини амалга оширишдан, бошқарувни таъминлашдан аҳолига ижтимоий-маданий хизмат кўрсатишдан иборат.»

Хизматнинг (шу жумладан, ижтимоий фойдали фаолиятнинг) асосий тури - бу давлат хизмати ҳисобланади. Кўпгина дарсликларда давлат хизмати давлат органлари ходимларининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган меҳнат фаолияти сифатида кўрсатиб ўтилади.

Таниқли рус ҳуқуқшуноси Манохин В.М.нинг фикрича : «давлат хизматининг моҳияти, ўзига хос хусусиятларини, давлат хизматининг вазифа ва функцияларини - давлат хизмати ва давлат вазифалари, функциялари, давлат фаолияти шаклларининг ўзаро нисбати орқали аниқлаш мумкин.»

Таниқли рус ҳуқуқшунос олими Козлов М.нинг фикрича: «давлат хизмати дэганда - давлат органларида амалга ошириладиган ҳамда ишчиларининг меҳнатидан мазмуни ва шакли жиҳатидан фарқ қиладиган ҳар қандай фаолият тушунилади».

Давлат ва маҳаллий органларидаги хизматнинг зарурияти давлатнинг мавжуд бўлишидан, унинг вазифа ва функцияларидан, шунингдек давлат органларини (қонунчилик, ижро этиш ва суд ҳокимияти) ташкил этиш еҳтиёжидан келиб чиқади. Айнан хизматчилар кўпгина давлат органлари структурасида, муассаса ва ташкилотларида, бошқарув ҳамда бошқарилувчи тизим ичида персонал сифатида ҳаракат қилади; уларнинг ўз вазифаларини виждонан бажариши давлат ва жамиятда ҳуқуқий тартиботни ўрнатишда хизмат қилади.

Давлат хизмати тушунчасини бир неча маъноларда кўриб чиқишимиз мумкин:

ижтимоий маънода, яъни рус олими Бахрах Д.Н.нинг фикрича: “давлат хизмати ижтимоий катэгория бўлиб, давлат ташкилотида маълум бир лавозимни эгаллаб турган шахс томонидан давлатнинг кўрсатмасига кўра ижтимоий фойдали фаолиятни амалга ошириш”;

сиёсий маънода – давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган фаолият бўлиб, давлатнинг мақсад ва вазифаларига барча ишлаб чиқилган сиёсий куч орқали еришиш; давлат хизмати жамиятдаги мувозанатнинг асосий кўринишидир;

ҳуқуқий маънода – давлат-хизмат муносабатларини ҳуқуқий ўрнатиш бўлиб, мансаб мажбуриятлари, хизматчиларнинг ваколатлари, давлат органларининг компэтенциясини бажарилиши таъминланади. Давлат хизмати мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлиб, уни ўрганиш давлат хизматининг ижтимоий ва ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишни талаб қилади. Бу институт давлат-хизмат муносабатларини тартибга солувчи меъёрлар йиғиндисидан иборат бўлиб, у орқали хизматчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, уларга белгиланадиган

чекловлар, жавобгарлик ҳамда давлат хизматини ўташ, хизмат муносабатларининг юзага келиши ва бекор бўлиши тартибга солинади. Демак, давлат хизмати ҳуқуқий институт бўлиб, турли ҳуқуқ соҳаларининг меъёрларидан ташкил топади, кичик институтларни ўз ичига олади;

ташкилий маънода - давлат хизмати давлат аппаратининг ташкилий-функционал елементлари билан алоқада бўлади; у қуйидаги елементлардан ташкил топган тизим сифатида намоён бўлади:давлат аппарати фаолиятининг ташкилий ва процессуал асосларини ташкил этиш, лавозимларнинг қурилиши ва уларнинг ҳуқуқий кўриниши, ходимларни аниқлаш, баҳолаш. Давлат хизмати давлатни мустаҳкамлашнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, давлат ҳокимиятини мустаҳкамлайди ва фуқаролик жамиятининг нормал функцияланишини таъминлайди.

Давлат хизмати тушунчасини кенг маънода олиб кўрадиган бўлсак, бу давлат органлари томонидан бошқарувнинг кадрлар функциясини амалга ошириш, давлат органлари аппаратида доимий ёки вақтинча мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат бюджэтидан маблағ билан таъминланувчи барча шахсларнинг фаолиятидир.

Рус олими Манохин В.М. томонидан давлат хизматига берилган тушунча юридик адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унинг фикрича, давлат хизмати - бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далат органлари ва ташкилотларининг фаолияти еса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади.

Давлат хизмати давлат аппаратини бошқаришни ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг асосий турларидан бири бўлиб, давлат олдида турган вазифаларнинг самарали амалга оширилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматининг асосий мақсади - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига билан белгиланган тамойиллар ва бошқа ҳолатларга асосланиб, давлат функцияларини амалга ошириш, унинг вазифаларини бажариш, жамият ва фуқаролар еҳтиёжларининг қондирилишини таъминлашдан иборатдир.

Давлат химати тушунчасини функционал маънода ҳам олиб қарашимиз мумкин. Функционал маънода давлат хизмати давлат фаолиятининг, давлат органлари аппаратининг, маъмурий-бошқарув тузилмалари фаолиятининг алоҳида тури ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Жумладан давлат хизматчилари:

фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар;

бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан ҳуқуқий-ҳокимият кўрсатмаларини амалга оширадилар, масалан, фармойиш ва буйруқлар бериш, кўрсатмалар бериш ва ҳ.к.лар;

юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни юридик ва жисмоний шахслар ҳамда ҳуқуқнинг бошқа субъектларига нисбатан давлат

мажбурлов чораларини қўллайдилар, масалан, интизомий, маъмурий ва бошқалар;

ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар, масалан, мажлислар, йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга олиб келади, чунки уларнинг фаолияти жараёнида ҳуқуқий муносабатлар юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши мумкин. Давлат хизматчилари фаолиятининг барча шакллари давлат томонидан амалга ошириладиган раҳбарликнинг зарурий елементлари бўлиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш билан чамбарчас боғликдир.

Хизматчилар аксарият ҳолларда маъмурий функцияларни амалга оширадилар, масалан, бошқарув, ташкиллаштириш, контрол, режалаштириш, ҳисобга олиш, раҳбарлик ва бошқалар. Бошқарув ходимлари ўзининг мақсади, вазифалари, мазмуни ва натижалари жиҳатидан ижтимоий меҳнат билан банд бўлади. Бундай бошқарув фаолияти жараёнида, қоида бўйича, моддий бойликлар бевосита яратилмайди. Бу фаолият асосан ижтимоий ривожланишнинг, давлат қурилишининг мақсади, вазифалари ва йўналишларини ишлаб чиқиш, аниқ бир давлат-ижтимоий организмни ташкил этиш, жамият фаолиятини тартибга солишга қаратилади. Хизматчиларнинг меҳнати - инсонларнинг онгига таъсир этувчи интелектуал, руҳий, жавобгар фаолият тури бўлиб ҳисобланади.

Давлат хизматининг умумий хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, уларга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиларининг давлат хизматини давлат органида назарда тутилган штат жадвали асосида олиб бориши;

иккинчидан, давлат хизматчиларининг белгиланган пул мукофоти евазига давлат органи ваколатларини, мансаб мажбуриятларини амалга ошириши.

Давлат хизматчиларининг фаолияти турли кўринишларга эгадир. Жумладан давлат хизматчилари: фармойиш бериш, тартибга солиш характеридаги ваколатларни амалга оширадилар; бошқарув тизимида ҳуқуқнинг турли субъектларига нисбатан юридик-ҳокимият кўрсатмаларини берадилар; юрисдикцион ҳаракатларни амалга оширадилар, яъни давлатнинг мажбурлов чораларини қўллайдилар; ташкилий ҳаракатларни ва моддий-техник операцияларни амалга оширадилар; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни амалга оширадилар.

Демак, давлат хизматчиларининг фаолияти муҳим ҳуқуқий оқибатларга эга бўлиб, ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Давлат хизматининг ҳуқуқий асослари ва асосий тамойиллари.

Ўзбекистон Республикасида барча бўғиндаги давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш ташаббуси Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримовга тэгишлидир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ иккинчи сессиясида Президентимиз томонидан давлат хизматини қайта ташкил этишнинг асосий тамойиллари, лавозимлар рўйхатини қайта кўриб чиқиш, давлат хизматчилари ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг доирасини белгилаш, давлат хизматини ўташ тартиби бўйича фикрлар билдирилган.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ҳуқуқий тартибга солиш масаласига тўхталадиган бўлсак, комплекс равишда турли қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Жумладан, давлат хизмати соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа қонунчилик соҳалари билан ҳуқуқий тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб берса, уни амалга ошириш еса давлат хизмати тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари асосида тартибга солинади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозирги кунга қадар давлат хизмати тўғрисида алоҳида қонун қабул қилинмаган.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ташкил этиш асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгилаб беради. Конституцияни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, миллий давлатчилигимизни ташкил этиш ва ривожлантиришда «давлат хизмати институти» катта аҳамиятга эгадир. Давлат хизматини тўғри ташкил қилиш орқали ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга еришишимиз мумкин. Чунки давлат хизмати ижтимоий мувозанатни, ички ва ташқи хавфсизликни ҳамда иқтисодиётни ривожлантиришда барча инфраструктураларнинг функцияланишини таъминлашда хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан белгилаб берилган асосий вазифаларни бажаришда давлат хизмати катта рол ўйнайди. У демократик мувозанатни, ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига риоя қилинишини ҳамда инсон ҳуқуқлари ва еркинликларининг муҳофазасини таъминлайди. Давлат хизмати орқали давлат сиёсати, олиб борилаётган ислоҳотлар демократик тарзда ҳаётга татбиқ қилинади.

Барча давлат хизматчилари ўз фаолиятларини Конституция ва амалдаги қонунлар асосида олиб бориш, Конституция ва қонунлардан келиб чиқадиган талабларни ҳаётга татбиқ қилишлари ҳамда бу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устунлигини таъминлаш мақсадида ташкил қилишлари лозим. Давлатимиз олдига қўйилган мақсадларнинг рўёбга чиқиши кўп жиҳатдан давлат органларини ва уларнинг фаолиятини, яъни давлат хизматини тўғри ташкил этишга боғлиқдир.

Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилган тамойиллар ва бошқа ҳолатлар асосида, яъни халқ ҳокимиятчилиги (7-14-моддалар), инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликлари (18-52-моддалар), давлат

тузилиши (68-75-моддалар), президентлик институти (89-97-моддалар), Ҳукумат (98-модда), суд ҳокимияти (106-116-моддалар), маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (99-105-моддалар) ва бошқалар асосида ташкил этилиши ва ривожланиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини тартибга солишда Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, «Марказий банки тўғрисида»ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги ва бошқа қонунлари ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Давлат хизмати соҳасида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Бизга маъмурий ҳуқуқ фанидан маълумки, давлат хизмати маъмурий ҳуқуқнинг асосий ва ривожланиб бораётган институтларидан бири ҳисобланиб, давлат хизматини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.

Давлат хизмати - маъмурий ҳуқуқнинг асосий қисмларидан бири бўлиб, давлат хизматини ташкил этиш босқичида, шунингдек унинг функцияланишида деярли барча маъмурий-ҳуқуқий институтларни - ижро ҳокимияти, давлат бошқаруви, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, маъмурий ҳуқуқ субъектлари, давлат ва маҳаллий бошқарув органлари, маъмурий-ҳуқуқий усул ва шакллар, давлат мажбурлов чоралари, маъмурий жавобгарлик, ижро ҳокимияти тизимида контрол ва назорат ва бошқаларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи (қонунчилиги) меъёрлари давлат хизмати учун маълум бир кафолатларни ўрнатиб беради. Меҳнат ҳуқуқи меъёрлари: давлат хизматчилари билан тузиладиган меҳнат шартномалари (контракт)ни тузишни, танлов (конкурс) асосида лавозим ёки мансабни эгаллашни, хизматчиларнинг мансаб окладларини ўрнатишни, хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган интизомий жавобгарликни ва уни қўллаш тартибини белгилаб беради. Бундан ташқари меҳнат фаолиятидаги асосий ҳолатлар, яъни хизматчилар меҳнат фаолиятининг давомийлигини, дам олиши, мехнат таътили, ижтимоий таъминот масалалари ҳам меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Меҳнат қонунчилиги давлат хизматида ички тартиб қоидаларига риоя этилишини ҳам таъминлайди.

Давлат хизматини тартибга солишда жиноят қонунчилиги меъёрлари ҳам алоҳида бир ўринни эгаллайди. Жумладан мансабдор шахс тушунчаси, айнан шу қонунчиликда берилгандир. Давлат хизматидаги коррупцияга қарши курашишда жиноят қонунчилиги меъёрларининг тутган ўрни каттадир.

Охирги вақтларда бюджэт, солиқ, банк ва бошқа молиявий муносабатларнинг ривожланиши давлат хизматини тартибга солишдаги молия қонунчилигининг аҳамиятини янада оширди. Давлатнинг молиявий

фаолияти давлат бошқарувининг бир кўриниши бўлганлиги сабабли ҳам, давлатнинг молиявий фаолияти давлат хизматчилари томонидан амалга оширилади. Ҳуқуқий тартибга солиш усулига кўра молия қонунчилиги маъмурий қонунчиликка ўхшаб кэтади, яъни буларнинг иккаласи ҳам давлат ҳокимият кўрсатмалари усулига ва субъектларнинг тенгсизлигига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддалари бевосита давлат хизмати билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий тамойилларини мустаҳкамлайди. Масалан, давлат хизматида қонунийлик, инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва еркинликларининг устунлиги, давлат хизмати соҳасида ваколатларнинг тақсимланганлиги, давлат хизматида иштирок этувчи фуқароларнинг тенглиги ва бошқа конституциявий тамойилларни кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматини ташкил этишнинг асосий тамойилларидан бири - бу давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъуллигидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Бу ҳолат ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг асосий белгисидир. Давлат, унинг органлари инсонлар учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасида Конституциянинг ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат хизматчилари амалдаги қонунчилик ҳужжатларига таяниб, фақатгина давлат органининг ваколат доирасида ўз фаолиятларини амалга оширишлари, қонунчилик билан уларга юкланган вазифаларни ўз вақтида бажаришлари, берилган ҳуқуқлардан тўғри фойдаланишлари, белгиланган тартибга риоя қилишлари лозим. Қонунийлик тамойилига биноан давлат хизматини ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши ҳуқуқ меъёрларига асосланиши ҳамда жамият ва фуқароларнинг манфаатларини таъминлаган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатиб ўтилган давлат ҳокимиятининг тизими асосида, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши асосида ташкил қилинади. Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Ҳокимият органлари бир-биридан мустақил бўлиб, уларнинг ҳар бири давлат олдида турган маълум бир вазифа ва функцияларни амалга оширадилар. Ҳуқуқий демократик давлат қуришнинг муҳим белгиларидан бири - бу давлат ваколатларини ҳокимият органлари ўртасида тақсимлашдир.

Қонунчиликка биноан фуқаролар давлат хизматида бевосита иштирок этишлари мумкин. Бундай иштирок давлат хизматида маълум бир фаолиятни амалга ошириш ёки давлат органларига мурожаат қилиш орқали амалга оширилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига биноан фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Конституциянинг 35-моддасига биноан еса ҳар бир шахс

бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Шу ҳолатни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, давлат хизматида бевосита иштирок этишга фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқароларигина эга бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат хизматида иштирок этувчи барча фуқаролар бир хилдаги ҳуқуқларга эга бўлиб, миллати, жинси, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа белгиларидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Давлат хизматида фуқароларнинг фаолият кўрсатишида, мансаб ёки лавозим бўйича ҳаракатланишида давлат томонидан тенг шарт-шароитлар яратиб берилади.

Давлат хизматини амалга оширишда ошкоралик тамойили ёрдамида давлат органлари ва давлат хизматчиларининг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни олиш таъминланади. Ҳар қандй давлат хизмати ошкоралик тамойили асосида ташкил этилиши ва амалга оширилиши лозим. Ошкоралик тамойили орқали бир томондан фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида иштирок этишини, иккинчи томондан еса, давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда фуқароларнинг фикрини еътиборга олиш таъминланади. Давлат хизматида ошкораликни таъминлаш учун қуйидагилар зарурдир:

биринчидан, фуқаролар фикрини инобатга олиш механизмини ташкил этиш;

иккинчидан, давлат органлари, давлат хизматчилари фаолиятига нисбатан фуқаролар билдирган фикрлар муҳофазасининг ҳуқуқий шароитини яратиш;

учинчидан, ахборт воситалари орқали давлат органлари ва давлат хизматчиларининг ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ошкораликни таъминлаш.

Давлат хизматчилари томонидан қабул қилинадиган ҳар қандай қарор қонуний, мақсадга мувофиқ ва бошқарув актларига қўйиладиган талабларга мос бўлиши лозим. Қонунга зид ёки ваколат доирасидан ташқари қабул қилинган қарорлар ижтимоий муносабатларга зарар этказиши мумкин. Шу сабабли бундай қарорларни қабул қилишга катта еътибор қаратиш лозим.

Давлат хизматчилари тушунчаси ва таснифи.

Давлат хизматчилари - ҳуқуқнинг индивидуал субъектларидан иборат бўлган ижтимоий гуруҳ бўлиб, маълум бир хақ евазига ташкил этиладиган ва амалдаги давлат органлари ва бошқа ташкилотларининг вазифа ва функцияларини амалга оширадилар. Ҳар бир ташкил этиладиган ташкилотнинг нормал функцияланиши учун махсус тайёрланган хизматчилардан иборат бўлган маълум бир персоналга эга бўлиши лозим. Ташкилотларнинг турига қараб ҳуқуқ объектларининг қуйидаги хизматчиларини: давлат (давлат органлари), маҳаллий органлар, жамоат бирлашмалари нодавлат, тижорат, нотижорат, диний, хусусий, халқаро ташкилотларнинг хизматчиларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хизматчилар тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш мақсадида, уларни жамиятнинг турли ташкилотларида (корхона, муассасаларида) банд бўлган бошқа шахслардан фарқлаш лозим:

хизматчилар турли ташкилотларда (давлат, маҳаллий, нодавлат, тижорат, нотижорат, жамоат, диний) маълум бир мансабларни эгаллайдилар;

уларнинг фаолияти ақлий хусусиятга эга, яъни улар бевосита моддий бойликларни яратмайдилар. Лекин хизматчилар моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам фаолият юритиши мумкин, масалан, ташкилий, ишлаб чиқариш жараёнини технологик таъминлаш, лойиҳаларни тайёрлаш, маркэтинг, тадқиқот фаолияти ва бошқалар;

хизматчилар ҳокимият фаолиятини (ташкиллаштириш, фармойиш бериш, раҳбарлик, назорат) амалга оширадилар ҳамда тэгишли ташкилий-фармойиш бериш ва маъмурий-хўжалик ваколатларига эга бўлади; улар давлат ва жамоат мажбурлов чораларини қўллашлари мумкин. Ҳар қандай ташкилотдаги хизматчилар, асосан бошқарув функцияларини (бунда, бошқарув функцияси дэганда, турли ҳуқуқ субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи восита сифатида тушунмоқ лозим) амалга оширадилар;

хизматчилар ўзларининг ваколатларини, функцияларини, қоида бўйича, маълум бир хақ евазига амалга оширадилар.

Хизматчилар ўртасида давлат ва маҳаллий органларда фаолият кўрсатувчи хизматчиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. давлат ва маҳаллий органларининг хизматчилари давлат ва маҳаллий органларнинг манфаатларини кўзлаб, уларнинг номидан ҳаракат қиладилар ҳамда давлат ва маҳаллий маъмуриятнинг вакиллари бўлиб ҳисобланадилар.

Давлат ва маҳаллий органларнинг хизматчилари давлат ва маҳаллий органлар олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширадилар. Қуйида уларнинг ҳар бири билан танишиб чиқамиз.

Давлат хизматчиси, кенг маънода, давлат вазифа ва функцияларини нафақат давлат органларида, балки давлатнинг бошқа ташкилот, муассаса ва корхоналарида амалга оширадиган ҳуқуқнинг индивидуал субъектидир.

Давлат хизматчиси, тор маънода давлат хизматида давлат мансабини эгаллаган шахсдир, яъни давлат маъмуриятининг тузилмалари тизимида маълум бир мансабни эгаллайдиган, пул мукофоти евазига мазкур давлат органининг функцияларини амалга оширадиган шахсдир.

Давлат хизматчиларининг аксарияти ижро-фармойиш бериш (ташкиллаштириш) ваколатларини ва ижтимоий-маданий фаолиятни амалга ошириш билан шуғулланадилар. Фақатгина айрим давлат хизматчилари махсус давлат мансабларини эгаллайдилар ва одилсудловни ва прокурор назоратини (яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини) амалга оширадилар.

Давлат хизматчиси тушунчасини уч маънода кўриб чиқиш мумкин:

биринчидан, давлат-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизмати - бу турли хусусиятдаги ва аҳамиятдаги ваколатларга эга бўлган давлатнинг (давлат органларининг) «қули» ҳисобланади. Хизматчилар давлатни давлат маъмуриятининг ичидаги турли ижтимоий муносабатларда ҳам, ташқи алоқаларда ҳам ифода этади. Давлат хизматчиси давлат ва жамият тараққиётининг маҳсули бўлиб, давлат функцияларини амалга оширади;

иккинчидан, маъмурий-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси махсус ҳокимият, ташкиллаштирувчи-фармойиш берувчи ваколатларга эга. Давлат хизматчиси юрисдикцион (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи) чоралар ва ваколатларни амалга ошириш ва маъмурий-ҳуқуқий санкцияларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган ҳокимият вакилидир;

учинчидан, жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан давлат хизматчиси - жиноий ва маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобланади (давлат хизматчиси - мансабдор шахс - мансаб жиноятлари учун жавобгарликка тортиладилар).

Ҳар бир давлат хизматчиси эгаллаб турган мансабидан келиб чиқувчи маълум бир вазифаларни бажариши керак. Давлат мансаби - бу давлат хизматчисининг «иш» (хизмат) жойи ҳисобланади. Ҳар бир давлат мансаби давлат хизматининг асосий елементларидан бири бўлган штат бирлигига киритилади. Штат жадвали давлат органи (ташкилоти)да ташкил этилган мансаблардан иборатдир. Давлат ташкилотларида мансаблар давлат ҳокимияти субъектлари томонидан фармойиш бериш тартибида ташкил этилади.

Хизматчи маълум бир мансабни узоқ вақт давомида (масалан, бутун фаолияти давомида) эгаллаши мумкин. Давлат хизматчиси давлат органида фаолият юритиши жараёнида мансаб бўйича ҳаракатланиши мумкин, яъни давлат хизматида малака разрядлар жорий этилган. Малака разрядлар давлат хизматчисига бир мансабдан иккинчи мансабни эгаллашини (масалан, юқорига ёки пастга қараб ҳаракатланишини) белгилаб беради. Улар бутун профессионал ҳаёт жараёнида давлат хизматчисини давлат билан боғлаб туради ҳамда давлат ва жамиятдаги муносабатларнинг мувозанатини таъминлайди. Ғарбий Европа давлатларининг кўпчилигида, агар давлат мансаби бекор қилинадиган бўлса, мансабни эгаллаган шахс ишдан бўшатилиши мумкин емас, чунки у олган малака разряди бошқа давлат мансабини эгаллаш ҳуқуқини беради. Малака разряди давлат хизматчиси учун ҳимоя ҳисобланади. Юқоридаги жиҳатлари билан малака разряд давлат мансабидан ажралиб туради.

Алимов Х.Р. давлат хизматчисига куйидагича тушунча беради: давлат хизматчиси - бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида маълум бир ҳақ евазига давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширувчи шахсдир. Давлат хизматига фақатгина Ўзбекистон Республикаси фуқаролари кириши мумкин.

Таниқли рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича: давлат хизматчиси - бу қонун билан ўрнатилган тартибда маълум бир пул мукофоти евазига давлат хизматидаги давлат мансаби бўйича мажбуриятларни амалга оширувчи фуқаро ҳисобланади. Давлат хизматчилари орқали бутун жамият соҳаларига тааллуқли бўлган давлат органларининг ваколатлари амалга оширилади.

Демак, давлат хизматчиси тушунчасини қуйидагича белгилаш мумкин:

биринчидан, давлат хизматчиси - бу 18 ёшга тўлган, давлат тилини билган, профессионал билимга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир. Давлат хизматчиси давлат-хизмат муносабатларининг бир томонини ташкил этади. Давлат органи ҳамда хизматчи ўртасида меҳнат шартномаси тузилиб, унга кўра хизматчи давлат органининг ваколатларини, давлат функцияларини бажаради, давлат қурилишининг маълум бир мақсадларига еришиш учун махсус вазифаларни ҳал этади, давлат (давлат органи) еса ўз навбатида хизматчи олдида: унинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ўрнатади ва таъминлайди, ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар, жавобгарлик, пул маблағи билан таъминлаш каби мажбуриятларга эга бўлади. Давлат хизматчиси маъмуриятнинг вакили, давлат бюрократининг бир қисми ҳисобланади. Давлат хизматчиларининг барча ҳаракатлари давлат номидан ва унинг кўрсатмаси асосида амалга оширилади, давлат еса давлат хизматчиси фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва тэгишли ҳолатларда уларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллайди. Давлат хизматчиси фақатгина давлат органида давлат мансабини эгаллаши мумкин;

иккинчидан, давлат хизматчиси давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари талабларига мос келиши керак;

учинчидан, давлат хизматчиси қонунчилик билан ўрнатилган тартибда давлат хизматининг пул билан таъминланадиган давлат мансабини эгаллайди. Давлат хизматини тартибга солувчи қонунчилик давлат хизматчиси фаолиятининг мазмунини, унинг ҳуқуқий ҳолатини, фаолиятнинг мақсади, вазифаси ва асосий йўналишларини, ҳуқуқларни, мажбуриятларни, жавобгарликни, чекловларни, кафолатларни белгилаб беради. Давлат мансабларини фақатгина давлат хизматчилари эгаллашлари мумкин;

тўртинчидан, давлат хизматчисига қонунчиликда белгиланган тартибда малака разрядлар берилади;

бешинчидан, давлат хизматчиси давлат функцияларини, давлат органларининг ваколатларини бажарадилар, иқтисодий, ижтимоий, маъмурий-сиёсий соҳаларда (давлатнинг молиявий фаолияти, маданиятни ривожлантириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, божхона ва банк иши, солиққа тортиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, ички ишлар, ташқи сиёсий фаолият ва ҳ.к.ларда) давлат вазифаларини амалга оширадилар;

олтинчидан, давлат хизматчиси аксарият ҳолларда юридик оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳаракатларни амалга оширадилар (масалан, бошқарув қарорларини қабул қиладилар, жазога тортадилар). Бундай ҳаракатлар юридик фактлар сифатида намоён бўлиши ва далил сифатида хизмат қилиши мумкин. Давлат хизматчиларининг бундай ҳаракатлари давлат ва жамият ҳаётида турли ижтимоий муносабатларни юзага келтириши, ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин;

еттинчидан, давлат хизматчиларининг фаолияти, қоида бўйича ишлаб чиқариш хусусиятига эга емас. Лекин уларнинг фаолияти умуман ишлаб чиқариш билан боғлиқ емас, дэган хулосага келмаслик лозим. Чунки, давлат

хизматчилари ишлаб чиқариш жараёнида уни йўналтириш, бошқариш, лойиҳаларни тайёрлаш ва бошқа функциялар орқали таъсир кўрсатади.

Давлат хизмати инсонлар онгига, иқтисодий ҳаётга, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнига, меҳнат жамоаларини ташкил этилиши ва фаолият юритишига таъсир кўрсатади.

Барча давлат хизматчиларни турли асосларга кўра гуруҳларга бўлишимиз, яъни таснифлашимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиққан ҳолда, яъни ҳокимиятнинг учга бўлинишини еътиборга оладиган бўлсак, барча давлат хизматчиларни уч гуруҳга бўлишимиз мумкин: қонунчилик ҳокимияти органларининг хизматчилари; ижро ҳокимияти органларининг хизматчилари; суд ҳокимияти органларининг хизматчилари.

Давлат хизматчиларининг таснифи юридик адабиётларда турлича берилган. Жумладан, таниқли рус ҳуқуқшуноси Овсянко Д.М.нинг фикрича давлат хизматчиларини қуйидагиларга бўлишимиз мумкин:

давлат ҳокимияти органларининг фаолият доирасига қараб давлат хизматчилари: республика миқёсида ва маҳаллий миқёсда ҳаракат қилувчи хизматчилар;

давлат хизматининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчиларини: фуқаролик давлат хизматчилари; милитарланган давлат хизматчилари (масалан, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органлари хизматчилари);

ҳокимиятнинг бўлиниш тамойилидан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари; қонунчилик ҳокимияти; ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти органларининг хизматчилари;

мансаб ваколатларининг ҳажмига кўра давлат хизматчилари: мансабдор шахслар ва мансабдор шахслар таркибига кирмайдиган бошқа хизматчилар;

хизмат муддатининг давомийлигига кўра давлат хизматчиларини: маълум бир муддатга тайинланадиган (сайланадиган) хизматчилар; белгиланмаган муддатда тайинланган хизматчилар; синов муддати билан тайинланган хизматчилар ва бошқаларга бўлинади.

Алимов Х.Р. давлат хизматчиларининг қуйидаги тўрта гуруҳини кўрсатиб ўтади: раҳбарлар, асосий таркибга кирувчи давлат хизматчилари, ёрдамчи хизматчилар, маъмурий ҳокимият вакиллари.

Демак, давлат хизматчилари - бу давлат-ҳокимият ваколати доирасида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни маълум бир ҳақ евазига амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг фуқароларидир.

Таниқли рус олими Ю.Н.Старилов барча давлат хизматчиларини қуйидаги асосий хусусиятларига қараб гуруҳларга бўлинишини кўрсатади:

давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг давом этишига қараб давлат хизматчиларни: умрбод давлат мансабига тайинланадиган хизматчилар; маълум бир муддатга давлат мансабига тайинланадиган хизматчилар; муддати белгиланмаган ҳолда давлат мансабига

тайинланадиган хизматчилар; синов муддати белгиланган ҳолда давлат мансабига тайинланадиган хизматчилар;

ҳаракат доирасига қараб давлат хизматчиларини: республика хизматчилари; маҳаллий хизматчилар;

билим даражасига ва профессионал тайёргарлига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда давлат хизматчилари: олий; бош; катта; кичик гуруҳларга кирувчи ва бошқа давлат хизматчиларга бўлинади.

Демак, давлат хизматчиларини қонунчилик ҳужжатлари билан ўрнатилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда турли асосларга кўра бир неча гуруҳларга бўлишимиз, яъни таснифлашимиз мумкин.

Давлат хизматини ўташ тартиби.

Давлат хизмати ҳуқуқий институтида давлат хизматини ўташ асосий елемент бўлиб ҳисобланади. Бу давлат-хизмат муносабатларининг юзага келиши билан, яъни хизматчининг тэгишли мансабни эгаллаши, мансаб бўйича ҳаракатланиши, хизматчиларнинг фаолиятини баҳолаш ва аттестациядан ўтказиш ҳамда давлат-хизмат муносабатларининг тугаши билан бекор бўлувчи жараёндир.

Давлат хизматини ўташ институти, - “Давлатнинг бошқарув аппарати” китобида кўрсатилишича, - бошқарув аппаратига ходимларни танлашдан, хизмат бўйича ҳаракатланишни амалга оширишдан, давлат хизматидан бўшатиш усулларини ўрнатиш ва амалга оширишдан бошланади.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, давлат хизматини ўташ давлат хизмати ҳуқуқий институтининг ички институти бўлиб, қуйидагиларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир: давлат мансабини эгаллаш; турли давлат органлари ходимларининг махсус профессионал тайёргарлиги; ўриндошлик; хизматчилар томонидан ўзларининг мансаб мажбуриятларини бажариши ва ҳуқуқларини амалга ошириши; малака разрядларнинг, махсус унвонларнинг бериш тартиби; хизматчиларни рағбатлантириш ва уларни жавобгарликка тортиш; давлат хизматчиларининг аттестацияси; хизмат бўйича ҳаракатланиш; хизматнинг шароитлари; давлат хизматчиларининг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояси (кафолатлар, имтиёзлар, компенсациялар); давлат хизматининг тугаши асослари ва усуллари.

Таниқли рус олими Д.М.Овсянконинг фикрича, давлат хизматини ўташ икки турдаги ҳуқуқий актлар билан тартибга солинади. Бу ҳуқуқий актлар бир-биридан юридик оқибатларни юзага келтириши билан фарқланади.

Биринчи ҳуқуқий акт - бу норматив ҳуқуқий актлар бўлиб, улар орқали барча фуқаролар томонидан ўталадиган давлат хизматининг умумий тартиби ўрнатилади. Норматив актлар орқали давлат хизматига қабул қилиш тартиби, синов муддатини ўташ, аттестация ўтказиш тартиби, давлат хизмати шароитларининг хусусиятлари, мансабларни эгаллаш, малака разрядларни, илмий унвонларни бериш ва бошқа масалалар белгилаб беради.

Иккинчи ҳуқуқий акт - бу индивидуал актлар. Индивидуал актлар конкрэт фуқаро учун давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларини юзага

келтиришда, ўзгартиришда ва бекор қилишда юридик факт сифатида хизмат қилади.

Давлат хизматини ўташ давлат хизмати институтининг асосий елементи бўлиб, унда давлат хизматчиларининг ҳуқуқий ҳолатини амалга оширилади. Давлат хизматини ўташ - сиёсий ва маъмурий давлат мансабларини тўлдириш фаолияти - давлат маъмуриятида мансабларнинг давлат хизматчилари томонидан кэтма-кэтликда алмашинувини, хизматчиларнинг давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатлари ўзгаришини ўз ичига олади. Ҳар бир давлат хизматчиси индивидуал мансаб (хизмат) йўналишига эгадир. Шунинг учун ҳам амалда давлат хизматини ўташ ҳам индивидуалдир.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан давлат хизматига қабул қилишнинг, синов муддатини ўташнинг тартиби, давлат хизмати шароитларининг ўзига хос хусусиятлари, хизматчиларни аттестациядан ўтказиш тартиби, давлат мансабларини эгаллаш ва бошқалар белгилаб берилгандир.

Амалдаги қонунчиликга биноан давлат хизматига кириш ҳуқуқига, қоида бўйича, давлат тилини биладиган, профессионал таълимга эга бўлган, давлат хизматига қўйилган талабларга жавоб бера оладиган Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари эгадир. Далат хизматига ишга киришида, шунингдек уни ўташ жараёнида маълум бир, масалан, миллати, тили, жинси, келиб чиқиши, мулкий аҳволи, еътиқоди ва бошқа белгиларга қараб чекловларнинг қўйилиши мумкин емас.

Давлат хизматини ўташнинг асосий белгиси - бу давлат лавозимини эгаллашдир. Давлат лавозимини эгаллаш фуқаронинг мансаб ҳуқуқлари, мажбуриятлари, чекловлар ва ҳуқуқий жавобгарликнинг субъектига айланганидан далолат беради. Давлат лавозимларини эгаллашда қонунчиликда ўрнатилган ҳолларда баъзи бир чекловлар ўрнатилиши мумкин. Жумладан, фуқаролар қуйидаги ҳолларда давлат хизматида бўлиши ёки давлат лавозимини эгаллаши мумкин емас: биринчидан, фуқаро суд ҳукми билан муомилага лаёқациз ёки муомила лаёқати чекланган деб топилган бўлса; иккинчидан, суд томонидан фуқаронинг белгиланган муддатда давлат лавозимини эгаллаши тақиқланган бўлса; учинчидан, тиббий муассасанинг хулосасига кўра, давлат мажбуриятларини бажаришга нолойиқ бўлса; тўртинчидан, ўзаро яқин қариндошларнинг бўйсунув асосида давлат хизматини битта давлат органида ўташи ва бошқа ҳолатлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодексининг 79-моддасига биноан ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, ер-хотинлар, шунингдек ер-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади. Бу қоидадан истиснолар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланиши мумкин.

Давлат хизматини ўташ шароитларига еса қуйидагиларни киритишимиз мумкин: хизмат вақтининг, ҳар йилги меҳнат таътилининг давомийлиги; қўшимча меҳнат таътиллари; хизматчиларнинг пул таъминоти; имтиёзлар, кафолатлар ва компенсациялар; давлат ижтимоий суғуртаси; хизмат уйи, хизмат автотранспорти билан таъминлаш тартиби; хизмат сафарида бўлганда ижтимоий-маиший ва техник хусусиятдаги хизматлар.

Давлат-хизмат ҳуқуқий муносабатларининг юзага келишида икки асосий ҳуқуқий ҳужжатни: биринчидан, меҳнат шартномаси; иккинчидан, фуқарони давлат хизматидаги давлат мансабига тайинлаш тўғрисидаги буйруқни фарқлай олиш лозим.

Давлат хизматини ўташдаги асосий елементлардан яна бири - бу давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланишидир. Давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланиши қуйидагича бўлиши мумкин: ходимнинг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида юқори мансабни эгаллаши; бир хил аҳамиятдаги мансабни эгаллаши; қуйи мансабга ўтказилиши; ўқишга кириши муносабати билан мансабидан озод қилиш, шунингдек ўқишни тамомлаганидан сўнг мансабга тайинланиши.

Давлат хизматчиларини аттэтациядан ўтказиш

Давлат хизматини такомиллаштириш ва тартибга солишни хизматчиларни доимий аттестациядан ўтказишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Аттестация қоидаларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш тартиби ҳамда хизмат бўйича ҳаракатланиш бевосита боғлиқ бўлган жараёнлардир. Давлат хизматини ўташда давлат хизматчиларининг аттестациясидан ўтказиш ҳуқуқий институти катта аҳамиятга эгадир. Мазкур ҳуқуқий институт Ўзбекистон Республикасининг турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш тўғри-сида гапиришдан олдин шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, юридик адабиётларда бу масала унчалик ёритиб берилмагандир.Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш ҳуқуқий институти - давлат хизматини ташкил этиш, турли давлат органлари ваколатларини амалга ошириш ва таъминлаш бўйича вазифа ва мажбуриятларни бажариш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндисидан иборатдир.

Аттестация, тор маънода, хизматчиларнинг профессионал, ишчанлик ва шахсий хислатларига баҳо бериш, унинг хизмат-лавозим талабларига мос келишини текшириш мақсадида ўтказилади.

Аттестация кенг маънода, қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

- амалиётда давлат хизмати тамойилларига риоя этиш;
- давлат хизмати тизимида қонунийликни таъминлаш;
- давлат органларининг профессионал кадрлар мажмуасини ташкил этиш;
- давлат хизматчисининг хизмат бўйича ҳаракатланиши мақсадида уларнинг потенциал имкониятларини аниқлаш;

 давлат хизматчисига жавобгарлик чораларини қўллаш; интизомни ва жавобгарликни ошириш;

 хизматчиларнинг хизмат зинапояси бўйича ҳаракат-ланишини таъминлаш;

 давлат хизмати мувозанатини таъминлаш;

 давлат хизматчиларининг малакасини оширишни тартибга солиш;

 давлат хизмати тизимида ҳуқуқбузарликларга ва коррупцияга қарши кураш ва огоҳлантириш ва бошқалар.

Аттестация давлат хизматчиларининг профессионал хислатларига баҳо беришдир. Айрим ҳолларда аттестация аниқ мақсадларга еришиш ва аниқ қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида ҳам ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказишни ташкил этиш органларнинг раҳбарлари зиммасига юклатилади. Аттестацияни ўтказиш мақсадида аттестация комиссияси тузилади, аттэтация ўтказиш жадвали тасдиқланади, аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган шахслар доираси белгиланади ҳамда аттестация комиссияси учун зарур бўлган ҳуж-жатлар тайёрланади.

Аттэтация аттестациядан ўтказилаётган шахс иштирокида амалга оширилади. Агар хизматчи узрсиз сабабларга кўра келмаган бўлса, унинг иштирокисиз ҳам ўтказилиши мумкин.

Аттестация комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар билан танишиб чиқади, аттестациядан ўтказилаётган хизматчи ҳамда зарурат туғилган ҳолларда унинг раҳбари ешитилади. Аттестациядан ўтказилаётган хизматчиларнинг профессионал ва шахсий хислатларини муҳокама қилиш объектив ва белгиланган талаблар асосида амалга оширилиши лозим.

Хизматчининг хизмат фаолиятига баҳо бериш - эгаллаган лавозими бўйича қўйилган талабларга лойиқ келиши, тэгишли давлат органи олдида қўйилган вазифаларнинг бажарилишида унинг иштирокини аниқлаш, у томонидан амалга ошириладиган ишнинг қийинлиги, иш фаолиятининг натижалари ва бошқаларга асосланади. Бундан ташқари аттестация вақтида хизматчиларнинг профессионал билими, иш тажрибаси малакасини ошириш ва қайта тайёрланиш, шунингдек, ташкилотчилик хислатлари (тэгишли мансаб гуруҳлари учун) инобатга олиниши лозим.

Аттестация натижаларига кўра аттестация комиссияси давлат органи раҳбарига: давлат хизматчисини лавозимга кўтариш; навбатдаги малака даражасини бериш; хизматнинг махсус шароитлари (мушкуллиги, ишнинг махсус тартиби ва ҳ.к.лар) учун қўшимча ҳақни ўзгартириш;юқори лавозимга кўтариш учун заҳирага киритиш каби асослантирилган тавсияларни бериши мумкин.

Аттестация натижаларига кўра давлат хизматчиларига қуйидаги уч турдаги баҳо берилиши мумкин: биринчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқлиги; иккинчидан, хизмат фаолияти юзасидан аттестация комиссияси кўрсатмаларини бажарган тақдирда, эгаллаган лавозимига лойиқлиги; учинчидан, эгаллаган давлат лавозимига лойиқ емаслиги.

Агар давлат хизматчиси эгаллаб турган давлат лавозимига нолойиқ деб топилган бўлса, у малакасини оширишга ёки қайта тайёрланишга ёхуд бошқа давлат лавозимига ўтказилиши мумкин.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш кадрлар сиёсати ва давлат хизматини бошқаришда демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг ҳуқуқий воситаси ҳисобланади, давлат органларида мақсадга мувофиқ йўналтирилган кадрлар сиёсатини ташкил этиш ва амалга оширишни таъминловчи воситадир

Назарий-ҳуқуқий нуқтаи назардан давлат хизматчиларининг аттэтацияси ҳуқуқий институт сифатида давлат хизматини ўташ институти таркибидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрлар йиқиндисидан иборат. Аттестация ҳуқу-қий институти таркибига кирувчи меъёрлар хизматчиларни баҳолашни ташкил этиш ва амалга оширишга қаратилган органлар фаолиятининг белгиланган тартибини ўрнатади.

Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш қуйида-ги функцияларни бажаради: баҳолаш, назорат, хизматчилар билан ишлашни яхшилаш, сиёсий, иқтисодий, ташкилий, коммуникатив, ахборот, мувозанатни сақлаш ва бошқалар.

Аттестация фаолиятининг мазмуни ва моҳияти унинг тамойиллари орқали очиб берилади. Аттестация тамойилларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- аттестациянинг партиядан ҳолилиги;
- аттестациянинг умумийлиги;
- ошкоралик;
- коллектив баҳолаш;
- аттестациянинг даврийлиги (тизимга эга еканлиги);
- баҳолашнинг комплекс равишда амалга оширилиши;
- баҳолашнинг объективлиги;
- баҳолашнинг ва тавсияларнинг асосланганлиги.

Демак, давлат хизматини ўташда, давлат хизматчиларининг хизмат бўйича ҳаракатланишида, хизматчиларга нав-батдаги малака даражасини беришда аттестацияларни ўтка-зишнинг ўрни каттадир.

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш.

Давлат хизмати соҳасида давлат хизматчиларини рағ-батлантириш ва жавобгарликка тортиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Рағбатлантириш давлат органининг, мансабдор шахснинг ёки бошқа субъектнинг хизматчи еҳтиёжларига, манфаатларига, иродасига, амалий ҳолатига, шунингдек, унинг давлат-хизмат фаолиятига таъсир кўрсатишидир. Рағбатлан-тириш интизомнинг, меҳнат сифатининг яхшиланишига кў-маклашади, хизматчиларнинг ташаббускорлик ва жавобгар-лик руҳида тарбиялайди.

Рағбатлантириш ҳамма вақт маълум бир ҳуқуқий асосга таянади. У - ўз вақтида, объектив ва маълум бир аҳамиятли бўлиши керак. Рағбатлантириш шундай қўлланилиши лозим-ки, у бошқарув ишининг юқори натижаларига еришишнинг стимулига айланиши лозим. Бу маънода рағбатлантириш мувозанатга келтиришнинг тури (шакли) ҳисобланади.

Давлат хизмати ҳуқуқий институтини кўриб чиқиш вақ-тида, рағбатлантириш масаласига тўхталиб ўтмаслик мумкин емас, чунки аксарият давлат хизмати тўғрисидаги меъёрларни ўз ичига олган қонунчилик ҳужжатларида айнан шу атамадан фойдаланилади.

Рағбатлантириш индивидуал ёки коллектив, мазмунига кўра еса - моддий, маънавий ёки аралаш бўлиши мумкин.

Давлат хизматчиларига нисбатан рағбатлантириш чораларини қўллаш бундай чорани қўллаш ҳуқуқига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилади. Бунда улар қонунчиликда белгиланган тартибда ва ваколат доирасида рағбатлантириш чораларини қўллашлари мумкин.

Амалдаги қонунчиликда давлат хизматчиларининг маънавий ва моддий кўринишдаги турли рағбатлантириш чоралари назарда тутилган.

Давлат хизматчиларини рағбатлантириш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади:

- ўз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариши;
- вазифа ва кўрсатмаларнинг муддатидан олдин бажарилиши;
- хизматчининг ташаббускорлиги;
- вазифаларни виждонан бажариши ва интизомлилиги асос бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабр қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодексининг 180-моддасига биноан ишдаги ютуқлар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш чоралари қўлланилиши мумкин. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш жамоа шартномалари, ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа локал ҳужжатларда, жамоа келишувларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда белгилаб қўйилади. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдидаги алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тақдим этилиши мумкин.

Рағбатлантиришларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ташаккурнома;
- пул мукофоти;
- илгари берилган жазони олиб ташлаш;
- фахрий ёрлиқ;
- совға;
- қимматбаҳо совға;
- белгиланган муддат тўлишидан аввал навбатдаги даражали махсус унвон бериш.

Берилган интизомий жазо ўз кучини йўқотмаган ходимларга нисбатан рағбатлантириш қўлланилмайди.

Рағбатлантириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

биринчидан, ташаккурнома еълон қилиш, пул мукофоти, совға бериш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Департамент бошлиғи томонидан амалга оширилади;

иккинчидан, қимматбаҳо совға билан мукофотлаш, Ўзбе-кистон Республикаси Бош прокурорининг Фахрий ёрлиғини бериш, белгиланган

муддат тўлишидан аввал навбатдаги даражали махсус унвон бериш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва касаба уюшмаси Марказий Қўмитасининг Фахрий ёрлиғини бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотларига тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан амалга оширилади.

Рағбатлантириш тўғрисида буйруқ чиқарилади ва у Департаментнинг рағбатлантирилаётган ходимига еълон қилинади. Зарур ҳолларда еса Департаментнинг барча ходимлари еътиборига этказилади. Рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ходимнинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига ти-киб қўйилади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги

Амалдаги қонунчиликда нафақат давлат хизматчиларини рағбатлантириш, балки юридик жавобгарликка: интизомий, маъмурий, моддий ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳам назарда тутилган.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги дэганда - хизматчиларининг қонунга хилоф қилмишига нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган у ёки бу турдаги жазо чораларини қўллаш тушунилади.

Юридик адабиётлардан келиб чиққан ҳолда, қонунга хилоф қилмишни, яъни ҳуқуқбузарликни иккига: ножўя ҳаракат ёки ҳаракацизлик ва жиноятга бўлишимиз мумкин.

Давлат хизматчиларининг юридик жавобгарлиги хизматчилар томонидан қонун талабларининг бажарилмаганлиги, мансаб мажбуриятларига бефарқ қараши, давлатга, жамоат бирлашмаларига моддий зарар этказиши, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузиши оқибатида юзага келиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг жавобгарлиги қонунийликни ёки хизмат интизомини бузган тақдирда, унинг томонидан мансаб мажбуриятлари бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келиши мумкин.

Давлат хизматчилари жавобгарлигининг асосий турларидан бири - бу интизомий жавобгарликдир.

Демократик жамият, унинг иқтисодий асослари, меҳнат-ни ташкил этиш тамойиллари ва иқтисодиёт, ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятни бошқариш - барча аъзоларнинг ягоналиги ва интизомлиги, қатъий жамият ва давлат интизоми, шунингдек, хизмат интизомининг юқори ташкилотчилигини талаб этади.

Интизомий жавобгарлик давлат хизматчисини давлат лавозимига тайинлаш ваколатига эга бўлган орган ёки раҳбар томонидан амалга оширилиши мумкин. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги лавозим ножўё я қилмиши (ҳаракати ёки ҳаракацизлиги) учун қўлланилади. Чунки меҳнат (хизмат) интизомига риоя қилиш ҳамда давлат интизомини мустаҳкамлаш давлат хизматчиларининг асосий мажбуриятларидан биридир.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги – улар томонидан юклатилган мажбуриятларнинг бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида юзага келадиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Интизомий жавобгарлик – лавозим ножўя қилмишини содир этган давлат хизматчиларига маъмурият вакили (раҳбар, бошлиқ) томонидан интизомий жазо чораларини қўллашни англатади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан;
2) Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси билан;
3) интизом уставлари ва махсус низомлар билан;
4) ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини белгиловчи асосий ҳужжатлардан бири - бу Ўзбекистон Республикасининг 21 декабр 1995 йил қонуни билан тасдиқланган Меҳнат кодекси ҳисобланади. Мазкур кодексга биноан корхонада меҳнат тартиби иш берувчи касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқлайдиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади.

Халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида хизматчиларнинг айрим тоифалари учун интизом тўғрисидаги устав ва низомлар амал қилади.

Давлат хизматчиси ўз меҳнат вазифаларини ҳалол, виждонан бажариши, меҳнат интизомига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний фармойишларини ўз вақтида ва аниқ бажариши, технология интизомига, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги ва ишлаб чиқариш санитарияси талабларига риоя қилиши, иш берувчининг мол-мулкини авайлаб асраши шарт.

Хизматчининг меҳнат вазифалари ички тартиб қоида-ларида, интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, корхонада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва ҳоказоларда), меҳнат шартномасида аниқ белгилаб қўйилади.

Давлат органи (ташкилот) хизматчилар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитларини яратиб бериши, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини таъминлаши, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этиши, ходимларнинг еҳтиёж ва талабларига еътибор билан қараши, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаб бориши шарт.

Давлат органи (ташкилот) хизматчининг меҳнат вазифа-лари доирасига кирмайдиган ишларни бажаришни, қонунга хилоф ёки хизматчи ва бошқа шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавф туғдирувчи, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи ҳаракатлар қилишни талаб этишга ҳақли емас.

Ҳар бир хизматчи ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим.

Меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усуллари билан нормал тарзда ишлашга зарур ташкилий ва иқтисодий

шароитларни яратиб бериш, ноинсоф хизматчиларга нисбатан жазо чораларини қўлланиш орқали таъминланади.

Хизматчига меҳнат интизомини бузганлиги учун ваколатли орган ёки раҳбар қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидалари-да ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг еллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

Юқорида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўлланиш тақиқланади.

Интизомий жазолар ишга қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланилишидан аввал хизматчидан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Хизматчининг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўлланишда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир еканлиги, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, хизматчининг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади.

Ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқ-лангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, хизматчининг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳи-собга олмасдан, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади.

Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда еса, - содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазони қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор хизматчига маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо қўлла-нилган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кэтиши мумкин емас. Агар хизматчи шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган деб ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган орган ёки раҳбар ўз ташаббуси билан, хизматчининг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки хизматчининг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли.

Интизомий жазо устидан якка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, хизматчининг олдинги хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига қанчалик мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қил-ганлигини ҳисобга олиб, хизматчига нисбатан қўлланилган интизомий жазони ғайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлигини давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлигидан фарқ-лай олиш лозим. Юқорида кўриб чиқганимиздек, давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги лавозим ножўя хатти-ҳаракати оқибатида юзага келади. Маъмурий жавобгарлик еса маъмурий ножўя хатти-ҳаракат учун, яъни ваколатли давлат бошқаруви органлари томонидан ўрнатилган умуммажбурий қоидаларни (масалан, йўл ҳаракати қоидаларини, техника хавфсизлиги қоидалари, ёнғинга қарши қоидалар) бузганлик учун қўлланилади. Интизомий жавобгарлик одатда, давлат органи раҳбари томонидан қўлланилса, маъмурий жавобгарлик ваколатли давлат бошқаруви органлари ва мансабдор шахслари томонидан қўлланилади. Интизомий жавобгарликни қўллашда бўйсунувлик мавжуд бўлса, маъмурий жавобгарликни қўллашда айбдор шахснинг жавобгарликни қўлловчи орган ёки мансабдор шахсга бўйсуниши шарт емас.

Айрим ҳолларда ҳуқуқбузарлик интизомий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам, маъмурий ножўя хатти-ҳаракатнинг ҳам белгиларини ўзида ифода этган бўлиши мумкин ҳамда бу ҳуқуқбузарлик икки турдаги жавобгарликни юзага келтиради. Масалан, мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши интизомий жавобгарликни ва маъмурий жавобгарликни қўллашга асос бўлади.

Давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан маъмурий ножўя хатти-ҳаракат (ҳуқуқбузарлик) учун нафақат фуқаролар, балки мансабдор шахслар (давлат хизматчилари) ҳам жавобгарликга тортилади.

Давлат хизматчилари маъмурий жавобгарлигининг асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ўрнатилган умум мажбурий қоидаларни бузиш, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш ҳисобланади. Жумладан Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябр 1994 йил қонуни билан тасдиқланган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 10-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик дэганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки еҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракацизлик тушунилади. Ушбу Кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра

жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасига биноан мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган қоидаларга ва бажарилишини таъминлаш ўз хизмат вазифаларига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаганлик билан боғлиқ маъ-мурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим.

Масалан, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (43-модда); ҳужжатлар билан танишиб чиқишни асоссиз равишда рад этиш (44-модда); Фуқа-рога маънавий ёки моддий зарар этказиши мумкин бўлган маълумотларни ошкор этиш (46-модда) санитария қонунчи-лигини бузиш ва бошқалар, яъни 201 та маъмурий ҳуқуқ-бузарлик таркибидан 102 таси учун мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги назарда тутилган.

Ҳарбий хизматчиларнинг ва бошқа шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги бошқа тартибда ҳал қилинади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 16-моддасига биноан ҳарбий хизматчилар ва йиғинга чақирилган ҳарбий хизматга мажбурлар, шунингдек, ички ишлар органларининг оддий аскарлар ва бошлиқлар таркибига мансуб шахслар маъмурий ҳуқуқбузарлик учун интизом уставларига мувофиқ жавобгар бўладилар. Мазкур шахслар йўл ҳаракати қоидаларини, ов қилиш, балиқ тутиш ва балиқ захираларини сақлаш қоида-ларини, божхона қоидаларини бузганликлари учун умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар. Юқорида кўрса-тилган шахсларга нисбатан маъмурий қамоққа олиш чоралари қўлланилиши мумкин емас. Муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларга жарима солиниши мумкин емас.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган шахслар жумласига кирмайдиган, интизом уставлари ёки интизом тўғ-рисидаги махсус қоидалар татбиқ этиладиган бошқа шахслар, ана шу устав ёки қоидаларда тўғридан-тўғри назарда тутил-ган ҳолларда, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун интизомий жавобгар бўладилар, бошқа ҳолларда еса умумий асосларда маъмурий жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 23-моддасига биноан еса маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқу-қидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

Қоида бўйича, давлат хизматчилари (мансабдор шахслар) маъмурий жавобгарликнинг махсус субъекти ҳисобла-нади.

Давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги

Амалдаги қонунчиликда мансабдор шахсларнинг (давлат хизматчиларининг) жиноят содир этганида қўлланиладиган жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Демак, давлат хизматчилари жиноий жавобгарлигининг асоси - бу жиноятдир.

Ўзбекистон Республикасининг 22 сентябр 1994 йил қонуни билан тасдиқланган Жиноят кодексининг 14-моддасига биноан Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилади. Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар этказадиган ёки шундай зарар этказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига биноан давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги асосан: ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда); ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан чэтга чиқиш (206-модда); мансабга совуққонлик билан қараш (207-модда); ҳокимият харакацизлиги (208-модда); пора олиш (210-модда); пора бериш (211-модда); пора олиш беришда воситачилик қилиш (212 модда) ва бошқалардан юзага келади.

Давлат хизматчиларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида назарда тутилган қуйидаги жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

а) жарима;

б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;

в) аҳлоқ тузатиш ишлари;

г) хизмат бўйича чеклаш;

д) қамоқ;

е) интизомий қисмга жўнатиш;

ж) озодликдан маҳрум қилиш;

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланилиши мумкин:

а) ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш;

б) мол-мулкни мусодара қилиш.

Хизмат бўйича чеклаш ёки интизомий қисмга жўнатиш тариқасидаги жазолар фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо сифатидагина емас, балки қўшимча жазо тариқасида ҳам қўл-ланилиши мумкин.

Давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасида давлат хизматчиларининг моддий жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинади. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 185-моддасига биноан меҳнат шартномасининг бир тарафи (иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати

билан бошқа тарафга этказган зарарини ушбу Кодекс ва меҳнат тўғрисидаги бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган қои-даларга мувофиқ қоплайди.

Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек, жамоа шартномасида меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги ушбу Кодексда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги еса назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак.

Зарар этказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини моддий жавобгарликдан озод қилишга сабаб бўлмайди.

Меҳнат шартномасининг бир тарафи ўзининг ғайриҳу-қуқий айбли ҳулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракацизлиги) натижасида бошқа тарафга этказган зарари учун, башарти ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, моддий жавобгар бўлади.

Тарафларнинг ҳар бири ўзига этказилган моддий зарарнинг миқдорини исботлаб бериши шарт.

Ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳ-рум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда еса, - унинг оила аъзоларига этказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи, башарти қонунда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда еса, - иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чи-қилади.

Ходим иш берувчига бевосита этказилган ҳақиқий зарарни тўлаши шарт.

Бевосита этказилган ҳақиқий зарар дэганда иш берувчининг мавжуд мол-мулки (шу жумладан иш берувчи учинчи шахслардан ижарага олган мол-мулк) амалда камайганлиги ёки ёмон ҳолатга келганлиги, шунингдек, иш берувчининг ортиқча тўловлар қилиш зарурати тушунилади.

Ходим иш берувчига бевосита этказилган ҳақиқий зарар учун ҳам, иш берувчи бошқа шахсларга этказилган зарарни тўлаши натижасида келиб чиққан зарар учун ҳам моддий жавобгар бўлади.

Агар зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охирги зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса, ходимнинг моддий жавобгарлиги истисно этилади.

Агар Меҳнат кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим этказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Этказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклатилади:

1) махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун;

2) бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликлар-нинг сақланишини таъминламаганлик учун;

3) қасддан зарар этказилганда;

4) алкоголли ичимликдан, гиёвандлик ёки токсик модда таъсиридан мастлик ҳолатида зарар этказилганда;

5) ходимнинг суд ҳукми билан аниқланган жиноий ҳара-катлари натижасида зарар этказилганда;

6) тижорат сирлари ошкор этилганда;

7) қонунларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида назарда тутилган ҳолларда.

Иш берувчи зарарни муайян ходимлардан ундириш тўғ-рисида қарор қабул қилишдан олдин этказилган зарар миқд-орини белгилаш ва унинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказиши шарт. Бундай текшириш ўтказилиши учун иш берувчи тэгишли мутахассислар иштирокида комиссия тузишга ҳақли.

Зарарнинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш учун ходимдан тушунтириш хати талаб қилиниши шарт. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бўйин товлаши иш берувчи уни этказилган зарар учун моддий жавобгарликка тортишига моне бўла олмайди. Ходим барча текшириш материаллари билан танишиш ҳуқуқига эга.

Иш берувчига зарар этказишда айбдор бўлган ходим уни ихтиёрий равишда қисман ёки тўлиқ тўлашга ҳақли.

Ходим ва иш берувчининг келишувига биноан зарарни тўлаш муддати кечиктириб қопланишига йўл қўйилади. Бундай ҳолда ходим иш берувчига тўлов муддатларини аниқ кўрсатиб зарарни қоплаш ҳақида ёзма мажбурият беради.

Агар зарарни ихтиёрий равишда тўлаш ҳақида ёзма мажбурият берган ходим меҳнатга оид муносабатларни бекор қилса ва зарарни тўлашдан бўйин товласа, қарзнинг узилмай қолган қисми нотариал идораларнинг ижро ҳужжатлари асосида ундирилади.

Иш берувчининг розилиги билан ходим этказилган зарарни қоплаш учун унга баҳоси тенг мол-мулк бериши ёки бузилган мол-мулкни тузатиб бериши мумкин.

Ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда этказилган зарар суммаси айбдор ходимдан иш берувчининг фармойишига мувофиқ ундирилади. Фармойиш зарар этказилганлиги аниқланган кундан бошлаб бир ой ичида чиқарилиши мумкин.

Этказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кеца ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибида ундирилади.

Иш берувчининг мол-мулкига этказилган зарарни ундириш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Давлат хизмати тушунчаси ва мазмуни?
2. Давлат хизматчиси тушунчаси таснифи?
3. Давлат хизматчисининг ҳуқуқий асослари ва асосий тамойиллари?
4. Давлат хизматини ўташ тартиби қандай?
5. Давлат хизматчиларини аттестациядан ўтказиш қандай амалга оширилади?
6. Давлат хизматчиларини рағбатлантириш?
7. Давлат хизматчиларининг интизомий жавобгарлиги?
8. Давлат хизматчиларининг маъмурий жавобгарлиги?
9. Давлат хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги?
10. Давлат хизматчиларининг модний жавобгарлиги?

1.7. Нодавлат нотижорат ташкилотлар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида

Режа:

1. Нодавлат нотижорат ташкилотлари – маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида.
2. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари.
3. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ваколатлари.
4. Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва давлат бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: ННТларнинг ҳуқуқий ҳолат, ННТларнинг турлари, ННТларни тузиш, Жамоат бирлашмалари, Сиёсий партиялар, Касаба уюшмалари, Экоҳаракат, Экологик ҳуқуқбузарлик, Ўзини ўзи бошқариш органлари.

Нодавлат нотижорат ташкилоти (жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга еришиш, маънавий ва бошқа номоддий еҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзининг фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги 1999-йил 14-апрел қонуни, бошқа қонунлар ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида олиб борадилар. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, диний ташкилотлар ҳамда бошқа айрим нодавлат нотижорат ташкилотларини тузиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби тэгишли қонунлар билан тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўИса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларининг алоҳида ижтимоий фойдали дастурларига давлат кўмак кўрсатиши мумкин.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек нодавлат

нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тэгишли битимлар тузиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти юридик шахс бўлади ва у, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, фаолият муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

Қонунчилик ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилотларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

ўз аъзолари ва қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференсиялар ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

Шу билан бирга, қонунчилик ҳужжатларида нодавлат нотижорат ташкилотларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилган:

қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш еркинлигини таъминлаш;

нодавлат нотижорат ташкилотини рўйхатдан ўтказувчи органга ўзи ўтказаётган тадбирларга еркин кириш имконини бериш;

солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган йердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, мазкур ташкилотнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган йердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча вазифалари ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан еътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Сенати Кенгашининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008-йил 10-июл Қўшма қарорида мустақил нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг мамлакатда демократик ўзгаришларни амалга ошириш жамиятни еркинлаштиришда фаол иштирок этишига кўмаклашиш, уларни молиялаштириш манбаларини шакллантириш учун мустақил тизим ва обйектив шароитлар яратишга алоҳида еътибор қаратилди. Ушбу Қўшма қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди ҳамда уларнинг асосий вазифалари белгилаб берилди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг турлари ва ҳуқуқий мақоми

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этиҳши мумкин:

Жамоат бирлашмаси (ўз ҳуқуқлари, еркинликларини хамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, екология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини еркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмадир.

Жамоат бирлашмалари мақсади, ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра жамоат ташкилотлари, жамоат фондлари, жамоат ҳаракатлари, жамоат ўзини ўзи бошқариш органлари болиши мумкин.

Ижтимоий фонд (жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган ташкилот деб еътироф этилади.

Ижтимоий фондга унинг муассислари томонидан берилган мол-мулк фонднинг мулки бўлади. Муассислар ўзлари тузган фонд мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, фонд еса ўз муассисларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Ижтимоий фонд мол-мулкдан ўз уставида белгиланган мақсадлар учун фойдаланади ҳамда ҳар йили бу тўғрида ҳисоботлар еълон қилади.

Муассаса (ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

Ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чэт ел давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин болган халқаро ташкилот халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти деб ҳисобланади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин. Мазкур уюшмалар камида иккита нодавлат нотижорат ташкилоти ташаббуси билан тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати Конституция ва бошқа қонунларда, Президент фармонларида, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган махсус низомларда қайд этилади.

Конституциянинг 56-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида еътироф этилади.

Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитэти, яхлитлиги ва хавфсиз- лигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи сиёсий партияларни, махфий жамият ва уюшмаларни ҳамда ҳарбий- лаштирилган ёки жамоат бири аш маларини тузиш тақиқланади.

Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини кафолатлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун уларга ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамоат бирлашмаларининг фаолиятига аралашишлари мумкин емас, шунингдек, жамоат бирлашмалари ҳам давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишлари мумкин емас.

Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайди ва ўзларининг демократик ёл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этади. Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган бо либ, улар қонун олдида тенгдирлар. Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди, лекин 1992-йил мартда Президент фармони асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилган: республика ҳудудида давлат органлари билан диний ташкилотларнинг баҳамжиҳат ҳаракати ва ҳамкорлигини ўматиш; вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорликда диний масалаларни ҳал қилиш бўйича ягона сиёсат юргизиш; қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш.

Жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуққа эга болиш қобилияти, маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш қоидалари, уларнинг давлат

бошқарувидаги умумий ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқади. Бу ҳуқуқ ва бурчларини уларнинг ўзлари белгиламайди, балки давлат органлари ишлаб чиқади.

Жамоат бирлашмаларининг давлат бошқарувида қатнашиш шакллари асосан қуйидагилардан иборат:

давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда қарор қабул қилиш;

давлат органларига юкланган вазифаларни бажаришда қатнашиш;

давлат бошқарув органларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш;

давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий нормаларни қандай бажараётганини текшириш;

ўз таркибида бўлган корхоналарнинг фаолиятини бошқариш.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари,уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятлари кафолатлари тўғрисида»ги_ 1992- йил 2-июл қонунига кўра касаба уюшмаларига давлат бошқаруви соҳасида қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш;

меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид норматив ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни тэгишли давлат бошқаруви, хўжалик ва кооператив идораларига тақдим этиш;

аҳолини иш билан таъминлаш бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқишда қатнашиш;

маъмурият, мулкдор ёки улар вакил қилган бошқарув идораси билан музокаралар олиб боришда ва жамоа шартномалари, битимлари тузишда фаол қатнашиши, уларнинг бажарилишини назорат қилиши;

уларнинг меҳнат шароити ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқариш хавфсизҳгини таъминлашга оид, уй-жой шароитига, ижтимоий суғуртага, соғлиқни сақлаш ва маданиятга тааллуқли манфаатларини ҳимоя қилиш.

Улар маъмуриятдан меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боглиқ масалалар юзасидан белгилаб қўйилган статистика ҳисоботи доирасида бепул маълумотлар олишга ҳақлидирлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, 1991-йил 21-ноябр қонунининг 19-моддасига асосан, Республика ёшларининг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ҳамда еркинликларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, уларнинг фаолияти ва ташаббускорлигини ривожлантиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири деб билган фуқароларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган, кўнгилли уюшмаси— Ўзбекистон Республикаси ёшларининг жамоат бирлашмаси ташкил этилган.

Ёшлар жамоат бирлашмасининг Уставида аъзо болувчининг ёки қатнашчисининг ёши чэгаралаб қўйилган (30 ёшгача) бўлиши керак. ёшлар жамоат бирлашмасига 30 ёшга тўлганлар жами сонининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

Ёшларнинг жамоат бирлашмалари ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш бўйича давлатнинг комплекс ва аниқ мақсадли дастурини ишлаб чиқишда қатнашадилар.

Жамоат комиссиялари енг тажрибали ва холис тадбиркорлар, фермерлар ва савдо-саноат доираларининг бошқа вакилларидан тузилган; комиссияларнинг раислари ва аъзолари еса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Назорат инспексияси ҳамда унинг республика ҳудудидаги бўлинма, тизими раҳбарлари ва ходимлари учун берилган барча ваколатлар ва ҳуқуқларга эга. Республика комиссиясининг раиси айни вақтда Назорат инспексияси раисининг жамоатчилик асосидаги ўринбосаридир ва Президентнинг фармони билан лавозимга тайинланади. Вилоят, шаҳар ва туман комиссияларининг раислари ҳам Республика Назорат инспексияси ҳудудий органлари раҳбарининг жамоатчилик асосидаги ўринбосарларидир.

Комиссия фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари қуйидагилардан иборат:

иқтисодий ислоҳот масалаларига доир норматив ҳужжатларминг бажарилиши бўйича идоралараро назорат қилиш органлари ишини мувофиқиаштириш;

корхоналар ва хўжаликларнинг мустақиллигини кенгайтириш, бозор тузилма лари ва таркибий қисмларини вужудга келтириш, кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш, ташқи иқтисодий тадбиркорликни кучайтиришга қаратилган Президент фармонлари ва ҳукумат қарорларини вазирликлар ва идоралар, консернлар, ассоциациялар, корхоналар ва хўжаликлар, Қорақалпоглстон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қандай бажараётганларини текширишни ёлга қўйиш;

жойларда ижро интизоми ҳолатини ўрганиш, бозор иқтисодиётига изчил ўлишни таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларминг дастлабки лойиҳаларини тайёрлашда қонун чиқамвчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, турли иқтисодий тузилмалар билан ҳамкорлик қилиш;

республиканинг муайян корхоналар, муассаса, ташкилот ва хўжаликларида иқтисодий ислоҳотлар қандай амалга оширилаётганини таҳлил қилиш ва бундан Ўзбекистон ҳукуматини хабардор этиш:

амалдаги норматив ҳужжатларминг молиявий ва хўжалик механизмларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, республикада иқтисодий ислоҳотлами рўёбга чиқаришни кучайтириш ва жадаллаш- тиришга қаратилган бошқарувга оид қабул қилинаётган қарор ва қонунчилик ҳужжатларининг ҳуқуқий асосини янада такомиУаш- тиришга доир тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Бугунги кунда ижтимоий ҳаётни жамоат ташкилотларининг фаолиятисиз tacawyp қилиш қийин. Айниқса, ҳар бир туман, шаҳар- лар

ҳудудида фаолият олиб бораётган Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маишийжиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссиялар ҳуқуқи-тартиботни таъминлашда катта рол ўйнайди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар мустақиллик йиллари мамлакатимизда ёшларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди болган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофлқлаштириш мақсадида маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида ташкил этилган.

Вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия - болаларнинг назорациз, қаровсиз қолишлари, ҳуқуқбузарликлари ва жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда болган вояга етма- ганлами ижтимоий-педагогик жиҳатдан реабилитация қилиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштирувчи юқорида таъкидланганидек, маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида жамоатчилик асосида иш олиб борувчи тузилмадир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2000-йил 21-сентабрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 360-сонли қарорининг қабул қилиниши еса мазкур комиссияларнинг фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишга, такомиллаштиришга хизмат қилди. Шунингдек, мазкур қарор асосида комиссиялар фаолияти изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида уларнинг таркибида маҳаллий буджэт ҳисобидан алоҳида масъул котиб лавозими жорий этилди.

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланган:

вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назорациз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиши сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш;

давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганламинг назорациз қолиши ва улар ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини муволиқлаштириш;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирҳги, Халқ таълими вазирҳгининг ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ва Ички ишлар вазирҳгининг муассасаларида вояга етмаганламинг сақланиши, уларни ўқитиш, тарбиялаш шарт-шароитлари устидан назоратни ташкил этиш;

вояга етмаган ёшларнинг онги, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларинижонлантириш;

жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган ёки махсус ўқув- тарбия муассасаларидан қайтган вояга етмаганларни турар жой ва иш билан

таъминлашда ёрдам бериш, шунингдек, вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қонунда кўзда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Сир емас, собиқ Иттифоқ даврида жазони ижро этиш муассасаларидан бўшатилган шахслар, ҳатто амнистия орқали жазодан озод этилган бўлса ҳам, яшаш жойига қайтгач, жамиятда «ижтимоий пиллапоя»нинг енг қуйи поғонасидан жой олишарди. Мустақилликдан кейин Президентимиз И. А.Каримов томонидан жазони ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларни иш ва турар жой билан таъминлаш, уларни ҳаётга қайта кўниктириш ишлари етарли ташкил қилинмаганҳги танқид остига олингач, бу борадаги ишлар такомиллаштирилиб, ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 19-апрелдаги «Жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоглстон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва ҳокимликлар ҳузуридаги Махсус комиссиялар, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ва луқароламинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги яраштириш комиссиялари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги 180-сонли Қарорининг қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарорииг қабул қилиниши билан жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимликлари ҳузурида Махсус комиссияларнинг фаолияти йўлга қўйилди.

Жазо ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий- маиший жиҳатдан ва ишга жойлаштиришда ёрдам кўрсатиш бўйича махсус комиссия - маҳаллий давлат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоат тузилмаларининг жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни ишга жойлаштиришда ва уларнинг ижтимоий-маиший таъминотида ёрдам кўрсатиш жараёнида қатнашишини таъминловчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи лузилма дир.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган ва махсус комендатура ҳисобидан чиқарилган шахсларнинг ижтимоий мослашуви марказлари жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларга ижтимоий-маиший жиҳатдан ва ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш бўйича Махсус комиссияларнинг ишчи органи ҳисобланади.

Махсус комиссиялар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар учун ижтимоий мослашув марказлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, меҳнат биижалари, ижтимоий таъминот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, касаба уюшмалари, ёшлар ва бошқа жамоат бирлашмалари ҳамда меҳнат жамоалари вакиллари дан раис (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари, тэгишли ҳокимликлар ҳокими ўринбосари), раис ўринбосари, масъул котиб

(Ички ишлар вазирлигининг жойлардаги жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахслар билан ишлаш болинмаларининг бошлиғи) ва комиссия аъзоларидан камида олти кишидан иборат таркибда тузилади.

Махсус комиссиялар туман марказидан анча олисда жойлаш- ган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузурида ҳам тузилиши мумкин.

Махсус комиссияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ишга жойлаштириш, ижтимоий таъминот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жазони ижро этиш муассасалари, жамоат бирлашмаларининг, жазони ўташ жойларидан озод қилинган шахсларни, шунингдек озодликдан маҳрум этиш билан боглиқ болмаган жазога ҳукм қилинган шахсларни ишга жойлаштириш ва уларга ижтимоий-маиший жиҳатдан зарур ёрдам кўрсатиш бўйича корхоналар маъмурияти билан уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофлқлаштириш ва таъминлаш;

жазони олаш жойларидан озод қилинган шахслар учун ижтимоий мослашув марказлари ишини бевосита ташкил этиш ва уларнинг фаолияти устидан доимий назоратни амалга ошириш;

ушбу шахсларни ишга қабул қилишни рад этишнинг қонунийлиги ва асослилигини текшириш; уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари камситилишининг олдини олиш; тэгишли давлат органлари томонидан илгари судланган шахсларнинг шикоятлари, аризалари ва хатлари ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилишини назорат қилиш;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилган, шунингдек, жазони ўташ жойларидан муддатидан олдин шартли равишда озод қилинган шахслар билан тарбиявий ишламинг ташкил этилиши ва олиб борилиши устидан назорат ўмат иш.

Маълумки, 2001-йил 25-апрелда Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг таъсис қурултойи бо либ ўтди. Унда ёшларнинг янги ижтимоий ҳаракати тузилди.

Жамоат бирлашмаларини бир қанча гуруҳларга бўлиш мумкин:

оммавий жамоат бирлашмалари (сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, ёшлар уюшмаси);

кооперативлар (истеъмол қилувчи кооперация, уй-жой ширкатлари уюшмалари);

ихтиёрий (кўнгилли) жамоалар ва уларнинг иттифоқлари (маҳалла посбонлари, тиббиёт ходимларининг илмийжамоалари, спорт жамоалари, Қизил ярим ой жамияти ва бошқалар);

ижодий иттифоқлар, бирлашмалар (журналистлар, киночилар, композиторлар, ёзувчилар, рассомлар ва бошқалар);

халқ томонидан ташкил қилинган жамоат бирлашмалари (маҳалла қўмиталари, ота-оналар қўмиталари, ўртоқлик судлари ва ҳоказо).

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини тақиқлаб ёки чеклаб куйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Сиёсий партияларнинг ҳуқуқий ҳолати. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги 1996-йил 26-декабр қонуни Ўзбекистон Республикасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаб беради.

Сиёсий партиялар ўз фаолиятини Конституцияга, ундан келиб чиқувчи қонунга, бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставлари асосида амалга оширадилар.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани еркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

Судялар, прокурорлар ва прокуратура терговчилари, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, ҳарбий хизматчилар, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар сиёсий партияларга аъзо бўла олмайдилар.

Сиёсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашувига йўл қўйилмайди. Хусусий иш берувчилар ўз ходимларидан улар меҳнат вазифаларини бажараётган пайтда партия нималар асосида сиёсий фаолият билан шуғулланишини талаб қилишлари ман этилади.

Сиёсий партияни тузиш учун камида саккизта ҳудудий субъйектда (вилоятда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган ҳамда партияга бирлашиш истагида бўлган камида йигирма минг фуқаронинг имзоси бўлиши талаб этилади.

Сиёсий партия тузиш ташаббускорлари камида еллик кишидан иборат болиши, улар партия таъсис ҳужжатларини тайёрлаш, аъзолар таркибини шакилантириш ҳамда таъсис сйезди ёки конференсиясини чақириш бўйича ташкилий қўмитани тузишлари лозим.

Ташкилий қўмита ўзи тузилган кундан бошлаб етти кунлик муддатдан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Адҳя вазирҳгига ўз ташаббуси билан қўмитанинг таркиби, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда таъсис сйезди ёки конференсияси чақириладиган санани ёзма равишда хабар қилиши лозим. Ташкилий қўмита тузилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эгадир.

Сиёсий партия таъсис сйезди ёки конференсиясида тузилади ва у йерда партия устави ва дастури қабул қилинади; шунингдек унинг сайлаб қўйиладиган органлари тузилади.

Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатга олинади. Партияни рўйхатдан ўтказиш учун партия раҳбар органининг камида уч аъзоси имзолаган ариза, устав, дастур, таъсис сйезди ёки конференсиясининг баёни, рўйхатдан ўтиш бадали тўланганликни тасдиқловчи банк ҳужжати ва қонунда кўрсатилган бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Партия рўйхатдан ўтган кундан еътиборан юридик шахс мақомини олади ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Агар сиёсий партиянинг устави мақсад, вазифалари ва фаолият услуби Конституцияга, республика қонунларига зид бўИса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партия Конституцияни ва республика қонунчилик ҳужжатларини ёки ўз уставини, бузган тақдирда Адлия вазирлиги партия раҳбар органларига қайси нормалар бузилганини кўрсатган ҳолда ёзма равишда хабар қилади ва бундай бузишлами бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар улар белгиланган муддат давомида бартараф этилмаса, Адлия вазирлиги ёки республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан республика Олий суди сиёсий партиянинг фаолиятини олти ойгача муддатга тўхтатиб туриши мумкин. Агар бир йил ичида ўша хатти-ҳаракатлар такрор содир этилса, республика Олий судининг қарори билан сиёсий партиянинг фаолияти тугатилади.

Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни еркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб этиш;

сайлаб қўйиладиган давлат органларида ўз вакиллари орқали тэгишли қарорлар тайёрлашда иштирок этиш;

қонунда белгилаб қўйилган тартибда республика Президенти, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш, партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференсиялар ва бошқа тадбирлар ўтказиш;

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;

республиканинг бошқа сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.

Сиёсий партиялар республиканинг бошқа қонунларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга болишлари мумкин.

Сиёсий партиялар республика Олий Мажлисида ўз фраксияларини тузиш ҳуқуқига эга. Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фраксия ёки депутатлар гуруҳини тузиш ҳуқуқига эга. Фраксиялар ва депутатлар гуруҳлари рўйхатдан ўтиши керак.

Қонунчилик палатасининг мажлисида фраксия ва депутатлар гуруҳининг раҳбари ёки бошқа вакили тэгишинча фраксия ёки депутатлар гуруҳи тузилгани ҳақида палатага ахборот беради, бу Қонунчилик палатаси мажлисининг баённомасида қайд этилади.

Қонунчилик палатаси фраксия ва депутатлар гуруҳи тузилгани тўғрисида қарор қабул қилади.

Бундай фракциялар:

- сессия кун тартибини тузишда иштирок этиш; сессия кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда қатнашиш; Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш; Қонунчилик

палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши; тэгишли равишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, вазирларга, шунингдек бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш; Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлигига, қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклиллар киритиш; Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция ликрини депутатлар орасида тарқатиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Ўзбекистон экологик ҳаракати мамлакатимиз эколог олимлари ва шу соҳада иш олиб бораётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фаол жамоатчиликнинг ташаббуси билан 2008-йил 2-августда ташкил этилган болиб, 2008-йил 20-сентабр куни жамоат бирлашмаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилган.

Ўзбекистон экологик ҳаракати — Ўзбекистон фуқароларининг бугунги ва келажак авлоднинг қулай атроф табиий муҳитга эга бўлиш, соглиқни сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойлиМардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг екологик хавфсизлигини таъминлашга болган ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларга сўзсиз риоя этилишига қаратилган янгиланиш жараёнларини янада чуқурлаштиришда бевосита фаол иштирок этишга ҳамда бу борада жамиятнинг барча саъй-ҳаракатларини сафарбар этишга интилувчи мамлакат фуқаролари ва ташкилотларни ихтиёрийлик асосида бирлашти- рувчи оммавий жамоат ҳаракатидир.

Экоҳаракат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари ҳамда ўзининг уставига мувофиқ равишда амалга оширади.

Экоҳаракатнинг фаолияти қонунийлик, ўзини ўзи бошқариш ваошкораликпринсипларигаасосланади ҳамдаРеспубликанинг барча ҳудудларида амалга оширилади.

Экоҳаракатнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиб, улар:

жамоатчиликнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва екологик вазиятни согломлаштириш ишидаги фаоллигини ошириш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича қонунчиликни янада такомиллаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шу мақсадларга йўналтирилган маблаглардан оқилона фойдаланиш бўйича қонунлар ва бошқа давлат қарорларининг сўзсиз ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

аҳолининг екологик маданиятини юксалтириш, екологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш;

атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

ҳаракатнинг жамоавий иштирокчилари болган нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофлқлаштириш;

қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти вакиллик органларига бўладиган сайловларда қатнашиш

Хусусан экоҳаракат:

фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитга болган ҳуқуқини ҳимоя қилишга ҳамда табиатдан фойдланиш соҳасида иқтисодий механизмларни жорий қилишга қаратилган екологик хавфсизликни комплекс тарзда таъминлаш бўйича қонун ҳужжатларини қабул қилиш ва уларни амалга оширишга;

мамлакатда экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга бошқача тарзда зарар етказганлик учун корхона ва ташкилотларнинг, мансабдор шахслар ва алоҳида луқароламинг жавобгарлигини кучайтириш- га қаратилган чора-тадбирлами ҳар томонлама қўллаб-қуwатлашга;

экологик ҳуқуқбузарликлар ва табиатга зарарли болган бошқа таъсирлар оқибатларини бартараф этиш, шу жумладан трансчэгаравий аҳамиятга эга бо лаган ҳолатларда ҳам, улар томонидан атроф- муҳитга ва инсон саломатлигига етказилган зарами қоплашни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиёти сама- радорлигини оширишга интилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолати. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятида демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни йечишда мустақиллик, жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдам каби асосий принсипга таянади.

Фуқаролар йиғини ўзини ўзи бошқариш органи сифатида қуйидаги ваколатларга эга:

ушбу органнинг фаолияти, дастури, харажатлар смэтасини, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар режаларини тасдиқлайди;

раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари ишининг асосий йўналишларини белгилайди, ҳар йили уларнинг ҳисоботларини тинглайди;

ўз ҳудудидаги ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш учун аҳолининг, мулкчилик барча шаклларидаги корхона, таш- килот ва муассасаларнинг маблагларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади;

пул маблаглари сарфланиши устидан назоратни ташкил этади, замр болганида, тафтиш комиссияси тузади ва ушбу комиссия тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

қонунларда белгиланган тартибда ўз ҳудудидан кичик корхоналар, кооперативлар, устахоналар, халқ ҳунармандчилик сехларини ташкил этиш масалаларини кўриб чиқади;

йиғин маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг чэгараларини ўзгартиришга, кўча, майдон ва бошқа жойларнинг номини ўзгартиришга доир масалаларни кўриб чиқади ҳамда тэгишли давлат органларига таклиллар тайёрлайди.

Фуқаролар йиғини республиканинг қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Йиғин давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан келишган ҳолда савдо, умумий овқатланиш ҳамда аҳоҳга маиший хизмат кўреатиш корхоналарининг аҳоли учун кулай соатларда ишлашини белгилайди.

Фуқаролар йиғини республика қонунларига мувофиқ йер муносабатлари соҳасидаги масалаларни ҳам ҳал этади.

Фуқаролар йиғинига раис (оқсоқол) бошчилик қилади. Фуқаролар йиғинининг раиси:

республика қонунлари, Президентнинг фармонларини, республика ҳукумати ва маҳаллий ҳокимият органларининг қарорларини бажаришга доир ишларни ташкил этади;

фуқароларнинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилади;

қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса ва ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қила олади;

-фуқароларнинг ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда, оммавий-сиёсий тадбирларда қатнашишини ташкил этади; аҳолига савдо ва коммунал-маиший хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашади, бу мақсадларда тэгишли ҳудудда жойлашган корхоналар ва ташкилотлар тақдим этадиган моддий ва бошқа маблаглардан фойдаланади ҳамда дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қоидаларига риоя этилиши, фуқароларга маданий хизмат кўрсатишнинг таъминланиши устидан жамоатчилик н азорал ини ташкил этади;

аҳоли пунктлари, сув таъминоти манбалари, уй-жойлар, мак- таблар ва бошқа муассасаларнинг санитария ҳолати устидан назорат қилинишига кўмаклашади;

қабристонлар, қардошлик қабрлари ва бошқа мозорларни саранжомсаришта сақлаш юзасидан жамоатчилик ишларини ташкил қилади;

алоқа органларига маҳаллий телефон ва почта алоқасини ривожлантириш, радиолаштириш борасида, маҳаллий алоқа иншоотларини муҳофаза қилишда ёрдам беради;

эгасиз мол-мулкни, шунингдек, давлатга мерос тарзида ўтган мол-мулкни сақлаш ва тасарруф этиш чораларини кўради;

деҳқон хўжаликларининг оилавий мулк тақсимотларини рўйхатга олади, ўз ҳудуди доирасида яшовчиламинг ҳисобини олиб боради;

ўз ҳудудидаги ерларнинг ишлатилиши ва муҳофаза этилиши устидан назорат қилади, фуқаролар йиғини муҳокамасига ер муносабатларини тартибга солиш масалаларини киритади;

иморат қуриш қоидаларига риоя этиш, хонадонларга туташ жойларнинг ораста болиши, жониворларни сақлашга оид вэтеринария қоидаларини бажариш устидан жамоат назорал ини ташкил этади;

аҳолидан солиқ, суғурта ва бошқа хил толовламинг ўз вақтида тушишига кўмаклашади;

аҳоли пунктларида ёнглнга қарши тадбирлар олказишни ташкил этади, зарур болганида еса табиий офатларга қарши кураш ва уларнинг оқибатини тугатишга фуқароларни жалб этади;

тэгишли ҳудудда жамоат тартибини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қиҳш органларига кўмаклашади;

ҳарбий хизматга мажбур шахслар ва чақирилувчиларни маҳаллий мудофаа органларига чақирилаётганларидан хабардор қилишни ташкил қилади, аҳолини фуқаро мудофаасига доир тадбирлар олказишга жалб этади;

давлат ва жамоат органларига ногиронлар, боқувчисидан маҳрум болган оилалар, кўп болали оилалар, ёлғиз оналар, шунингдек, табиий офатлардан жабр кўрган луқароламинг моддий ва уй-жой, маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида таклиллар киритади;

вояга етмаганламинг назорациз қолишининг олдини олишга доир жамоатчилик ишларини ташкил этади, ота-онасининг қарамоглдан маҳрум бўлган болалами тэгишли давлат муассасаларига жойлаштиришга, шунингдек, ёшлами ишга жойлаштиришга кўмаклашади;

аҳоҳ орасида маъруза ва суҳбатлар олказишни ташкил этади, фуқароларга мунтазам равишда маданий хизмат кўрсатишга, китоб савдосини ривожлантиришга, газэта ва журналларнинг тарқатилишига ёрдамлашади, меҳнаткашлар оммавий равишда дам оладиган ҳудудлами ташкил этиш, спорт иншоотлари тармоғини ривожлантиришга кўмаклашади;

тэгишли ҳудудда байрам кунлари ва шонли саналар муносабати билан оммавий тадбирлар олказишни ташкил қилади;

давлат органларига фуқаролар йиғинининг кўча ва майдонлар, аҳоли пунктлари таркибий қисмининг номини ўзгартириш, уйларни рақамлаб чиқиш хусусида таклиллар киритади;

фуқароларни қабул қилади, уларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқади, улар юзасидан зарур чоралар кўради;

фуқароларга уларнинг шахсини, оилавий ва мулкий аҳволини тасдиқловчи маълумотномалар ҳамда республика қонунларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар беради;

фуқаролик ҳолати актларини рўйхатга олади, айрим нотариал ҳаракатлами амалга оширади.

Республика қонунларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари ўз ваколатлари доирасида қарор- лар қабул қиладилар. Бу қарорларни тэгишли ҳудудда яшайдиган барча

фуқаролар адо этишлари шарт. Ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунларга зид ҳужжатларини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари ёки тэгишли ҳокимлар бекор қиладилар.

Ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, шунингдек, раис (оқсоқол)нинг хатти-ҳаракатлари устидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

Фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 19-апрел қарорига асосан ташкил этилган «Маҳалла посбони» жамоат лузилмалари ҳам фаолият кўрсатади.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда фуқароларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини ошириш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноватчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига кўмаклашишга жалб этиш ҳамда улар билан ҳамкорлик қилиш мақсадида тузилади.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмасига фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига биноан онгли равишда ватан, халқ манфаатлари йўлида садоқат билан хизмат қилишга тайёр, жисмоний ва маънавий соғлом, пок, иймон-еътиқодли, юксак инсоний ва ахлоқий фазиларларга эга болган, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқ-тартибот органларига кўнгилли равишда ёрдам бериш истагини билдирган, тэгишли маҳаллада истиқомат қилувчи 18 ёшга етган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинадилар.

Назорат учун саволлар

1. Нодавлат ташкилотлар тушунчаси ва ҳуқуқий ҳолат ини ёритиб беринг.
2. Нодавлат ташкилотларнинг турларини санаб ўтинг.
3. Нодавлат нотижорат лашкилолларни тузиш асослари ва тартиби, қандай?
4. Жамоат бирлашмалари тушунчаси ва турларини кўрсатинг.
5. Сиёсий партиялар тушунчаси ва турлари ҳақида сўзлаб беринг.
6. Касаба уюшмаларининг вазифалари нималардан иборат?

1.8. Фуқаролар маъмурий ҳуқуқ субъекти сифатида

Режа:

1. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ ҳолати асослари.
2. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
3. Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқларининг кафолатлари.
4. Чет еллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқи, Фуқароларнинг давлат бошқаруви, Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқлари, Чет эл фуқаролари, Фуқаролиги бўлмаган шахслар, Васийлик ва ҳомийлик, .

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий субъйектларидан бири – бу жисмоний шахслардир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги болмаган шахслар - маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришиб, маълум бир субъйектив ҳуқуқ ва мажбу- риятларга эга бўлишлари мумкин.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги (маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги) ҳуқуқлари, еркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлигининг йиғиндиси — фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини ташкил этади. Бу муносабатлар фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқнинг бошқа субъйектлари билан, масалан, давлат ҳокимияти органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, корхона, муассаса ва жамоат бирлашмалари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари билан ўзаро алоқаси натижасида вужудга келади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган асослардан, қонунчилик ҳужжатларининг умумий нэгизлари ва мазмунига кўра уларнинг фуқаролик ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

қонунда назарда тутилган шартномалар ва бошқа битимлардан;

қонунда ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органлари ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатларидан;

қонунда йўл қўйилган асослар бўйича мол-мулк олиш натижасида;

фан, адабиёт, санъат асарларини яратиш, ихтиролар ва бошқа интеллектуал фаолият натижасида;

бошқа шахсга зарар етказиш натижасида;

фуқароларнинг бошқа ҳаракатлари натижасида вужудга келиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган — фуқаро ҳуқуқий ҳолатининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий муносабатлардаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади ҳамда маъмурий-ҳуқуқий актларда ўз ифодасини топади.

Фуқаролар ўзларига тэгишли болган ҳуқуқларини, шу жумладан уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқини ҳам ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар.

Фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишдан воз кечиши бу ҳуқуқларнинг бекор қилинишига олиб келмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга ошириши билан бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмасликлари шарт.

Фуқаролар ўз ҳуқуқларини амалга оширишда жамиятнинг маънавий-ахлоқий принсиплари ва нормаларини ҳурмат қилишлари лозим.

Фуқароларнинг бошқа шахсга зарар етказишига, бошқача шаклларда ҳуқуқни суиистеъмол қилишига, шунингдек, ҳуқуқни унинг мақсадига зид тарзда амалга оширишга қаратилган ҳаракатларига ёл қўйилмайди.

Фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқатига эга бўлиши катта аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг ма ъмурий ҳуқуқ лаёқати инсон туғилиши билан вужудга келади ва туғилганданоқ қонунчиликда белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга болишни англатади.

Ҳуқуқ лаёқати инсон шахси билан бевосита боглиқ болиб, уни чеклаш ёки ундан маҳрум этиш мумкин емас. Амалдаги қонунчиликка биноан маъмурий ҳуқуқ лаёқати - қонунда белгиланган тартибда фақатгина суд томонидан чекланиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ лаёқати унинг вафот этиши билан бекор болиши мумкин.

Фуқароларнинг ма ъмурий муомала лаёқати маъмурий ҳуқуқ лаёқатидан фарқ қилган ҳолда, маълум бир ёшдан вужудга келади. Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати — бу фуқароларнинг ўз хатти-ҳаракатлари билан давлат бошқаруви соҳасида ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишлари ва уни амалга оширишлари тушунилади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига биноан фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати қисман 16 ёшдан вужудга келади. Масалан, 16 ёшга тўлган фуқаролар паспорт олишга мажбурдирлар ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг субъйекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахслар болиши мумкин. Бу ҳуқуқбузарликлар асосан давлат бошқаруви жараёнида содир этилади.

Фуқаролар 18 ёшга тўлганда тўла маъмурий муомала лаёқатига эга бўладилар, яъни Ўзбекистон Республикаси Конститут- сияси ва қонунларида кўрсатиб олилган ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга оширишлари мумкин.

Масалан, Ватанни ҳимоя қилиш бурчи ёки сайлаш ҳуқуқи 18 ёшдан вужудга келади.

Баъзи ҳолларда фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати, яъни ўзларининг ҳаракатлари билан давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга болишлари, масалан: 21 ёшдан (халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайланиш ҳуқуқи); 25 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқи); 35 ёшдан (Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайланиш ҳуқуқи) вужудга келиши мумкин.

Фуқароларнинг маъмурий муомала лаёқати суд органлари томонидан чекланиши мумкин. Масалан, фуқаро жиноят содир этиб озодликдан маҳрум этиш жазосини олаётган бо Иса, бундай шахслар уларга тэгишли болган айрим ҳуқуқ ва мажбуриятларни (мисол учун сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, умумий ҳарбий мажбурият) амалга ошира олмайдилар.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан руҳий касаллиги ёки ақли заиллиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқациз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади. Фуқаронинг муомалага лаёқациз деб топилишига сабаб болган асослар бекор бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

Спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ, бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади. Фуқаронинг муомала лаёқати чекланишига сабаб бўлган асослар бекор бўлса, суд унинг муомала лаёқатини чеклашни бекор қилади. Фуқарога белгиланган ҳомийлик суд қарори асосида бекор қилинади.

Васийлик ва ҳомийлик муомалага лаёқатсиз ёки муомалага тўлиқ лаёқатли болмаган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун белгиланади.

Васийлар ва ҳомийлар ўз ҳимояларидаги шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай шахслар билан муносабатларда, шу жумладан, судларда ҳам махсус ваколациз ҳимоя қиладилар.

Демак, фуқаролар ўзларининг маъмурий-ҳуқуқий ҳолатини, фақатгина маъмурий ҳуқуқ лаёқати ва маъмурий муомала лаёқати мавжуд бўлганида, амалга оширишлари мумкин.

Фуқаролар маъмурий-ҳуқуқий ҳолатининг таркибий қисмини - фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва эркинликлари, мажбуриятлари, жавобгарлиги ташкил этади.

Чунки Конституцияга биноан Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва еркинликларга эга болиб, жинсий, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-м.).

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат важамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва еркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва еркинликлари, биринчи галда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан белгиланган бўлиб, буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш енг оғир жиноятдир;

ҳар ким еркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга;

ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин емас;

жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқациз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин емас;

ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин емас;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кэтиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир;

ҳар ким фикрлаш, сўз ва еътиқод еркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир;

ҳамма учун виждон еркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга еътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга еътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади;

фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар;

ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;

ҳар бир шахс меҳнат қилиш, еркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир;

ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга;

ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга;

ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга;

ҳар кимга илмий ва техникавий ижод еркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Фуқаролар маъмурий-ҳуқуқий ҳолатининг иккинчи асосий таркибий қисми — бу фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги бурчлари ва мажбуриятларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги бурчларни бажарадилар:

фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, еркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар;

фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар;

фуқаролар атроф табиий муҳитга еҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;

фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимлами тўлашга мажбурдирлар;

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари ва мажбуриятлари Конституциядан ташқари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида ҳам белгиланади.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқиб фуқароларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати таркибига кирувчи ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тўртта гуруҳга бирлаштириш мумкин:

биринчи гуруҳни фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиши, давлат хизматида болиши билан боглиқ болган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар ташкил этади. Давлат

ишларини бошқаришда иштирок этиш кенг қамровли тушунча бо либ, моҳиятига кўра, мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ўз ичига олади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бу гуруҳининг ўзига хослиги шундаки, уларни амалга ошириш фуқароларнинг фаоллиги, ҳоҳиш-иродасини ифода этишини талаб этади.

Фуқароларнинг иккинчи гуруҳни ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш нафақат уларнинг фаоллигини, балки давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашувини ҳам талаб қилади. Жумладан, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ёрдами ёки қоллаб-қувватлашисиз фуқаролар митинглар, намойишлар олказиш, ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш, давлат органларига якка тартибда ёки жамоа бо либ мурожаат қилиш, давлат органлари (мансабдор шахслар)нинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари (қарорлари) оқибатида етказилган зарарни қоплаш ҳуқуқларини амалга ошира олмайдилар.

Фуқароларнинг учинчи гуруҳни ташкил этувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш - давлат органлари ва мансабдор шахслардан бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, давлат томонидан кафолатлаш, уларни бажариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш бўйича функсионал фаолиятни амалга оширишни талаб қилади.

Давлат бошқаруви соҳасида фуқароларнинг тўртинчи гуруҳ ҳуқуқ ва мажбуриятлари - давлат органлари фаолиятида фуқаролар иштироки билан богликдир. Масалан, бунга — фуқароларнинг давлат органлари фаолиятида илмий-техник ходим, експерт, маслаҳатчи, соҳавий ёки ишчи комиссияларининг аъзоси сифатида иштирок этиши билан боглиқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари киради.

Фуқаролар давлат бошқаруви соҳасида ўзларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш орқали турли маъмурий-ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бу муносабатлар қуйидагилар асосида вужудга келиши, о ъзгариши ёки бекор бо ълиши мумкин:

фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари (масалан, давлат органига мурожаат қилиш, олий ўқув юртларига кириш);

фуқароларнинг ўз мажбуриятларини бажаришлари (масалан, фуқаронинг 16 ёшга тўлганда паспорт олиши);

давлат органлари (мансабдор шахслар) томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг бузилиши (масалан, асоссиз равишда шикоятни кўриб чиқишни рад этиш);

фуқаролар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги (масалан, белгиланган тартибда ҳарбий хизматни ўтамаганлик).

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги – шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланадил.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин емас.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролар олдида, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси еса, давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, еркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги — фуқароликни олиш асосларидан қатъи назар, барча учун тенг ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий турмушнинг барча соҳаларида таъминланади.

Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати

Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқаролар ва фуқаролиги болмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ва халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сингари бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадир.

Назорат учун саволлар

1. Фуқароларнинг маъмурий ҳуқуқ ҳолати асослари?
2. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги ҳуқуқлари?
3. Фуқароларнинг давлат бошқаруви соҳасидаги мажбуриятлари?
4. Фуқароларнинг давлат бошқарувидаги ҳуқуқларининг кафолатлари?
5. Чет еллик фуқароларрнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати?
6. Фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маъмурий-ҳуқуқий ҳолати?

1.9. Давлат бошқарувининг шакл ва усуллари

Режа:

1. Давлат бошқаруви шакллари тушунчаси.
2. Давлат бошқаруви шаклларининг турлари.
3. Бошқарув фаолиятининг усуллари.
4. Давлат бошқарувида ишонтириш ва мажбурлов усуллари тушунчаси.

Мавзу бўйича таянч сўз ва иборалар: Давлат бошқаруви. Давлат бошқаруви усуллари, Бошқарув усулларининг ўзига хос хусусиятлари, Ишонтириш усули, Бошқарув акти, Ҳуқуқий акт, Маъмурий усуллар.

Маъмурий ҳуқуқ ҳуқуқ соҳаси бўлиб, давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндисидан иборат. Маъмурий ҳуқуқ лотинча “администратион” сўзидан олинган бўлиб, «бошқарув ҳуқуқи» деган маънони англатади.

Маъмурий ҳуқуқ фанини, унинг мақсад ва вазифаларини англаб олишдан олдин давлат бошқаруви ва умуман бошқарув тўғрисида тушунча ҳосил қилиш лозим.

Ҳар қандай бошқарув жамиятда юзага келадиган турли-туман муносабатларни тартибга солишга ҳаратилган бўлади. Жамиятда мавжуд бўлган бошқарув ижтимоий бошқарув деб аталиб, давлат бошқаруви унинг асосий турларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Давлат бошқаруви давлат фаолиятининг алоҳида бир тури бўлиб ҳисобланади. Давлат бошқаруви бевосита давлат органлари ва унинг мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади. Давлат бошқарувининг тамойиллари - бу асосланувчи қарашлар (фикрлар) бўлиб, унинг ёрдамида давлат бошқарувини амалга оширувчи аппарат ташкил этилади ва функсияланади.

Давлат бошқаруви тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва қонунларида, давлат бошқарувида иштирок этувчи жамоат ташкилотларининг Устав ва бошқа ҳужжатларида акс эттирилади.

Давлат бошқаруви тамойиллари икки гуруҳга бўлинади:
1. Ижтимоий-сиёсий тамойиллар.

2. Ташкилий тамойиллар.

Шакл - бу маълум бир ҳодиса ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўринишидир. Масалан, таълим жараёни — маърузалар ёки амалий машғулотларни олиб бориш (яъни таълим шакллари) орқали намоён бўлади.

Ҳар қандай фаолият сингари давлат бошқаруви фаолияти ҳам, маълум бир шаклларда ифодаланади. Давлат бошқаруви шундай жараёнки, унда кўпгина шахслар, ташкилот ва органлар иштирок этади. Бу жараёнда ижро этувчи ҳокимият органларининг (бошқарув фаолияти асосий субъйектининг)

вазифалари, функсиялари ва ваколатлари амалга оширилганлиги сабабли, биринчи навбатда, мазкур ҳокимият субъйектлари фаолияти шакллари муаммоси вужудга келади. Ушбу фаолиятнинг шаклларини аниқлаш орқали давлат - бошқарув фаолиятининг мазмунини чуқурроқ англаш мумкин.

Маълумки, давлат ҳокимияти қандай кўринишда болмасин ўз-ўзидан амалга оширилмайди. Балки давлатнинг ўзини намоён қилиш мақсадида қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд соҳасида ҳаракат қилиши лозим бўлади. Айнан давлат тэгишли субъйектларининг аниқ ҳаракатларида мазкур ҳокимиятнинг мазмуни ва йўналишлари намоён бўлади.

Бошқарув органлари (мансабдор шахслар) ўзларининг кундалик амалий фаолиятларида турли хил ҳаракатлами амалга оширадилар. Бунда давлат органи ёки унинг вакили (мансабдор шахс)нинг компэтенсияси — бошқарув соҳасидаги у ёки бу ҳаракатни амалга ошириш имконини белгилаб беради. Жумладан, айрим ижро этувчи ҳокимият органлари қонун ости ҳуқуқий нормаларини, яъни давлат бошқаруви жараёни ёки унинг айрим соҳаларида хулқ-атвор қоидаларини ўматиш ваколатига; бошқалари еса бошқарув муносабатларининг у ёки бу субъйектига қаратилган аниқ юридик ҳокимият кўрсатмаларини бериш ваколатига; учинчиси еса, контрол-назорат функсияларини амалга ошириш ваколатига эга болиши мумкин. Уларнинг барчаси ўз фаолияти ёки бўйсунувчи субъйектларининг фаолиятини ташкил этиш мақсадида маълум бир ҳаракатларни амалга оширадилар; турли хил фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг еҳти- ёжларини қондирадилар.

Ижро этувчи ҳокимият субъйектлари томонидан амалга ошириладиган турли хил ҳаракатлар давлат бошқарувининг мазмун- моҳиятини ифода этади, бошқарув вазифалари ва функсиялари, яъни давлат-бошқарув фаолияти қандай амалга оширилиши тўғрисида тасawур ҳосил қилишга олиб келади.

Ижро этувчи ҳокимият органлари ўз функсияларини бевосита давлат номидан амалга оширар екан, улар фаолиятининг ташқи кўриниши (шакли) ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган болиши керак. У ёки бу давлат органининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи маъмурий-ҳуқуқий нормалар, улар фаолиятининг ташқи кўриниши (шакллари)ни ҳам белгилаб беради.

Бошқарув шаклларининг мазмун-моҳиятини очиб беришда «бошқарувнинг мақсади», «бошқарув функсиялари», «бошқарув вазифалари», «ваколат», «компэтенсия» сингари терминларга алоҳида еътибор қаратиш лозим. Мазкур тушунчалар аниқ бир бошқарув соҳасида бошқарув услубини танлашда ҳам хизмат қилади. Бошқарув функсиялари - бошқарув фаолиятининг мазмунини белгилаб беради. Бошқарув мақсадига - бошқарув субъйектлари томонидан фойдаланиладиган барча бошқарув шакллари бўйсундирилган. Бошқарув органлари бошқарув шакллари орқали ўзларининг ваколатларини амалга оширадилар.

Бошқарувнинг мақсадига еришиш учун бошқарув шакллари бошқарув функсияларини амалга ошириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Демак, бошқарув жараёнининг мазмуни бошқарув функсиялари, бошқарув услублари ва бошқарув шакллари орқали ёритиб берилади. Бошқарув назарияси айнан мана шу катэгорияларга асосланади. Бошқарув амалиёти эса, мазкур катэгорияларининг ривожланишига бевосита боглиқ бўлади.

Бошқарув шакллари бошқа ҳокимият органлари фаолиятининг шаклларидан, яъни қонун ижодкорлиги (қонунчилик фаолияти) ва одил судлов (суд фаолияти)дан фарқ қилади. Бошқарув шакллари давлат ва жамият ҳаётининг, бошқарувнинг барча соҳаларида давлат функсияларини амалга ошириш имкониятини беради.

Бошқарув органлари ва мансабдор шахслар ҳар бир ҳолатда аниқ бошқарув шаклини қўллайдилар. Бошқарув ҳаракатларининг у ёки бу шаклини танлаш еса, маълум бир қоидалар асосида амалга оширилади. Жумладан, улар мазкур орган (мансабдор шахс) компэтенсиясига, йўналишига (аҳамиятига), бошқарув фаолиятининг функциялари ва услубларига, ҳал қилинадиган масалалар хусусиятига, бошқарув таъсири мақсадларига, аниқ обйект хусусиятларига мос келиши керак. Бошқарув шакллари тэгишли бошқарув органи (мансабдор шахс) фаолияти доирасига кирувчи объектларгагина қўлланилиши мумкин.

Бошқарув органлари ўз вазифа ва функсияларини амалга ошириш жараёнида турли хил маъмурий-ҳуқуқий шакллардан фойдаланадилар. Бошқарув фаолияти шакллари бошқарув фаолияти мазмунига мос келиши керак, яъни бошқарувнинг у ёки бу функсиясини амалга оширишда мақсадга мувофиқ ва кам вақт талаб этадиган куч ва воситалардан фойдаланиш лозим.

Давлат бошқаруви жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (уставлар, низомлар, йўриқномалар) билан ўрнатилган бошқарув шаклларидан фойдаланилади. Бошқача айтганда, бошқарув жараёнида давлатнинг у ёки бу вазифасини ҳал этиш, у ёки бу функсиясини амалга оширишнинг рухсат берилган (яъни норматив ҳужжатлар билан белгиланган) шаклларидан фойдаланилади. Акс ҳолда, бошқарув ҳаракатлари ва уларнинг мазмуни шубҳа остига олиниши, норматив ҳужжатлар талабига мос келмаслиги мумкин. Лекин бу бошқарув субъйектининг ўз хоҳишига кўра ҳаракатланиш имко- ниятидан маҳрум этилганлигини англатмайди. Бошқарув субъйекти ҳар бир ҳолат бўйича бошқарув вазифаларини ҳал этиш жараёнида у ёки бу шаклни танлашга ижодий ёндашиши мумкин.

Давлат бошқаруви фаолиятининг ташқи кўрин иш лари турли хил болганлиги сабабли, уни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Бошқарув шакллари турли юридик аҳамиятга эга бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади. Уларнинг баъзилари конституциявий нормалар (масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари) ва қонунлар билан (масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари), бошқалари еса қонун ости актлари билан (масалан, вазирлик, давлат қўмитасининг буйруқлари, кўрсатмалари ва ҳоказо) тартибга солинади. Давлат органларининг ички ташкилий фаолияти

шакллари ҳам маълум бир нормалар билан тартибга солинган болиб, ташкилот ичидаги у ёки бу органнинг фаолияти доирасида бўлади (масалан, йўриқномалар).

Давлат бошқаруви шакллари бўйича кенг доирада илмий тадқиқотлар Ю.Староссяк томонидан олиб борилган болиб, унинг моногралиясида бошқарув шакУаринипг қуйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

биринчидан, умуммажбурий нормаларни ўрнатиш; иккинчидан, маъмурий актлар қабул қилиш; учинчидан, шартномалар тузиш; то ъртинчидан, ижтимоий-ташкилий фаолиятни амалга ошириш; бешинчидан, моддий-техник ҳаракатларни бажариш.

Ю.М.Козлов бошқарув шаклларига тўхталиб, уларни икки гуруҳга ажратади:

Биринчиси - ҳуқуқий шакллар. Ҳамма вақт маълум бир юридик оқибатларни вужудга келтирадиган ҳаракатлар. Бу ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бевосита ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатлари ҳисобланади. Бундай ҳаракатларда юридик ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Мазкур гумҳга кирувчи ҳаракатларнинг хусусиятлари - бошқарувнинг ҳуқуқий актларида яққол намоён бўлади.

Иккинчидан — ноҳуқуқий шакллар. Ушбу шакллар бошқарувнинг ҳуқуқий актларини қабул қилишни назарда тутмаганлиги сабабли, юридик оқибатларни тўғридан-тўғри вужудга келтирмайди. Улар ҳуқуқий шаклларга хос болган маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирмайди. Ноҳуқуқий шакллар ҳуқуқий шаклларни қўллашга ёки уларни кейинчалик амалга оширилишига кўмаклашувчи турли хил ташкилий ҳаракатлар ҳисобланади.

Давлат бошқаруви актларининг мазмуни ва хусусиятлари

Маъмурий ҳуқуқ назариясида бошқарувнинг ҳуқуқий акти институти алоҳида аҳамиятга эга болиб, унинг доирасида давлат бошқарувининг енг муҳим функсиялари амалга оширилади. Тэгишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари ва ҳаракатлари, қоида бўйича, норматив ёки норматив болмаган ҳуқуқий актлар шаклида расмийлаштирилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари ижтимоий бошқарув олдида турган мақсад ва вазифаларга еришиш учун унинг ҳаракатиарини амалга оширишнинг муҳим ҳуқуқий шакли сифатида намоён бўлади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари муаммосига оид ҳуқуқ- шунос олимларнинг кўпдан-кўп илмий ишлари мавжуд болиб уларнинг аксарияти ўқув юртларида бошқарув ҳуқуқий актлари (маъмурий ҳуқуқий актлар)ни ўрганишга қаратилган махсус фанни киритиш тарафдоридир.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари, ҳозирги вақтда, кенг норматив асосга эгадир, яъни бундай актларни қабул қилиш ва унинг тартиби — Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ифодасини топган.

Бошқарув ҳуқуқий актларини қабул қилиш — ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг асосий шаклларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқий

актлар орқали мазкур субъйектларнинг вазифалари, функсиялари ва ваколатлари, яъни компэтенсияси бевосита амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари дэганда — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг бир томонлама ҳокимият кўрсатмаларини ифодалаш, юридик оқибатларни вужудга келтириш ва бажарилиши мажбурий болган актлар тушунилади.

Ҳуқуқий актлар — бошқарув қарорларининг юридик шакли болиб ҳисобланади. Ижро этувчи ҳокимият органи (мансабдор шахс) ваколати доирасида ҳуқуқий акт қабул қилиш орқали умумий (норматив) ёки индивидуал (якка, маъмурий) аҳамиятга эга болган масалаларни ҳал этади.

Ҳуқуқий акт — ижро этувчи ҳокимият субъйектининг бир томонлама юридик ҳокимияти иродасини намоён этиб, биринчидан, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳокимият табиатини ифодалайди; иккинчидан, унинг ёрдамида ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифа ва функсиялари амалга оширилади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий акти — императив хусусиятга эга болиб, унинг талаблари қайси субъйектга қаратилган болса, унинг учун мажбурий ҳисобланади.

Ҳуқуқий актларнинг ижроси, унинг талабларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахсларни юридик жавобгариикка тортиш таҳдиди билан таъминланади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари:

биринчидан, давлат бошқаруви соҳасида хулқ-атвор қоидаларини ўрнатади;

иккинчидан, аниқ бир маъмурий-ҳуқуқий муносабатни вужудга келтирувчи юридик факт сифатида намоён бўлади. Масалан, вазир ўз буйругл билан тэгишли соҳада фаолият юритувчи барча давлат органлари, мансабдор шахслар, корхона ва муассасалар учун мажбурий болган қоидалар ўрнатиши мумкин. Шунингдек, унинг шахсни маълум бир лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйругл билан, аниқ давлат-хизмат муносабатлари вужудга келиши мумкин.

Бошқарувнинг ҳар қандай шаклдаги ҳуқуқий акти қонун ости хусусиятига эга бўлади, яъни улар ваколатли давлат органлари томонидан Конституция ва қонунларга асосланиб ва уларни ижро этиш мақсадида қабул қилинади.

А. Г. Чернявскийнинг фикрича, давлат бошқарув актлари ижро этувчи ҳокимият фаолиятининг бошқа шаклларидан фарқ қилган ҳолда қуйидаги о ъзига хос хусусиятларга эгадир:

бошқарув актлари — ижро этувчи ҳокимият субъйектларининг, яъни маъмурий ҳуқуқ субъйекти ҳисобланган ижро этувчи ҳокимият органлари ёки корхона ва муассаса маъмуриятининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалашдир. Бу актлар — маъмурий ҳокимиятнинг мақсад ва функсияларини амалга оширишнинг муҳим воситаларидан бири бо либ, ижро этиш ва фармойиш бериш фаолиятининг асосий шакли ҳисобланади. Бошқарув актлари - бошқарув субъйектлари томонидан мамлакатнинг

хўжалик, ижтимоий-маданий, маъмурий-сиёсий соҳаларига кундалик ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш жараёнида қабул қилинадиган қарорлардир. Бошқарув актлари ўртасида ижро этувчи ҳокимият органлари (мансабдор шахслар) томонидан қабул қилинадиган актлар алоҳида аҳамиятга эгадир;

бошқарув актлари — ижро этувчи ҳокимият ёки маъмурий ҳуқуқнинг ваколатли бошқа субъйекти томонидан қабул қилиниши мумкин. Бу актлар - бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шаклларидан бири ҳисобланади;

бошқарув актлари — адресатга (яъни қайси шахсга қаратилган бўлса), императивлик, мажбурийлик хусусиятига эга, унда бир томон (маъмурий ҳуқуқ субъйекти)нинг тэгишли иродаси ифодаланган бўлади;

бошқарув актлари — хулқ-атворни, маълум бир қоидани ўрнатиш ва тартибга солиш хусусиятига эгадир;

бошқарув актлари — маъмурий-ҳуқуқий муносабатларминг вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида ҳуқуқий асос болиб хизмат қилади.

Демак, бошқарув акти — бошқарув қарорларининг ҳуқуқий шакли болиб, маъмурий ҳуқуқнинг тэгишли субъйекти (ижро этувчи ҳокимият органи, корхона ва муассаса маъмурияти, мансабдор шахс) томонидан бир томонлама тартибда иродани ифодалаш актидир; қонунчиликда кўрсатилган шаклга эга болган ва ижро этувчи ҳокимият соҳасидаги вазифа ва функсияларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида маъмурий-ҳуқуқий нормаларни ўрнатиш ҳамда маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган актдир.

Ю.Н.Стариловнинг фикрича, бошқарувнинг ҳуқуқий актларига қуйидаги хусусиятлар хосдир:

Ҳуқуқий акт — бошқамв вазифалари ва функсияларини амалга ошириш учун бошқамв жараёнининг ўрнатилган қоидалари асосида тайёрланган ва қабул қилинган бошқарув қарорининг бир шаклидир. Бошқамв қарори ўз моҳиятига кўра бошқамв субъйектларининг режалаштирилган ва назарда тутилган ҳаракатлари натижаси ҳисобланади.

Ҳуқуқий акт — компэтенсия доирасида ваколатли бошқарув субъйекти (давлат органи, мансабдор шахс) томонидан қабул қилинади.

Ҳуқуқий акт — бир томонлама тартибда, яъни оммавий бошқарувнинг махсус органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинади. Бошқарув акти қаратилган субъйектлар ҳокимият иродасини ифодаловчи субъйектнинг ҳаракатига таъсир кўрсата олмайди.

Шу билан бирга, бошқарув акти қаратилган шахслар ёки ташкилотлар ҳуқуқий актнинг амал қилиши жараёнида унинг асосланганлиги ва қонунийҳгини аниқлашга (масалан, судда ишни кўриб чиқиш орқаҳ) ҳаракат қилишлари мумкин. Ҳуқуқий акт суд тартибида ёки маъмурий тартибда кўриб чиқилиши ва қонунга зид деб топилиши мумкин.

Ҳуқуқий акт — бошқарув органининг юридик ҳокимияти иродасини ифодалаш болиб, унда давлат-ҳокимият ваколатлари ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий актнинг намоён болиши давлат ва жамият манфаатлари билан изоҳланади ва у аниқ муносабатларни тартибга солишга,

умуммажбурий қоидаларни ўрнатишга, шунингдек, бошқарув жараёнида вужудга келадиган низолами ҳал этишга қаратилган бўлади.

Ҳуқуқий акт — бошқарув соҳасидаги хулқ-атвор (юриш- туриш)нинг мажбурий қоидаларини, ҳуқуқ нормаларини белгилаб беради ёки аниқ бир бошқарув муносабатларини тартибга солади.

Ҳуқуқий акт — давлат бошқаруви соҳасида субъйектларнинг намунали хулқ-атвор доирасини белгилаб беради. У маъмурий- ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор болиши учун ҳуқуқий асосни яратади ёхуд бундай муносабатларнинг бевосита вужудга келиши, ўзгариши ва бекор болишида юридик факт сифатида хизмат қилади.

Ҳуқуқий актлар қонуний, яъни ҳуқуққа мос келади ёки қонун ости хусусиятига эга бўлади.

Ҳуқуқий акт — бошқарув органлари (мансабдор шахслар) фаолияти жараёнида фойдаланиладиган юридик аҳамиятга эга болган ҳужжатларминг бир кўриниши ҳисобланиб, бир томонлама ҳокимият иродасини ифодалашни назарда тутмаган ва юридик аҳамиятга эга болган маълумотнома, хулоса, баённома, тафтиш далолатно- маси, инвентаризация, текшириш ҳужжатлари орқаҳ намоён бўлади.

Ҳуқуқий акт — махсус шаклга ҳамда қабул қилиш (тасдиқлаш)нинг алоҳида тартибига эгадир. Одатда улар муайян қоидаларга, яъни лойиҳани тайёрлаш, келишиш, муҳокама қилиш, експертизадан ўзтказиш, тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва еълон қилиш тартибига риоя қилган ҳолда ёзма шаклда қабул қилинади.

Бошқарув ҳуқуқий актлари фақатгина бошқарув соҳаси билан чэгараланмайди. Ҳуқуқий актлар орқали бошқа ҳуқуқ тармоқлари предмэтини ташкил этувчи ижтимоий (масалан, молиявий, меҳнат, екологик) муносабатлар ҳам тартибга солинади.

Бошқарувнинг ҳуқуқий актлари қонунчилик ҳужжатларини янада аниқлаштириш мақсадида кўпгина масалаларни ҳал этади.

Бошқарув актларининг асосий хусусиятларидан яна бири — бу уларнинг юридик аҳамиятга эга еканлигидир, яъни:

биринчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — юридик фактлар сифатида намоён бўлади, ҳуқуқий муносабатламинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор бўлишида, ҳуқуқ субъектлари ҳуқуқий мақомига янгича тус беришда фактик асос бўлиб хизмат қилади (масалан, лавозимга тайинлаш тўғрисидаги буйруқ — давлат хизматчиси ҳуқуқий мақомини вужудга келтиради);

иккинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари — ҳуқуқ нормаларини ўрнатади, ўзгартиради ва бекор қилади; кенг доирадаги шахслар иштирок этган муносабатларни бир хил тартибга солади; бошқарув тартибини, маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини белгилаб беради.

Бошқарувнинг норматив ёки индивидуал актлари у ёки бу субъйектнинг хулқ-атворини, унга ҳуқуқлар бериш ёки аниқ мажбуриятлар юклаш орқали ёхуд ҳар иккисини ҳам ўрнатиш орқали тартибга солади;

учинчидан, бошқарув актлари бошқа ҳуқуқий актларнинг қабул қилинишида хизмат қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармони асосида Вазирлар Маҳкамасининг қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида вазирликлар, давлат қўми- талари ёки бошқа органларнинг норматив ҳужжатлари қабул қилинади;

тўртинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари маълум бир юридик жараёнда (масалан, судлар томонидан фуқаролик, маъмурий ёки жиноий ишларни кўриб чиқишда) далил сифатида намоён бўлади;

бешинчидан, бошқарув ҳуқуқий актлари у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишда, шунингдек, бошқа ҳуқуқий актларнинг амал қилишида ёки жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари амалга оширилишида хизмат қилади. Масалан, юридик шахсни давлат рўйхатига олганлик тўғрисидаги қарор мазкур шахснинг турли фуқаролик-ҳуқуқий ёки маъмурий-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишга имконият беради;

олтинчидан, бошқарув актлари ҳуқуқий воситалар, жумладан: маъмурий ҳуқуқ соҳасида давлат сиёсатини ўз вақтида амалга ошириш; маъмурий ислоҳотларни олиб бориш; давлат бошқаруви мақсадларига еришиш; ижро этувчи ҳокимият органлари, мансабдор шахслар, давлат ва маҳаллий хизматчиларнинг иш фаолиятини ташкил этиш; фуқаролар ҳуқуқлари ва еркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида намоён бўлади.

Бошқарув ҳуқуқий актларининг хусусиятлари унинг моҳияти ва юридик табиатини, шунингдек, унинг ижтимоий муносабатларга таъсирининг асосий йўналишларини белгилаб беради.

Давлат бошқаруви фаолиятининг бошқа шакллари

Бошқарув фаолиятини (ҳаракатларини) амалга оширишнинг ҳуқуқий шаклларидан бири — маъмурий-ҳуқуқий шартномалар тузиш ҳисобланади. Ҳозирги шароитда маъмурий-ҳуқуқий шартно- маларнинг аҳамияти — ижтимоий муносабатларни тартибга солишда оммавий ҳуқуқнинг, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий муносабатларда шартномалар ролининг ўсиб бориши билан изоҳланади.

Оммавий-ҳуқуқий нормаларнинг ўрнатилиши нафақат ижро этувчи ҳокимият соҳасида интизом ва жавобгарликни кучайтиришга, балки шартнома воситаларини қўллаш орқали бошқарув вазифаларини ҳал этишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга йўналтирилган.

Маълумки, хусусий ҳуқуқ соҳасида шартнома субъйектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи одатий восита сифатида намоён бўлади. Бу муносабатлар, қоида бўйича, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади ҳамда унинг иштирокчилари тенг ҳуқуқларга эга бўладилар.

Оммавий-ҳуқуқий тартибга солиш еса, норматив ва императив хусусиятга эга болган кўрсатмалар воситасида амалга оширилади. У умумий мақсадларга еришиш ва оммавий манфаатларни қондириш учун юридик ва жисмоний шахсларнинг иродаси ва хулқ-атворига ҳокимият-бошқарув таъсирини кўрсатади.

Оммавий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солишнинг алоҳида усули ҳисобланган — шартномалардан ҳам фойдаланилади. Оммавий- ҳуқуқий соҳада шартномалар, оммавий манфаатларни қондириш мақсадида, бошқарув

функсияларини (масалан, муволиқлаш- тириш, бўйсунув, ташкил этиш, тақсимлашни) ўз зиммасига олади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига нафақат моддий маъмурий-ҳуқуқий нормалар, яъни муносабат иштирок- чилари, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, ижро этиш тартибини ўрнатувчи нормалар орқали, балки унга маъмурий- процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан ҳам ёндашиш лозим бўлади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар жараёни — бошқарувнинг маълум бир тури сифатида, маъмурий жараён таркибга киради.

Демак, ма ъмурий-ҳуқуқий шартнома — бу маъмурий- процессуал жараённинг бир тури болиб, ўзининг моддий қисми (мазмуни)га эга. Амалдаги қонунчиликда унинг айнан процессуал қисмини ривожлантириш, долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномалар муаммосига бағишланган адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият муаллифлар ваколатларнинг тақсимланиши ва юқоридан қуйига берилиши, маълум соҳаларда турли субъйектлар фаолиятини муволиқлаштириш, ресурслар- дан фойдаланиш мақсадида уларни бирлаштириш билан боглиқ горизонтал муносабатларда ифодаланишини кўрсатиб оладилар.

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларнинг мазмуни уларнинг хусусиятларида янада яққолроқ намоён бўлади. Юридик адабиётларда берилган тушунчаларга таяниб, маъмурий-ҳуқуқий шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Маъмурий-ҳуқуқий шартномаларга махсус мажбуриятлар (шартлар)ни назарда тутадиган ва оддий фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар доирасидан ташқари чиқадиган шартномаларни киритиш мумкин.

Давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари тушунчаси ва турлари

Бошқарув жараёнида ижро этувчи органлар олдида турган вазифаларни муайян воситалар ва усуллар орқали амалга оширилади. Давлат бошқаруви усуллари ижро этувчи ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бошқарилувчи обйект- ларга ва шахсларга маъмурий таъсир кўрсатиш мақсадида, қонун- чиликда рухсат этилган доирада қўлланиладиган усул ва воситалардир.

Бошқарув усули ҳуқуқий восита сифатида давлат бошқаруви фаолиятининг мақсадларига еришиш, вазифаларини бажариш ва функ- сияларини амалга ошириш учун қўлланилади. Ўз навбатида, бошқарув усуллари бошқарув шаклари билан чамбарчас боғлиқ- дир. Чунки муайян бошқарув ҳаракатлари натижасида юзага келган ҳуқуқий оқибат (ҳуқуқий акт) асосидагина бошқарув усуллари қўлланилиши мумкин. Аниқроғи, бошқарувнинг ҳуқуқий шакли болган бошқарув ҳужжатининг қабул қилиниши у ёки бу усулнинг қўлланилишига асос бўлади.

Бошқарув усуллари — ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бошқарув мақсадлари, вазифалари ва функсияларини амалга ошириш ҳамда ваколатларини таъминлаш воситаси сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга бошқарув усуллари муайян ижро этувчи органларнинг бошқарув

мақсадларига қандай усул ва воситалар билан еришишини белгилаб беради. Бошқарув усули бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига нисбатан мақсадга мувофиқ йўналтирилган таъсир этиш воситаси ҳамдир.

Бошқарув усулларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб олиш мумкин:

бошқарув усулидан фойдаланишдан асосий мақсад ижро этувчи ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятида давлат бошқарувини таъминлашдан иборат;

бошқарув усуллари бошқарув фаолиятида қўлланилади;

давлат бошқарув субъйектлари ўртасида махсус ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради;

бошқарув усулларини қўллаш тартиби асосан ҳуқуқий актларда белгиланади;

давлат бошқарув усуллари бошқарув субъйектларининг ваколатларини амалга ошириш воситаси ҳисобланади;

бошқарув усулларининг қўлланилишини назарда тутувчи ҳар қандай аниқ ҳолатда бошқарув обйектининг хусусияти (жисмоний шахс, ташкилот, вертикал бўйсунувнинг мавжудлиги ва ҳоказо.) инобатга олинади.

Шундай қилиб, давлат бошқаруви усули дэганда давлат бошқа - рувини амалга ошириш мақсадида бошқарув субъйектининг бошқарув обйектига ҳокимият таъсирини тушуниш мумкин.

Давлат бошқарув фаолиятида бошқарув обйектларига таъсир кўрсатишнинг икки асосий усули: ишонтириш ва мажбурлаш усуллари қайд этилган.

Ишонтириш — бошқарув усули сифатида шахснинг хулқ-атвори, онгига таъсир этиш учун турли хил тушунтириш, тарбиявий ва рағбатлантириш чораларидан фойдаланишни назарда тутади. Ушбу усул мақсадига шахсдан ўрнатилган тартиб-қоидаларга ихтиёрий равишда риоя этишни талаб этган ҳолда унинг хулқига ахлоқий таъсир этиш орқали еришилади.

Ишонтириш усулининг тушунтириш, тарбиявий ва рағбатланти- риш чораларини қўллаш натижасида мақсадга еришилмаган тақдирда бошқарувнинг мақсад ва вазифалари мажбурлаш чоралари билан таъминланиши мумкин.

Мажбурлаш чоралари интизомий, моддий, маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари сифатида намоён бўлади. Мажбурлаш чоралари муайян шахснинг ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракати учун таъсир чорасини қўллашни назарда тутиши ёки айрим ҳолларда ҳуқуқий-тартибот, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган болиши мумкин.

Бошқарув усуллари маъмурий ва иқтисодий усулларга ҳам болинади. Маъмурий усуллар бошқарув субъйектининг обйектга (фуқаролар, юридик шахслар, давлат хизматчилари) бир томонлама давлат-ҳокимият таъсири кўрсатиш орқали ифодаланади. Бунда ушбу усулни қўллаётган бошқарув субъйекти тэгишли бошқарилувчилар учун мажбурий болган ва юридик оқибатларни келтириб чиқарадиган ҳуқуқий актларни қабул қилади. Қабул

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш — маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур жазо чораси мулкий хусусиятга эга болган маъмурий жазо чораси болиб, фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш

қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса сифатида фойдаланилган ашёлар эгасига нисбатангина қолланилиши мумкин. Лекин, ҳуқуқбузарга тэгишли болмаган ашёларни (масалан, ғайриқо- нуний ов қилиш, балиқ тутиш натижасида қолга киритилган маҳсулотлар: ёwойи ҳайвонлар, балиқлар) ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси ҳисобланмайди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 26-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш — шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чэгириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатдир.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш асосий тирикчилик манбаи овчилик болган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин емас.

Ашёни ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш чораси ни қўллаш тартиби ва тортиб олинадиган ашёламинг турлари Ўзбекистон Республикаси МЖТК ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгилаб қўйиладил.

Ашёни ҳақини толаш шарти билан олиб қўйиш маъмурий жазо чораси мазмунига кўра кэтма-кэтликда ўзаро богланган қуйидаги уч ҳаракатни амалга оширишдан иборат:

ҳуқуқбузар шахсдан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мажбурий тарзда олиб қўйиш;

мажбурий тарзда олиб қўйилган ашёни сотиш;

ашёни сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига ашёни сотиш харажатларини чэгириб ташлаган ҳолда топшириш.

Ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо чораси сифатида қўлланилиши мумкин. У асосий жазо чораси сифатида фақат МЖТК 220-моддасининг 1- қисмида ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни сақлаш ёки ташиш қоидаларини бузганлик учун жарима билан муқобил тарзда назарда тутилган. Қўшимча жазо чораси сифатида ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш, хавфли моддалар ва ашёларни транспортда ташиш қоидаларини бузганлик учун (МЖТК 142-м. 2-қ.) ва ўқотар ов қуроллари ва ўқ-дориларни сотишдан бўйин товлаганлик учун (222- м.) белгиланган. Шу билан бирга, башарти биринчи ҳуқуқбузарлик учун қонун чиқарувчи ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйишни қўшимча жазо чораси сифатида назарда туца, иккинчи ҳуқуқбузарлик учун мазкур жазо чорасини албатта асосий жазо чораси болган жарима билан толдиради.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 142, 222-моддаларига мувофиқ бундай ашёлар портловчи, тез алангаланувчи, заҳарли ва заҳарловчи моддалар ҳамда ашёлар, шунингдек, ўқотар қурол ва ўқ-дорилардир.

Ҳақини толаш шарти билан олиб қўйиш тўғрисидаги қарор асосида олиб қўйилган нарсалар белгиланган тартибда шартнома - воситачилик асосида ёхуд ауксион шаклидаги ким ошди савдосида реализация қилинади.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларнинг ҳақини толаб олиб қўйиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органлари томонидан ижро этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мусодара қилиш — маъмурий жазонинг тури сифатида фақат маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёлар учунгина татбиқ этилади. Мазкур маъмурий жазо чораси МЖТКнинг 27-моддасига биноан маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мусодара қилиш — шу ашёнинг ҳақини толамасдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат.

Мазкур мусодара қилиш чораси:

туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан;

божхона органлари томонидан — аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилганда, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинганда ва сақланганда, шунингдек експорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кэтилаётган ҳолларда;

солиқ органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокура- тураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни лэгаллаштиришга қарши курашиш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан — аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар сақланганда, реализация қилинганда, шунингдек яширин равишда ишлаб чиқарилганда қўлланилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси қонунларида бошқа қоида назарда тутилмаган болса, фақат ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки болган ашёгина мусодара қилиниши мумкин. Контрабанда ашёлари эгаси ким болишидан қатйи назар, мусодара қилинади.

Мусодара қилиш чорасининг қўлланиш тартиби, мусодара қилиш мумкин болмаган буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонунлари билан белгиланади.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик болган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари билан мусодара қилиш жазо чорасини қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкинлиги белгиланган:

Асосий маъмурий жазо чораси сифатида.

Қўшимча маъмурий жазо чораси сифатида:

мусодара қилиниши шарт болган ҳолатлар;

ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) томонидан ваколати доирасида қўлланилиши мумкин болган ҳолатлар;

в) ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) томонидан ваколати доирасида ҳақини то лаш шарти билан олиб қўйиш жазосининг ўмига муқобил равишда мусодара жазо чорасини қўллаши мумкин болган ҳолатлар (МЖТК 142-м. 2-қ.);

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 337-339-моддаларига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбу- зарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё бўИган нарсани мусодара қилиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти органлари суд ижрочилари томонидан ижро этилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш қуроли ёки бевосита шундай ашё болган мусодара қилинган нарсани сотиш ва йўқ қилиб ташлаш амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган нарсани ёки бевосита маъмурий ҳуқуқбузарлик нарсасини мусодара қилиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг суд ижрочиси ижро иши юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нусхаси қуйидагиларга юборилади.

уни чиқарган маъмурий ишлар бўйича судяга; Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиб кэтилаёт- ган, експорт қилиниши ман этилган буюмлар ва маҳсулотларни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, транспортировка (халқаро транзит бундан мустасно) қилинаётган ва сақланаётган, аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлами мусодара қилиш тўғрисидаги қароми қабул қилган божхона органининг мансабдор шахсига;

сақланаётган, реализация қилинаётган, яширин равишда ишлаб чиқарилаётган, аксиз маркалари қўйилмаган тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлами мусодара қилиш тўғрисидаги қароми қабул қилган солиқ органининг мансабдор шахсига.

Муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш — ҳуқуқбузарнинг белгиланган фаолият билан шуғулланишини, махсус ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқини вақтинчалик чеклашдан иборат маъмурий жазо туридир. Қонун чиқамвчи бу жазо чорасини қўллашни фақат транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан ва ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳоллари билангина чеклайди.

Турли транспорт воситаларини бошқариш ҳамда овчилик билан шуғулланиш — белгиланган ёшга толган шахсда махсус ҳуқуқ (тэгишли транспорт воситасини бошқариш учун ҳайдовчилик гувоҳномаси, талони шунингдек овчилик билэти)нинг мавжуд болишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКда махсус ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг енг кўп ва енг оз муддатлари ҳамда мазкур жазони қўлловчи орган(мансабдор шахс) белгиланган болиб, махсус ҳуқуқдан маҳрум этишни туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидангина айбдор шахс ўзига берилган махсус ҳуқуқ (транспорт воситаларини бошқариш, ов қилиш ҳуқуқи)дан фойдаланиш тартибини қўпол бузса, ёки мунтазам бузиб келса, шу ҳуқуқдан ўн беш кундан уч йилгача муддатга маҳрум қилиш жазо чораси қўлланиши мумкин.

Мазкур жазо чораси асосан, қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилиши назарда тутилади: кичик ҳажмли кемалардан ва улар турадиган базалардан (иншоотлардан) фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТК 119-м., 2-қ); транспорт воситалари ҳайдовчи- ларининг ҳаракат хавфсизлигига таҳдид солувчи гуруҳ болиб ҳаракат қилишда қатнашганлик (129-м., 2-қ.); транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш (131-м., 1, 3-қ.); кема ҳайдовчиларининг кичик ҳажмли кемаларни маст ҳолда бошқариши (132-м.); транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ёл ҳаракати қоидаларини бузиши жабр- ланувчига йенгил тан жароҳати ёки анча миқдорда моддий зарар етказилишига олиб келиши (133-м.); ҳайдовчиларнинг ёл ҳаракати қоидаларини бузиши транспорт воситаларининг ёки бошқа мол- мулкнинг шикастланишига олиб келиши (134-м.); ёл-транспорт ҳодисаси юз берган жойдан кэтиб қолиш (137-м.).

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш асосан қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун назарда тутилади: ов қилишга тэгишли рухсати болмаган ҳолда ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки усуллар билан ов қилиш, шунингдек, ов қилиш ва балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мун- тазам равишда бузганлик учун назарда тутилган.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум этиш тўғрисида қарор чиқарилади. Ушбу қарорни қуйидаги орган (мансабдор шахс)лар ижро этади:

транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ички ишлар органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади;

кема ҳайдовчиларини кичик ҳажмли кемаларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Респуб- ликаси кичик ҳажмли кемалар давлат инспексияси органларининг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади;

ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати олиб борувчи органларнинг мансабдор шахслари томонидан ижро этилади.

Транспорт воситаларини ёки кичик ҳажмли кемалами бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ҳайдовчилик гувоҳ- номасини, шунингдек унинг талонини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Башарти ҳайдовчи ёки кема ҳайдовчиси транспорт воситала- рининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг айрим турларини бошқариш ҳуқуқидангина маҳмм этилган бўлса, ҳайдовчилик гувоҳномасига ва унинг талонига

транспорт воситаларининг ёки кичик ҳажмли кемаларнинг қайси турларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ёзиб қўйилади.

Ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор овчилик билэтини олиб қўйиш ёли билан ижро этилади.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати олгач, шунингдек бу муддат ўрнатилган тартибда қисқартирилган тақдирда, шундай маъмурий жазо чорасига тортилган шахсга ундан олиб қўйилган ҳужжатлар белгиланган тартибда қайтариб берилади.

Маъмурий қамоққа олиш — ҳуқуқбузар шахсга нисбатан унинг шахсий еркинлигини маълум бир муддат (уч суткадан ўн беш суткагача, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида еса, жамоат тартибига тажовуз қилганлиги учун — ўттиз суткагача)га вақтинчалик чеклаш ва жамиятдан ажратиб қўйишдан иборат болган қаттиқ маъмурий жазо туридир.

Маъмурий қамоққа олиш тарзидаги маъмурий жазо чораси фақат айрим маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган болиб, улар ўзининг даражаси жиҳатидан жиноий қилмишларга яқин болган қуйидаги ҳуқуқбузарликлар учун қўлланилади:

гиёҳвандлик воситаларини ёки психотроп моддаларни оз миқдорда ғайриқонуний тарзда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш (56-м.);

табиий ресурсларга эгалик ҳуқуқини бузиш (60-м.); д) майда безорилик (183-м.);

жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш (184-м.);

жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш, худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш (187-м., 2-қ);

милиция ходимининг қонуний талабларини бажармаслик, уни такрор содир этиш (194-м., 2-қ.);

милиция ходимларининг ўз хизмат бурчларини бажаришларига қаршилик кўрсатиш (195-м.);

ж) чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларнинг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш (1961-м., 3-қ.);

к) йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш (201-м.);

1) ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталарнинг фаолиятида қатнашишга ундаш (2021-м.);

м) фавқулодда ҳолат тартибининг талабларини бузиш (204-м.); н) фавқулодда ҳолат тартиби шароитида жамоат тартибига тажовуз қилиш (205-м.). Мазкур ҳуқуқбузарлик учун ўттиз суткагача маъмурий қамоққа олиш жазо чораси қўлланилади;

о) нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятни амалга ошириш тартибини бузиши (239-м.);

п) диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузиш (240-м.);

қ) диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш (241-м.). Мазкур маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг санксияларида асосан маъмурий қамоққа олиш жазо чорасининг фақат енг кўп муддати келтирилади. Бундай ҳолларда маъмурий қамоққа олиш уч суткадан муайян модданинг санксиясида кўрсатиб ўтилган муддатгача тайинланиши мумкин.

Маъмурий қамоққа олиш фақат туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судяси томонидан, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида еса, ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида маъмурий қамоқ жазосини ўташ тартиби белгиланган болиб, у ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади. Маъмурий қамоққа олинган шахслар ички ишлар органлари белгилаб қўйган жойларда қамоқда сақланадилар. Маъмурий қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни ижро этиш чоғида қамоққа олинганлар ўрнатилган тартибда шахсий кўрикдан ўтказиладилар. Маъмурий ёл билан ушлаб туриш муддати маъмурий қамоқ муддатига қўшиб ҳисобланади.

Шунингдек, маъмурий қамоқни ўташ Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади. Маъмурий қамоққа олинган шахслардан жисмоний ишларда фойдаланилади. Маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатидан фойдаланишни ташкил этиш туман (шаҳар) ҳокимликларига юк- латилади.

Маъмурий қамоққа олинган доимий иш жойига эга болган шахсларга қамоқда болган вақтлари учун доимий иш жойларидан иш ҳақи толанмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий қамоққа олинган шахсларни сақлаш харажатларини ундириш тўғрисида»ги қонунигал

мувофиқ, маъмурий қамоққа олинган шахслардан маъмурий ишлар бўйича судянинг қарорига биноан уларни сақлаш билан боглиқ болган харажатлар суткасига енг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида ундириб олинади.

Шахс маъмурий қамоқда болган вақтида ишлаб, ўзини сақлаш харажатларини қоплаган ҳолларда ундан харажатлар ундириб олинмайди. Агарда маъмурий қамоққа олинган шахслар меҳнатга қобилияциз болсалар, улар ҳам бу харажатларни ундиришдан озод қилинадилар. Шу билан бирга, айрим ҳолларда судя аниқ ҳолатларни ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олиб, уни мазкур харажатларни толашдан озод қилиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Маъмурий жазо ва унинг мақсади нималардан иборат?
2. Маъмурий жазонинг қандай вазифалари мавжуд?
3. Маъмурий жазони қўллаш асослари қандай?
4. Маъмурий жазо қўлланишининг умумий қоидалари ҳақида сўзлаб беринг.
5. Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатларни тушунтиринг.
6. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларни тушунтиринг.
7. Қандай ҳолларда йснгилроқ маъмурий жазо чораси қўлланилади?
8. Бир неча ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қандай маъмурий жазо қўлланилади?
9. Маъмурий жазонинг қўлланиш муддатлари ҳақида сўзлаб беринг.
10. Маъмурий жазо чоралари ҳақида тушунтиринг.
11. Асосий маъмурий жазо дэганда нимани тушунасиз?
12. Қўшимча маъмурий жазо дэганда нимани тушунасиз?
13. Маъмурий жарима қандай тартиб ва асосларда ундирилади?
14. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни ҳақини лўлаш шарти билан олиб қўйиш нима дегани?
15. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса болган ашёни мусодара қилиш дэганда нимани тушунасиз?

1.12. Давлат бошқарувида қонунчилик ва интизом

Режа:

1. Давлат бошқарувида қонунчилик ва интизом.
2. Назорат қилиш, ижрони текшириш ва кузатишнинг ўзаро муносабатлари.
3. Давлат бошқаруви соҳасида давлат ҳокимияти органлари назорати.
4. Бошқарувда қонунийликни таъминлашда фуқароларнинг таклифлари, аризалари ва шикоятларининг роли.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: Давлат бошқарувида қонунчилик ва интизом, Конституция, Қонун устуворлиги, Назорат қилиш, Ижрони текшириш, Кўзатишнинг ўзаро муносабатлари, Давлат бошқаруви, Давлат ҳокимияти органлари, Бошқарувда қонунийликни таъминлаш, Фуқароларнинг таклифлари, Аризалар, Шикоятлар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигига еришганидан кейин, ўз тараққиёт йўли – бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлади. Бу Ўзбекистон Республикасининг қатъий йўлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси чиқарган қонунларга таянган ҳолда давлат бошқарувининг ҳуқуқий нэгизи яратилди. Республиканинг барча фуҳароларига ва корхона, муассаса ва ташкилотларига тадбиркорликни, ташаббускорликни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берилди. Бозор иқтисодиёти муносабатларини босқичма-босқич ривожалантириш таъминланмоқда.

Республикамизда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг олдинги усулидан (яъни, маъмурий-буйруқбозлик усулидан) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш – бозор муносабатларининг туб нэгизидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, ҳозирги вақтда ривожланиш жараёнидадир. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Конституциянинг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар. Демак, Конституция ва қонунларга риоя қилиш қонунийлик тушунчасининг мазмунини ташкил этади.

Ҳуқуқшунос олими Ю.М.Козлов давлат бошқарувида қонунийлик қуйидаги хусусиятлар билан изоҳланишини кўрсатиб ўтади:

биринчидан, барча учун қонунларнинг умуммажбурийлиги. Айнан шунда қонун талабларининг устунлигини, унинг олий юридик кучини кўришимиз мумкин. Ҳеч кимга қонунни чэтлаб ўтишига ёки қонундан ўзини устун қўйишига рухсат берилмайди;

иккинчидан, қонунийликнинг ягоналиги;

учинчидан, қонунийлик ва мақсадга мувофиқликни қарама-қарши қўйишнинг ман этилиши. Қонуннинг ўзи мақсадга мувофиқликнинг намоён бўлишининг юқори даражасидир;

тўртинчидан, қонунийлик ва аҳоли ҳуқуқий маданиятининг чамбарчас боғлиқлиги;

бешинчидан, ҳар қандай қарор қабул қилганда қонунийлик ва адолат бир ўринда туриши лозим;

олтинчидан, давлат бошқарувида қонунийлик уни бузганлик учун жавобгарлик муқаррар белгиланганлигида таъминланиши мумкин.

Ҳуқуқшунос олими А.А.Кармолицкийнинг фикрича қонунийлик давлат бошқаруви жараёнида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

биринчидан, бошқарув давлат ва маҳаллий органлар фаолиятининг кўп қисмини қамраб олади. Бошқарув жараёнида давлат органларининг иқтисодиёт, ижтимоий-маданий ва маъмурий-сиёсий қурилишга раҳбарлик қилиш сингари фаолияти амалга оширилади. Қонунийликка риоя қилиш мазкур тизим олдида турган вазифа ва функцияларнинг самарали амалга оширилишини белгилаб берувчи асосий восита ҳисобланади;

иккинчидан, бошқарув субъектлари ўзларининг функциялари ва ваколатларини амалга ошириш орқали ҳуқуқни қўллаш фаолиятини олиб борадилар. Бу бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан боғлиқдир;

учинчидан, бошқарув фаолияти кўпгина субъектлар (ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Айнан улар фуқаролар билан, турли хилдаги ташкилотлар билан муносабатга киришади. Айнан уларнинг қонунга риоя қилиши ва ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларни аниқ ва тўғри ижро этилиши жамият ҳаётига ўз таъсирини кўрсатади;

тўртинчидан, бошқарув органлари жамият ҳаётининг кенг ва турли хилдаги соҳаларини қамраб олувчи ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини амалга оширадилар. Давлат бошқаруви органлари томонидан меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши биринчи навбатда қонунийликка асосланади. Давлат органлари ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг қонун доирасида олиб борилиши, улар кафолатини мустаҳкамлайди;

бешинчидан, бошқарув органлари маъмурий мажбурлов чораларини қўллаш соҳасида кенг ваколатларга эгадир. Давлат органлари маъмурий юрисдикцияни амалга ошира бориб, юзага келган низоларни мустақил ҳал этадилар, давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаш орқали ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатадилар.

Қонунийлик дэганда, Қ.Т.Холмўминов фикрича, барча давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ҳамда юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалдаги қонунлар ва меъёртив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аниқ ва оғишмай бажарилишидир. Қонунийликнинг асосий вазифаси - мамлакатнинг ижтимоий ва давлат тузумини мустаҳкамлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш учун мулкнинг турли шаклларига йўл очиш ва уларни қўриқлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, екринликлари ва бурчларини мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикасида қонунийликни таъминлаш бир неча кафолатлар тизими билан таъминланади. Жумладан кафолатларнинг иқтисодий, сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар тизими мавжуддир. Давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида барча субъектлар фаолияти айнан шуларга таянади.

Давлат бошқарувининг самарали амалга оширилиши нафақат қонунийлик билан, балки бошқарув жараёни иштирокчиларининг интизомга риоя қилиши билан ҳам таъминланади. Интизом нафақат қонунларга, балки юқори турувчи давлат органларининг меъёртив ҳужжатлари билан ўрнатилган тартибга ҳам риоя қилинишини таъминлайди.

Ҳуқуқшунос олими А.А.Кармолицкийнинг фикрича давлат интизоми дэганда - давлат ва унинг ваколатли органлари томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларга барча фуқароларнинг онгли равишда бўйсуниши, хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишидир, давлат хизматчиларининг еса умумий ва мансаб мажбуриятларини ҳамда раҳбарларнинг қарорларини бажариши тушунилади.

Давлат интизоми бошқарув жараёнида иштирок этувчи барча субъектларнинг фаолиятини ташкил этишни ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини белгилаб берувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, давлат бошқаруви жараёнида қонунийликни таъминлашга қаратилган чоралар, давлат интизомни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳуқуқшунос олими А.А.Кармолицкий давлат бошқарувида қонунийлик ва интизом тушунчалари билан бир қаторда мақсадга мувофиқлик тушунчасини қўяди. Жумладан унинг фикрича, қонунийлик тушунчаси мақсадга мувофиқлик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Мақсадга мувофиқлик - бу давлат органлари ҳаракатларининг ўз олдига қўйган мақсадларига асосланишидир. Мақсадга мувофиқлик фуқароларга, жамият ва давлатга фақатгина қонунга зид бўлмаганида, наф келтириши мумкин.

Мақсадга мувофиқлик фақатгина қонун доирасида бўлиши мумкин. Айнан шулардан келиб чиқиб, қонунийлик ва мақсадга мувофиқликнинг бирлиги тўғрисида гапиришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши ва тобора чуқурлашиб бориши билан, давлат органлари мустақиллигининг ошиши, янги хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкил этилиши ҳамда охирги вақтларда кўпгина ваколат берувчи меъёрларнинг

юзага келиши билан мақсадга мувофиқлик ҳам кенгайиб, такомиллашиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлашга қаратилган давлат органларининг фаолияти қуйидагиларга қаратилгандир: давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонун бузилишларига йўл қўймаслик; бундай қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, челаш ва бартараф этиш; қонун бузилишларининг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни аниқлаш; қонунийлик ва интизомнинг бузилишига йўл қўйган шахсларни тэгишли жавобгарликка тортиш; қонунийлик ва интизом бузилишига олиб келган шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; қонун бузилиши учун жавобгарликнинг муқаррар қўлланилишини белгилаш ва бошқалар.

Давлат органларининг фаолиятида қонунийлик ва интизомни таъминлаш мақсадида тэгишли чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилади. Бу: биринчидан, давлат органлари тизимини такомиллаштириш ва улар ҳуқуқий ҳолатининг аниқ белгиланиши; иккинчидан, давлат хизматчиларининг ҳуқуқлари ва умумий ва мансаб мажбуриятларини, шахсий жавобгарлик доирасини белгилаш; учинчидан, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини маъмурий ва суд тартибида тиклашга қаратилган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш; тўртинчидан, фуқароларни қонунларга риоя этиш руҳида тарбиялаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва бошқалар.

Шу билан бирга, давлат органларининг махсус тизими мавжуд бўлиб, уларга давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлаш ва мустаҳкамлаш вазифаси юклатилган.

Кўпгина ҳуқуқшунос олимлари давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг асосий усули сифатида контрол ва назоратни кўрсатиб ўтади. Жумладан, ҳуқуқшунос олими Д.М.Овсянконинг фикрича, давлат органлари фаолиятида қўлланиладиган турли ҳуқуқий ва ташкилий шакл ва усуллар, амалий услублар умумий ҳолда қонунийликни таъминлаш уусуллари ҳисобланади ҳамда бу - контрол ва назоратдир.

Ҳуқуқшунос олими А.А.Кармолицкийнинг фикрича еса, давлат бошқарувида қонунийлик ташкилий-ҳуқуқий воситалар орқали таъминланади. Ўз мазмунига кўра улар қонунийлик ва интизомни таъминлаш усуллари ҳамда унинг тизимини англатади. Қонунийликни таъминлаш жараёнида давлат органлари ўз ваколатлари доирасида контролни ҳамда унинг кўринишлари бўлган назорат ва ижро этишни текширишни амалга оишрадилар.

Демак, А.А.Кармолицкий контрол ва назоратдан ташқари, қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг учинчи усули бўлган - текширишни ҳам киритади.

Ҳуқуқшунос олими Д.Д. Цабрия давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: контрол (ижро этишни текшириш); назорат; шикоят қилиш ҳуқуқи.

Ҳуқушунос олими Х.Р.Алимов еса, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг усуллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: давлат органлари томонидан амалга ошириладиган контрол ва ижро этишни текшириш; пракуратура органларининг умумий назорати; суд органларининг фаолияти; маъмурий назорат; жамоат контроли; давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш.

Демак, юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, кўпгина ҳуқуқшунос олимлари давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг асосий усуллари сифатида - контрол, назорат ва текшириш усулларини кўрсатиб ўтишади.

Юридик адабиётлардан келиб чиқадиган бўлсак, давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг асосий усули - бу контролдир. Контрол кўп қиррали тушунчадир. Контрол тушунчаси давлат органларининг функцияси, яъни бошқарув фаолиятининг тури сифатида ёки қонунийлик ва интизомни таъминлаш усули сифатида намоён бўлиши мумкин.

Контрол - бу контрол остига олинган объектнинг белгиланган доирадан чэтга чиқмаслиги устидан олиб бориладиган кузатиш ва текшириш жараёнидир.

Давлат органлари фаолияти устидан контролни амалга оширишнинг мазмунини қуйидагилар очиб беради: биринчидан, ваколатли давлат органлари (қонунчилик, ижро ва суд ҳокимияти органлари) қонун ҳужжатларида белгиланган ташкилий-ҳуқуқий усулларни қўллаш орқали контрол остига олинган субъектлар фаолиятида қонун бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаш; иккинчидан, қонун бузилишларига йўл қўйилган бўлса, уларни ўз вақтида бартараф этиш; учинчидан, қонун бузилиши натижасида бузилган ҳуқуқни тиклаш; тўртинчидан, қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш; бешинчидан, қонунийлик ва интизом бузилиши ҳолатларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Контрол - раҳбарлик (бошқарув) фаолиятининг ажралмас елементи ҳисобланади. Контролни амалга ошириш жараёнида контрол остига олинган объектнинг ҳолати таҳлил қилинади ва унга баҳо берилади; ҳал этилмай қолган масалалар аниқланади; амалий тажриба умумлаштирилади ва қўлланилади; ижро этувчиларга турли хилдаги ёрдам берилади. Шу билан бирга контрол – раҳбарлик даражасини оширишни, уни тўғрилиги ва самарадорлигини текширишнинг воситаси ҳисобланади.

Шундай қилиб контрол, давлат органлари олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини, уларнинг фаолиятида қонунийлик ва интизомнинг таъминланишини белгиловчи асосий воситадир.

Қонунийлик ва интизомни таъминлаш жараёнида қонун бузилишини огоҳлантириш ва чеклашда контролнинг ўрни каттадир.

Контрол давлат бошқаруви жараёнида қўлланиладиган бошқа усуллардан фарқ қилган ҳолда, қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эгадир: контролни амалга оширувчи давлат органи (мансабдор шахс) ва контрол

остига олинган объект ўртасида бўйсунув мавжуд бўлади; контрол объекти бўлиб нафақат қонунийлик ва интизом, балки контрол олиб борувчи органнинг контрол объекти маъмурий-хўжалик фаолиятига аралашиш ваколатига эга бўлганлиги сабабли, мақсадга мувофиқлик ҳам бўлиши мумкин; контролни амалга оширувчи орган контрол остига олинган объектнинг қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлади; контролни олиб борувчи орган контрол остига олинган объектнинг фаолиятида қонун бузилишига йўл қўйилган бўлса, таъсир этиш чораларини (масалан, мажбурлов чораларини) қўллаш ваколатига эга бўлади.

Контрол турли шаклларда амалга оширилиши мумкин: ҳисоботларни, маълумот ва ахбортларни кўриб чиқиш; контрол остига олинган объектнинг ҳаракатларини кузатиш, експертиза, текшириш (масалан, давлат рўйхатига олиш, лицензиялаш, сертификатлаш масалалари бўйича); маълум бир лавозим ёки мансабни эгалловчи шахсларнинг шахсий ва ишчанлик хусусиятларини ўрганиш; контрол остига олинган объектнинг фаолиятини мувофиқлаштириш; шикоятларни кўриб чиқиш ва бошқалар.

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашнинг иккинчи асосий усули - бу назоратдир. Назорат - бу махсус ваколатли давлат органлари томонидан ўзига бўйсунмаган объект фаолиятида қонунийлик ва интизомни таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган давлат контролининг бир туридир. Назорат олиб бориш жараёнида назорат остига олинган объектнинг фаолиятига фақатгина қонунийлик (мақсадга мувофиқлик емас) нуқтаи назаридан баҳо берилади. Назоратни амалга ошириш вақтида назорат остига олинган объектнинг маъмурий-хўжалик фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди.

Назорат тўғрисида батафсил тушунча ҳосил қилиш учун, уни контрол билан таққослаб кўриш лозим. Контрол тушунчаси назоратдан фарқ қилиб, ҳамма вақт юқори органлар томонидан уларга бўйсунувчи қуйи органлар фаолиятини текшириш жараёнида қўлланилади. Контрол усулини қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ўзларига бўйсунувчи объектларнинг молиявий, хўжалик, ташкилий ва бошқа хилдаги фаолиятини ўрганиб чиқиб, ушбу фаолият давомида уларнинг қонунларга қай даражада риоя қилинганлиги, мақсадга мувофиқлигини аниқлайдилар. Агар қонун бузилганлиги аниқланса, айбдор шахсларга нисбатан давлат мажбурлов чораларини (масалан, интизомий жавобгарлик чораларини) бевосита қўллашлари мумкин.

Назорат олиб борувчи органлар эса, ўзларига бўйсунмаган объектлар фаолияти устидан назорат ўрнатишлари мумкин. Назорат махсус давлат назорати органлари томонидан ёки прокуратура органлари томонидан амалга оширилади. Назорат жараёнида аниқланган камчиликлар, қонун бузилишлари бевосита ҳал қилинмайди ёки айбдор шахслар бевосита жавобгарлиика тортилмайди. Назорат вақтида аниқланган камчиликлар, қонун бузилишлари тўғрисида назорат олиб борилган орган (ташкилот) бўйсунган юқори органга ёки тэгишли давлат органларига (масалан, суд, прокуратура органларига) мурожаат қилиш мумкин.

Демак, юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, контрол тушунчаси назоратга қараганда кенгроқдир. Назорат контрол олиб бориш вақтида контрол кўриниши сифатида намоён бўлиши мумкин.

Давлат назорати, кўпгина юридик адабиётларда, иккига бўлинган: прокурор назорати ва маъмурий назорат.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида контрол тушунчаси берилмаган, яъни бирон бир қонунчиликда контрол сўзини учратиш мумкин емас.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида давлат бошқарувида қонунийликни таъминлашнинг асосий усули сифатида - назорат кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 24 декабр 1998 йилда қабул қилинган «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги қонунга биноан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади: текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш; статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш; идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан:

текшириш - хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

тафтиш - молия ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқ, давлат статистика органларига ҳамда банкларга тақдим этиладиган ҳисобга олиш ва ҳисобот ишларининг тўғрилиги устидан назоратни амалга ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектларнинг бухгалтерлик, молия ва бошқа ҳужжатларини текшириш;

муқобил текшириш - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли хўжалик юритувчи субъектлардаги ёки бир хўжалик юритувчи субъектнинг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларини таққослашдан иборат текширув;

назорат тартибидаги текшириш - хўжалик юритувчи субъектларнинг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган тешириш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан ибоарт:

биринчидан, назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик;

иккинчидан, юридик ва жасмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

учинчидан, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига аралашмаслик.

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизомни таъминлашда қўлланиладиган усуллардан яна бири - бу текширишдир. Текшириш - текшириш остига олинган субъектлар томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини контрол қилишдир. Текшириш контролнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаган екан, албатта бу жараёнда давлат ва жамият ишларини бошқаришда, қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлашда фуқаролар иштироки кенг таъминланиши лозим. Фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамоатчилик назоратини янада такомиллаштириш лозим бўлади. Чунки, жамоатчилик назоратини кенгайтириш давлатнинг фуқаролар ва жамият олдидаги масъулиятини янада оширади, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг фақат қонун асосида ҳамда қонун доирасида ҳаракатланишини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви жараёнида қонунийлик ва интизомни таъминлашда фуқароларнинг шикоят қилиш ҳуқуқи ҳам катта аҳамиятга эгадир. Амалдаги қонунчиликка биноан фуқаролар давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга зид ҳатти-ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир. Бу ўз ифодасини асосий қонунимиз бўлган - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам топган.

Республикамизда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини вужудга келтириш ва уларга тенг шарт-шароитлар яратиб бериш, корхона, муассаса ва ташкилотлар ўртасида рақобатни авж олдириш, бошқаришнинг олдинги усулидан (яъни, маъмурий-буйруқбозлик усулидан) бутунлай воз кечиш, иқтисодий омил ва воситаларни кенг жорий этиш – бозор муносабатларининг туб нэгизидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви фаолиятини тартибга солувчи бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, ҳозирги вақтда ривожланиш жараёнидадир. Бу қонунчиликнинг асосини - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ташкил этади.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1992 йил 8 декабрда бўлиб ўтган ўн иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясида қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-еътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Ўу маънода Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этади. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - давлат бошқарувининг асосий ҳуқуқий манбаси сифатида уни ташкил этиш ва амалга ошириш асосларини белгилаб берган. Конституциянинг бир неча моддалри бевосита

давлат бошқарувини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилгандир. Жумладан, Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистон – суверен демократик республика, деб кўрсатилган. Мазкур моддада ўзбек давлатчилигининг туб моҳияти берилган, яъни Ўзбекистон суверен давлатдир. Суверенитэт – ҳар қанлдай давлатнинг енг муҳим, ажралмас белгиларидан биридир. Ўзбекистон – демократик давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий еътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва еркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Ўзбекистонда давлатни бошқариш шакли республикадир. Республика - халқ ҳокимияти демакдир. Республика – енг асосий умуминсоний ҳуқуқий бойликлардан бири. Бошқарувнинг республика шакли давлат идоралари ваколатларини аниқ белгилаб беришни, қонун чиқарувчи ва ижроия органларининг сайлаб қўйилишини англатади.

Конституцияга биноан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар. (2-модда) Мазкур конституциявий меъёр орқали фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган. Давлатнинг фуқаролар олдидаги масъулиятининг мавжудлиги демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Давлат қонун доирасида инсонлар учун зарур шартғшароитларни яратиб бермоғи лозим. Шунинг учун ҳам давлат халқ иродасини ифодаламоғи, унинг манфаатлари, ҳоҳиш-истакларига хизмат қилмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Мазкур конституциявий қоидадан келиб чиқадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ўзининг давлат ҳокимиятини ва давлат бошқаруви органларининг тизимини белгилаб беради. Конституциянинг бешинчи бўлими айнан шу масаларни ёритиб беришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади. Демак, Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятини, шу жумладан бошқарув фаолиятини қонунларда назарда тутилган тартибда тузилган давлат органлари томонидан амалга оширилади. Давлат органлари фақатгина қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган ваколат доирасида ҳаракат қилишлари мумкин. Давлат органларининг Конституция ва қонунларга сўзсиз итоат этиши ва шу асосда фаолият кўрсатиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан Ўзбекистон халқи номидан фақат икки давлат органи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти иш олиб бориши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Мазкур конституциявий меъёр орқали давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши ва фаолият тартиби ваколатларнинг тақсимланиши тамойили асосида амалга оширилиши белгиланган. Ҳокимият ваколатларини тақсимлаш тамойили ҳуқуқий давлатнинг енг муҳим белгиларидан биридир. Президентимиз И.А.Каримов кўрсатиб ўтганларидек: “Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти – давлатнинг учта асосий таянчидир”.

Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Ўзбекистон ижтимоий адолат жамиятидир. Кучли ижтимоий сиёсат адолатли жамият ва демократик давлат барпо этишнинг асосий мезонидир. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларни келтирмоқчиман: “Давлатнинг фаол ислоҳотчилик мавқеида бутун диққат-еътиборни иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилишга, ески иқтисодий муносабатларни бозор муносабатларига айлантиришга қаратиш ижтимоий барқарорлик учун мустаҳкам нэгизни вужудга келтиради”.

Юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, Ўзбекистонда давлат бошқарувини тартибга солувчи асосий қонун - бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқаруви жорий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг “Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида”ги, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

«Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги қонунга биноан Вазирлар Маҳкамаси - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати - иқтисодиёт, ижтимоий ва маънавий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишига, қонунлар ижро этилишига, Олий Мажлиснинг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президнтининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари бажарилишига раҳбарликни таъминловчи Ўзбекистон Республикасининг ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг 9 сентябр 1993 йилда қабул қилинган “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунга биноан вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органларидир.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айни бир вақтда тэгишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти ва тэгишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тэгишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир.

Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига биноан еса, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қуйидагилар киради: қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджэтни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йигимларни белгилаш, бюджэтдан ташқари жамгармаларни ҳосил қилиш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; меъёртив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувини тартибга солишда давлат органларининг ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи Низом ва Уставлар ҳам маълум бир аҳамиятга эга.

Низом - муайян давлат тузилмаларининг (масалан вазирликлар, давлат қўмиталарининг) ташкил этиш тартибини, тузилишини, вазифаси, функцияси ва ваколатларини белгилаб беровчи мажмуий кодекслаштирилган актдир. Жумладан Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган барча вазирликлар, давлат қўмиталари ўз фаолиятларини қонунлар ҳамда низомлар асосида олиб борадилар.

Низом - бошқарув актларининг енг кўп тарқалган турларидан биридир. Низом муайян ҳуқуқ ижодкорлик органи ёки ваколатли мансабдор шахс томонидан тасдиқланади. Енг аҳамиятли соҳаларга тааллуқли ва юридик кучи юқорироқ бўлган низомлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Президенти, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Устав - бошқарувнинг у ёки бу соҳасидаги муайян идора ва ташкилотларнинг фаолиятини тартибга солувчи меъёрларни ўзида акс эттирувчи актдир.

Бошқарув соҳасида бевосита иштирок этувчи кўпгина давлат идораларининг, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг фаолияти тэгишли

тартибда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган Уставлар асосида тартибга солинади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик авиациясини бошқарувчи - Ўзбекистон Миллий Авиакомпаниясининг фаолияти Устав асосида тартибга солинади.

Демак, юқоридагиларга асосланадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувинининг ҳуқуқий асослари дэганимизда - давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнини белгилаб берувчи (тартибга солувчи) қонун ҳужжатлари ташкил этишини тушунамиз.

Ўзбекистон Республикасида давлат бошқарувини тартибга солувчи қонунчилик базаси шаклланган бўлиб, ҳозирги кунда такомиллаштирилмоқда.

Давлат бошқарувида қонунийлик ва интизом тўғрисида гапирганда, албатта давлат бошқарувининг асосий тамойилларига (бошланғич қоидаларига) ҳам тўхталиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва жорий қонунчилигини таҳлил қиладиган бўлсак, давлат бошқарувининг қуйидаги асосий тамойилларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин:

биринчидан, қонуннинг устунлиги ва ҳамма учун мажбурийлиги тамойили. Бу тамойилга асосан Ўзбекистон Республикасининг барча қонунлари ва бошқа ҳуқуқий меъёрлари муқаддас бўлиб, уларга барчанинг амал қилиши лозим. Бу тамойил асосий қонунимиз бўлган - Конституцияда ўз ифодасини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқ ва еркинликлари қатъий интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият жиҳатидан устувор бўлмаса, қонунлар ва миллий анъаналар, урф-одатлар, умуминсоний қадриятлар ҳурмат қилинмаса, демократик ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда у асосда ишлаб чиқилган қонунлар олдида барча бирдай масъулдир. Қайси бир жамиятда қонунлар бажарилмай қоғозда қолиб кеца, ундай жамият асло равнақ топмайди, адолатга ериша олмайди. Қонун амалда бўлиши лозим. Қонун қабул қилиндими, унинг ижроси ҳам қатъий бўлмоғи лозим. Айнан шу ерда давлат бошқарувининг асосий вазифасини кўришимиз мумкин, яъни давлат бошқаруви - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларини ижро этишга хизмат қилади.

Демократик ҳуқуқий давлатнинг енг муҳим белгиларидан бири - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлашдир. Конституция ва қонунларнинг устуворлиги:

ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонуннинг қатъиян ҳукмронлигини, ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, фуқаро

қонунга бўйсуниш мажбуриятидан холи бўлиши мумкин емаслигини англатади;

Конституция ва қонун устуворлиги шуни ифодалайдики, асосий ижтимоий, енг аввало иқтисодий ва сиёсий муносабатларфақат қонун йўли билан тартибга солинади, унинг барча иштирокчилари еса ҳеч бир истисносиз ҳуқуқ меъёрларини бузганлиги учун ҳуқуқий жавобгарликка тортиладилар.

Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим. Зотан улуғ бобомиз Амир Темур таъкидлаганидек, «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда еркинлик бўлади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистонда янги жамият қуриш ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун барча кишининг қонунга амал қилишини муҳим тамойил деб ҳисоблаб, ўзининг «Янги уй қурмай туриб, ескисини бузманг» асарида: «Мен учун енг муҳими - қонунийликни ҳурмат қилишдир», - деб кўрсатади;

Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўпгина моддаларида, ўша модданинг битта қисмида одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, жавобгарлик битта қисмда назарда тутилиб олдин одамлар ўлимига, ундан кейин еса бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса дейилади.

«Одамлар ўлимига сабаб бўлса», дейилгани аниқ ва тушунарли, бунда камида иккита одамнинг ҳалок бўлиши назарда тутилади.

Бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, дэганда қандай оқибатни тушуниш керак?

Бошқа оғир оқибатлар тушунчаси на ЖК даги атамаларнинг ҳуқуқий маъносида, на бирор моддада берилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексига шарҳлар муаллифларнинг ёзишларига кўра бошқа оғир оқибатлар дэганда икки ва ундан ортиқ киши баданига оғир шикаст этказилиши назарда тутилади.

Кўпчилик муаллифлар бошқа оғир оқибатлар дэганда худди шундай тушунчани баён қиладилар. Жумладан проф. М.Х. Рустамбоев ЎзР ЖК 16-моддаси 4-қисмининг «б» бандида назарда тутилган бошқа оғир оқибатлар дэганда икки ёки ундан ортиқ шахснинг баданига оғир шикаст этказилиш тушунилиши кераклиги тўғрисида ёзади.

Мустақил Давлатлар Ўамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг олимлари бошқа оғир оқибатлар юзасидан худди шундай фикрни билдирганлар. А.И. Рарог мулкни қасддан нобуд ёки унга зарар этказиш натижасида бошқа оғир оқибатлар келиб чиқиши дэганда одамлар соғлиғига зарар этказиш, уларнинг заҳарланиши, касалланиши, шунингдек, иқтисодий хусусиятдаги оқибатлар-ўта қимматли мулкнинг нобуд бўлиши, корхоналар ишининг тўхтаб қолиши, кўп миқдордаги мулкий санкцияга сабаб бўлувчи шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмай қолиши ва ҳоказолар деб ҳисоблайди.

в) оғир жиноятлар

ЎзР ЖКнинг 15-моддаси тўртинчи қисмига биноан оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ушбу тушунчадан кўриниб турибдики, жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритиш учун қуйидаги шартлар бўлиши керак:

1) жиноят қасддан содир этилганлиги;

2) бундай жиноят учун қонунда беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлиши керак.

Жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритишда асосан муайян жиноят учун жавобгарликни белгиловчи модда санкциясида кўрсатилган жазо муддати асосий мезон сифатида олинган. Қонун чиқарувчи орган, жиноят натижасида келтирилган зарарнинг хусусияти, жиноят содир қилиш усули, жиноятни фақат қасд шаклидаги айб орқали содир этилишини жиноятнинг ғараз ёки бошқача паст ниятларда содир этилганлиги, тажовуз қаратилган объектнинг аҳамиятини, айбдорнинг шахси ва бошқа ҳолатларини ҳисобга олган.

Жиноят натижасида келтирилган зарарнинг миқдорини ҳисобга олиб, оғир жиноятлар туркумига киритишда баданга этказилган шикастнинг оғирлиги, талон-торож қилинган мулкнинг ёки жиноят натижасида нобуд қилинган мулкнинг миқдори, жиноят натижасида давлатга корхона, муассасага, жисмоний шахсларга этказилган зиённинг миқдори ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда муайян норма санкциясида жазо муддати белгиланган. Масалан, товламачилик йўли билан ўзганинг мулкини кўп миқдорда талон-торож қилганлик учун 165-модданинг 2-қисмида беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Бу нормада талон-торож қилинган мулкнинг миқдори кўп миқдорини ташкил этиши уни оғир жиноятлар туркумига киритиш учун асос бўлган. Кўп миқдор еса ЖК Махсус қисмининг саккизинчи бўлимида кўрсатилган бўлиб, енг кам ойлик иш

ҳақининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордир. Демак, ўзганинг мулкини талон-торож қилиш жиноятларида жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритишда фақат талон-торож қилганлик мулкнинг кўп миқдорда еканлигининг ўзигина емас, балки талон-торож қилиш усули ҳам ҳисобга олинган. Масалан, босқинчилик йўли билан ўзганинг мулкини кўп миқдорда талон-торож қилганлик учун ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилишни назарда тутилиб, ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, товламачиликда шунча миқдордаги мулкни талон-торож қилишни оғир жиноятлар туркумига киритилган. Талончиликда ҳам шу миқдор оғир жиноятлар туркумига киритишга асос бўлган ўзлаштириш ёки растрата йўли билан мулкни кўп миқдорда талон-торож қилиш, унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган. Мулкий зарар этказиш жиноятларида еса кўп миқдорда зарар этказиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритишнинг асосий мезони сифатида олинган. Шунингдек, жиноий йўл билан топилган мулкни кўп миқдорда олиш ёки ўтказиш жинояти ҳам ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киритиш мезонларидан бири сифатида олинган.

Демак, жиноятни оғир жиноят деб ҳисоблаш мезони сифатида фақат кўп миқдордаги мулкни талон-торож қилишнинг ўзигина бўлмасдан, жиноят содир қилиш усули ҳам ҳисобга олинган.

Шахснинг соғлиғига қарши жиноятларда ҳам қилмишни оғир жиноят деб ҳисоблашнинг мезони сифатида фақатгина баданга этказилган шикастнинг оғирлигидан ташқари баданга шикаст этказишнинг усули ҳам олинган. Масалан, ўта шафқацизлик билан баданга ўртача оғир шикаст этказганлик (ЎзР ЖК 105-моддасининг 2-қисми “г” банди) унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган бўлса, баданга оғир шикаст этказиш ўта шафқацизлик билан содир этилган бўлса, оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб жиноятни оғир жиноятлар туркумига киритиш ЖК Махсус қисмининг кўплаб моддаларида назарда тутилган. Масалан, қасддан баданга ўртача оғир шикаст этказиш ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган бўлса, номусга тэгиш (118-модда), жиноят ёки жинсий еҳтиёжни зўрлик ишлатиб Ҳозиртабиий усулда қондириш жинояти ўта хавфли рецидивист томонидан содир этиш ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган. Демак, бу жиноят ўта хавфли рецидивист томонидан қилинса ўша жиноятнинг жамият учун хавфлилигига қараб таснифланганда ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги ижтимоий хавфлиликнинг миқдор кўрсаткичларини кўпайтиради ва натижада ижтимоий хавфлилик даражасини ошириб, жазо тури ва миқдорини кучайтиришга асос бўлади. Натижада айбдорнинг шахси, жиноятнинг такроран, хавфли рецидивист томонидан, ўта хавфли рецидивист томонидан қилинганлиги, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, муайян вақт, шароитда содир этилганлиги (масалан, оммавий тартибсизликлар жараёнида бошқа бир жиноятни содир этиш, масалан, қасддан баданга оғир шикаст этказиш,

номусга тэгиш ва ҳоказолар). Жабрланувчининг ҳомиладорлиги, ожиз аҳволдалигини била туриб уларга нисбатан жиноят қилиш, жиноятни ғараз мақсадларда, адоват замирида, безорилик оқибатида, бошқа бир жиноятни яшириш мақсадида, ўз вазифаси ёки бурчини бажараётган шахсга нисбатан жиноят содир этиш ва ҳоказолар жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи ҳолатлар ҳисобланади. Ҳатто жиноятни бэгона шахсларга нисбатан содир этишга нисбатан яқин қариндошига нисбатан ўша жиноятни содир этиш ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи мезонлар ҳисобланади. Масалан, номусга тэгиш жинояти ўн саккиз ёшдан ошган бэгона шахсга нисбатан содир этилса ЎзР ЖК 118-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб, қонунда уч йилдан этти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган бўлса, ўша ёшдаги яқин қариндошига нисбатан содир этилса 118-моддасининг учинчи қисми билан квалификация қилинади ва бундай жиноят учун ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланган. Ушбу келтирилган мисолнинг биринчи ҳолатида қилмиш оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, иккинчи ҳолатда еса ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

г) ўта оғир жиноятлар

ЎзР ЖКнинг 15-моддаси бешинчи қисмида белгиланишига кўра ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилган жиноятлар киради. Демак, қилмишни ўта оғир жиноят деб ҳисоблаш учун:

1. Жиноий қилмиш қасддан қилинганлиги;

2. Бу жиноят учун қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси назарда тутилганлиги.

“Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан Жиноят кодексига бир қанча қўшимча ва ўзгартиришлар киритилганлиги туфайли ЖК Махсус қисмининг бир қатор моддаларидаги ўта оғир жиноятлар оғир жиноятлар туркумига ўтказилганлиги муносабати билан амалдаги Жиноят кодексида ўта оғир жиноятлар анча камайди. Ҳозирги кунда амалдаги Жиноят кодексининг 38 моддасидагина ўта оғир жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу рақамдан кўриниб турибдики, ҳозирги кунда Жиноят кодексидаги ўта оғир жиноятлар барча жиноятларнинг 12,5 фоизини ташкил қилмоқда холос.

Ўлим жазоси еса фақат иккита моддада назарда тутилган бўлиб, булар: жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми); терроризм (155-модданинг 3-қисми).

1959 йили қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят кодексининг 30 моддасида ўлим жазоси назарда тутилган еди.

Загородников Н.И. ўта оғир жиноятларни учта белги билан ифодалайди. Булар:

1) тажовуз қилинаётган объектнинг алоҳида аҳамиятга эга еканлиги;

2) бу жиноятларнинг фақат тўғри қасддан содир этилиши;

3) бу жиноятларнинг айримлари учун ўлим жазосини тайинлаши мумкинлиги.

Жиноят кодексида ўта оғир жиноятларга ижтимоий хавфлилик даражаси енг юқори бўлган жиноятлар киритилган. Бу жиноятларнинг ижтимоий қадриятларга қарши қаратилганлиги, жамиятнинг сиёсий тузумига, унинг иқтисодиётига, суверенитэтига, ҳудудий яхлитлигига, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига инсон ҳаётига қарши қаратилган жиноятларнинг анча оғирлари ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Ўта оғир жиноятлар нафақат бирон бир объектга, балки умуминсоний қадриятларга, инсон ҳаётига қарши қаратил-гандир. Енг муҳим ва доимий ҳисобланган қадриятларга инсон ҳаёти киритилган. Ўзбекистон Республикаси Конституция-сининг 24-моддасида «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига тажовуз қилиш енг оғир жиноятдир» дейилади. Демак, одам ўлдириш жиноятининг ўта оғир жиноят еканлиги Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган ва одам ўлдириш жиноятини ўта оғир жиноятлар туркумига киритишда ана шу Конституциявий принципга асосланилган. Аммо ехтиёцизликдан одам ўлдириш жинояти, жиноят содир этиш вазияти жиноятнинг хусусиятларига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноятлар туркумига киритилмаган. Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар ехтиёцизликдан содир этилиб, қанчалик оғир оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

Жиноятни ўта оғир жиноятларга киритишнинг бир муҳим жиҳати борки, қилмишни ўта оғир жиноят деб ҳисоблаш учун суд томонидан тайинланган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати емас, балки айбдорнинг қилмиши квалификацияси қилинган модда ёки модданинг қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ҳисобга олингандир.

ЎзР ЖК нинг 30-моддасининг мазмунига кўра ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам ЖК Махсус қисмининг бажарувчини жавобгарликка тортиш белгиланган моддаси бўйича жавобгарликка тортиладилар. Шу муносабат билан тасаввур қилайлик, қаттиқ қўрқитилганлиги туфайли одам ўлдириш жиноятини содир этилишидан олдин жиноят изларини яширишга ваъда қилган шахс қонунимиз мазмунига кўра жавобгарликдан озод этилмайди, балки суд жазо тайинлашда ЎзР ЖК 55-моддаси (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар)нинг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидага асосланиб енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиниши мумкин.

Айтайлик, шахс ЖК 97-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни яшириш (жиноят изларини яшириш) тўғрисида олдиндан ваъда берган (у қаттиқ қўрқитилганлиги туфайли тэгишли давлат органидан яширса 97-моддаси иккинчи қисмининг тэгишли бандлари билан жавобгар қилинади. Суд бундай шахсга жазо тайинлашда бажарувчининг қилмиши

квалификация қилинган моддаси билан жавобгар қилади. 97-модданинг санкциясида ўн беш йилдан йигирма йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, суд одам ўлдириш жинояти учун шу муддат доирасида жазо тайинлайди. Айтайлик, яшириш тўғрисида ваъда берган шахсга нисбатан суд иш ҳолатларининг барча ҳолатларини ҳисобга олиб,ЖК 57-моддасининг қоидаларини қўллаб, (қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш)3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинласа,бу жиноятни қайси туркумга киритиш керак, дэган савол туғилади. Амалдаги Жиноят кодекси 15-моддасининг мазмунига кўра бундай жиноят ҳам ўта оғир жиноят ҳисобланаверади. Чунки 28-97-модданинг иккинчи қисмида озодликдан маҳрум қилишнинг муддати ўн беш йилдан йигирма йилгача ёки ўлим жазоси белгиланиб ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган.

Ўта оғир жиноятларнинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, бундай жиноятларни содир қилганларга нисбатан ҳар қандай ҳолда ҳам (руҳий касаллик бундан мустасно) ЖК 65, 66, 661 -моддаларини қўллаб жавобгарликдан озод қилиш қўлланилмайди. Шунингдек, ЎзР ЖК 71-моддаларини қўллаб жазодан озод қилиш қўлланилмайди.

Шунингдек, ўта оғир жиноят содир этилган тақдирда ҳам шартли ҳукм қилиш қўлланилмайди(ўн саккиз ёшга тўлмаганлар, аёллар, олтмиш ёшдан ошган шахслар бундан мустасно).

Ўта оғир жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина, жазони енгилроғи билан алмаштириш еса суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейингина қўлланиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ва жазонинг қолган қисмини енгилроқ жазо билан алмаштириш ЎзР ЖК 73-моддаси тўртинчи қисмида кўрсатилган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Демак, юқорида баён қилинганларга асосланиб айтиш мумкинки, ҳар бир жиноятни, жиноятларни таснифлашнинг у ёки бу туркумига киритишда қонунда(Жиноят кодекси Махсус қисми санкциясида)белгиланган жазо муддатидан олиниши, жиноятларни таснифлаш, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш ҳамда жазо тайинлаш масалаларини жуда ҳам осонлаштиради. Шунингдек, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўллашни янада осонлаштиради, хатоларга йўл қўйилишининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинган шахс суднинг ҳукми асосида киритилган тақдимномасига биноан махсус унвондан ёки Олий ҳарбий ёки махсус унвон ёки Ўзбекистон республика-сининг Давлат мукофотидан маҳрум қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, жиноятларни ижтимоий хавфлилигига қараб таснифлаш назарий аҳамиятга ҳам эгадир. Жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, у ёки бу туркумга киритиш жиноят-ҳуқуқий

аҳамиятига эга, яъни жазо турини тайинлаш, озодликдан маҳрум қилиш муассасалари режим турини тайинлаш, жазонинг миқдор ва муддатини тайинлаш, жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш,жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда), жазони ижро этиш муддати ўтиб кэтганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш, судланганлик муддатларини ҳисоблаш ва судланмаган, деб ҳисоблаш масалаларида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноят ва жиноятчилик, унинг сабаблари

Жиноят ва жиноятчилик бир-бири билан боғлиқ бўлган ҳодиса бўлиб, жиноят — жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик)ни айбли содир этишдан иборат бўлган ҳодиса бўлса, жиноятчилик муайян вақт мобайнида содир этилган барча турдаги жиноятларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Жиноятчилик ғоят мураккаб ижтимоий ҳуқуқий ҳодиса бўлиб, унинг кенгроқ таърифини қуйидагича ифодалаш мумкин:

Жиноятчилик кишилик жамиятида мавжуд бўладиган ўзининг қонуниятларига, сифат ва миқдор тавсифига эга бўлган, жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг махсус назорат чоралари ўрнатишни талаб қиладиган салбий, ижтимоий-ҳуқуқий ҳодисадир.

Алоҳида ижтимоий хавфли қилмишларнинг жиноят еканлиги масаласи жиноят ҳуқуқида ўрганилади. Криминология фани еса қилмишнинг жиноят ва жиноят емаслигини емас, балки жиноятчиликни кишилик жамиятида мавжуд бўладиган салбий ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади.

Жиноят ҳуқуқи жиноятга юридик факт сифатида қараса, криминология жиноятни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганади. Шунга кўра жиноят ҳуқуқи билан криминология фани бир-бири билан узвий боғлиқ еканлиги жиноят ҳуқуқида белгиланади. Шунга кўра криминология ўзининг бошланғич асосларини жиноят ҳуқуқидан олади.

Жиноят ҳодисаси жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назаридан ўрганилганда, бу ҳодиса инсон томонидан жиноят қонуни билан тақиқланган актни содир этиш, деб баҳоланади. Жиноятга жиноят ҳуқуқий нуқтаи назардан баҳо бериладиган тушунча жиноят ҳуқуқи назариясида ишлаб чиқилган. Жиноят ҳуқуқида содир этилган ижтимоий хавфли қилмишга жиноят таркиби қоидалари тадбиқ этилиб, жиноят таркиби тўртта томондан, яъни жиноятнинг объекти ва объектив томони, субъекти ва субъектив томони таҳлил қилиниб, қилмишнинг жиноят ёки жиноят емаслиги аниқланади, Жиноят кодексидаги муайян моддасининг белгиларига таққосланиб кўрилади ва ўша моддада назарда тутилган жиноят содир этилган, деб топилади.

Қилмишни жиноят деб ҳисоблаш масаласи тўртта белги билан, яъни қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, жазога сазоворлиги ва айбнинг мавжудлиги белгилари билан ифодаланса, жиноят криминология нуқтаи назардан ўрганилганда икки жиҳатдан ёндашилади, яъни:

- биринчидан — жиноят содир қилган шахснинг ўзини тавсифи ва уни ўраб турган атроф муҳит нуқтаи назардан;

- иккинчидан — жиноятга бир марта содир қилинган алоҳида акт сифатида емас, балки вақт ва маконда содир этилган жараён нуқтаи назардан ўрганилади.

Жиноий жавобгарлик тушунчаси

Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида тақиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг енг оғир туридир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмида жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишнинг содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Жиноят ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бир томондан давлат бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилган шахсдир. Шахс томонидан жиноят содир қилиниши муносабати билан давлатда жиноят ҳуқуқида назарда тутилган мажбурлов чораларини шахсга нисбатан мажбурий тарзда қўллаш, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш мажбурияти вужудга келади. Шахсда еса содир қилган жинояти учун жавоб бериш, жиноят ҳуқуқида белгиланган тартибда унга нисбатан қўйилган талабларга жавоб бериш мажбурияти вужудга келади. Жиноий жавобгарлик масаласи фақат жиноят ҳуқуқи доирасида белгиланган асосларга биноан амалга оширилади.

Жамият ўз аъзоларини муайян ҳуқуқлар билан таъминлаш билан бирга, берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларини бажариш талабини ҳам қўяди.

Жиноят қонунида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, фақат Жиноят кодексида тақиқланган қилмишни содир қилганлик учун шахс жиноят қонуни нормалари асосида жавобгарликка тортилади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун қуйидаги асослар бўлиши керак:

а) содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш жиноят деб кўрсатилиб, жиноят қонунида тақиқланган бўлиши;

б) жиноят қонунида шундай қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасининг белгиланганлиги;

в) ана шундай ижтимоий хавфли қилмишни содир этишда шахснинг айбли еканлиги.

Жиноий жавобгарликнинг оқибатлари еса қуйидагиларда ифодаланади:

а) шахснинг содир қилган жинояти учун давлат олдида ва бунга ваколатли органлар олдида жавоб бериш мажбуриятининг пайдо бўлиши;

б) содир этилган жиноий қилмишни суд ҳукмида ифодаланган салбий баҳо беришдан иборат;

в) содир этилган жиноий қилмиш учун жазо ёки бошқача таъсир чорасини қўлланиши;

г) жазога ҳукм қилинганлигининг оқибати сифатида шахснинг судланган, деб ҳисобланиши.

Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноий қилмишларнинг қатъий рўйхати берилган екан, Кодексда кўрсатилмаган ҳар қандай қилмиш жиноят ҳисобланмайди ва жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Яъни ЖКда жиноий қилмишларнинг қатъий рўйхати берилиб, бу қилмишларни содир этишни тақиқлайди ва ижтимоий хавфли қилмишларни содир қилмаслик учун огоҳлантириб туради.

Маълумки, жиноят ҳуқуқи содир этилган жиноятни юридик факт сифатида ўрганади. Жиноят содир этилиши муносабати билан жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлади. Жиноий қилмиш содир этилмаса жиноят-ҳуқуқий муносабатлар пайдо бўлмайди, шахснинг жиноят содир қилиши муносабати билан давлат олдида жавобгар бўлиш мажбуриятининг вужудга келишидир. Шахс жиноят қонунида тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишларни содир этиб, ўзида ана шундай муносабатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Жиноий жавобгарлик жавобгар бўлиш мажбурияти туфайли келиб чиқади. Агар шахс жиноятни содир қилиб, яширинса, унда жавобгар бўлиш мажбурияти пайдо бўлган бўлсада, яширинганлиги туфайли жавобгарликка тортилмай қолиши мумкин.

Муайян шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун содир қилган жиноятини исботловчи ҳужжатлар этарли, асослантирилган, юридик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблаш учун суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукми бўлиши керак. Шахсни жиноий жавобгарликка тортилган деб ҳисоблашнинг ягона юридик асоси қонуний кучга кирган суднинг айблов ҳукмидир. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилган бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади»», — дейилади. Суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирмагунча шахс жиноий жавобгарликка тортилган ҳисобланмайди.

Назорат учун саволлар

1. Жиноят тушунчаси?
2. Жиноятнинг белгилари?
3. Жиноятларни таснифлаш ва унинг ҳуқуқий аҳамияти?
4. Жиноий жавобгарлик тушунчаси?
5. Жиноий жавобгарликнинг асослари?
6. Жиноятчилик тушунчаси?

2.3. Жиноят таркиби

Режа:

1. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Жиноятнинг объйекти ва объйектив томони.
3. Жиноятнинг субъйекти ва субъйектив томони.
4. Ақли норасолик тушунчаси ва ҳуқуқий аҳамияти.

Жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг жиноийлигини ифодаловчи томонлар (елементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига биноан жиноий жавобгарликнинг ягона асоси ижтимоий хавфли қилмишда жиноят таркибининг барча томонлари (елементлари)нинг мавжудлиги екан, жиноят таркиби томонларини батафсил таҳлил қилмасдан, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлмайди. Чунки қонунда жиноий жавобгарликнинг ягона асоси сифатида шахснинг содир қилган қилмишида Жиноят кодекси Махсус қисмининг аниқ бир нормасида назарда тутилган ҳуқуқий актнинг белгилари бўлиши кераклиги талаб қилинади. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмида жиноятларнинг қатъий рўйхати берилган бўлиб, ҳар бир моддада муайян жиноят таркибининг белгилари кўрсатилади. Демак, шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва муайян жиноятни содир этишда айбдор деб топилиши учун жиноят ҳуқуқи қоидаларига мувофиқ равишда шахснинг қилмишида муайян жиноят таркиби борлиги аниқланади. Одил судлов органлари ўз ихтиёрлари ёки хоҳишларига кўра агар қилмишларда жиноят таркиби бўлмаса, шахсни жиноий жавобгарликка торта олмайдилар. Аналогия бўйича жиноий жавобгарликка тортиш мумкин емас.

Жиноят таркибининг белгилари ва томонлари (елементлари)

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноят таркибининг назарий модели ишлаб чиқилган бўлиб, жиноят таркиби томонлари (елементлари) ва белгиларини ҳам алоҳида-алоҳида фарқини кўрсатиб беради. Уларни бир-бири билан алмаштириш, бирининг ўрнига бошқасидан фойдаланиш мумкин емас. Шунга кўра, уларнинг ҳар бирининг тушунчасини алоҳида-алоҳида бериш керак бўлади.

Жиноят таркибининг белгилари — жиноятнинг енг муҳим хусусиятларини қонунда аниқ кўрсатилган тавсифидир.

Жиноят таркибининг томони (елементлари) еса, қонунда жиноят деб топилган ижтимоий хавфли қилмишнинг муайян томони (елементи) доирасига кирувчи белгилар гуруҳини ўз ичига олган жиноят таркиби структурасининг таркибий қисмидир. Ҳар бир жиноятнинг жиноят таркиби унинг объектив ва субъектив томонларини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан иборат бўлиб, объектив томони белгилари жиноятнинг объекти ва объектив томонини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан,

субъектив томонини ифодаловчи белгилари жиноятнинг субъекти ва субъектив томонини ифодаловчи белгилари йиғиндисидан иборатдир.

Демак, жиноят таркиби тўртта томондан (елементлардан) иборат бўлиб булар жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонидан иборат бўлиб, бу томонларнинг ҳар бирининг ўзига хос белгилари бўлиб, бу белгилар йиғиндиси жиноят таркибини ташкил қилади. Жиноят объекти ва объектив томони объектив ҳақиқатни ўзида мужассамлаштирса, субъекти ва субъектив томони жиноят содир қилган шахснинг субъектив хусусиятларини ифодалайди. Масалан, ўғрилик жиноятининг объекти мулк бўлса, объектив томондан ўзганинг мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланса, бу жиноятнинг субъекти ўн тўрт ёшга тўлган ҳар қандай шахслар бўлса, субъектив томондан қасддан қилинадиган жиноятдир. Талончилик жиноятининг объекти мулк бўлса, объектив томондан ўзганинг мулки очиқдан-очиқ талон-торож қилинади, субъекти ўн тўрт ёшга тўлган шахслар бўлса, субъектив томондан қасддан содир этилади.

Ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблаш ва ЖК Махсус қисми муайян моддаси билан квалификация қилиш учун жиноий қилмишнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони таҳлил қилинади.

Жиноятнинг объекти — жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлиб, жиноий қилмиш туфайли ана шу ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади ва унга зарар этказилади. Ҳар қандай жиноий тажовуз орқали бирон-бир ашёга, пулга ёки нарсага тажовуз қилинмай,жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади. Жиноятнинг объекти ҳар қандай ижтимоий муносабат емас, балки фақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатдир.

ЎзР ЖК нинг 2-моддасига мувофиқ жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар шахс, унинг ҳуқуқ ва еркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсониятнинг хавфсизлигидир.

Ижтимоий муносабат-одамлар ўртасидаги ташкилотлар, давлат ва фуқаролар ўртасидаги, қадриятлар юзасидан бўладиган муносабатдир. Ана шу муносабатларни амалга ошириш жараёнида моддий неъматлар ва бошқа қимматликлар ёки кишилар еҳтиёжларини қондирадиган моддий ёки моддий бўлмаган бойликлар яратилади. Ушбу муносабатлар жиноятнинг объекти ҳисобланиб, улар қонунларнинг муайян тармоқлари билан тартибга солинади. Жиноят қонуни еса ана шу объектларни ҳар қандай жиноий тажовузлардан ҳимоя қилади. Тажовуз қилинган объектнинг аҳамияти жамият учун қанчалик юқори бўлса, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳам юқори бўлади. Айнан жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат жиноят объектининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Жиноятнинг объектидан жиноятнинг предмэтини фарқлай билиш талаб қилинади. Жиноятнинг предмэти жиноятчи бевосита таъсир қиладиган

нарса, ашё бўлиши мумкин. Жиноятнинг предмэти ижтимоий муносабат бўла олмайди, аммо ижтимоий муносабатнинг бир елементи бўлади. Масалан, жиноятчи велосипедни ўғрилаб кеца, велосипед ўғрилик жиноятининг предмэти, шу велосипедга бўлган эгасининг эгалик ҳуқуқи еса ижтимоий муносабат ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фанида жиноятнинг объекти учта турга бўлиб тавсифланади. Булар: умумий объект , махсус объект ва бевосита объектлардир.

Умумий объект барча жиноятлар учун умумий ҳисобланган объект бўлиб, унинг тушунчаси ЖК нинг 2-моддасида берилган.

Ҳар қандай алоҳида жиноят содир қилинганда, енг аввало, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга тажовуз қилинади. Ана шу юқоридагиларга кўра, умумий объект-жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисидир.

Махсус объект — алоҳида гуруҳдаги жиноятлар учун умумий бўлган объектлардир. Махсус объект бир-бири билан ўхшаш бўлган объектлар гуруҳи (масалан, шахснинг ҳаётига қарши жиноятлар-нинг объекти шахснинг ҳаёти бўлиб, ЖКнинг 97-103-моддаларини ўз ичига олади) ёки фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши жиноятларнинг объекти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликлари бўлиб, ЖК нинг 141-149-моддаларини ўз ичига олади.

Махсус объект Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмида назарда тутилган барча жиноятларни муайян гуруҳга киритиб таснифлаш ва объектнинг ижтимоий аҳамиятига қараб бу бўлим ва Мавзуларни ЖКдаги тартибдаги тизимда жойлаштириш имконини беради.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисми бўлим ва Мавзуларга бўлинган бўлиб, махсус объектни ҳам иккига бўлиб ифодалаш мумкин. Махсус объект ўз навбатида яна объектнинг турларига қараб гуруҳларга бўлинади. Жумладан, ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятлар жойлаштирилган. Демак, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар ичида шахс енг муҳим объект сифатида ЖК Махсус қисмининг биринчи бўлимига жойлаштирилган. Шахсга қарши жиноятлар ҳам ўз навбатида ҳаётга қарши, соғлиққа қарши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавф туғдирувчи, жинсий еркинликка қарши, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши, шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятларга ажратилган. Демак, ЖК Махсус қисми биринчи бўлим учун умумий бўлган объект шахс бўлса, шахсга қарши жиноятлар ўз навбатида объектларнинг айнан ўхшашига қараб Мавзуларга бўлинган ва енг муҳим объект сифатида инсон ҳаётига қарши жиноятлар шахсга қарши жиноятлар тизимида биринчи ўринга қўйилган ва объектининг аҳамиятига қараб шахсга қарши жиноятлар гуруҳи муайян тизимда жойлаштирилган.

Бевосита объект-жиноят айнан қайси ижтимоий муносабатга бевосита қаратилган бўлса ана шу ижтимоий муносабат бевосита объект ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳар бир моддасида алоҳида бир ижтимоий муносабатни ҳимоя қилади. Шунга кўра, ЖК Махсус

қисмининг алоҳида моддаси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бевосита объект ҳисобланади. Масалан, ЖК 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш)нинг бевосита объекти инсон ҳаёти бўлса, 104-моддаси (қасддан баданга оғир шикаст этказиш) нинг бевосита объекти шахснинг соғлиғидир.

Жиноятнинг объектларини таснифлашда умумийликдан махсусликка, махсусликдан алоҳидаликка дэган қоидага асосланилади. Яъни умумий объектдан махсус объектлар гуруҳи ажратилади, махсус объектлар еса алоҳида объектларга ажратилади ва ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар объектига кўра тавсифланади.

Жиноят таркибининг яна бир муҳим томони (елементи) жиноятнинг объектив томонидир.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга қарши қилинган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи белгилар жиноятнинг объектив томони деб айтилади.

Жиноятнинг объектив томони кишининг сезги аъзолари (ешитиш, кўриш, англаш, мазаси ва ҳидини билиш) орқали киши била оладиган ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи ташқи томонидир. Ҳар қандай инсон томонидан қилинадиган қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракацизликлар) ички ва ташқи моҳиятга эга бўлиб, объектив томони қилмишнинг ташқи ҳолатидир. Жиноий қилмиш ҳам ҳаракат ёки ҳаракацизлик орқали содир этилиб, жиноятни содир этишда ишлатилаётган ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг усули, ҳаракат қилиш шароити, вақти, жойи, жиноят натижасида келиб чиққан оқибат ва ҳоказоларда намоён бўлади. Жиноят натижасида шахсга, давлатга, жамиятга зарар этказилади. Ана шу этказилган зарар жиноятнинг объектив томонининг белгиси сифатида муайян ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб ҳисоблашнинг асоси сифатида олинади ва қонунда жиноят деб белгиланади.

Жиноятнинг объектив томони ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракацизлик)дан ижтимоий хавфли оқибат, ҳаракат ёки ҳаракацизлик билан келиб чиққан оқибати ўртасида сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш усули, вақти, жойи, шароити, жиноят содир қилиш қуроли ва воситалари жиноят субъектив ва объектив томонининг белгилари ҳисобланади.Қонунда бу белгиларнинг барчаси, барча жиноятлар учун зарур бўлган белгилар емас. Ҳар бир жиноят ўзига хос белгилари орқали бир-биридан фарқ қилади. Бу белгиларнинг бир қисми Жиноят кодексида назарда тутилган барча жиноятлар учун зарурий бўлса, бир қисми фақат бу жиноятларнинг бир қисми учунгина зарурий белгилардир.

Барча жиноятлар ҳаракат ёки ҳаракацизлик орқали содир этилганлиги, жиноят натижасида муайян оқибатлар юз берганлиги, келиб чиққан оқибат билан ҳаракат ёки ҳаракацизлик ўртасидаги сабабий боғланиш ЖК да назарда тутилган барча жиноятлар учун жиноят объектив томонининг зарурий белгилари ҳисобланса, жиноят содир қилиш усули, шароити, вақти, жойи, қуроли, воситаси ва бошқа белгилари ҳам жиноят объектив томонининг қонунда назарда тутилган белгилари ҳисобланади. Лекин бу белгилар барча жиноятлар учун зарурий белгилар бўлмай, балки бир қисм

жиноятлар учунгина зарурий белгилар ҳисобланади. Шунинг учун бу белгилар жиноят объектив томонининг факултатив белгилари деб айтилади.

ЖК Махсус қисмининг ҳар бир моддасида ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи белгилари кўрсатилади. Айрим моддаларда бу белгилар умумлаштирилган шаклда ифода этилса, (масалан ЖКнинг 102-моддасида - эҳтиётизлик орқасида одам ўлдириш деб ифодалаш билан чекланилган), 104-моддасида қасддан баданга оғир шикаст этказишнинг объектив томонини ифодаловчи белгилар батафсил кўрсатилган. Айрим моддаларда еса жиноят қонунидан бошқа қонун нормаларида назарда тутилган қоидалар бузилганлигига ҳавола қилинади (масалан, қилмишни ЎзР ЖК нинг 266-моддаси билан квалификация қилиш учун ҳаракат хавфсизлиги ва транспортдан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларининг бузиш натижасида ЖКнинг муайян моддасида назарда тутилган оқибатнинг келиб чиққанлиги талаб қилинади. Бир қатор моддаларда жиноят объектив томонини ифодаловчи белгилар жиноят натижасида келиб чиққан оқибатнинг даражаси (масалан 170-модда ва ҳоказолар) билан боғланса, айрим моддаларида олдин маъмурий таъсир чораси қўлланилганидан кейин шундай қилмишни содир қилиш жиноий қилмишга асосланган билан боғланади. Масалан, 139 ва 140-моддаларида туҳмат ёки ҳақорат қилиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилса, жиноий қилмиш еканлиги назарда тутилган.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларида жиноятнинг объектив томони қандай ифода этилган бўлмасин, қонун билан қўриқланадиган объектга зарар этказиши ёки зарар этказиш хавфи остида қолдириш мумкин бўлган ҳаракат ёки ҳаракацизликнинг жиноят деб ҳисоблашга асос бўладиган юридик шаклидир.

Жиноят таркибининг яна бир муҳим томони (елементи) жиноятнинг субъектив томонидир.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг ўз ижтимоий хавфли ҳаракати ёки ҳаракацизлигига ва ундан келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий муносабатидир.

Юқорида баён қилганимиздек, жиноятнинг объектив томони қилмишнинг ташқи ҳолатларини ифодаловчи аломатлари бўлса, субъектив томони қилмишнинг ички моҳиятини ифодаловчи томонидир. Жиноятнинг объектив томони шахснинг онги ва иродасида содир бўладиган руҳий жараёнлар ҳисобланади. Жиноятнинг субъектив томони жиноят содир қилиш билан боғлиқ бўлган ёки жиноят содир қилиш вақтидаги руҳий фаолияти билан боғлиқдир.

Жиноятнинг субъектив томони шахснинг тафаккурий ва иро-давий жараёнлар бирлигидан иборат бўлиб, шахс хулқининг жи-ноий қилмиш ҳисобланган қилмишини объектив томонида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда жиноят объектив томонини ифода-ловчи белгиларни таҳлил қилиш орқали субъектив томони аниқланади.

Шахсда жиноят содир қилиш вақтидаги тафаккурий ва иродавий жараёнлар жиноятда айбли еканликни ифодалайди. Содир этилган қилмишга

ва ундан келиб чиққан оқибатга нисбатан шахснинг муносабати унинг айбини белгилайди. Шунга кўра, айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Қонунда айбнинг иккита шакли назарда тутилган бўлиб, булар қасд ёки ехтиёцизлик шаклидаги айбдир. (ЖКнинг 20-моддаси).Қасд ёки ехтиёцизлик шаклидаги айб жиноятчи руҳий фаолиятининг тафаккурий ва иродавий жараёнларнинг турли кўриниши бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг тафаккурий ҳолати унинг онгини белгилаб, қуйидаги хусусиятларда ифодаланади:

а) шахснинг ўз жисмоний хулқининг ва бу хулқнинг ижтимоий хавфлилигини англаши;

б) ижтимоий хавфли оқибатнинг муқаррар келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлигини англаши;

в) енгилтаклиги ёки бепарволиги туфайли ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини, ёки келиб чиқишини англай олмаслиги, аммо англай олишининг зарурлиги.

Иродавий ҳолат еса қуйидагиларда ифодаланади:

а) шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида оқибат келиб чиқишини истаганлиги;

б) шундай оқибат келиб чиқишини хоҳламаган бўлсада, шундай оқибатнинг юз беришига бепарво муносабатда бўлганлиги;

в) келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни бартараф қилиш тўғрисидаги фикрининг хом хаёллиги.

Айб шаклларининг тушунчалари ЎзР ЖК нинг 21,22-моддаларида умумлаштирилган ҳолда баён қилинган.

Амалда жиноятнинг қасддан ёки ехтиёцизликдан содир этилганини қилмишнинг объектив томонини ифодаловчи белгиларини таҳлил қилиш орқали аниқланади. Бундан ташқари, Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларида жиноятнинг қасддан ёки ехтиёцизликдан содир этилиши мумкинлиги кўрсатилади. Агарда Жиноят кодекси моддасида ўша жиноятни қасддан ёки ехтиёцизликдан содир этилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилмаган бўлса, демак ўша жиноят содир этиш шаклига кўра фақат қасддан ёки фақат ехтиёцизликдан содир этилади ва бу барча учун маълум бўлганлиги учун модда диспозициясида махсус кўрсатишга ҳожат қолмайди. Масалан, одам ўлдириш қасддан ёки ехтиёцизликдан содир этиладиган жиноят бўлганлиги туфайли 97-моддада одам ўлдириш фақат қасддан содир этилиши, 102-моддада фақат ехтиёцизликдан содир этилиши махсус кўрсатилган. Босқинчилик жинояти (164-модда) фақат қасддан содир этиладиган жиноят бўлганлиги учун бу жиноятни қасддан содир этилишини ушбу моддада махсус кўрсатишнинг ҳожати йўқ. Транспорт воситалари ҳаракат хавфсизлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш фақат ехтиёцизликдан содир қилинадиган жиноят бўлганлиги туфайли бу ерда ехтиёцизликдан қилинишини махсус кўрсатишга ҳожат йўқ.

Айрим қасддан содир этиладиган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи моддаларда жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси

ҳисобланган айб шаклидан ташқари, жиноятнинг мотиви ва мақсади ўша жиноят таркиби учун квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатилади. Масалан, ЖК 124-моддасида тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш учун жавобгарлик белгиланган, ёки 237-модданинг (ёлғон хабар бериш) 2-қисми «б» бандида ғаразгўйлик ниятларида ёлғон хабар берганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноятдаги айб шаклини тўғри аниқлаш қилмишнинг тўғри квалификация қилиш ва одил судловни амалга оширишнинг енг муҳим шартидир.

Жиноят таркибининг яна бир томони (елементи) жиноятнинг субъектидир. Жиноят содир қилиш пайтида қонунда кўрсатилган ёшга тўлган ақли расо шахслар жиноятнинг субъекти бўлади. (ЖКнинг 17-моддаси) Демак, жиноятнинг субъекти жиноят содир этишда айбланиб, давлат олдида ўз жиноий қилмиши учун жавоб бериш мажбуриятига эга бўлган шахсдир.

Жиноятнинг субъекти Ўзбекистон ёки чэт ел фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар агар улар қонунда назарда тутилган ёшга этган бўлсалар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ жиноятнинг субъекти бўла оладилар. (Бундан екстерриториал ҳуқуқдан фойдаланадиган шахслар мустасно)

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунига биноан фақат жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўладилар. Юридик шахслар (корхона, муассаса, ташкилотлар), шу жумладан нодавлат ташкилотлар жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар. Юридик шахс томонидан шахсларга ёки бошқа юридик шахсларга зарар этказилса, юридик шахслар емас, балки шундай зарарнинг этказилишида айбдор бўлган корхона раҳбарлари, яъни жисмоний шахслар жиноий жавобгар бўладилар.

Жиноятнинг субъекти ҳар қандай шахслар емас, балки ўз ҳаракатларини идора қила оладиган, ҳаракати туфайли келиб чиқадиган ижтимоий хавфли оқибатни англай оладиган ақли расо шахсларгина жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Ўз ҳаракатларини идора қила олиш ва оқибатини англаш тушунчалари ЎзР ЖК нинг 21 ва 22-моддаларида берилган.

Шахснинг қонунда белгиланган ёшга этганлиги тушунчаси еса ЖКнинг 17-моддасида кўрсатилган бўлиб, жиноят содир қилиш пайтида 16 ёшга тўлган шахслар жиноятнинг субъекти бўла оладилар. Жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган) жиноятни содир этганлиги учун ўн уч ёшга тўлганлар, шундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини, жиноят еканлигини ҳам билиши мумкин бўлган бир қатор (17-модданинг 3-қисмида кўрсатилган) жиноятларнинг субъектлари 14 ёшга тўлган шахслар бўла оладилар. Шу модданинг 4-қисмида 18 ёшга тўлганлар субъекти бўла оладиган жиноятларнинг рўйхати берилган.

ЖК 17-моддасида белгиланган жиноят субъект ёши қатъий бўлиб, бу ёшга тўлмаганлар муайян жиноятнинг субъекти бўла олмайдилар.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида назарда тутилган жиноятнинг субъекти бўлиш учун шахснинг қонунда белгиланган ёшга этганганлиги ва ақли расолиги этарли бўлмай, яна бошқа белгиларнинг бўлиши ҳам талаб қилинади. Бундай белгилар шахснинг мансабдорлиги, ҳарбий хизматчи еканлиги, олдин судланганлиги, хавфли ёки ўта хавфли рецидивисит еканлиги ва ҳоказо махсус белгилари бўлиши ҳам талаб қилинади. Жиноят ҳуқуқида бундай субъектларни махсус субъектлар деб топилади.

Жиноятнинг предмэти - у туфайли ёки унинг муносабати билан жиноят содир қилинадиган объектив ҳаётда мавжуд бўлган моддий маънодаги нарсалардир. Шунга кўра жиноятнинг предмэти жиноят таркибининг факултатив белгиси сифатида жиноят таркибида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятнинг объекти ва предмэти бир хил тушунча бўлмай жиноятнинг объекти қонун билан қўриқланадиган ижтимоий муносабат бўлса, жиноятнинг предмэти ижтимоий муносабат ҳисобланмайди. Жиноятнинг предмэти турли ашёлар, нарсалар, пул, қимматли қоғозлар ва ҳоказолар бўлиши мумкин. Жиноятчи айнан жиноят предмэтига зарар этказиш ёки зарар этказиш хавфи остида қолдириб, ижтимоий муносабатга тажовуз қилади. Демак, жиноятнинг предмэти ижтимоий муносабат мавжуд бўлган жойда ва вақтдагина бўлади ва ана шундагина жиноят ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Масалан, ўғрилик жиноятининг предмэти пул, турли буюмлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, яъни еркин муомалага чиқарилган (олиш-сотиш, алмаштириш, ҳадя қилиш ва ҳоказолар бўлган) ҳар қандай нарсалар бўлса, ушбу нарсаларга бўлган эгалик ҳуқуқи ижтимоий муносабат ҳисобланади. Демак, ўзганинг мулки ўғрилик йўли билан талон-торож қилинганда ўша мулкка бўлган эгалик ҳуқуқига, яъни мулкка тажовуз қилинади.

Жиноятнинг предмети ижтимоий муносабатларнинг муҳим елементи бўлсада, жиноят таркибининг зарурий белгиси доирасига киритилмаган. Жиноятнинг предмэти жиноят таркибининг факултатив белгиси бўлиб, амалдаги Жиноят кодексининг кўплаб моддаларида жиноятнинг предмэти жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган. Айниқса, мулкий жиноятларда турли мулк шаклидаги нарсалар жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Жиноятнинг предмэти доирасига ноёб тарихий буюмлар, зеби-зийнат буюмлари, шунингдек ғоят муҳим тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатлар, илмий, бадиий, маданий аҳамиятга эга бўлган қимматликлар, санъат асарлари ҳам жиноятнинг предмэти бўлиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулк ёки даромадлар, яъни бошқа жиноятларнинг предмэти ҳисобланган нарсалар ҳам жиноятнинг предмэти ҳисобланади.

Агарда жиноятнинг предмэти жиноятлар таркиби доирасига зарурий белги сифатида киритилган жиноятнинг предмэти бўлмаса, қилмишни ўша норма билан квалификация қилиш мумкин бўлмайди.

Назорат учун саволлар.

1. Жиноят таркиби тушунчаси ва унинг аҳамияти?
2. Жиноятнинг объйектига таъриф беринг?
3. Жиноятнинг объйектив томонига таъриф беринг?
4. Жиноятнинг субъйектига таъриф беринг?
5. Жиноятнинг субъйектив томонини изоҳланг?
4. Ақли норасолик тушунчаси ва ҳуқуқий аҳамияти?

2.4. Жиноят содир қилиш босқичлари

Режа:

1. Жиноят содир қилиш босқичлари тушунчаси.
2. Жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи.
3. Жиноятга суиқасд қилиш босқичи.
4. Тамом бўлган жиноятлар.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: Жиноят содир этиш босқичлари, Жиноятга тайёргарлик кўриш, Жазо тайинлаш, Жиноятга суиқасд қилиш, Жиноятга тайёргарлик кўриш, Жиноятдан ихтиёрий қайтиш.

Жиноят ижтимоий хавфли қилмиш сифатида жиноятчининг у ёки бу қасди муайян вақт (жиноий ниятнинг пайдо бўлишидан бошлаб токи уни тўлиқ амалга ошириш ва жиноий мақсадга еришишгунга қадар бўлган давр) оралиғида амалга ошириладиган ҳаракат(ҳаракацизлик) сифатида тушинилади.

Жиноятнинг тамом бўлганлигини аниқлаш содир этилган жиноят таркибига боғлиқ бўлади.

Жиноят содир этиш босқичлари – бу қасддан жиноят содир этишнинг муайян босқичи бўлиб, жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноятларда ифодаланади.

А.С.Якубовнинг фикрига кўра, жиноят содир этишнинг дастлабки босқичи қасднинг шаклланиш босқичи ҳисобланди.

Жиноят содир этиш босқичи сифатида қасднинг шаклланиши ва аниқланиши:

биринчидан, жиноятни жиноий бўлмаган қилмишлардан ажратиш имконини беради;

иккинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг профилактик фаолияти самарадорлигига кўмаклашади.

Ижтимоий хавфлилик нафақат тамом бўлган, балки тамом бўлмаган жиноятларнинг ҳам асосий белгиларидан бири ҳисобланади. Бу жиноятлар учун жавобгарлик белгилаш орқали қонун шахснинг ҳуқуқ ва еркинликларини, мол-мулкини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузуми ва қонун ҳимоясида бўлган бошқа обйектларни ҳимоя қилади.

Барча жиноий қилмишларда ҳам жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи мавжуд бўлмайди. Жиноят еҳтиётсизлик орқасида, жумладан, ҳаракацизлик билан жиноятлар содир этилганида, жиноятга тайёргарлик ва суиқасд босқичлари мавжуд бўлмайди. Бироқ айрим жиноятларда ҳаракацизлик орқали жиноятга суиқасд қилиниши мумкин. (Масалан, онанинг ўз чақалоғини ўлдириш мақсадида овқатлантирмаслиги).

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш дастлабки ёки тугалланмаган жиноий қилмишда ифодаланади. Бу қилмишларнинг

тугалланган жиноятдан унда Махсус қисм моддасида кўрсатилган жиноят белгилари тўлиқ бажарилмайди: обйектив томонни ифодаловчи белгиларнинг тўлиқ бажарилмаслиги ёки ижтимоий хавфли оқибатнинг йўқлиги билан фарқ қилади. Тугалланган жиноятларда қилмишнинг жиноийлигини ифодаловчи барча белгилар мавжуд бўлади.

Тамом бўлмаган жиноят учун жавобгарлик масаласи, шахснинг жиноий фаолияти ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд қилиш босқичида тўхтатилган бўлсагина вужудга келади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд учун жавобгарликка тортиш учун жиноят қасддан бўлиши керак. Эгри қасдда жиноят содир этишнинг ушбу икки босқичи бўлмайди. Чунки жиноятга таёргарлик кўриш ва суиқасд қилишда шахснинг жиноят содир этиш истаги натижага еришишга қаратилган онгли ва мақсадли ҳаракатлардан иборат бўлади. Масалан, одам ўлдиришга суиқасд қилиш фақат тўғри қасд билан содир этилади, қачонки шахс ўлим юз беришини англаган ва истаган бўлгандагина суиқасд бўлиши мумкин.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш фақат тўғри қасддан содир этилган жиноятларда мавжуд бўлади. Эгри қасд билан содир этилган жиноятларда еса жиноятга таёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш боқичлари бўлмайди. Жиноятчи жиноий оқибат юз беришини хоҳламаган ҳолда жиноятга тайёргарлик кўриши ёки суиқасд қилиши мумкин емас. Бундай ҳолларда жиноий оқибат унинг ҳаракат ишнинг мақсадини ташкил қилмайди. Жиноятнинг қасддан содир этилиши ҳар икки босқич учун ҳам зарурий белги ҳисобланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасд қилиш ҳар қандай жиноий оқибатнинг юз беришини истисно этади. Айнан жиноий оқибатнинг юз бермаганлиги тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар ўртасидаги фарқни белгилаб беради.

Жиноятга тайёргарлик кўриш жиноят содир этиш учун шарт-шароитларни яратишда ифодаланади. Жиноятга суиқасд (ҳаракат билан, алоҳида ҳолларда ҳаракацизлик билан) бевосита жиноятни содир этишга қаратилган бўлиб, жиноятнинг обйектив томони амалга оширилади, аммо у жиноятчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра охирига етказилмайди. Тамом бўлган жиноятда жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлади. Дастлабки иккита босқич- жиноятга тайёргарлик ва суиқасд жиноят ҳуқуқи назариясида “тахминий жиноий ҳаракат” тушунчаси асосида бирлаштирилган

Шахснинг ҳаракатида тамом бўлмаган жиноят белгиларининг мавжудлиги обйектив ва субйектив белгилар билан чэгараланган. Шунингдек,, жиноятни содир этиш босқичлари жиноят турларига ҳам боғлиқ бўлади. Жиноятни содир этиш босқичи жиноятчининг аниқ жиноий тажовузни амалга оширишга қаратилган жиноий қасддир. Жиноятни содир этиш босқичлари қатор обйектив белгилари билан фарқланади.

Жиноятга тайёргарлик кўриш моддий таркибли жиноятларга хос бўлиб, бу жиноятнинг содир этилиш шаклига боғлиқдир.

Амалдаги 1994 йил қабул қилинган Жиноят кодексининг 32-моддаси 1-қисмига кўра кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда еса, «Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Бу йерда шахс томонидан турли вақтларда бир хил жиноятларни содир этилганлигини тушуниш лозим. Такроран жиноят содир этиш фақат шахснинг бундай жиноят турини вужудга келтирган, ҳуқуқий моҳиятга эга бўлган бирорта ҳам жиноят учун жазога маҳкум этилмаган ҳолларда вужудга келади.

Такроран жиноят содир қилиш дэганда, худди шундай жиноятни иккинчи, учинчи ва ҳоказо марта содир қилиш тушунилади. Бунга жиноят ҳуқуқи назариясида турли хил фикрлар билдирилган. Хусусан И.И.Горелик «Учинчи марта емас, балки фақат иккинчи марта жиноят содир этилишини такроран жиноят содир қилиш деб ҳисоблаш керак» дэган фикрни билдирган.

И.И.Гореликнинг фикрича, бир хил жиноятни учинчи марта содир қилинганда такроран содир қилинмасликка олиб келади. Такроран жиноят содир этиш муаммосини тадқиқ қилган кўпчилик олимлар иккинчи ва кейинги жиноятларни ҳам такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблайдилар. Республикамизнинг амалдаги жиноят қонунида ушбу масала ўзининг тўғри йечимини топган. Унга кўра шахс айнан бир хил жиноятни икки ёки бир неча марта содир қилганда ҳам такроран жиноят содир этиш деб ҳисобланаверади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 32-моддасида мустаҳкамланган талабдан келиб чиқиб, такроран жиноят содир этишнинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

1) такроран жиноят содир этиш бир неча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган айнан бир-бирига ўхшаш бўлган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир қилади;

2) содир этилган қилмишлар жиноят қонуни махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда еса турли моддаларида назарда тутилган қилмишларни ҳам қамраб олади;

3) содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаслиги;

4) жиноят такроран содир этилган деб ҳисобаниши учун улар турли вақтларда содир қилинган ва мустақил жиноят таркибини ташкил қилиши.

Бир шахс томонидан Жиноят қонуни махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишнинг содир этилиши такроран жиноят содир этишнинг асосий жиноят ҳуқуқий белгиларидан бири бўлиб, бунда шахс томонидан содир қилинган ҳар бир жиноий қилмиш амалдаги жиноят қонуни 14-моддасига мувофиқ, ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланади. Ушбу жиноятлар мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади ва алоҳида санксияга эга бўлади. Шунинг билан бирга Жиноят кодекси 32-моддаси 1-қисмига кўра нафақат тугалланган жиноятлар, балки, тамом бўлмаган, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноятга суиқасд қилиш, иштирокчиликда содир қилинган жиноятлар ҳам такроран жиноятларни ташкил қилиши мумкин. Аммо бунда содир этилган барча жиноятлар Жиноят кодексининг битта моддаси ёки битта моддасининг битта қисмида назарда тутилган белгиларга эга бўлиши керак.

Жиноят кодекси 32-моддаси 1-қисмида «Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек, иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади,» дейилган.

Ш. Ражабов томонидан олиб борилган тадқиқотларида 1215 шахснинг содир қилган жинояти бўйича ўтказилган текширишлар шуни кўрсатадики, атиги 52 марта жиноятга суиқасд бўлганлиги ва бирор марта ҳам жиноятга тайёргарлик кўрганлик учун жавобгарликка тортиш ҳоллари аниқланмаган.

АҚШ, Англия, Франсия каби ривожланган мамлакатлар жиноят қонунчилигида жиноятга тайёрганлик кўрганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланмаган.

Шахс содир этган қилмишларини такроран содир этилган жиноят деб топишнинг шартларидан яна бири унинг такрорий жиноятларни ташкил қилувчи жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам судланмаганлигидир. Жиноятни такроран содир қилишнинг белгилари тўғрисида жиноят ҳуқуқи фанида баъзи ҳолларда ҳатто қарама-қарши фикрлар ҳам берилган. Кўпчилик муаллифлар иккинчи жиноят учун шахс судланган ёки судланмаганлигидан қатъи назар такроран содир этилган деб ҳисоблаш керак, деб таъкидлайдилар.

Бу борада Н.С. Тагансев жиноятнинг такрорланишини учта шарт билан изоҳлайди, яъни уларнинг енг муҳими олдинданги жинояти учун жазони ўтаганлик, иккинчиси еса олдинданги ва кейинги жиноятлар ўртасида маълум боғлиқлик (махсус рецидив) ва учинчиси олдинданги жинояти учун жазони ўтаган вақт билан янги содир қилинган жиноят ўртасида маълум вақтнинг ўтганлиги. Худди шундай нуқтаи назарни профессор А.М.Яковлев ҳам маъқуллаб фақат олдинданги жинояти учун судланганидан кейин, янги жиноят содир этишни такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблайди. Масаланинг бундай қўйилишини улар такроран жиноят содир қилиш, юқори даражада ижтимоий хавфли бўлади, қачонки улар жиноий жазога ҳукм қилинган ва субйектларга таъсир кўрсатмаган бўлсагина такроран жиноят содир этиш ҳисобланади дэган тушунчага асосланадилар. Лекин такроран

жиноят содир этишнинг ўта ижтимоий хавфлилиги бир неча ҳолатлар билан боғлиқ. Кўп ҳолларда қисқа вақт ичида содир этилган икки ёки ундан кўп, бир хил, айниқса ўхшаш жиноятларни содир этиш ва биринчи жинояти учун жавобгарликдан қутилиб қолиш имконини қила олганлик, ҳар хил жиноятларни содир қилиб, биринчиси юзасидан судланган ва жазони ўтаб бўлиб, анча вақт ўтгандан кейин яна жиноят содир этишга нисбатан ижтимоий хавфлироқдир.

Жиноят кодексининг 32-моддаси 1-қисмининг мазмунига кўра, шахс содир қилинган жиноятлардан бирортаси учун ҳам судланмаган бўлиши керак, яъни такроран жиноятларни ташкил қилувчи қилмишларнинг ҳар бири шахс судлангунга қадар содир этилган, суд томонидан муҳокама қилинмаган бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 77- моддаси 2-қисмига кўра жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Шунга кўра агар шахс содир этган икки жиноятдан бири учун судланиб судланганлиги тэгишли тартибда олиб ташланмаган, тугалланмаган бўлса унинг ҳаракатини такроран жиноят содир этиш деб топиш мумкин емас.

Шахснинг содир қилган жиноятларини такроран жиноят содир этиш деб топишнинг учинчи шарти шахсни дастлабки содир этган қилмиши учун жавобгарликдан озод қилиш муддати ўтиб кэтмаган бўлиши керак. Бу йерда жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш (64-модда), шахс ёки қилмишнинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги туфайли жавобгарликдан озод қилиш, ёхуд ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш, 66-моддада касаллиги туфайли жавобгарликдан, 67 ва 75-моддалар амнистия акти ёки афв этиш асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Олдинданги жинояти учун шартли ҳукм қилиш қўлланилган бўлса, такроран жиноят содир этиш деб ҳисобланмайди. Чунки шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 72-моддаси 8-қисмига мувофиқ синов муддати давомида янги жиноят содир еца, суд унга нисбатан Жиноят кодексининг 60-моддаси бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлаш учун белгиланган қоидаларга асосланган ҳолда жазо тайинлайди. Шунинг учун бу ҳол такроран жиноят содир этиш тушунчасини истисно этади.

Олдинданги жинояти учун ҳукм қилинган шахс янги жиноят содир қилса фақат ҳар икки жиноят қасддан содир қилинган тақдирдагина 56-модда 1-қисмининг «н» бандида назарда тутилган оғирлаштирувчи ҳолатларни ташкил этади ва ушбу ҳолда Жиноят кодекси махсус қисмининг «такроран содир қилинса» дэган банди билан квалификация қилинмайди. Чунки шахс содир этган жиноятини такроран содир этиш деб топиш учун, жиноятлар учун жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кэтмаган бўлиб, шундан кейингина бир хил жиноятни турли вақтларда содир қилгандагина ва уларнинг бирортаси учун судланган бўлмаса, жиноят такроран содир қилинган деб ҳисобланади.

Жавобгарликка тортиш ёки тортмаслик масаласини ҳал қилишда жавобгарликка тортиш муддати Жиноят кодексининг 64-моддасида кўрсатилган муддатдан ошиб кэтмаган бўлиши керак. Агар жиноятлар ўртасидаги вақт Жиноят кодексининг 64-моддасида назарда тутилган муддатдан ошиб кэтган бўлса, қилмишни такроран содир этилган деб ҳисоблаб бўлмайди ва шахс жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кэтмаган жинояти учунгина жавобгар бўлади.

Агар шахс такроран содир қилинган жиноят деб ҳисобланиши мумкин бўлган жиноятларни содир этган бўлиб, бу жиноятлардан бири ҳукм чиқарилгунга қадар, иккинчиси еса ҳукм чиқарилгандан кейин аниқланган бўлса, такроран жиноят содир қилиш деб ҳисоблашга асос борми, дэган савол туғилади.

Жиноят кодексининг 59-моддаси 3-қисмида «агар иш бўйича» ҳукм чиқарилгандан кейин маҳкумнинг биринчи иш бўйича чиқарилган ҳукмигача яна бошқа жиноятда айбли еканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда – жиноятлар жами бўйича жазо тайинланади. Бундай ҳолатда жиноятлар мажмуи тариқасида суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми ҳам қўшилади» дейилган.

Қонун мазмунига кўра жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашнинг ушбу қоидалари ўз навбатида такроран жиноят содир этишга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Бундай ҳолда жиноятларнинг ҳар иккаласи айнан бир хил жиноятлар бўлганлиги ва жиноятларнинг бири учун судланмай қолишига сабаб ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг жиноятнинг ўз вақтида фош этилмаганлиги сабабли бўлиши мумкин.

Юридик адабиётларда олимлар такроран жиноят содир этишни икки гуруҳга бўладилар. Жумладан, В.Н Кудявсев, Б.М. Леонтйев такроран жиноят содир қилишни – умумий такроран жиноят содир этиш ва махсус такроран жиноят содир этишга ажратадилар.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, такроран жиноят содир қилишни бундай турларга ажратиш 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелига қадар амалда бўлган Жиноят кодекси асосида ишлаб чиқилган еди. Жиноят ҳуқуқида такроран жиноят содир этишни бундай турларга бўлиниши амалдаги Жиноят кодексига тўғри келмайди. Чунки умумий такроран жиноят содир қилиш дэганда, турли вақтларда Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир қилиш тушунилади. Бу ҳолат ўз навбатида жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобланмайди, балки айрим ҳолларда Жиноят кодексининг 56-моддасинининг «а» бандида кўрсатилганидек жазони оғирлаштирувчи ҳолат бўлиши мумкин. Махсус такроран жиноят содир қилиш дэганда, Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддаси ёки ўша модданинг ёхуд модда қисмининг зарурий белгиси сифатида кўрсатилган ҳолатлар назарда тутилади, яъни махсус такроран жиноят содир қилишда бир хил жиноятни камида икки марта содир қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 1-қисмига биноан алоҳида кўрсатилган ҳолларда махсус қисминнинг турли

моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Такроран жиноят содир этиш деб ҳисоблашнинг бундай қоидалари Жиноят кодекси Махсус қисмининг бир қанча моддаларида назарда тутилган. Масалан, Жиноят кодексининг 104-моддаси 2-қисмининг «б» банди, 105-модданинг 2-қисми «к» банди, 118- модданинг 2-қисми «б» банди, 164-модданинг 3-қисми «а» банди ва бошқа қатор моддалар.

Агар олдиндан Жиноят кодексининг 119-моддасида назарда тутилган, жиноятни содир этган шахс томонидан сўнгра 118-моддада назарда тутилган жиноятни содир еца, кейинги жинояти такроран жиноят деб топилади. Ф.Тохиров одам ўлдиришдан олдиндан терроризм, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳаётига тажовуз қилиш ва ҳоказо жиноятлар содир этилган бўлса, қилмиш такроран одам ўлдириш каби баҳоланиши керак деб таъкидлайди.

Такроран жиноят содир этишнинг субйекти бир шахс бўлгани ҳолда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган турли хил ижтимоий муносабатларга зарар етказилиши мумкин. Яъни тажоввуз обйекти турлича бўлиши мумкин. Обйектив томондан еса ушбу жиноят айнан бир-бирига ўхшаш жиноятларни, қонунда алоҳида кўрсатилган ҳолларда еса турли жиноятларни содир этишда ифодаланади. Шу билан бирга такроран жиноят содир этиш жиноятларни ташкил қилувчи қилмишларнинг ҳар бири Жиноят кодексининг 14-моддасига кўра ижтимоий хавфлилиги, ҳуқуққа хилофлиги, айбнинг мавжудлиги, жазога сазоворлиги билан хусусиятланади. Шу жумладан уларнинг барчасида юқорида таъкидланганидек, жиноят таркибининг барча аломатлари бўлади. Шахс гарчи ҳар бири мустақил бўлган, лекин айнан бир-бирига ўхшаш юқоридагидай жиноятларни содир этгани ҳолларида унинг қилмиши Жиноят кодекси Махсус қисмининг «такроран содир қилинса» дэган бандига асосланиб жазо тайинланади.

Бу борада такроран жиноят содир этишнинг бир қатор ҳуқуқий белгилари билан бирга унинг субйектив томонидан тўғри аниқлаш муҳимдир. Такроран жиноят содир этишнинг субйектив томони, шахснинг содир қилган икки ёки ундан ортиқ қилмиши ва уларнинг оқибатларига нисбатан руҳий муносабатида ифодаланади. Ушбу жиноятни ташкил қилувчи жиноий қилмишлар ўз навбатида айб шаклининг ягоналиги билан хусусиятланади. Яъни такроран жиноят содир этиш деб топиш учун шахснинг содир қилган икки ёки бир неча жинояти айбнинг қасд шаклига эга бўлиши керак. Жиноят қонунида такроран жиноят содир этиш деб топишнинг зарурий белгиси сифатида 38 га яқин жиноят таркибларида назарда тутилган бўлиб, уларнинг барчаси қасддан содир этиладиган жиноятлардир. Қолаверса, жиноят қонунига кўра илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиши жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида (Жиноят кодекси 56-модда, 1-қисми, «н»банди) қаралади. Ехтиёцизликдан содир этиладиган жиноятларда шахснинг ўз талаб ва ниятларини жиноят содир қилиш орқали қондириш

тўғрисида гап бўлиши мумкин емас. Бу жиноятлар кўпроқ вазиятнинг ва шахс ҳаракатининг у ёки бу вариантини танлашга жиддий ёндашиши билан боғлиқ бўлади.

Такроран содир этиладиган жиноятларни субйектив томонида уни ўз навбатида ташкил этувчи ҳар бир жиноят қасд қилиш, мустақил равишда шаклланади. Аммо бу ҳолатда улар ўртасида ички боғлиқлик бўлмайди дэган тушунчани англатмайди. Такроран жиноят содир этиш деб топилган барча жиноятлар бир-бирига боғлиқ бўлади. Такроран жиноят содир этишнинг субйектив томони унинг барча белгилари билан ўзига хос ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиб, жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашда муҳимдир.

Такроран жиноят содир этиш ўз навбатида юқоридаги белгиларига кўра давомли, узоққа чўзилган, рецидив жиноятлардан фарқ қилади.

Такроран содир этилган жиноятни давомли жиноятдан фарқ қилиш лозим. Давомли жиноят тушунчаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 3-қисмида ифодаланган. Бу жиноятлар ўртасидаги асосий фарқ содир этилган жиноятнинг субйектив томонига тўғри келади, лекин обйектив белгилари мос тушади. Давомли жиноят дэганда, ягона мақсад йўлида амалга ошириладиган умумий қасд доирасида бирлашган икки ва ундан ортиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар тушунилади. Такроран жиноят содир этиш еса доимо янги қасд орқали амалга оширилади. Давомли жиноятда қасдни амалга ошириш вақти оралиғида доимо муайян вақт мавжуд бўлади. Давомли жиноятнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, барча қилмиш жиноятларнинг ўзаро боғлиқлиги, ҳар бир бутунни ташкил қилишда намоён бўладиган барча епизодларнинг ягоналигидадир. Давомли жиноятнинг бошланиши бир давом этадиган жиноятдан иборат бўлган қатор ўхшаш ҳаракатларнинг дастлабкисини содир этишдир. Демак, давомли жиноятлар қуйидаги ўзига хос белгиларга эга бўлади:

а) бир хилдаги ҳаракатларнинг мажмуи;

б) барча ҳаракатлар айнан битта обйектга қаратилган бўлади;

д) уларнинг ҳаммаси битта мақсад йўлида бирлашган ва шунинг учун ҳам бир бутунликни ташкил қилади.

Жиноят кодексининг 32-моддаси 4-қисмида узоққа чўзилган жиноят тушунчаси баён этилган, унга кўра вазифаларни узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган жиноятлар тушунилади. Шундан келиб чиқиб узоққа чўзилган жиноят жиноий тажовузнинг муайян вақт давомида узлуксизлиги билан таърифланади. Унинг хусусияти муайян ҳаракат ёки ҳаракацизликни амалга ошириш вақтидан бошлаб шахснинг қонунда кўрсатилган жиноятни тугалланган босқичидаги ўз мажбуриятларини бундан буён ҳам узлуксиз бажармаслиги билан ифодаланади. Бундай жиноий ҳолат икки:

а) ихтиёрий,

б) мажбурий сабабга кўра тугатилади.

Ихтиёрийлик шахснинг ўз ташаббуси билан ҳаракацизлкка чек қўйишда ифадаланади. Мажбурийлик жиноятни бажаришни бундан кейин

ҳам давом эттиришга монелик қиладиган ҳодисанинг бошланишидан иборатдир. Узоққа чўзилган жиноятнинг тамомланиши шахснинг қонунда кўрсатилаган мажбуриятларини бажармасликни бошлаган вақтдан вужудга келади, бундан кейинги нисбий муайян вақтда ҳам у мазкур талабларини бажармасликда давом еца, бундай ҳолатнинг ички ягоналиги ўзаро боғлиқлигидан таркибларнинг кўплиги вужудга келмайди.

Лекин юқоридагиларга ҳам қарамасдан жиноят ҳуқуқи назариясида такроран жиноят содир этишнинг, ушбу жиноятлардан умуман фарқи йўқ дэган фикрлар ҳам мавжуд. В.П Малков «Рецидив жиноят содир қилиш такроран жиноят содир қилишнинг бир кўриниши ҳолос, шунинг учун рецидив жиноят содир қилиш – бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўла олмайди ва такроран жиноят содир этиш рецидив жиноят содир этишни ҳам ўз ичига қамраб олади», деб ҳисобайди.

Й.А.Флоров ва Р.Галиакбаровларнинг фикрича «Рецидив — бу ҳам такроран содир этиладиган жиноятдир. Унинг учун худди такроран жинят содир этиш каби ҳар бир мустақил жиноят таркиби белгиларига эга бўлган камида иккита жиноят содир этишга хосдир. Лекин такроран жиноят содир этишдан фарқли равишда, рецидив жиноят дэганда жазони ўтаб чиққан, жазони ўтаётган шахснинг судланганлиги мавжуд бўлгани ҳолда янги жиноят содир этишдир»

Юқорида таҳлил этилган масала бўйича қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин, такроран жиноят содир этиш тушунчасининг Жиноят кодексига киритилиши:

1) жиноят кодексида назарда тутилган ҳолатларда жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида олинади;

2) жиноятни квалификация қилишда бевосита таъсир қилиши;

3) жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси бўлиб ҳисобаниши каби ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Жиноятлар мажмуи учун жавобгарлик тушунчаси ва унинг хусусиятлари

Жиноятлар мажмуи жиноят ҳуқуқининг муҳим ва мураккаб муаммоларидан бири ҳисобланиб, бир қатор мунозараларга сабаб бўлиб келган. Жиноятлар мажмуи тузилиши жиҳатидан мураккаб бўлиб, икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмишларни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам оддий, ягона жиноятларни тавсиф қилишга қараганда уларга ҳуқуқий баҳо бериш анча мушкул масала ҳисобланади. Жиноятлар мажмуи учун жазо тайинлашнинг мазмунини очиб беришдан олдиндан жиноятлар мажмуи ўзи нима еканлигини тушуниб олиш лозим.

Жиноят кодекси 33-моддасининг биринчи қисмига кўра «Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс аввал судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади», дейилган. Кўпчилик ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, ушбу институтнинг шаклланиши ХИХ асрнинг биринчи ярмига тўгри келади. Бу ўз навбатида

ўша даврда Ўрта Осиёда ҳукмрон бўлган Россия империясининг мустамлакачилик тизими қонунчилиги билан боғлиқдир. Жиноятлар мажмуи тушунчаси биринчи марта Россия империясининг 1845-йилдаги жазолар тўғрисидаги қонунномада келтирилган. Унга кўра, жиноятлар мажмуи айбдор тамонидан бир неча қилмишларни бир вақтнинг ўзида ёки турли вақтларда содир этилиши сифатида тан олинар еди. Жиноятлар мажмуи тариқасида содир этилган жиноят деб топиш учун шахс бирорта қилмиши учун ҳам жазога тортилмаган, умумий ва якка тартибда афв этилмаган бўлиши лозим еди. Собиқ Иттифоқ даврида жиноятлар мажмуи турларга бўлиниб, бу ҳолатлар биринчи марта РСФСРнинг 1922- йил қабул қилинган Жиноят кодексида мустаҳкамланган еди. Унда жиноятлар мажмуи тўғрисида иккита модда бўлиб, уларда жиноят мажмуининг турлари жиноятларнинг идеал ва реал жами учун жазо мустаҳкамланган еди. Ушбу кодекснинг 29-моддасига кўра «Агар айбдор содир этган қилмишда, кодекснинг турли моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг белгилари мавжуд бўлса суд оғирроқ жазони назарда тутувчи модда асосида жазо тайинлайди». Ушбу тушунча шахснинг ҳаракатлари битта модда билан квалификация қилинишини англатиб, қонун чиқарувчи жиноятларнинг идеал жамини ягона жиноят гуруҳига киритган. Жиноятларнинг реал жами дэганда, қонун чиқарувчи «судланувчи томонидан ҳукм чиқарилгунга қадар икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши»ни назарда тутган ва ушбу ҳолда жазо тайинлашнинг алоҳида қоидалари тадбиқ этилган. Ўз навбатида масалага бундай ёндашиш узоққа бормади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентабр қабул қилинган янги Жиноят кодексида жиноятлар мажмуига оид барча қоидалар тизимлаштирилди, яъни жиноятлар мажмуини тартибга соливчи умумий қоидалар алоҳида модда сифатида шакллантирилди. Умумий қоиданинг махсус нормалар билан мувофиқлиги таъминланди. У ўзининг табиатига кўра бир қанча жиноятлар содир этишнинг шакли бўлганлиги учун бир қанча жиноят содир этишни тартибга солувчи Жиноят кодексининг Умумий қисми 8-бобига киритилди. Янги ҳуқуқий нормаларни шакллантиришда жиноят ҳуқуқи назариясида мазкур муаммо юзасидан тўпланган тажриба ва еришилган ютуқлар инобатга олинди. Амалдаги Жиноят кодексининг 33-моддасида ушбу масала, яъни жиноятлар мажмуи илк бор мустаҳкамланди. Унга кўра, «Махсус қисмнинг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобагрликка торитиладиган икки ёки бир нечта жиноий қилмишни содир этиш агарда улардан биротаси учун ҳам судланган бўлмаса жиноятлар мажмуи деб топилади.

Ушбу қоидадан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуининг қуйидаги ҳуқуқий белгиларини ажратиш мумкин:

а) жиноятлар мажмуи бир қанча жиноят содир этишнинг шакли бўлиб, унга кўра шахс жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир қилади;

б) содир этилган қилмишлар Жиноят қонуни Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган бўлади;

д) содир этилган жиноий қилмишларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлиши лозим.

Юридик адабиётларда еса бир қатор олимлар жиноятлар мажмуини учта белги билан изоҳлайдилар. Жумладан, В.П. Малков қуйидагилар жиноятлар мажмуи учун хос белгилар деб ҳисоблайди:

а) шахс томонидан икки ёки ундан кўпроқ жиноятларни содир қилганлиги;

б) содир қилинган жиноятлар Жиноят кодексининг камида иккита моддаси билан квалификация қилинганлиги;

д) бу жиноятлардан бирортаси учун ҳам шахс судланмаган бўлиши кераклигиди.

Бир шахс томонидан икки ёки бир неча жиноий қилмишнинг содир этилиши жиноятлар мажмуининг асосий ҳуқуқий белгиларидан бири бўлиб, у шахс томонидан содир этилган ҳар бир жиноий қилмиш амалдаги Жиноят кодексининг 14-моддасига мувофиқ, ягона мустақил жиноят сифатида баҳоланиб, мустақил равишда алоҳида квалификация қилинади, алоҳида-алоҳида жазо тайинланади. Шуни таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 33-моддасидаги «жиноий қилмиш» тушунчасини кенг тушунилади ва жиноий қилмиш дэганда нафақат тамом бўлган жиноятларни, балки жиноятга тайёргарлик кўриш жиноятга суиқасд қилиш (Жиноят кодексининг 25-моддаси) ҳамда иштирокчиликда содир этилган жиноят (Жиноят кодексининг 27-моддаси) ҳам назарда тутилади.

Жиноятлар мажмуига таъриф беришда «жавобгарликка тортиладиган» сўз бирикмаси Ўзбекистан Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида шахсни жавобгарликка тортиш учун монелик қиладиган ҳолатлар белгиланганлиги, жиноят ишини текшириш жараёнида бундай ҳолатлар аниқланганда, шахс тэгишли қилмишлари учун жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкинлиги, жиноят-ҳуқуқий оқибатлар вужудга келмаслиги назарда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, шахсни жиноятлар мажмуи бўйича жавобгарликка тортиш учун жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ҳар бир қилмиш юзасидан жиноий жавобгарлик асослари мавжуд бўлиши ва жавобгарликка тортиш учун монелик қилувчи ҳолатлар бўлмаслиги керак.

Содир этилган жиноий қилмишларнинг Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилиши ушбу жиноятларнинг муҳим ҳуқуқий белгиларидан бирини ташкил этади.

Жиноятлар мажмуининг учинчи ҳуқуқий белгиси шундан иборатки, унга кўра жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи ёки бир неча жиноятларнинг бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмайди, яъни жиноятлар жамига кирувчи қилмишларнинг ҳар бири судлангунга қадар содир этилади, ҳали суд томонидан муҳокама қилинмаган ва унинг юзасидан

айблов ҳукми чиқарилмаган бўлади. Шунинг учун ҳам шахс бир вақтнинг ўзида, бир жиноят процессида жиноятлар мажмуини ташкил қилувчи бир неча жиноятлари учун жавобгарликка тортилади.

Жиноятлар жами деб ҳисоблашнинг яна бир муҳим шарти шуки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг иккита моддаси ёки битта моддасининг турли қисмларида кўрсатилган жиноятларнинг турли вақтларда ёки бир вақтнинг ўзида (реал ва идеал жами) содир қилинганлигининг аҳамияти йўқ. Бир вақтнинг ўзида иккита жиноят содир этилиб, Махсус қисмнинг турли моддалари билан квалификация қилинган тақдирда ҳам жиноятлар мажмуини ташкил қилаверади.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятлар мажмуининг ушбу кўриниши жиноятнинг идеал жами деб юритилади.

Таниқли олим Н.Д.Сергийевскийнинг фикрича жиноятларнинг идеал жами дэганда, шундай ҳолатни тушуниш лозимки, бунда инсоннинг ҳаракати фикран ҳар бири у ёки бу жиноий ҳаракат таркибининг туб елементларини ташкил қиладиган икки алоҳида бўлакка бўлиниб, бунда бир ҳаракат билан, бир вақтнинг ўзида икки таъқиқнинг бузилишини ифода этади. Ҳамда шунга мувофиқ ҳолда иккита жиноий акт содир қилгандек кўринади. Айбини ҳисобга олишда еса, жазоланиши бўйича юқори бўлган битта жиноят таркиби назарда тутилади,».

Олима Н.Ф.Кузнецова еса субйектининг бир ҳаракати орқали турли обйектларга турли хил зарарнинг етказилиши жиноятнинг идеал жами дейилади, деб ҳисобайди.

Бу тушунча таркибли (мураккаб айбли) жиноятга мос келади. Чунки шахснинг бир ҳаракати орқали бир вақтнинг ўзида турли хил обйектларга зарар етказилганда, унинг қилмиши битта жиноят-ҳуқуқий нормани қамраб олиши ҳам мумкин. Албатта, бу ҳолатларда жиноятнинг идеал жами мавжуд бўлмайди.

В.Н.Кудрявсев бу борада «жиноятлар мажмуи учун, шу нарса хусусиятлики, ҳеч қайси бир норма содир қилинган қилмишларни бутунлай қамраб ололмайди, у Жиноят кодекси Махсус қисмининг икки ёки бир неча нормаларини қўллаган ҳолда, барчаси биргаликда ҳуқуқий баҳога эга бўлиши мумкин», дэган фикрни илгари суради.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, жиноят ҳуқуқида жиноятларнинг «идеал жами» атамаси ўрнига бошқа тушунчаларни ишлатиш мақсадга мувофиқ еканлиги тўгрисидаги фикрлар ҳам мавжуд бўлиб, жумладан Д.Н. Михайлов ўз вақтида жиноятларнинг идеал жамини «бир қилмиш орқали содир қилинадиган жиноятлар мажмуи»га, Жиноятларнинг реал жамини еса, «алоҳида қилмишлар орқали содир қилинадиган жиноятлар жами»га бўлади. Бу борада В.П. Малковнинг жиноятларнинг идеал ва реал жами каби тушунчаларини қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўз навбатида проф. А.Н.Трайнин ҳам бу масалага еътибор бериб, “жиноятларнинг идеал жами, бу – шахснинг бир ҳаракати орқали бир неча жиноий нормаларни бузилишидир», деб ёзган еди.

М.М.Исайев, Н.Д.Дурмановлар еса идеал жами дэганда айбдорнинг бир ҳаракати орқали икки ёки бир неча жиноят таркиби бажарилишини назарда тутганлар.

А.А.Пионтковский жиноятларнинг идеал жами дэганда бир неча жиноятни назарда тутади.

Юқорида келтирилган идеал жами тушунчаси тўғрисидаги фикрларнинг ҳар бирида бу масала турлича талқин этилгани ҳолда, деярли барчасида идеал жами дэганда, бир ҳаракат орқали бошқа жиноятларнинг келиб чиқиши назарда тутилади. Бу борада А.Н.Трайниннинг идеал жамида бир неча жиноят-ҳуқуқдош нормалар бузилади, дэган фикр юритади. Лекин жиноятларнинг идеал жами бир ҳаракат орқали икки ёки ундан ортиқ жиноят қонуни нормаларини бузишгина емас, балки ҳақиқатда икки ёки ундан ортиқ, мустақил жиноятларни содир этишдан, яъни икки ёки ундан ортиқ жиноят таркибларини бажаришдан иборатдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда жиноятларнинг идеал жамига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Жиноятларнинг идеал жами жиноят ҳуқуқи назариясида бир обйектли ва турли обйектли идеал жамига бўлинади. Бир обйектли идеал жами дэганда, тажовуз обйекти бир хил бўлган ҳолларга айтилади. Бир обйектли идеал жами ўз навбатда юридик адабиётларда бир турдаги ва ҳар хил турдаги айб шаклига эга бўлган идеал жамига бўлинади.

Ҳар хил обйектли жиноятларнинг идеал жами амалиётда кўп тарқалган бўлиб, у шахснинг бир ҳаракати орқали қонун билан қўриқланадиган турли хил ижтимоий муносабатларга – обйектларга тажовуз қилишда намоён бўлади.

Турли обйектли идеал жамида айбнинг бир шакли мавжуд бўлиши хосдир. Лекин шу билан биргаликда амалиётда ҳар хил айб шаклига эга бўлган идеал жами ҳам учраб туради.

Ўз навбатида таъкидлаш керакки, амалиётда ҳар хил айб шаклига эга бўлган жиноятларнинг идеал жами билан мураккаб айбли жиноятларни фарқлаш борасида бирмунча хатоликлар учраб туради.

Мураккаб айбли жиноятлар (Жиноят кодексининг 23-моддаси) бу бир таркибли жиноятлар бўлиб, ўзининг белгилари, хусусиятларига кўра жиноятларнинг идеал жамидан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 23-моддасида: «Агар шахснинг қасддан жиноят содир этиши натижасида ехтиёцизлик орқасида бошқа ижтимоий хавфли оқибатлар юз берган ва шундай қилмишни қонун қаттиқроқ жавобгарлик билан боғлаган бўлса, бундай жиноят қасддан содир этилган деб топилади», дейилади.

Жиноят кодексида шундай нормалар мавжудки, уларда ижтимоий хавфли ҳаракат айбнинг қасд шаклида содир этилган бўлиши мумкин, келиб чиққан оқибатлар еса ехтиёцизлик орқасида юз бериши мумкин. Масалан, қасддан баданга шикаст етказиш жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, (ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми «д» банди). Бу жиноятни содир этишда шахс қасддан баданга оғир шикаст етказади, ўлимга нисбатан еса ехтиёцизликдан

муносабатда бўлади, чунки айбдор соғлиққа тажовуз қилганда уни ўлдириш нияти йўқ, бўлган. Умуман бу жиноят айбнинг қасд шаклида содир этилган жиноят деб қаралади.

Моддий таркибли ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган ҳар бир муайян ҳолда шахснинг айбини, қилмишга нисбатан емас, юз берган оқибатга нисбатан белгилаш лозим. Шунинг учун агар оқибат юз берса, унда шахснинг еҳтиётсизликдан келиб чиққан оқибатнинг юз беришида айби бўлмаса, уни юз берган оқибатлари учун жиноий жавобгарликка тортиш мумкин емас. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мураккаб айбли жиноятларда еҳтиётсизлик фақат квалификация қилинадиган оқибатларга нисбатан бўлиши мумкин, лекин юқорида таъкидланганидек, улар умуман қасддан қилинган жиноят деб ҳисобанади.

Демак, мураккаб айбли жиноятлардан Жиноят кодексининг икки ёки ундан ортиқ моддалари билан квалификация қилинадиган бир қанча жиноятлар содир қилишнинг фарқини аниқлаш, қилмишни тўғри квалификация қилиш ва адолатли жазо тайинлашнинг муҳим шартидир.

Енди жиноятларнинг идеал жами турларига яна қайцак, В.П.Малков юқоридагилардан ташқари жиноятларнинг идеал жамининг бир турдаги ва ҳар хил турдаги идеал жамига бўлади. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг идеал жамини бундай турларга бўлиниши, ўз навбатида кўпгина, муаллифлар томонидан турлича талқин қилинади. Жумладан, А.М.Яковлев дастлаб, бир турдаги жиноятлар дэганда, Жиноят қонунининг айнан битта моддасида назарда тутилган жиноятларни назарда тутади, қолган барча жиноятларни еса у ҳар хил турдаги жиноятлар гуруҳига киритади. Бир турдаги ва ҳар хил турдаги жиноятларга берилган ушбу таъриф асосида А.М.Яковлев бир турдаги идеал жами мавжуд бўлиши мумкин емас, дэган хулосага келади. Ушбу фикрни болгар криминалисти Д.П.Михайлов ҳам қўллаб -қувватлайди.

А.С. Никифоровнинг фикрича, шахснинг бир ҳаракати орқали айнан битта жиноят таркиби белгиларига мос келадиган бир неча жиноятлар содир этилганда ҳам жиноятларнинг идеал жами мавжуд бўлади.

А.М.Яковлевнинг фикрига қўшилган ҳолда, жиноятларнинг идеал жами айнан бир турдаги жиноятлардан ташкил топмаслиги, жиноят қонунининг айнан битта моддасида назарда тутилган қилмишларга мос тушмаслигини таъкидлаш мумкин. Ушбу ҳолатлар кўпроқ, такроран жиноят содир этишни (Жиноят кодексининг 32-моддаси) ташкил этади. Чунки, такроран жиноят содир этишнинг муҳим белгиларидан бири уни ташкил этувчи жиноятларнинг бири-бирига ўхшаш бўлишлиги, яъни Жиноят кодекси Махсус қисмининг айнан битта моддасида назарда тутилган жиноятлар бўлишлигидир.

Ушбу ҳолларда гарчи жиноятлар бир вақтнинг ўзида содир қилинса ҳам жиноятларнинг айнан ўхшаш бир турда еканлиги уни такроран жиноят содир этиш деб баҳолашга асос бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорида «Мансабдор шахснинг

бир вақтнинг ўзида бир неча шахсдан пораларни олиши, башарти пора берувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида қилмиш содир этилса, такроран пора олиш деб тавсифланиши лозим»,] дейилади.

Юқоридагидай ҳолатларда шахс айнан бир жиноят таркибининг белгиларига мос келадиган ҳаракатларни бир вақтнинг ўзида бажаради, лекин унинг қилмиши жиноятларнинг жами сифатида баҳоланмайди. Шу жиҳатдан А.С.Никифоровнининг фикрига қўшилиб бўлмайди.

Маълумки, содир этилган қилмишни идеал жами тариқасида квалификация қилишда суд-тергов амалиётида маълум бир қийинчиликлар учраб, Пленум қарорларида ушбу масала ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996 -йил 20-декабридаги «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорнинг 21-бандида шундай дейилади: «Айбдорнинг ҳокимият ёки хизмат ваколати доирасидан чэтга чиқиб, содир этган қасддан одам ўлдириш ҳаракатлари одам ўлдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалар ва Жиноят кодекси 206-моддасининг тэгишли қисмлари билан тасниф қилиниши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қарорнинг 22-бандида еса «озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахс томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарувчи ҳаракатлари билан боғлиқ, ҳолда қасддан одам ўлдиришни Жиноят кодексининг 220-моддасининг диспозицяси жабрланувчини ҳаётидан маҳрум этишни қамраб олмаслиги сабабли, Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириш ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш муассасаларининг ишини издан чиқарган ҳаракатлари учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари билан тавсиф қилиниши керак»лиги кўрсатиб ўтилган.

Шуни айтиш лозимки, шахснинг қилмишида жиноятлар идеал жамининг мавжудлиги ёки йўқлиги тэгишли жиноят таркибининг қандай белгиларни ўзида мужассамлаштиришига боғлиқдир. Муайян жиноят таркибига қўшимча қандайдир белгиларнинг киритилиши ёки уларни чиқарилиши қилмишда жиноятларнинг идеал жами мавжудлиги ёки йўқлигини намоён қилиши мумкин. Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларини тузишда жиноят таркибининг белгилари қанчалик тўла акс эттирилса, амалиётда қилмишни идеал жами тариқасида квалификация қилиш учун еҳтиёж назаримизда шунча кам бўлади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноий қилмишни турли вақтларда содир этиб, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятларнинг реал жами дейилади].

Жиноятлар мажмуи масаласини тадқиқ қилиш шуни кўрсатадики, жиноятларнинг реал жами, идеал жамига қараганда кўпроқ тарқалган жиноятлардан бўлиб ҳисобанади. Маълумотларга кўра 91,6 ҳолларда жиноятларни реал жами тариқасида содир этиш ташкил еца, 8,4 фоизини идеал жами тариқасида жиноят содир этиш ташкил этади.

Юридик адабиётларда билдирилган фикрларга кўра, реал жами учун унинг таркибига кирувчи жиноятларни турли вақтларда содир этилиши хусусиятли бўлиб жиноятларнинг реал жами ўз навбатида бир турдаги ва турли турдаги реал жамига бўлинади. Жиноятларнинг турли вақтларда содир этилиши, қилмишни реал жами еканлигини аниқлашда қийинчиликлар туғдирмайди. Чунки, ушбу ҳолда ҳар бир қилмиш мустақил равишда квалификация қилинади.

Жиноятларнинг реал жамини турли ва бир турдаги жиноий қилмишлар ташкил этиши мумкин. Яъни реал жамида, субйект айнан бир турдаги ва турли ижтимоий муносабатларга таъсир этиши мумкин. Шунинг билан биргаликда, шахснинг қилмиши реал жами тариқасида нафақат тамом бўлган жиноятлар мавжуд бўлганда, балки улардан бири жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд, бошқаси тамом бўлган жиноят бўлганда ҳам ташкил этади.

А.М. Яковлев жиноятларнинг реал жамини қуйидаги турларга бўлади:

а) бир-бири билан аниқ ҳолатларга кўра боғлиқ, жиноятларнинг реал жами;

б) жиноятлар фақат бир шахс томонидан содир этилганлиги туфайли бир-бири билан боғлиқ жиноятларнинг реал жами. Олимнинг ушбу фикри бошқа олимлар томонидан ҳам маъқулланган бўлиб, албатта улар амалий аҳамиятга эга.

В.П. Малков ўзининг тадқиқотларида ягона мураккаб жиноятларни, жиноятлар мажмуидан фарқлаш учун аниқланиши лозим бўлган ҳолатларга еътибор бериб уларни кўрсатиб ўтади:

а) бир жиноий қилмиш бошқа жиноятни содир этилишига шароит бўлиб ҳисобланадиган ёки шароит яратадиган реал жами;

б) бир жиноят бошқа жиноятни содир этилишида жиноятнинг усули ва воситаси бўлиб ҳисобланадиган реал жами;

в) содир этилган жиноятлар содир этиш усули, шароити, воситалари жиҳатидан ўзаро муносабатда бўлмай, вақт бирлиги ва тажовуз жойи бирлиги билан хусусиятланадиган жиноятларнинг реал жами.

г) тажовуз мотивининг бир турда еканлиги билан хусусиятланадиган жиноятнинг реал жамидир.

Юридик адабиётларда юқоридагилардан ташқари жиноятлар мажмуини уни ташкил қилувчи икки ёки ундан кўп жиноятларнинг ички боғлиқлигига қараб, турларга бўлиш ҳам учрайди. Жумладан, А.С.Никифоров бир-бири билан ички моҳияти жиҳатдан боғланиб кэтган бир хил жиноятларни турли вақтларда содир қилишдан иборат бўлган жиноятлар жами ва бир-бири билан ички боғлиқликка эга бўлмаган турли жиноятларни турли вақтларда содир қилишдан иборат бўлган жиноятлар

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, жиноятларнинг идеал ва реал жамига бўлинишининг ҳуқуқий аҳамияти гарчи адабиётларда бошқа фикрлар билдирилган бўлса-да жуда катта.

Жиноятларнинг идеал ва реал жами содир қилиниш вақти ва ҳуқуқий оқибатлари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Булар қуйидагиларда ифодаланади:

1) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасининг (жазони оғирлаштрувчи ҳолатлар) «н» бандида кўрсатилишича, илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран жиноят содир этиши, жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланмайди.

2) Агар айбдорнинг бир ҳаракати билан Жиноят кодекси иккита моддаси билан квалификация қилниши лозим бўлган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилинган бўлса, айбдор Жиноят кодексининг 66-моддасига биноан (айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан) жавобгарликдан озод қилиниши мумкин. Бундай жиноятлар реал жами тариқасида содир қилинса, жавобгарликдан озод қилишнинг бу турини қўллаш мумкин бўлмайди.

3) Жиноятларнинг идеал жамида шахсга нисбатан, агар бунда қонунда кўрсатилган асослар мавжуд бўлса, Жиноят кодексининг 71-моддаси тартибида жазодан озод қилиниши мумкин. Реал жами тариқасида содир қилинган жиноятларга нисбатан еса ушбу моддани қўллаш мумкин бўлмайди. Шунингдек,, жиноятларнинг реал жами тариқасида бир қанча жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан жиноят қонунида кўзда тутилган бошқа имтиёзларни қўллаш мумкин бўлмайди. Қонунда ана шундай ҳолат белгиланишининг асосий сабаби жиноятларнинг идеал жами тариқасида жиноят содир этган шахсга нисбатан реал жами тариқасида жиноят содир этган шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқдир. Шахснинг олдиндан битта жиноятни содир қилиб, яна янги жиноят содир этиши, жиноий фаолиятини давом эттирганлиги унинг ижтимоий хавфли еканлигидан далолат беради. Бошқача тенг шароитларда шахснинг онгида ва руҳий ҳолатида низоли ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш воситаси сифатида жиноят содир қилишга тайёргарлиги илдиз отиб кэтганлигини намоён қилади.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, жиноятларнинг реал ва идеал жамига бўлинишининг ҳам амалий ҳам назарий аҳамияти жуда каттадир. Жиноятлар жами тушунчасини жиноят қонунининг мустақил институти сифатида ажратиб кўрсатилиши учун барча асослар мавжуддир.

Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентабрдаги Жиноят кодекси тузилишига кўра, 1959 -йилги кодексдан фарқ қилиб, Жиноят кодекси Махсус қисмининг деярли кўпчилик моддалари қисмларга, ҳар бир қисмлари яна бандларга бўлинади. Шунга мувофиқ равишда Махсус қисм битта моддаси битта қисмини турли бандларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир қилинса-да, жиноятлар жами мавжуд бўлмайди, яъни, масалан, шахс анча миқдорда ўзганинг мулкини яширин равишда ўғирлаган, маълум вақт ўтгандан сўнг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндандан тил бириктириб, содир қилган бўлса, жиноятлар мажмуини ташкил этмайди. Жиноят кодексининг 33-моддаси мазмунига кўра, жиноятлар мажмуни ташкил қилиш учун Махсус қисм турли моддаларида ёки битта модданинг

турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар содир қилиниши керак. Ушбу ҳолда жиноятлар жами деб емас, балки жиноят такроран содир қилинган, деб ҳисобанади.

Агар айбдорнинг биринчи жинояти юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилаётган ёки судда кўрилаётган ёхуд ҳукм чиқариш олдидан янги жиноят содир қилган ёки ҳукм чиқарилганидан кейин янги жиноят содир қилган бўлса, жиноятлар жамини ташкил этадими? дэган савол туғилади. Бу масалада Профессор А.С.Никифоров: «Агар олдинданги жинояти учун ҳукм чиқарилгунга қадар янги жиноят содир қилинган бўлса, жиноятлар жами деб ҳисобаниши керак» дэган фикр юилдиради].

Аксинча, янги жиноят олдинданги жинояти учун ҳукм чиқарилгандан сўнг содир қилинса, у жиноятлар мажмуи деб емас, балки рецедив жиноят деб топилиши ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинланиши лозим бўлади.

Ю.Юшков ва Г.М.Кафоровлар бу масалада А.С.Никифоровнинг фикрига қўшилмай, «Шахс фақат айблов ҳукми қонуний кучга кирганидан кейингина маҳкум ҳисобанади. Шунинг учун бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш тартиби айблов ҳукми қонуний кучга киргандан сўнг содир қилинган жиноятларга нисбатан тадбиқ этилиши керак. Ҳукм қонуний кучга кирмасдан янги жиноят содир қилинган бўлса, жиноятлар жазолар жами тариқасида жазо тайинланиши керак», деб ёзадилар.

Н.А.Стуручков, Н.В.Кудрявсевлар ҳам бу масалани ҳукм чиқарилган вақтдан ҳисоблаш кераклиги ҳақида фикр билдирадилар.

Айрим муаллифлар жиноятлар жами деб ҳисобаш учун жиноят таркиби ҳар хил бўлган жиноятларни содир қилиш тушунилиши керак, деб ёзадилар. Аммо амалиётда ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Жиноят таркиби бир хил бўлган қилмишлар ҳам жиноятлар мажмуини ташкил қилаверади. Масалан, шахс муқаддам Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилиб, кейин кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш жиноятини содир қилган бўлса, жиноятлар жамини ташкил қилаверади. Ушбу ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисидаги» қарорида «Шахс томонидан айни бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар содир этганлик учун жиноятлар мажмуини белгилашда жавобгарлик шу модданинг оғирроқ жазо назарида тутилган қисми бўйича юзага келади», дейилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 33-моддаси 2-қисмида «Агар шахс содир этган қилмишида ушбу кодекс Махсус қисми айни бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади», дейилади. Қонундаги бу тушунтиришни нотўғри тушунган айрим судлар жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилиб жазо тайинлаш керак бўлган қилмишларга ҳам тадбиқ қилмоқдалар.

Жиноят кодекси 33-моддасининг 1-қисмида идеал ёки реал жами тариқасида камида Жиноят кодекси Махсус қисмининг иккита моддаси билан квалификация қилинадиган жиноятлар назарда тутилган бўлса, ушбу

модданинг 2-қисмида фақат битта модда билан квалификация қилиш ва жазо тайинлаш мумкин бўлган жиноят ҳақида сўз кэтмоқда. Жиноятлар мажмуининг маъносини янада аниқлаштириш мақсадида шу модданинг 2-қисмига ана шу тушунча киритилиб, агар битта жиноий қилмишда Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятни квалификация қилиш белгилари мавжуд бўлса, жиноятлар жамини ташкил қилмаслигини, бундай ҳолда ўша модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича квалификация қилиш зарурлиги таъкидланган.

Масалан, айбдор ўта хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўта шафқацизлик билан Жиноят кодекси 104-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган баданга оғир шикаст етказиш жиноятини содир қилган. Ушбу жиноят битта жиноий қилмиш, аммо 104-модданинг 3-қисмида назарда тутилган квалификация қилиш белигилари бор. Ана шундай ҳолларда енг оғир квалификация қилиш белгиси орқали жавобгарликка тортиш зарур бўлади.

Жиноят кодекси 33-моддаси 2-қисмини таҳлил қилишдан айнан ана шу юқорида айтилган маъно келиб чиқади. «Агар шахс содир этган қилмишда» деб, қонун бу тушунчани кўпликда емас, бирликда бермоқда. Демак, фақат бир ҳаракат билан содир этилган битта жиноят назарда тутилмоқда.

Рецидив жиноят тушунчаси

Рецидив сўзи жиноят ҳуқуқида жиноят факти ҳодисасининг қайтарилиб туриши, криминалогияда еса ижтимоий ҳодиса сифатида жиноятчиликнинг қайтарилиб туришига нисбатан ишлатилади. Шунга кўра жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш тушунчаси, криминалогияда ишлатиладиган рецидив жиноятчилик тушунчасидан фарқ қилади. Жиноят ҳуқуқида рецидив жиноят содир қилиш такрорланган юридик фактга нисбатан ишлатилса, криминалогияда жиноятчиликнинг тизимида ижтимоий ҳодиса сифатида такрорланган жиноятчиликка нисбатан ишлатилади. Криминалогияда шахснинг илгари содир этган жинояти тэгишли давлат органига маълум бўлган ва рўйхатга олингандан кейин, янги жиноят содир этишни рецидив жиноят содир этиш деб тушунилади.

Рецидив жиноят тушунчаси ҳақида ҳуқуқшунослар турли фикрларни билдиришган. А.А.Пионтковский олдинданги жиноят учун суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаб бўлганидан кейин такроран жиноят содир этишни рецидив жиноят, деб тарифлаган].

А.С.Шлапочников еса олдинданги жинояти учун жазони ўташ вақтида ёки жазони ўтаб бўлгандан кейин такроран жиноят содир этишни рецидив жиноят содир этиш деб ҳисоблаган.

М.Д.Шаргородскийнинг фикрига кўра, агар шахс ҳукм қилинганидан кейин янги жиноят содир еца, бу рецидив жиноят емас, балки, ҳукмларнинг жами бўлади, деб ҳисоблаган. Ф.Р.Сусандоров еса рецидив жиноят тушунчасини озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ билан боғлаб тушунтиради]. А.Ф.Зелинский рецидив жиноят тушунчаси фақатгина муайян

турдаги жиноий жазо билангина емас, ҳатто ҳар қандай таъсир чораси қўлланилганидан кейин янги жиноят содир этиш билан боғлиқ еканлигини айтади.

Рецидив жиноятнинг зарурий белгиларини К.А.Панко қуйидагилар деб ҳисоблаган:

а) содир этилган жиноятнинг такроран содир этилганлиги;

б) шахснинг олдинданги жинояти учун судланганлиги].

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилда қабул қилинган амалдаги Жиноят кодексида рецидив жиноятларнинг қуйидаги турлари:

1) оддий рецидив;
2) хавфли рецидив
3) ўта хавфли рецидив ажратилган.

Жиноят кодекси 34-моддасида рецидив жиноят тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади. Демак, қуйидаги ҳолларда жиноятлар рецидив жиноят деб айтилади:

а) илгари жинояти учун судлангандан кейин янги жиноят содир этиши;

б) биринчи ҳукм юридик оқибатлари ёки муддат ўтиши натижасида ёки бошқа тартибда ҳали тугамаган даврда жиноят содир этиши.

Жиноят ҳуқуқи доктринасида «ҳақиқий рецидив жиноят» тушунчаси мавжуд бўлиб, бу тушунча шахс томонидан иккита ёки ундан кўп жиноий қилмишлар содир этганликнинг барча ҳолларини, субйектда аввалги қилмишлари учун судланганлиги бор-йўқлигидан қатъи назар, қамраб олади.

Қонучилик ва суд амалиёти жиноятчилар шахси хавфлилиги даражасини жазо муддатини белгилашда муҳим омил сифатида еътироф этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида «Суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони йенгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади» дейилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1996-йил 19-июлда қабул қилинган «Жиноий жазо чораларини тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорида судлар оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан қаттиқ жазо чоралари қўллаши лозимлиги белгиланган. Жиноятчи шахсининг юқори даражада хавфлилигини таъкидлашга, уни рецидивистлар тоифасига киритишга ва тэгишинча унга нисбатан жазо муддатини оширишга имкон берадиган юридик жиҳатдан жиддий аломатларга еътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида баён қилганимиздек, жамият ва давлатда ижтимоий сиёсий ўзгаришлар юз бериши жазо тизими ва турларига бевоста таъсир қилади.

1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида жазолар енг оғиридан енг енгилига қараб жойлаштирилган еди. Бундай жойлаштириш ўша даврдаги жазо тайинлаш сиёсатига ҳам мувофиқ келмас еди.

Амалдаги Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазолар енгилидан оғирига қараб тўғри жойлаштирилган бўлиб, муайян бир жазонинг ўзидан юқорироқда жойлаштирилган тури енгилроқ жазо бўлса, олдинги кодексда муайян жазо туридан олдинда турган жазо оғирроқ жазо ҳисобланган. Жазоларни бундай тарзда жойлаштирилиши жазоларнинг енгилроғи ёки оғирроғини аниқлаш масаласини ҳал қилишда ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди. Олдинги кодексда еса жазонинг енгилроғини аниқлаш анча қийин ва оғирлиги жиҳатидан бир хил бўлган жазолар турли ўринларда жойлаштирилган еди. Жазонинг енгилроғини танлаш учун жазо тизимидаги енг охирги жазодан бошлаб ҳисоблаш керак бўлар еди.

Жамиятдаги жиддий ўзгаришлар туфайли 1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексида назарда тутилган олтита жазо тури, янги Жиноят кодексида жиноий жазо сифатида назарда тутилмади. Булар: сургун, бадарға қилиш, вазифасидан бўшатиш, этказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаш, жамоат иззаси, тарбия-меҳнат профилактириясига юбориш. Бозор иқтисодиёти тизими шакланаётган ҳозирги даврда бу жазолар салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Шу билан бирга амалдаги янги Жиноят кодексига олдинги Кодексга маълум бўлмаган хизмат бўйича чеклаш ва қамоқ жиноий жазонинг мустақил тури сифатида Кодексга киритилди. Мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазо амалдаги Жиноят кодекси қабул қилинган вақтда Жиноят кодексида назарда тутилган бўлсада, Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан Кодексдан чиқарилди.

ЖКнинг 43-моддасида назарда тутилган жиноий жазолар икки гуруҳга бўлиниб, булар асосий ва қўшимча жазолардир.

Жазо тизимидаги муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш асосий жазо тариқасида ҳам, қўшимча жазо тариқасида ҳам тайинланиши мумкин.Ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазо фақат қўшимча жазо тариқасида тайинланади.

ЖК 43-моддасида назарда тутилган жазолар ижро этиш усулига қараб икки гуруҳга бўлинади:

1) алоҳида акт билан ижро этиладиган жазолар;

2) суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўтиладиган жазолар.

Алоҳида акт билан ижро этиладиган турларига жарима, ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш ва ўлим жазоси киради.Қолган барча жазолар суд ҳукмида белгиланган муддат мобайнида жараён сифатида ўтиладиган жазо турларига киради. Бу жазолардан қамоқ ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган шахслар жамиятдан ажратилиб, уларнинг устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш жазолари фақат ҳарбий хизматчиларгагина тайинланади.

Қуйида ҳар бир жазо турини алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Жавобгарликдан озод қилиш тушунчаси ва турлари

Умумий қоидага кўра, жиноят содир қилишда айбланаётган шахс жиноий жавобгарликка тортилиб, Жиноят кодексида белгиланган асосларда жиноий жазо тайинланади. Шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг ҳаракатида (ҳаракацизлигида) Жиноят кодекси Махсус қисмининг у ёки бу моддасида назарда тутилган жиноятнинг барча белгилари ва тергов материаллари орқали жиноят тўла аниқланган бўлиши керак. Ана шундагина шахс жиноий жавобгарликка тортилади. Бундай талаб Конституциявий талаб бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди», дейилади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг инсонпарвар-лик принципларидан енг муҳими, жиноят содир этишда айбланаётган барча шахсларни жиноий жавобгарликка тортавермай, жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган бир қатор жавобгарликдан озод қилишнинг назарда тутилганлигидир.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги ҳуқуқий институтлар, жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа турларидан, яъни қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар: кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда), зарурий мудофаа (37-модда), охирги зарурат (38-модда), ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар этказиш (39-модда), буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (40-модда), касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41-модда) дан фарқ қилади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларида жиноят таркибининг бирорта белгиси этишмаслиги туфайли (масалан, айбнинг йўқлиги) қилмиш жиноят ҳисобланмайди.

Таҳлил этилаётган жавобгарликдан озод қилишда еса ЖК Махсус қисмида назарда тутилган жиноят содир этилган, тергов ҳужжатлари орқали жиноят тўла исботланган бўлади. Шунингдек, жиноят ҳисобланмаган бошқа ҳуқуқ бузишларга нисбатан жиноят қонунида назарда тутилган нормаларни қўллаб жавобгарликдан озод қилиш ҳам мумкин емас. Чунки бу ерда фақат жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида гап боради.

Шунингдек, қилмиш нотўғри квалификация қилиниб, жиноий жавобгарликка тортилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш ҳам жавобгарликдан озод қилишга кирмайди. Бундай ҳолда жавобгарликдан озод қилиш емас, балки реабилитация қилиш ҳисобланади.

Амалдаги Жиноят кодексида жавобгарликдан озод қилишнинг қуйидаги турлари назарда тутилган:

1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);

2) қилмиш ёки шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);

3) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);

4) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (661-модда);

5) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);

6) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турлари вояга этган ва вояга этмаганларга нисбатан бирдай қўлланилиши мумкин.

Булардан ташқари, вояга этмаганларга нисбатан мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан озод қилишни (87-модда) қўлланилиши ҳам мумкин.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳга суриштирувчи, терговчи ёки прокурор томонидан жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган турлари;

иккинчи гуруҳга фақат суд томонидан жавобгарликдан озод қилинадиган турларини киритиш мумкин.

Биринчи гуруҳга жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш ва амнистия акти асосида суриштирувчи, терговчи ёки прокурор ҳам ушбу амнистия актини қўллаш ҳуқуқи берилган амнистия актлари орқали жавобгарликдан озод қилиш киради.

ЎзР ЖПК нинг 84-моддаси биринчи қисмининг 1-бандида жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса, шунинг тугатилиш тўғрисида айтилади.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бошқа барча турлари фақат суд томонидан қўлланади.Аммо Жиноят кодексидаги жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлган моддаларнинг бирортасида жавобгарликдан озод қилишни фақат суд томонидан қўлланилиши тўғрисида айтилмаган. Аммо жазодан озод қилишни назарда тутувчи моддаларнинг деярли барчасида жазодан фақат суд озод қилиши мумкинлиги қайд қилинган. Шунга кўра, жавобгарликдан суд ёки бошқа жиноят процесси иштирокчиси томонидан озод қилиниши қонунда аниқ кўрсатиб қўйилиши керак.

Жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган шахсларнинг содир қилган жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасига қараб ҳам икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасидан қатъи назар, жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар.

Буларга:

1) жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан жиноят учун жавобгарликдан озод қилиш (64-модда);

2) касаллик туфайли жавобгарликдан озод қилиш (67-модда);

3) амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш (68-модда).

Иккинчи гуруҳга фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган жавобгарликдан озод қилиш.

Жавобгарликдан озод қилишнинг бу турларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) қилмиш ёки шахс махсус ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (65-модда);

2) айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66-модда);

3) ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (661-модда).

Жавобгарликдан озод қилишнинг ҳар бирини қўллаш учун уларнинг ҳар бири учун умумий бўлган шартлар содир этилган жиноятнинг ижтимоий ўзига хос шартлари бўлсада, уларнинг барчаси учун умумий бўлган шартлар содир этилган жиноятнинг хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят еканлиги ва жиноятнинг биринчи марта содир этилганлигидир.

Жавобгарликка тортиш муддатининг ўтиб кэтганлиги муносабати билан, касаллик туфайли, амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш суднинг мажбурияти бўлса, қолган барча ҳолатларда иш ҳолатлари ва озод қилишнинг асослари бор ёки йўқ еканлигига аҳамият берилади. Бунда жиноятнинг ижтимоий хавфининг катта бўлмаслиги ва жиноят биринчи марта содир этилганлигидан ташқари содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва жиноят содир қилган киши шахсини ифодаловчи ҳолатлар мажмуи ҳам ҳисобга олинади.

Агарда шахс муайян жиноят содир этилишида ўзининг айби йўқ еканлигини айтиб жавобгарликдан озод қилишни талаб қилаётган бўлса, ЖКнинг жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи моддалари асосида озод қилиш қўлланмай унинг муайян жиноятда айби йўқ еканлигини исботлашга қаратилган процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши керак.

Жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисобланадилар.

Жиноий жавобгарликдан озод қилиш қуйидаги белгиларига кўра, жиноий жазодан озод қилишдан фарқ қилади:

1) жавобгарликдан озод қилиш асосан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги билан боғлиқ бўлса, жиноий жазодан озод қилиш еса жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси билан барча ҳолда ҳам боғлиқ емас;

2) жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг айрим турлари суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан (масалан, амнистия актини қўллаш) қўлланса, жазодан озод қилиш фақат суд томонидан қўлланади;

3) жиноий жавобгарликдан озод қилиш гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланса, жазодан озод қилиш еса, муайня жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланади;

4) жавобгарликдан озод қилинган шахслар судланмаган ҳисоблансалар, жазодан озод қилинган шахслар еса судланган ҳисобланадилар.

Айтиш керакки, жавобгарликдан озод қилиш шахсни айбсиз деб топиш бўлмасдан, балки жавобгарликдан озод қилишдир. Жиноий жавобгарликдан озод қилинган шахс фуқаровий- ҳуқуқий мажбуриятлардан озод қилинмайди. Масалан, жиноят натижасида этказилган зарарни қоплашдан ва бошқа тўловлардан озод қилинмайди.

Назорат учун саволлар

1. Жиноий жазо тушунчаси?
2. Жиноий жазо белгилари?
3. Жиноий жазонинг мақсади?
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида жазо турлари?
5. Жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар?
6. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар?

2.9. Жиноят ҳуқуқи махсус қисми тушунчаси, унинг аҳамияти ва тизими

Режа:

1. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тушунчаси ва унинг аҳамияти.
2. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий принциплари, уларнинг акс эттирилиши ва мустаҳкамланиши.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тизими.
4. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларининг моҳияти, мазмуни ва белгилашнинг ижтимоий-сиёсий ёритилиши.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва иборалар: Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми, Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий принциплари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тизими, Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормалари, Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормалари, Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликлари, Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов: «Барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглиги ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ва аҳоли хавфсизлигининг муҳофазасини кафолатловчи ҳуқуқий давлатни барпо этиш» даркор, деб таъкидлаганидек, ҳозирги вақтда чоп этилаётган ҳар бир монография, дарслик аҳолимизни, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий, маънавий, маърифий билимини ошириш, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб этишиши учун маълум даражада ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида»ги Қарорида: «Миллий дастурнинг мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка еришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай олишлари учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир», – деб таъкидланади.

Албатта, Республикамиз мустақилликка еришган кундан буён ўтган қисқа давр мобайнида халқимизнинг маънавияти қанчалик ошганлигини, ҳуқуқий онгни эгаллаётганлигини, мамлакатимизда барпо этилган ва этилаётган корхона – иншоотларни ёки бўлмаса, дунёда тутган ажойиб ўрнини ким билмайди дейсиз. Хуллас, айтиш жоизки, асрларга татигулик ва қолаверса, келажак авлодлар еслаб, фахрланиб юрадиган ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти тизимини, ҳуқуқий демократик давлатни шакллантиришда ғоят муҳим ишлар бажарилмоқда. Жамиятни бошқариш, янги шаклланаётган ижтимоий муносабатларни қарор топтиришни таъминлаш мақсадида кўплаб қонунлар қабул қилинди. Ана шундай қонунлардан бири 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан амалга киритилган Жиноят кодексидир. Ушбу Жиноят кодекси

қабул қилинганидан бери унинг нормаларининг амалда татбиқ этилишида муайян тажрибага эга бўлинди.

1998 йили жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми бўйича дарслик нашр қилинган еди. Ана енди Махсус қисми ҳам тайёрланди. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми бўйича дарсликни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси асосий манба сифатида олинди.

Ушбу тайёрланаётган дарслик еса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси асосида жиноят ҳуқуқининг кўп йиллик тажрибасидан фойдаланган ҳолда, шунингдек Ўзбекистонда таълим тизимини ислоҳ қилишни амалга ошириш вазифаларидан келиб чиқиб ёзилди.

Ушбу дарслик юридик олий ўқув юртларининг «бакалавр» тизимида ўқиётган талабалар учун дарслик сифатида тайёрланган бўлсада, ундан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари, магистратура тизимида таълим олаётганлар, юридик коллежларнинг талабалари ва жиноят ҳуқуқи билан қизиқувчи ҳар қандай шахслар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Жиноят ҳуқуқи ҳуқуқ тизимининг (Конституция, фуқаролик, маъмурий ва бошқа ҳуқуқ нормалари билан бир қаторда) алоҳида бир тармоғидир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида жиноий жавобгарликка тортиш ҳамда содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш учун қонун нормалари доирасида жазо тайинлаш назарда тутилган, унинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи, ҳуқуқ тизимининг мустақил тармоғи еканлигини белгиловчи ва ҳуқуқнинг бошқа турларидан ажратиб турувчи ўзига хос тамойилларга эгадир.

Бу тамойиллар жиноятчиликка қарши курашда давлат сиёсатини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларини амалга оширишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқароси амалдаги қонунларни қўллаб-қувватлайди, қонун бузувчиларга қарши кескин кураш олиб боради.

Жиноят ҳуқуқи ана шундай қонун бузувчиларга қарши кураш олиб бориш, уларни ахлоқан тузатиш, қайта тарбия қилиш, турли жиноятларнинг олдини олиш чораларини кўради.

«Адолат ғояси, – деб ёзган Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, – жамият ҳаётининг ҳар бир соҳасини қамраб олиши зарур. Қонунчиликнинг ҳар бир соҳаси шаклланиши – давлат ва фуқаро муносабати, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза этиш ва жиноий жавобгарлик ушбу ғоя билан бошланиб, ушбу ғоя билан тугалланиши керак».

Жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмлардан иборат бўлиб, Умумий қисмда умумий қоидалар, жиноят ва жазо тушунчаси, жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар, судланганлик ҳолатлари каби нормалар ўз аксини топган бўлса, Махсус қисмда алоҳида турдаги жиноятлар ва бу жиноятларга нисбатан тайинланадиган жазо чораларини белгиловчи нормалар мужассамлашган.

Бундан кўриниб турибдики, жиноят ҳуқуқининг Умумий қисми Махсус қисми билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир бутун жиноят ҳуқуқини ташкил этади.

Фан сифатида жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисмлари қонун билан қўриқланадиган объектларига эга, яъни давлат томонидан муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларни қўриқлайди. Жиноят ҳуқуқи Умумий ва Махсус қисмларининг ўзаро боғлиқлиги шундаки, шахс айбли, деб ҳисобланаётган ижтимоий хавфли қилмиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳар икки қисмнинг нормалари қўлланилгандагина, аниқ мазмунга эга бўлади.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий вазифаси қонун нормаларини юридик таҳлил қилиш орқали ўрганиб, жиноятчиликка қарши курашда улардан янада самаралироқ фойдаланишдан иборатдир. Ушбу қисм нормаларисиз бундай курашни амалга ошириб бўлмас еди, чунки уларсиз ижтимоий хавфли қилмишни конкрэтлаштириш ва содир этилган жиноятлар таркибини белгилаш имкони йўққа чиқар еди. Махсус қисмда ҳар бир жиноятнинг тури ва белгилари, шунингдек, содир этилган қилмиш учун жазо чоралари аниқ кўрсатилган.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва еркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни Республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир (ЖК 2-моддаси).

Махсус қисм нормаларини қўллашда ҳуқуқнинг асосий манбаи ҳисобланмиш ЎзР Конституциясига амал қилмоқ лозим. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларини тўғри қўллашда ЎзР судлари учун мажбурий бўлган Махсус қисмнинг тэгишли нормалари шарҳланган ЎзР Олий Суди Пленумининг қарорлари муҳим аҳамиятга эгадир. ЎзР Олий суди Пленумининг қарорлари суд амалиётини умумлаштиради, жиноятларни квалификация қилишда судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлайди ва амалда турлича изоҳланиб келинаётган қонуннинг моҳияти ва амалда татбиқ этилиши юзасидан тушунтиришлар беради.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг предмэти жиноят қонунининг конкрэт нормаларидир. Бу нормаларда жиноят сифатида қонунда мустаҳкамланган ижтимоий хавфли қилмишларнинг белгилари кўрсатилган.

ЎзР жиноят қонунлари Конституция ва халқаро ҳуқуқ нормаларига асосланган Республика Жиноят кодексидан иборатдир. Шу сабабдан жиноят ҳуқуқи Махсус қисми Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси тизимига тўла мос келади. Махсус қисм нормалари илмий асосланган тизимга биноан жойлаштирилган. Бу тизим нормаларининг ўзини тўғри тушунишга, уларнинг ўрганилишини енгиллаштириш ва уларни амалда қўллашда вужудга келадиган чалкашликларни бартараф этишга хизмат қилади. Мисол учун, безорилик енг кўп содир этиладиган жиноятлардан бири бўлганлиги сабабли у ЖК Махсус қисми биринчи бўлимида жойлашган моддаларда

бўлиши лозимдек туюлади. Аммо, жиноят қонунларида безорилик «Жамоат тартибига қарши жиноятлар», деб номланувчи XX бобга жойлаштирилган, чунки бу жиноятнинг объектив белгилари дўппослаш, баданга шикаст этказиш, ўзганинг мулкига зарар этказиш, ҳокимият вакилига қаршилик кўрсатиш, ўқотар қуролларни қўллаш ва ҳоказоларни қамраб олади. Юқорида айтилганлар жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг бошқа бобларида ҳам ўрганилади. Шундай қилиб, қонунда уни тавсифловчи, яъни бошқа моддаларда мустақил жиноят таркибини ташкил этувчи ва ўрганилган белгиларига асосан безорилик жиноятининг Кодексда жойлашган жойи тўғридир.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят кодекси Махсус қисми 1959 йилги ЖКдагига нисбатан анча такомиллаштирилган. Шу билан бирга унинг тизимига «Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси», деб аталувчи ВИИИ бўлимнинг киритилганлиги мантиқан тўғри емас. Шубҳасиз, қонун чиқарувчи томонидан атамаларга изоҳ берилганлиги жиноят ҳуқуқи нормаларининг қўлланилишини осонлаштириш учун олға ташланган қадамдир. Аммо ВИИИ бўлимда берилган атамалар ҳуқуқий нормалар емас, шу сабабдан улар жиноят ҳуқуқининг қандайдир қисми бўла олмайди. Ундан ташқари, бу бўлимда берилган терминлар нафақат жиноят қонунининг Махсус қисмига, балки Умумий қисмига ҳам тааллуқлидир. Фикримизча, айтилган атамалар илова тариқасида берилса, тўғрироқ бўлур еди.

ЖК Махсус қисми 8 бўлим 24 бобдан иборат бўлиб, бундай тизимни ишлаб чиқишда турли омиллар еътиборга олинган. Биринчи ўринга ЎзР Конституцияси ва Инсон ҳуқуқларининг умумжаҳон декларациясига мувофиқ шахсга қарши жиноятлар қўйилди.

ЖКнинг ҳар бир бўлими ва ҳар бир бобида ижтимоий хавфлироқ жиноятлар биринчи, кейин хавфлилиги камроқ, улардан кейин еса ижтимоий хавфи унчалик катта бўлмаган жиноятлар жойлашган. Баъзан бу қоидадан истиснолар ҳам бор, масалан ЖКнинг 150-моддаси (урушни тарғиб қилиш) «Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар» бўлимида тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган хавфли жиноятлардан олдин келади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормалари бевосита объектга қараб жойлаштирилгандир. Ўзбекистон Республикаси давлати жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларида ўзининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини акс эттириши билан қандай қилмишлар уларга зид еканлиги ва демак, жиноий жазони қўллаш таҳдиди билан ман қилинганлигини кўрсатади.

Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми фанининг тизими ҳам Жиноят кодекси Махсус қисми тизими асосида тузилган бўлиб, бунда:

биринчи бўлимда Шахсга қарши жиноятлар,

иккинчи бўлимда Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар,

учинчи бўлимда Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар,

тўртинчи бўлимда Екология соҳасидаги жиноятлар,

бешинчи бўлимда Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар,

олтинчи бўлимда Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар,

эттинчи бўлимда Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар каби ҳолатлар тушунчаси юридик таҳлили, айрим ўхшаш жиноятлардан фарқлари ёритилган.

Ҳаётга қарши жиноятларнинг умумий тавсифи

Давлатнинг бош вазифаларидан бири инсон ҳақида ғамхўрлик қилишдир. Бинобарин Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам инсон, унинг шахсий ҳуқуқ ва еркинликлари мустаҳкамланган. Конституция нормаларида, ҳар қандай ҳолатдан қатъи назар, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатланган ва ҳимоя қилинган. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва еркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, еътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», деб қайд этилган бўлса, унинг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва еркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли емас», дейилади.

Конституциянинг «Шахсий ҳуқуқ ва еркинликлар», «Сиёсий ҳуқуқлар», «Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» деб номланган бўлимларида шахснинг ҳуқуқ ва еркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базаси ўз ифодасини топган.

«Давлат, – деб таъкидланади Конституциянинг 43-моддасида, – фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва еркинликларини таъминлайди».

Ўзбекистон Республикаси 2001 йилга келиб инсон ҳуқуқлари ва еркинликларини ўзида мустаҳкамлаган 25 та халқаро ҳужжатга қўшилди. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон қонунлари, жумладан жиноят, айниқса инсон ҳуқуқ ва еркинликлари мустаҳкамланган қонунларнинг яратилиши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 3.5-моддасида, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт»нинг 6, 7, 9, 10, 11-моддаларида инсоннинг яшаш ҳуқуқи, қадр-қиммати, озодлиги ва хавфсизлиги, шаъни ва обрўини ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Бу халқаро ҳуқуқий нормалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳам асосини ташкил қилади.

Шахснинг ҳуқуқ ва еркинликлари ҳуқуқнинг турли соҳаларининг нормалари билан ҳимоя қилинади, лекин жиноят қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликлари бузилганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, ҳуқуқнинг бу соҳаси жавобгарликни қўллаш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва еркинликларини ҳимоя қилади.

Жиноят кодексининг «Шахсга қарши жиноятлар» бўлимида ҳаётга, соғлиққа қарши, ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли, жинсий еркинликка, оилага, ёшларга ва ахлоққа, шахснинг озодлиги, шаъни, қадр-қимматига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши қаратилган жиноятлар жамият учун жиддий хавф туғдиради.

Дарҳақиқат, инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи бебаҳо бойлик. Шахснинг бу бойликлардан маҳрум этилиши ёки уларга шикаст етказилиши фожиа ҳисобланади. Инсон яшар екан, ҳаётдан, унинг неъматларидан баҳраманд бўлиб яшашга интилади, ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Инсоннинг соғлиғига зарар етказилиши унга жисмоний, ахлоқий, руҳий азоблар бериб, унинг ҳаётий фаолиятини чеклаб қўяди.

Жиноятчи томонидан инсоннинг бошқа ҳуқуқ ва еркинликларига тажовузлар шахс учун ижтимоий хавфи ҳаётдан маҳрум этишдан кам бўлмаган хавфни вужудга келтиради.

Шахсга қарши жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори еканлиги сабабли, Жиноят кодексининг Махсус қисми биринчи бўлими «Шахсга қарши жиноятлар» деб номланади.

Шахсга фақат юқорида айтилган жиноятлар содир этилганида емас, балки бошқа обйектларга тажовуз қилинганида, масалан, босқинчилик, талончилик ва ҳ.к. жиноятлар содир этилган ҳолларда ҳам зарар етади. Шахсга қарши жиноятлар таҳлил қилинганида бу қилмишни содир этган айбдорнинг ҳаракатлари айнан шахсга зарар етказишга қаратилганлигига еътибор берилади.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг биринчи бўлимида шахсга қарши жиноятларнинг бир неча тури учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, улар бевосита обйекти бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратилган:

1) ҳаётга қарши жиноятлар;
2) соғлиққа қарши жиноятлар;
3) ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар;
4) жинсий еркинликка қарши жиноятлар;
5) оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар;
6) шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар;
7) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши жиноятлар.

Соғлиққа қарши жиноятлар

Фуқароларнинг соғлиги ва жисмоний дахлсизлигини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқининг енг долзарб вазифаларидандир. Инсоннинг соғлиғи ва унинг дахлсизлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, унинг барча имкониятларини ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш республика раҳбариятининг, давлатнинг, барча ҳуқуқий институтларнинг, суд-тергов органларининг диққат марказида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари ва еркинликлари декларациясининг 13-моддасида давлат фуқароларни уларнинг ҳаёти, соғлиғи, шахсий еркинлиги ва хавфсизлигига бўладиган ғайриқонуний тажовузлардан муҳофаза қилади, деб белгилаб қўйилган.

Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида: «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқациз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин емас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин емас»лиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Фуқароларнинг соғлиғи ёки жисмоний дахлсизлиги ҳуқуқнинг турли соҳалари нормалари орқали, уларнинг ўзига хос воситалари билан, жумладан, жиноят қонуни томонидан фуқаролар соғлиғига турли хилдаги тажовузларни содир этганлик учун жавобгарлик белгиланган нормалар орқали ҳам қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатлардан муҳофаза қилинади.

Ана шу тажовузларнинг моҳиятини очиб бериш учун уларнинг обйектини, жабрланувчига хос хусусиятларни кўрсатиб берувчи барча маълумотларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу маълумотлар соғлиққа қарши жиноятларни тўғри квалификация қилишга, уни ўхшаш жиноятлардан фарқлашга, қилмишнинг хусусияти ва соғлиққа етказилган шикастга мувофиқ жазони тўғри тайинлашга кўмаклашади.

Юридик адабиётларда баданга шикаст етказишнинг ягона тушунчаси ҳанузгача ишлаб чиқилмаган.

Баданга шикаст етказишнинг тушунчасини ёритиб беришга бўлган уринишлардаги фарқлар, биринчидан, баданга шикаст етказишларнинг обйектини турлича таърифлашда (баъзилар бундай обйект сифатида соғлиқни кўрсатган бўлсалар, бошқа муаллифлар шахснинг жисмоний дахлсизликни белгилаганлар); иккинчидан, уриш, дўппослаш, қийнашларни баданга шикаст етказишлар жумласига киритиш; учинчидан, булар жумласига жисмоний оғриқ берувчи, аммо бошқа оқибатларни келтириб чиқармайдиган зўрлик ишлатиб қилинган бошқа ҳаракатларни киритиш мумкинлигидан иборат бўлган.

Шу муносабат билан баданга шикаст етказиш деб топилиши мумкин бўлган соғлиққа зарар етказилишининг чэгараларини аниқ белгилаш ва уни бошқа зўравонлик тажовузларидан фарқлаш (ажратиш) имконини берадиган иккита обйектив мезон асос қилиб олинган таъриф, бизнингча анча аниқроқдир. Бу мезонлар қуйидагилардир:

1) одам танаси аъзолари ва тўқималарининг анатомик бус-бутунлиги ёки бир меъёрда ишлаб туришининг бузилганлиги;

2) суд тиббий експертизаси ёрдамида одам соғлиғига етказилган зарарнинг оғирлиги ва даражасини аниқлаш имконини берадиган зарарнинг етказилганлиги.

Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар

Ушбу бобдаги моддалар мазмуни билан танишиш уларнинг барчасида ҳаёт ёки соғлиқ учун чинакам хавф туғдирувчи, содир этилганидан кейин

зарар юз беришининг олдини олиш айбдорнинг ўзига боғлиқ бўлмаган қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилади, дэган хулоса қилиш имконини беради..

Таносил ёки ОИЦ касаллигини тарқатиш (ЖК 113-моддаси); жиноий равишда ҳомила тушириш (аборт) (ЖК 114-моддаси); аёлни ўз ҳомиласини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (ЖК 115-моддаси); касб юзасидан ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслик (ЖК 116-моддаси); хавф остида қолдириш (ЖК 117-моддаси) шулар жумласидандир.

Жинсий еркинликка қарши жиноятлар

Жинсий еркинликка қарши жиноятлар номусга тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси), ўлдириш билан қўрқитиб номусга тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 2-қисми «г» банди), шахснинг ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган ҳолда номусга тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «а» банди), яқин қариндошнинг номусига тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «б» банди), оммавий тартибсизликлар қатнашчиси томонидан содир этилган номусга тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «в» банди), ўта хавфли рецидивист томонидан содир этилган номусга тэгиш (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «г» банди), номусга тэгиш натижасида оғир оқибатларга олиб келган ҳолатлар (ЎзР ЖК 118-моддаси 3-қисми «д» банди), ўн тўрт ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахснинг номусига тэгиш (ЎзР ЖК 118- моддаси 4-қисми), жинсий еҳтиёжни зўрлик ишлатиб, ғайритабиий усулда қондириш (ЎзР ЖК 119-моддаси), бесоқолбозлик (еркакнинг еркак билан жинсий алоқа қилиши) (ЎзР ЖК 120-моддаси), аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (ЎзР ЖК 121-моддаси) шулар жумласидандир.

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар

Оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятлар - вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқациз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 122-моддаси), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖК 123-моддаси), болани алмаштириб қўйиш (ЎзР ЖК 124-моддаси), фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш (ЎзР ЖК 125-моддаси), кўп хотинли бўлиш (ЎзР ЖК 126-моддаси), вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш (ЎзР ЖК 127-моддаси), ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЎзР ЖК 128-моддаси), ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уяциз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЎзР ЖК 129-моддаси), порнографик нарсаларни тайёрлаш ва тарқатиш (ЎзР ЖК 130-моддаси), фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш (ЎзР ЖК 131-моддаси), тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш (ЎзР ЖК 132 -моддаси), инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш (ЎзР ЖК 133-моддаси), қабрни таҳқирлаш (ЎзР ЖК 134-моддаси) шулар жумласидандир.

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар

Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар - одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш (ЎзР ЖК 135-моддаси), аёлни ерга тэгишга мажбур қилиш ёки унинг ерга тэгишига тўсқинлик қилиш (ЎзР ЖК 136-моддаси), одам ўғрилаш (ЎзР ЖК 137-моддаси), зўрлик ишлатиб

ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (ЎзР ЖК 138-моддаси), туҳмат (ЎзР ЖК 139-моддаси), ҳақорат қилиш (ЎзР ЖК 140-моддаси) шулар жумласидандир.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши жиноятлар

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва еркинликларига қарши жиноятлар - фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини бузиш (ЎзР ЖК 141-моддаси), фуқароларнинг турар жойи дахлсизлигини бузиш (ЎзР ЖК 142-моддаси), хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телэграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузиш (ЎзР ЖК 143-моддаси), фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 144-моддаси), виждон еркинлигини бузиш (ЎзР ЖК 145-моддаси), сайлов ёки референдум ташкил қилиш, уларни ўтказиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 146-моддаси), сайлов ҳуқуқининг ёки ишончли вакил ваколатларининг амалга оширилишига тўсқинлик қилиш (ЎзР ЖК 147-моддаси), меҳнат қилиш ҳуқуқини бузиш (ЎзР ЖК 148-моддаси), муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш (ЎзР ЖК 149-моддаси) шулар жумласидандир.

Иккинчи бўлим Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар деб номланиб, ўз ичига ВИИИ боб. Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши жиноятлар, ИХ боб. Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларни қамраб олган.

Учинчи бўлим. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар деб номланиб, ўз ичига Х боб. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш, ХИ боб. Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш билан бофлиқ бўлмаган жиноятлар, ХИИ боб. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар, ХИИИ боб. Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятларни қамраб олган.

Тўртинчи бўлим. Екология соҳасидаги жиноятлар деб номланиб, ўз ичига ХИВ боб. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятларни қамраб олган.

Бешинчи бўлим. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар деб номланиб, ўз ичига ХВ боб. Бошқарув тартибига қарши жиноятлар, ХВИ боб. Одил судловга қарши жиноятларни қамраб олган.

Олтинчи бўлим. Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар деб номланиб, ўз ичига ХВИИ боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар, ХВИИИ боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар, ХИХ боб. Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар, ХХ боб. Жамоат тартибига қарши жиноятларни қамраб олган.

Еттинчи бўлим. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар деб номланиб, ўз ичига ХХИ боб. бўйсуниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибига қарши жиноятлар, ХХИИ боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар, ХХИИИ боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан

фойдаланиш тартибига қарши жиноятлар, ХХИВ боб. ҳарбий мансабдорлик жиноятларини қамраб олган.

Назорат учун саволлар

1. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тушунчаси?
2. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий принциплари?
3. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисмининг асосий принципларининг акс эттирилиши ва мустаҳкамланиши?
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми тизими?
5. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормаларининг моҳияти ва мазмуни?
6. Жиноят ҳуқуқи Махсус қисми нормалари белгилашнинг ижтимоий-сиёсий ёритилиши?

2.10. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар

Режа:

1. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш.
2. Сохта тадбиркорлик.
3. Сохта банкротлик.
4. Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш.
5. Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш.
6. Бюджэт интизомини бузиш.

Мавзу бўйича таянч сўзлар ва тушунчалар: Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти, Сохта тадбиркорлик жинояти, Сохта банкротлик жинояти, Солиқлар ва божхона тўғрисидаги қонун, Монополияга қарши қонун ҳужжатлар, Солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар, Бюджет интизоми.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жиноятининг обйекти Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг асосларидир.

Объектив томондан жиноят давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот, жамоат бирлашмасининг мансабдор шахси томонидан республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган, наф келтирмаслиги аён бўлган битимнинг тузилишида ифодаланади.

Битим дэганда, товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё, ускуналар етказиб бериш, турли иншоотлар қуриш ва ҳ.к мақсадларини кўзлаб чэт еллик шерик билан иқтисодий битим тузиш тушунилади.

Битим тузилиши натижасида республиканинг иқтисодий манфаатларига катта зарар етказадиган ҳар қандай битим наф келтирмайдиган битим деб ҳисобланади.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битим тузилиши натижасида кўп миқдорда зарар етказилиши ҳисобланади.

Субъектив томондан жиноят фақат тўғри қасд билан содир этилади. Мансабдор шахс битим тузилгунга қадар унинг Республика манфаатлари учун наф келтирмаслигини билиши керак.

Агар мансабдор шахс ўзининг хизмат вазифасига совуққонлиги натижасида шундай битим тузса, унинг хатти-ҳаракати ЖК 207-моддасига биноан (мансабга совуққонлик билан қараш) квалификация қилинади..

Жиноятнинг мотив ва мақсади унинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъйекти давлат органи, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилот ёки жамоат бирлашмасининг мансабдор шахсигина бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битим тузишда айбдор бўлган мансабдор шахс қилмишни:

а) такроран;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этган бўлса, у ЎзР ЖК 175-моддаси 2-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Қалбаки пул, аксиз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш (ЎзР ЖК 176-моддаси)

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказишнинг ижтимоий хавфлилиги қоғоз пул ёки қимматли қоғозлар кўпайиб кэтишига, яъни пул ва товар массасининг ўзаро мутаносиблигининг бузилишига сабаб бўлади. Муомалада товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар пайдо бўлади, бу еса пулнинг қадрсизланишига, иқтисодий беқарорликка сабаб бўлади, давлат иқтисодиётининг асосларига путур етказади.

Жиноятнинг обйекти давлатнинг пул ва кредит тизимидир.

Жиноятнинг предмэти банк билэтлари (банкнотлар), яъни пулдир. Ўзбекистон Республикасининг пул бирлиги сўм, шунингдек мэталл тангадир.

Банк билэтлари (банкнотлар), яъни пуллар (сўмлар) 1, 3, 5, 10, 50, 100, 200, 500, 1000 сўмликдир. Мэталл тангалар – 1, 2, 3, 4, 5, 10, 20 тийинликдир.

Аксиз маркалар маркировкаланиши шарт бўлган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хўжалик юритувчи субъйектларнинг талабномалари бўйича аксиз маркалари учун ҳақ тўланиб, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг ҳудудий органларида рўйхатдан ўтилганидан кейин «Пахтабанк»нинг минтақавий бўлимлари томонидан берилади. Аксиз маркаси аксиз солиғи тўланганига далилдир. Аксиз маркалари қатъий ҳисобда турадиган бланклар ҳисобланади.

ЎзР ФК 96-моддасига мувофиқ «мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, улар тақдим этилган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади».

Қимматли қоғозлар жумласига: облигациялар, векселлар, чеклар, депозит ва жамғарма сертификатлари, банкнинг тақдим қилувчига пул бериладиган жамғарма дафтарчаси, коносамент, аксия ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, чэт ел валютаси жумласига тэгишли хорижий давлатда муомалада бўлган ва қонуний тўлов воситаси ҳисобланган банкнот кўринишдаги чэт ел пуллари, шунингдек муомаладан чиқарилган ёки муомиладаги, аммо Ўзбекистон Республикаси пул белгиларига алмаштирилиши лозим бўлган чэт ел пуллари;

счотларда ва омонатларда бўлган хорижий давлатларнинг пул бирликларидаги ва халқаро ҳисоб-китоб бирликларидаги маблағлар киради.

Обйектив томондан жиноят:

1) ўтказиш мақсадида қалбаки банк билэтлари (банкнотлар), мэталл тангалар, аксиз маркалар, қимматли қоғозлар ёхуд чэт ел валютаси ёки чэт ел валютасидаги қимматли қоғозлар ясашда;

2) уларни ўтказишда ифодаланади.

Бироқ, қалбаки пул ёки қимматли қоғозларнинг барча ўлчамлари, зарурий белгилари, яъни реквизитлари ҳақиқийсига чиндан ҳам ўхшаш бўлиши жиноятни квалификация қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Акс ҳолда, айбдорнинг ҳаракатларини кўриб чиқилаётган модда бўйича квалификация қилиш мумкин емас. Масалан, шахснинг журналдан янги пулнинг намуна нусхаларини қирқиб олиб, уларни ёпиштириб сотишга уринишини қалбаки пул ясаш ёки уларни ўтказиш, деб бўлмайди.

Бундай қилмиш муайян шароитда фирибгарлик деб баҳоланиши мумкин. Чунки бундай пуллар муомалада бўла олмайди ва давлатнинг пул кредит тизими асосларига путур етказмайди.

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаш, агар уларни ўтказиш мақсади борлиги аниқланса, лоақал бир нусхада ясалган вақтдан еътиборан тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Мазкур нарсаларни ўтказиш дэганда, уларни муомалага киритиш, яъни улардан тўлов, айирбошлаш, ҳадя қилиш воситаси сифатида фойдаланиш ва шу нарсаларнинг муомалада бўлишига имкон берадиган бошқа ҳаракатларни содир этиш тушунилади.

Қалбаки пул ёки қимматли қоғозларнинг ҳатто битта нусхасини муомалага чиқазиш тамом бўлган жиноят деб ҳисобланади.

Субъйектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Ўтказиш мақсадининг борлиги қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясашнинг зарурий белгисидир. Шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказиш мақсадида емас, айтайлик, ўзи учун, масалан, ўз қобилияти маҳоратини кўрсатиш ва ҳ.к. учун ясалган ҳолларда унинг ҳаракатлари жиноий қилмиш ҳисобланмайди.

Қалбаки пуллар ёки қимматли қоғозларни ўтказиш фақат тўғри қасд билан содир этилиши мумкин. Айбдор шахс қалбаки пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаётганини олдиндан билган бўлиши керак, агар у сохта пул ёки қимматли қоғозларни ўтказаётганлигини билмаган бўлса, унинг ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмайди.

Жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

ЖК 176-моддаси 2-қисмида:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган, ўтказиш мақсадида қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар ясаганлик ёки уларни ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилади.

Модданинг 3-қисмида жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб қалбаки ёки қимматли қоғозлар ясаганлик, ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш(ЎзР ЖК 177-моддаси)

Жиноятнинг обйекти давлатнинг иқтисодиёт асосларидир.

Жиноятнинг предмэти «валюта қимматлигидир». Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ «валюта қимматликлари» (қонунда «бойликлари» дейилган) жумласига: чэт ел валютаси, чэт ел валютасидаги қимматли қоғозлар – фонд бойликлари (аксиялар, облигациялар ва бошқалар; қимматбаҳо мэталлар – ҳар қандай кўриниш ва ҳолатдаги олтин, кумуш, платина ҳамда платина гуруҳига кирувчи (палладий, иридий, радий, рутений, осмий) мэталлар, (шундай мэталлардан ишланган заргарлик ва бошқа рўзғор буюмлари ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно) табиий қимматбаҳо тошлар – сайқал берилган ва сайқал берилмаган шаклдаги олмос, зумрад, ёқут ҳамда александрит (шундай тошлардан ишланган заргарлик ва рўзғор буюмлари, ҳамда уларнинг парчалари бундан мустасно) киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг юқорида кўрсатилган қарорида: «Пуркалган олтин ва тиш протезларини ясашда ишлатиладиган қимматли мэталлардан ишланган қолиплар валюта қимматликларига кирмайди»– деб таъкидланади.

Айбдорнинг қилмишини ЎзР ЖК 177-моддаси 1-қисми бўйича квалификация қилиш учун қонунга хилоф равишда олинган ёки ўтказилган валюта қимматликларининг миқдорини ва илгари шундай ҳаракатлар содир этгани учун айбдорга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланганлигини аниқлаш зарур. Худди шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин фуқароларнинг қонунга хилоф равишда анча миқдорда валюта қимматликларини олган ёки ўтказган вақтдан еътиборан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

ЖКнинг 177-моддаси 1-қисми билан жиноий жавобгарликка тортиш учун, анча миқдордаги валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки шундай ўтказиш ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланганидан кейин бир йил ўтмасидан яна содир этилган бўлиши керак.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Унинг қандай мақсад ва мотив билан содир этилганлиги жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган ақли расо ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Ушбу модданинг 2-қисмида такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки кўп миқдорда ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб қонунга хилоф равишда валюта қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

177-модданинг 3-қисмида жуда кўп миқдорда ёхуд уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб қонунга хилоф равишда валюта

қимматликларини олганлик ёки ўтказганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказишга доир ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисидаги» 2000 йил 28 апрел 8-сонли қарорининг 10-бандида: «Валюта қимматликларини босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш ёки растрата қилиш, шунингдек, валюта қимматликларида пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора евазига оғдириш, товламачилик ё`ли билан ҳақ беришни талаб қилиш Жиноят кодексининг фақат ана шундай жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддаси билан квалификация қилиниши лозим ва Жиноят кодексининг 177-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди» дейилган.

Чэт эл валютасини яшириш (ЎР ЖК 178-моддаси)

Мазкур жиноятнинг обйекти Республикада белгилаб қўйилган иқтисодий ресурсларни шакллантиришнинг тартибидир.

Обйектив томондан жиноят Республиканинг ваколатли банкларидаги ҳисоб варақларга ўтказилиши лозим бўлган чэт ел валютасини яшириб қолишда ифодаланади.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Агар корхона, муассаса ёки ташкилотда валюта операцияларини амалга оширувчи шахс ўз вазифасини лозим даражада бажармаганлиги сабабли чэт ел валютаси яшириб қолинган бўлса, у муайян ҳолатларда мансабига совуққонлик билан қараганлиги учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

Жиноятнинг субъйекти корхона, муассаса ёки ташкилотларда валюта операцияларини амалга оширувчи шахсларгина бўлишлари мумкин.

Шахс чэт ел валютасини:

1) ғаразгўйлик билан;
2) такроран;
3) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб яширган бўлса, унинг қилмиши ЖК 178-моддасининг 2-қисми билан квалификация қилинади.

Фаразгўйлик дэганда, айбдорнинг чэт ел валютасини яшириши натижасида моддий наф кўриш тушунилади.

Агар чэт ел валютасини яшириш уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, жиноятчи ЖК 178-моддасининг 3-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Сохта тадбиркорлик (ЎзР ЖК 179-моддаси)

Ушбу жиноятнинг обйекти корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик билан шуғулланувчи тузилмаларнинг қонунда, ўз Низомида белгиланган фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар давлат жамият ва фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги иқтисодий манфаатлари ҳисобланади.

Жиноятнинг обйектив томони Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан корхоналар ёки бошқа тадбиркорлик

билан шуғулланувчи ташкилотларни тузишда ифодаланади. ЎзР ФК 40-моддасига мувофиқ, фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни шундай мақсад қилиб олмаган (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Низомда белгиланган фаолиятни амалга ошириш мақсадининг ё`қлиги таъсис ҳужжатларида кўрсатилган мажбуриятларни бажармасликда намоён бўлади.

Низомда кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан корхона ёки бошқа тадбиркорлик тузилмаси тузилган пайтдан еътиборан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Низомда кўрсатилган фаолият билан шуғулланмаслик, қарз, кредит олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (пасайтириш) ёки бошқа мулкий наф кўриш жиноят мақсадининг зарурий аломати ҳисобланади.

1994 йил 5 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунининг 1-моддасига мувофиқ, «банкрот бўлиш, дэганда қарздорнинг мажбуриятлари мол-мулкидан ошиб кэтганлиги сабабли товарларга (ишларга, хизматларга) ҳақ тўлаш юзасидан кредиторларнинг талабларини қондиришга қодир емаслиги, шу жумладан буджэтга ва буджэтдан ташқари фондларга мажбурий тўловларни таъминлашга қодир емаслиги тушунилади.

Кредиторларнинг талабларини бажариш муддати бошланган кундан еътиборан хўжалик юритиш субъйекти уч ой мобайнида уларни бажаролмаётганлиги ёки бажаришга қодир емаслигининг муқаррарлиги сабабли жорий тўловлари тўхтатиб қўйилиши хўжалик юритувчи субъйект банкрот бўлишининг ташқи аломати ҳисобланади».

Хўжалик юритувчи субъйект ихтиёрий равишда тугатилаётганида унинг ўзи банкрот бўлганлигини расман еълон қилганидан кейин у банкрот бўлган ҳисобланади.

Жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган ва сохта корхона тузган ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Сохта банкротлик (ЎзР ЖК 180-моддаси)

Мазкур жиноятнинг обйекти тадбиркорлик тузилмаларининг нормал фаолият кўрсатишини, хўжалик юритувчи субъйектларнинг манфаатларини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Банкротликка тааллуқли кўпгина масалалар Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «Банкротлик тўғрисида»ги қонунида тушунтириб берилган.

Обйектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъйектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган еълон бериши натижасида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишида намоён бўлади.

Субъйектнинг била туриб, ўзининг ночорлиги ҳақидаги ёлғон маълумотни еълон қилиши сохта банкротлик ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект ҳақиқатда кредиторлар олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлгани ҳолда, уларни бажаришдан атайлаб бўйин товлаб, ўзини банкрот деб еълон бериши, атайлаб ҳақиқатга тўғри келмайдиган еълон бериш ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъйект қонунда белгиланган тартибни бузиб ўзининг иқтисодий ночорлигини еълон қилган ҳолларда, айбдорнинг қилмиши муайян ҳолатлар мавжуд бўлганида фирибгарликни вужудга келтиради.

Агар мансабдор шахс сохта ҳужжатлар тақдим этиб, банкротлик тўғрисида еълон берса, унинг қилмишлари жиноятларнинг жами бўйича ЖК 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги) билан ҳам квалификация қилинади.

Хўжалик юритувчи субъйектнинг жиноий ҳаракатлари оқибатида кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилиши сохта тадбиркорликнинг зарурий белгиси ҳисобланади.

Кўп миқдорда зарар етказилган пайтдан еътиборан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланади.

Субъйектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Жиноятнинг мотив ва мақсади қилмишнинг квалификациясига таъсир қилмайди.

Жиноятнинг субъйекти тадбиркорлик билан шуғулланувчи, 16 ёшга тўлган ҳар қандай шахс ҳисобланади.

Банкротликни яшириш (ЎзР ЖК 181-моддаси)

Таҳлил этилаётган жиноятнинг обйекти бозор иқтисодиёти шароитида банкротликни амалга оширишнинг белгилаб қўйилган тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир.

Обйектив томондан жиноят хўжалик юритувчи субъйектнинг ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот ёки ҳужжатларни тақдим этиши, бухгалтерия ҳисоботларини бузиб кўрсатиш ё`ли билан иқтисодий жиҳатдан ўзининг тўловга қодир емаслигини ёки иқтисодий ночорлигини бошқача тарзда қасддан яшириши кредиторларга кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлишда ифодаланади.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Уни содир этишнинг мақсади ва мотиви жиноятнинг квалификацияси учун аҳамият касб этмайди.

Жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган, ақли расо ҳар қандай шахс бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган қонуни билан ЖК 181-моддаси: «Етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди», дейилган 2-қисм билан тўлдирилди.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 182-моддаси)

Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, унинг содир этилиши назорат қилиб бўлмайдиган товарлар муомаласини ёки улардан айримларининг республика ҳудудида тақчиллиги ҳолатини келтириб чиқаради. Шу билан биргаликда Жиноят кодексида кўрсатилган бошқа жиноятларнинг содир этилишига асос яратиб беради, масалан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний кириш ёки чет элга чиқиш. Шарҳланаётган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш иқтисодий барқарорликни издан чиқаради, инфлация даражаси ошишига реал хавф туғдиради, бу еса жамиятнинг иқтисодий асосларига путур етказиб, бозор иқтисодиётига ўтишни қийинлаштиради.

Жиноят обйекти давлат ва жамиятнинг иқтисодий манфаатлари ҳисобланади, чунки, биринчидан, бу қилмишни содир этиш натижасида олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларга қўйилган божлар давлат буджэтига келиб тушмайди, иккинчидан, республикадан мамлакат иқтисодий аҳамиятига эга бўлган, чиқарилиши таъқиқланган товарлар чиқиб кэтишига ё`л қўйилган бўлади.

Жиноятнинг предмэти ҳар қандай товарлар (масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, мебел, ҳайвонлар ва ҳоказо) ёки моддий қимматликлар бўлиши мумкин.

Товарлар – “ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта бойликлари, електр, иссиқлик енергиялари ва енергиянинг бошқа турлари, транспорт воситалари, интеллектуал мулк обйектлари” бўлиши мумкин. Товар сифатида, шунингдек, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳам ҳисобланади. Санаб ўтилганлардан қуйидагилар товар ҳисобланмайди: ё`ловчилар ва товарларни ташиш учун фойдаланиладиган воситалар, шу жумладан контейнерлар ва бошқа транспорт ускуналари.

Бошқа қимматликларга шундай ашё ва буюмлар киради, улар ўзининг тури, ҳолати ва қийматидан қатъи назар, алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамият касб этади.

Бундай қимматликларга нумизматика, қадимий буюмлар, санъат асарлари, палеонтологик қолдиқлар ва бошқалар киради. Ушбу ашё ва буюмлар муомала воситаси бўла олади, лекин уларнинг фарқли жиҳати алоҳида тарихий, бадиий, илмий ёки маданий аҳамиятидир. Қимматликларнинг ушбу жиҳатларини белгилаш учун тергов органлари ва судлар тэгишли експертизаларни тайинлашлари лозим.

Божхона қонунчилигини бузишнинг обйектив томонини юқорида кўриб ўтилган предмэтларни (товарлар ёки бошқа қимматликларни) Ўзбекистон Республикаси божхона чэгарасидан олиб ўтиш ташкил этади.

Олиб ўтиш дэганда, товарларни ёки транспорт воситаларини ҳар қандай усулдан фойдаланиб, шу жумладан халқаро почта жўнатмаларини юбориш, қувурлар орқали ҳамда електр узатиш линияларидан фойдаланиш ё`ли билан божхона ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиб кэтиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш тушунилади.

Бундай ҳаракатлар жумласига қуйидагилар:

 товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудига олиб кирилганда, шу жумладан еркин божхона зоналари ва еркин омборлар ҳудудига олиб кирилганда – божхона чэгарасидан амалда ўтиш;

 товарлар ёки транспорт воситалари божхона ҳудудидан олиб чиқилганда, шу жумладан еркин божхона зоналари ва еркин омборлар ҳудудидан олиб чиқилганда – божхона декларациясини тақдим этиш ёки товар ёхуд транспортларни олиб чиқиш мақсадини амалга оширишга бевосита қаратилган ўзга ҳаракатларни бажариш киради.

Ўзбекистон Республикасининг божхона чэгараси мамлакатнинг давлат чэгарасига мос келмайди, чунки у нафақат Ўзбекистон Республикаси чэгараси билан (Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади), балки Ўзбекистон ҳудудидаги еркин божхона зоналари ва еркин омборлар билан ҳам белгиланади. Юқоридаги ҳудудлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида жойлашган деб қаралади, божхона ҳудуди сарҳадлари, шунингдек, еркин божхона зоналари ва еркин омборларнинг тэгралари божхона чэгараси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг қуруқликдаги ҳудуди, ҳудудий ва ички сувлари ҳамда улар устидаги ҳаво бўшлиғи божхона ҳудудини ташкил этади.

Товар ёки бошқа қимматликларни божхона чэгарасидан олиб ўтиш, абашарти у қонунда кўрсатилган қуйидаги усуллардан бири орқали содир этилса, божхона қонунчилигини бузиш ҳисобланади:

 божхона назоратидан яшириш орқали;

 божхона идентификация воситалари ёки ҳужжатларидан алдаш ё`ли билан фойдаланиш орқали;

 декларациясиз ёки товарнинг ўз номини бузиб декларация ёзиш орқали.

Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона назоратини чэтлаб олиб ўтиш, уларни божхона органлари мавжуд бўлмаган жойдан ёки божхона расмийлаштирилиши ва назорати амалга ошириладиган вақтдан ташқари олиб ўтказишни англатади.

Божхона назоратидан яшириш дэганда, шахснинг божхона чэгараси орқали олиб ўтилаётган товарларнинг ёки бошқа қимматликларни хуфия жойларда ва топишни қийинлаштирадиган усуллардан фойдаланиб ёхуд бир тусдаги ашёга бошқа иккинчисининг кўринишини бериб ўтказишни тушуниш лозим. Мулкни махсус сақлаш жойларига яшириб олиб ўтиш усулига алоҳида еътибор бериш керак, бундай жойларга хуфия жойларни, шунингдек, контрабанда мақсадларида транспорт воситаларига олдиндан қайта ишланиб, йиғилиб ва шунга ўхшаш ё`ллар билан жиҳозланган ва мослаштирилган конструктив сиғимли идишларни ва бошқа ашёларни киритиш мумкин.

Ҳужжатлардан алдаш ё`ли билан фойдаланиш дэганда, ашёларни, товар ва бошқа қимматликларни божхона чэгарасидан олиб ўтиш учун асос тариқасида қалбаки ҳужжатларни, қонунга хилоф ё`ллар билан олинган ҳужжатларни ёхуд ёлғон маълумотлар ёзилган ҳужжатларни божхона

назоратига тақдим этишни тушуниш лозим. Қонунга хилоф ё`ллар билан олинган ҳужжат дэганда, айбдор тасарруфига ўрнатилган тартибни бузган ҳолда ёки ёлғон маълумотларни тақдим этиш орқали ёхуд қандайдир қонунга хилоф ҳаракатни (масалан, пора олиш натижасида) содир этиши натижасида келиб тушган ҳужжат тушунилади. Ушбу ҳолатни қўллаш учун божхона органига тақдим этилаётган ҳужжатнинг ёлғонлигини айбдор билганлигини ва билмаслиги мумкин емаслигини исботлаш лозим. Акс ҳолда, шарҳланаётган моддани унга қўллаш мумкин емас, чунки уни содир этишдан мақсад мавжуд емас.

Божхона идентификация воситалари дэганда, сўрғичлаш, муҳрлаш, рақамли, ҳарфли ва бошқача тамғалар, идентификация белгиларини қўйиш, штамплаш, намуна ва нусхалар олиш, товарларни, бошқа қимматликларни хатлаш, чизмалар тузиш, миқёсини тасвирлаш, фотосуратлар, расмлар тайёрлаш, товарлар билан бирга юбориладиган ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланиш ва ҳоказолар тушунилади. Идентификация воситалари, агар мавжуд товарлар ёки транспорт воситалари ё`қолишига ёхуд қайта тиклаб бўлмас даражага келишига реал хавф мавжуд бўлган ҳолатлардан ташқари, барча ҳолларда божхона органлари томонидан ёки уларнинг рухсати билан ўзгартирилиши, бекор қилиниши ёки ё`қотилиши мумкин.

Божхона идентификация воситаларидан алдаш ё`ли билан фойдаланиш дэганда, шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа давлат божхона органлари томонидан татбиқ этилган идентификация воситаларини ўзгартириши, ё`қ қилиши, бузиши ёхуд ё`қотиши билан боғлиқ ҳаракатлари тушунилиши лозим.

Декларациялаш товарлар ёки транспорт воситалари тўғрисидаги, улар жойлаштириладиган божхона режимлари ҳақидаги аниқ маълумотларни, божхона мақсадлари учун зарур бўлган бошқа маълумотларни белгиланган шаклда баён этиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси божхона чэгарасидан олиб ўтилувчи товар ва қимматликлар ёки ўзининг божхона режимини янгилаётганлар (масалан, божхона омборлари режимидан еркин омборлар режимига ўтаётганлар) декларацияланади. Бироқ, шарҳланаётган моддани моҳиятидан келиб чиқиб, кўрсатилган усулларни божхона қонунчилигини бузиш деб ҳисоблаш учун божхона чэгарасидан олиб ўтилаётган товар ёки қимматликларни декларация қилмаслик ёки бошқа номда декларация қилиниши қайд этилади.

Товарларни ёки бошқа қимматликларни декларацияга киритмаслик ёхуд ўзгача ном билан декларацияга киритиш дэганда, шахсларнинг чэгарадан ўтказилиши лозим бўлган контрабанда ашёларини ёхуд товар ёки бошқа қимматликларни декларация қилиш тартибини бузиши билан боғлиқ ҳаракатлари, яъни божхона қонунлари томонидан ўрнатилган декларация қилиш шакли ва жойи тўғрисидаги, уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги, декларация ва бошқа қўшимча ҳужжатлар тақдим этиш муддатлари тўғрисидаги талабларга риоя этмаслик, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган ёки унинг ҳудудидан олиб

чиқилаётган контрабанда ашёлари, товар ёки бошқа қимматликларнинг тури, сони хусусида декларацияга сохта маълумотлар киритиш тушунилади”.

Товарлар ғайриқонуний равишда Ўзбекистон Республикаси божхона чэгараси орқали амалда олиб ўтилган вақтдан еътиборан, бу товарлар ўзга МДҲ мамлакатларига ёки МДҲ мамлакатларига кирмайдиган бошқа давлатларга ўтказилганлигидан қатъи назар, жиноят тугалланган ҳисобланади.

Ана шундай олиб ўтишга тайёргарлик кўришга қаратилган ҳаракатлар жиноятга суиқасд деб квалификация қилиниши лозим.

Товарларни ёки бошқа қимматликларни божхона чэгарасидан ғайриқонуний олиб ўтганлик учун жиноий жавобгарлик, товар ёки бошқа қимматликларни олиб ўтиш усулидан қатъи назар, кўп миқдорда содир этилган бўлса ва айбдор шахсга нисбатан шундай ҳаракатлари учун маъмурий чоралар қўлланилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси божхона чэгарасидан ўтказилгандан сўнг қўлланилади.

Субъйектив томондан жиноят тўғри қасддан содир этилади. Айбдор шахс товар ёки қимматликларни божхона чэгарасидан ғайриқонуний олиб ўтаётганлигини англаб етади ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишни хоҳлайди.

Жиноят субъйекти ўн олти ёшга тўлган, фуқаролиги мавжуд ёки мавжуд емаслигидан қатъи назар, ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин. Шунга еътибор бериш лозимки, жиноят ҳуқуқининг умумий принсипларидан келиб чиқиб жавобгарликка фақатгина жиноятни содир этган айбдор тортилиши лозим. Шу туфайли мулкдор, агар декларант, юк ташувчи томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар унинг қасди билан қамраб олинмаса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Таҳлил қилинаётган жиноятни ЖК 182-моддаси 2-қисмига мувофиқ квалификация қилиш белгилари қуйидагилар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чэгарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чэгарасидан очиқдан-очиқ ўтказиш ё`ли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилганлиги ҳисобланади.

Олиб ўтилган товарнинг нархини белгилашда Ўзбекистон Республикасининг “Божхона тарифлари тўғрисида”ги Қонунида ўрнатилган қоидаларни қўллаш керак.

Мазкур модда бўйича бузиб ўтиш дэганда, товар ёки бошқа қимматликларни божхона хизматининг розилигини олмасдан очиқчасига олиб ўтиш тушунилади.

Ушбу модда бўйича божхона хизмати дэганда, Ўзбекистон Республикаси божхона органлари ва божхона органларининг мансабдор шахсларини тушунмоқ лозим.

Очиқчасига олиб ўтиш дэганда, божхона хизмати ходимларининг товарлар олиб ўтилиши ҳақида хабардорлиги тушунилади. Божхона хизматининг хабардорлиги, қонунчилик қоидаларига зид содир этилаётган маълумотлар тақдим этилишидан ва божхона органининг олиб ўтишни бевосита назорат қилишидан келиб чиқади. Жиноятчи субъйектга квалификация қилинаётган ушбу белгилар бўйича айбни қўллаш учун шахсга товар ёки қимматликларни ғайриқонуний олиб ўтишаётганлиги ҳақида божхона органлари хабардорлигини билганлигини ва билмаслиги мумкин емаслигини аниқлаш лозим. Агар айбдор товар ёки қимматликларни ноқонуний олиб ўтаётганлигидан божхона хизматининг хабардорлигини (масалан, божхона чэгарасидан товарларни олиб ўтаётган шахснинг ҳаракатлари видеокамерага олинади) билмаса, шарҳланаётган квалификация белгилари мавжудлигини аниқлаш мумкин емас.

Хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда божхона қонунчилигини бузиш – божхона органларининг мансабдор шахси, яъни ваколат доирасига назорат функсияси ва божхона қонунчилигида белгиланган бошқа мажбуриятлар юклатилган шахс томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилган ҳолда товар ва бошқа қимматликларни божхона чэгарасидан олиб ўтишидир. Ушбу жиноятни содир этишда мансаб ваколатидан фойдаланиш дэганда, шунингдек, божхона қонунчилигини бузиш бошқа давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз ваколатини суиис-теъмол қилиши орқали содир этилишини ҳам тушуниш лозим.

Хизмат ваколатидан фойдаланиш божхона қонунчилигини бевосита бузишда, яъни тэгишли мансабдор шахс товар ёки бошқа қимматликларни мустақил равишда божхона чэгарасини бузган ҳолда олиб ўтишида ҳам ифодаланади. Бундай ҳолатда у шарҳланаётган жиноятнинг ижрочиси ёки бажарувчиси ҳисобланади. Мансабдор шахснинг ҳаракатлари ЖК 205 ёки 206-моддалари бўйича қўшимча квалификация қилишни талаб қилмайди, чунки улар ЖК 182-моддаси 2-қисмида назарда тутилган таркибни тўлиқ қамраб олади. Агар товар ва бошқа қимматликларни олиб ўтиш мансаб ваколатига эга бўлмаган шахс томонидан, мансабдор шахс ёрдамида содир этилса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖК 28-моддаси ва 182-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар билан, шунингдек, содир этилган жиноятнинг аниқ ҳолатларига боғлиқ равишда ЖК 205 ёки 206-моддалари билан квалификация қилинади.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш (ЎзР ЖК 183-моддаси)

1992 йил 2 июлда қабул қилинган ЎзР «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги Қонуни хўжалик юритувчи субъйектларнинг бозорда рақобатлашиши боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солади, монополия фаолияти, яъни монополияга қарши қонунга зид бўлган фаолиятнинг олдини олиш ва уни бартараф қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Жиноятнинг обйекти хўжалик юритувчи субъйектларнинг товар бозорида фаолият кўрсатиши бўйича белгиланган тартиб, истеъмолчилар ва жамиятнинг қонуний манфаатларидир.

Обйектив томондан ЖК 183-модда 1-қисмида назарда тутилган ҳаракатлар монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот бермасликдан ёки била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим қилишдан иборат.

ЖК 183-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот тақдим этиш учун белгиланган муддат ўтган ёхуд бу органларга била туриб ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот тақдим этилган пайтдан еътиборан тамом бўлган деб ҳисобланади.

Шахсни ЖК 183-моддасининг 1-қисми билан жавобгар қилиш учун у худди шундай қилмишни содир этганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши лозим.

ЖК 183-моддаси 2-қисмининг обйектив томони монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонунбузарликни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармасликда ифодаланади.

ЎзР «Монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, бозорда катта мавқэга эга бўлган хўжалик юритувчи субъйектларга бозорда маҳсулот тақчиллигини келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида товарлар ишлаб чиқаришни камайтириш ёхуд тўхтатиб қўйиш, шунингдек, уларни муомаладан олиш; мўмай фойда олиш мақсадида бозорда ҳаддан ташқари баланд нарх белгилаш ёки сунъий равишда ушлаб туриш, нархларни асоссиз равишда пасайтириш, давлат томонидан бошқариб туриладиган нарх-навони бошқа ё`синда узиш; ўзаро шартнома тузаётган томонларга уларни бошқа хўжалик юритувчи субъйектларнинг зиммасига тенг бўлмаган аҳволга солиб қўядиган шартларни юклаш; хўжалик юритувчи субъйектларга ўзгача тўсиқларни вужудга келтириш ҳамда монополистик фаолият ва ғирром рақобатни бошқача чеклаш ҳамда тақиқлаш каби ҳаракатларни содир этиш ман қилинади.

ЖК 183-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ушбу қисмнинг диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган пайтдан еътиборан тамом бўлган, деб ҳисобланади.

ЖК 183-моддаси 2-қисми ҳам маъмурий преюдицияга эга.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Унинг мотив ва мақсади жиноятни квалификация қилишда аҳамиятга эга бўлмайди.

Жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган ақли расо шахсдир, у якка тартибдаги тадбиркор, ташкилотлар ёки улар бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъйектлар бўлиши мумкин.

Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш (ЎР ЖК 184-моддаси)

Солиқ ёхуд бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, мазкур жиноят содир этилганда давлат буджэти олиши керак бўлган маблағларни олмайди, бу еса давлатнинг

ҳаётнинг турли соҳаларида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган моддий-техник имкониятларини камайтиради. Бундан ташқари, солиқ турларидан бош тортиш бошқа жиноятларни содир этиш, яширин иқтисодиёт шаклланиши учун замин яратади, бозор муносабатлари ривожланиши ва фаолиятига тўсқинлик қилади, чунки буджэт сиёсатининг барқарорлигини бузади, жамиятда ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликни вужудга келтиради. Бунинг ҳаммаси таҳлил қилинаётган қилмиш иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган енг оғир жиноятлардан ҳисобланишини тасдиқлайди.

Жиноят обйекти ҳар бир жисмоий ва юридик шахс томонидан қонун билан белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдек конституциявий бурчларни бажариш бўйича давлатнинг молиявий соҳадаги ижтимоий муносабатларидир.

ЖК 184-моддасида жавобгарликни назарда тутувчи жиноятнинг предмэти – солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобланади. Бу тушунчаларнинг мазмунини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига, шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигида қўлланилган таърифларга мурожаат этиш лозим.

Қонунчиликка мувофиқ, юқорида қайд этилган атамалар маъноси қуйида келтирилган:

- солиқлар – давлат ва (ёки) маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини молиявий таъминлаш мақсадида ташкилот ва жисмоний шахслардан уларга тэгишли бўлган пул маблағларини бэгоналаштириш шаклида олинадиган мажбурий, индивидуал қайтариб берилмайдиган тўловлар.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумдавлат солиқлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар амал қилади:

- умумдавлат солиқларига юридик шахслар даромад (фойда) солиғи; жисмоний шахслар даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; аксиз солиғи; йер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ; экология солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлар киради;
- маҳаллий солиқлар ва йиғимларга қуйидагилар киради: мол-мулк солиғи; йер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизел ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ; савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари; юридик шахсларни, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим;
- йиғимлар – бу маданий-маиший хизматларни кўрсатиш ёхуд ҳукуматнинг маҳаллий органлари назорати остида ўтказиладиган бошқа чора-тадбирларни, масалан, савдо ҳуқуқи учун тўлов, товарларнинг алоҳида турлари савдоси учун лицензия тўлови кабилар амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатларни қисман қоплаш учун жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ,

давлат ҳокимияти маҳаллий органлари томонидан ўрнатилган тўловлардир. Ўзбекистонда фақат маҳаллий йиғимлар кўзда тутилган;

 божлар – Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги томонидан ўрнатилган, жисмоний ва юридик шахслардан уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда маълум ҳаракатларни қилиш ва юридик аҳамиятга эга ҳужжатларни махсус ваколатли муассасаларда (масалан, нотариал ҳаракатларни амалга оширганда, суд ё`ли билан баҳсларни ҳал қилганда ва ҳоказоларда) ҳужжатларни бериш учун олинадиган тўловдир.

 бошқа тўловлар – бу амалдаги қонунчилик билан белгиланган, турли мақсадли давлат буджэтидан ташқари жамғармаларга жисмоний ва юридик шахслар даромадларидан пул маблағларини мажбурий ўтказиш, масалан, Нафақа фонди, Ё`л фонди, ижтимоий ва шахсий суғурта, мулк суғуртаси бўйича тўловлар ва ҳоказо.

Бунда солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилганлигини ҳисобга олиш лозим ва шунинг учун ҳар бир алоҳида вазиятда мазкур жиноят айнан қайси индивидуал белгиланган тўловга нисбатан содир этилганлигини аниқлаш лозим.

Обйектив томондан солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш даромад ёхуд бошқа тўловларни ёки солиқ солишнинг бошқа обйектларини яшириш, камайтириб кўрсатиш, анча миқдордаги солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун маъмурий чоралар кўрилгандан сўнг анча миқдорда содир этилиши билан тавсифланади.

Фойда (даромад) – мазкур модда маъносида – жами даромад билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чэгирмалар ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Жами даромадга – жўнатилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киради.

Чэгирмалар – бу қонунда назарда тутилган ҳолларда солиқ солинадиган базанинг камайишига олиб келувчи солиқ тўловчининг харажатлари ҳисобланади.

Солиқ солишнинг бошқа обйектлари дэганда, мазкур модда доирасида шундай предмэт ва ҳуқуқларни (даромаддан ташқари) тушуниш жоизки, улар мавжуд бўлганда солиқ мажбурияти пайдо бўлади ва уларнинг сифати солиқ миқдорини белгилайди.

Амалдаги Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солишнинг бошқа обйектларига қуйидагилар киради: товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти ва товарлар импорти, аксиз тўланадиган товарлар, товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш таннархи, жисмоний ва юридик шахслар эгалигидаги мулк, йер усти ва йер ости манбаларидан олиб фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми.

Фойдани, даромадни ёхуд солиқ солинадиган бошқа обйектларни яшириш – бу солиқ органларига тақдим этиладиган тэгишли ҳисобот

ҳужжатларида уларни олганлик тўғрисида ҳақиқий маълумотларни қасддан кўрсатмаслик, шунингдек, уларнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни яшириб қолиш мақсадида уларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш тартибини бузганлик. Масалан, тақдим этилган маҳсулотларга тўловни учинчи шахсга бериш, хўжалик оборотидаги векселлардан фойдаланиш, бартер асосида контрактлар тузиш – даромадларни яшириш ҳисобланади.

Фойдани, даромадни ёки солиқ солинадиган бошқа обйектларини камайтириб кўрсатиш солиқ органларига тақдим қилинадиган ҳисобот ҳужжатларига била туриб солиқнинг миқдори тўғрисида ҳақиқатга тўғри келмайдиган, балки уни пасайтириш ва камайтириш томонига маълумотлар киритишда ифодаланади.

Шуни назарда тутиш лозимки, даромад (фойда) ёки солиқ солишнинг бошқа объктларини яшириш ёхуд камайтириб кўрсатиш – солиқ ёки бошқа тўловлардан бўйин товлаш услубидир. Бошқача айтганда, солиқ тўлашдан бўйин товлаш турли услубларни ўз ичига олган кенгроқ тушунчадир, уни давлат ёхуд маҳаллий буджэт ҳисобига мажбурий тўловларнинг олинадиган ҳажмини пасайтириш мақсадида солиқ органларини алдаш деб тушуниш лозим.

Солиқ тўлашдан бошқача усулда бўйин товлаш дэганда, нарсалар ҳақиқий ҳолатини қасддан ўзгартириш, солиқ органларига била туриб нотўғри ахборот беришнинг турли услубларини қўллаш, тўланадиган солиқ ҳажмини камайтириш мақсадида маълум факт, ҳолат, ҳодисалар борасида янглиштириш тушунилади. Солиқ ёхуд бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш услублари турлича ва аксарият ҳолларда тўланаётган солиқ турига боғлиқ, хусусан, буларга солиқ органларига солиқ тўлаш обйектлари ҳақида ҳисобот ҳужжатларини бермаслик, имконият мавжудлигида мажбурий тўловларни тўламаслик, солиқ органларига рўйхатга қўймаслик каби ҳолатлар киради. Мазкур жиноятни содир этиш услублари уни квалификация қилишга таъсир қилмайди. Бироқ шуни назарда тутиш лозимки, изоҳланаётган жиноятнинг содир этилишининг алоҳида услублари мустақил қилмиш деб тан олиниши ва мустақил квалификация қилишни талаб қилиши мумкин. Масалан, аксизсиз савдо фаолиятини амалга оширишда, устав фаолиятини амалга оширмасликда, рўйхатдан ўтмасдан савдо қилишда ёхуд воситачилик фаолияти билан шуғулланишда ва бошқа ҳолатларда қилмишни жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилиш лозим.

Жиноят солиқ қонунчилигида ўрнатилган солиқ солиш тўлашнинг тэгишли муддатида солиқ тўланмаган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Шунинг учун аввалги ҳаракатлар (бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш, солиқ органларига ёлғон ҳисобот бериш ва ҳоказолар)нинг ҳаммаси жиноят содир этишга тайёргарлик кўришдир. Агар тўлов ҳақиқатда кам тўланган бўлмаса, айбдор ҳаракатида ҳақиқий жиноят таркиби мавжудлигини тасдиқлаш мумкин емас.

Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаш қуйидаги мажбурий шартлар мавжуд бўлгандагина жиноят деб тан олинади: тўланмаган тўловнинг анча миқдордалиги ва маъмурий преюдиция.

Тўланмаган солиқ солиқнинг аввал тўланган қисми билан қўшимча тўланиши керак бўлган солиқ ўртасидаги фарқдир. Агар солиқ мажбурий тартибда ундирилса, тўланмаган деб топилади, солиқ тўлаш ихтиёрий равишда жиноят содир этишга қаратилган ҳаракацизликни тўхтатади ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб тан олиниши лозим

Тўланмаган солиқнинг миқдорини аниқлашда шуни назарда тутиш лозимки, бунда солиқ солиш обйектининг яширилган ёки камайтириб кўрсатилган миқдори емас, балки айбдор томонидан яширилган ёки камайтирилган солиқ обйектидан тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тушунилади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани, даромадни ва солиқ тўланадиган бошқа обйектларни яшириш, камайтириб кўрсатиш давомли жиноят ҳисобланади. Шу сабабли зарар миқдори солиқ тўланмаган барча муддат учун кам тўланган суммалар йиғиндиси билан белгиланиши керак. Тергов органлари ва судлар тўланмаган солиқ, даромад ва солиқ тўланадиган бошқа обйектларнинг миқдорини аниқлашда Солиқ кодексининг олтинчи боби (чэгирмалар ва зарарлар) талабларини ҳисобга олишга мажбурдирлар, яъни бунга биноан фойдани (даромадни) аниқлашда, масалан, ходимларнинг иш ҳақи, асосий фондларни таъмирлаш, ижара тўлови бўйича ва бошқа харажатлар чэгирилиб ташланади.

Субъйектив томондан жиноят айбнинг қасд шакли билан содир этилади. Айбдор ўз ҳаракатлари ижтимоий хавфлилигини англайди ва солиқлар ёхуд бошқа тўловларни йирик ҳажмда тўламаслик оқибатини келтириб чиқаришни хоҳлайди ёхуд бунга онгли равишда ё`л қўяди. Ижтимоий хавфли оқибатларнинг вужудга келиши имкониятларини билмаслик жиноий жавобгарликни келтириб чиқармайди. Мазкур жиноят ехтиёцизлик юзасидан содир этилиши назарда тутилмаган.

Жиноят субъйекти ўн олти ёшга тўлган шахс ҳисобланади. Бундай субъйект деб қонунга мувофиқ даромад, фойда ва солиқ солишнинг бошқа обйектлари ҳақида тўлиқ ахборот бериш ҳамда давлат фойдасига белгиланган тўловларни киритиш вазифаси юклатилган шахслар тан олиниши мумкин.

Буджэт интизомини бузиш (ЎзР ЖК 1841-моддаси)

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунига биноан Жиноят кодекси 1841-модда билан тўлдирилган.

Жиноятнинг обйекти буджэт интизомининг белгиланган тартиби, шунингдек фуқароларнинг манфаатларидир.

Обйектив томондан ЖК 1841-моддасида назарда тутилган жиноят:

1) буджэт маблағларини буджэтда ёки буджэтдан молияланадиган муассасалар ва ташкилотларнинг смэталарида назарда тутилмаган харажатларга ё`ллашда; 2) шундай муассасалар ва ташкилотларда харажатлар қисми бўйича буджэтдан ажратилган маблағларнинг лимитлардан ортиб кэтишида; 3) штат смэта интизомини бузишда ифодаланади.

Жиноят мазкур модданинг диспозиция қисмида назарда тутилган ҳаракатлардан биттаси содир этилган пайтдан еътиборан тамом бўлган, деб топилади.

Айбдор маъмурий жавобгарликка тортилганидан сўнг, яна буджэт интизомини бузса, у ЖК 1841-моддасининг 1-қисми билан жавобгарликка тортилади.

Буджэт интизомини кўп миқдорда бузиш 1841-модданинг 2-қисмида, жуда кўп миқдорда бузиш еса 1841-модданинг 3-қисмида кўрсатилган жиноят учун жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ушбу модда 4-қисмининг обйектив томони буджэтдан молияланадиган муассаса ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва уларга тенглаштирилган бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари беришнинг банк раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан асоссиз равишда кечиктирилишида ифодаланади.

Жиноят буджэтдан молияланадиган муассаса ва ташкилотларга иш ҳақи, нафақалар, стипендиялар ва бошқа харажатлар тўлови учун пул маблағлари бериш асоссиз равишда кечиктирилган пайтдан еътиборан тамом бўлган, деб ҳисобланади.

Субъйектив томондан мазкур моддада назарда тутилган жиноят қасддан содир этилади.

Жк 1841-модда 1, 2, 3-қисмлари бўйича 16 ёшга тўлган ва буджэт интизомини бузган буджэт интизомини сақлаш маъсулияти юклатилган шахслар 4-қисми бўйича еса пул маблағларини бериш ҳақида қарор қабул қилиниши ўзига боғлиқ бўлган раҳбарлар ёки бошқа мансабдор шахслар жиноятнинг субъйекти бўлишлари мумкин.

Қимматбаҳо мэталлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузиш(ЖК 185-моддаси)

Жиноят обйекти қимматбаҳо мэталлар ёки тошлар билан муомала қилишнинг белгиланган тартибидир.

Йер остидан қазиб олинадиган қимматбаҳо мэталлар (олтин, кумуш, платина, радий, иридий, осмий, палладий ва ҳ.к.) ёки қимматбаҳо тошлар (олмос, зумрад, марварид, амэтист, феруза ва ҳ.к.) жиноятнинг предмэти ҳисобланади.

Обйектив томондан жиноят йер остидан қазиб олинган қимматбаҳо мэталлар ёки тошларни давлатга топшириш қоидаларининг бузилиши натижасида кўп миқдорда зарар етказилишида ифодаланади.

Субъйектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади. Унинг содир этилиш мотиви ва мақсади жиноятнинг квалификацияси учун аҳамият касб этмайди.

Мазкур жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган, қимматбаҳо мэталлар ёки тошларни топшириш қоидаларини бузган шахс бўлиши мумкин.

Рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 1851-моддаси)

Жиноят обйекти рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, фойдаланиш ва уларни ўтказишнинг қонун билан белгиланган тартиби ҳисобланади.

Жиноятнинг предмэти ҳар қандай рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларидир.

Жиноятнинг обйектив томони шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин қимматбаҳо мэталлар туркумига кирмайдиган рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларини бузишдан иборат.

Шахсни ушбу модда билан жавобгар қилиш учун унга нисбатан дастлаб шундай қилмишни содир этганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган бўлиши лозим.

Қимматбаҳо мэталлар туркумига кирмайдиган рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш ўзганинг мулкига шикаст етказиш, ўзганинг мулкини ўғрилаш ёхуд хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш билан биргаликда содир этилган ҳолларда айбдорнинг қилмиши жиноятнинг жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Субъйектив томондан жиноят қасддан содир этилади. Жиноятнинг содир этилиш мотиви ва ундан кўзланган мақсад қилмишни квалификация қилиш учун аҳамиятга эга емас. 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс жиноятнинг субъйекти бўлиши мумкин. Қимматбаҳо мэталлар туркумига кирмайдиган рангли мэталлар, уларнинг парча ва резги-чиқитларини тайёрлаш, олиш, улардан фойдаланиш ҳамда уларни ўтказиш қоидаларининг бузилиши мансабдор шахс томонидан содир этилган ҳолларда унинг қилмиши жиноятлар жами ушбу модда ва ЖКнинг 205-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш) билан ёхуд ЖКнинг 206-моддаси (ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан чэтга чиқиш) деб квалификация қилиниши лозим.

Электр, иссиқлик енергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш (ЎзР ЖК 1852-моддаси)

Жиноят кодексига ушбу модданинг киртилиши миллий қонунчилигимизнинг ривожланиш маҳсули бўлиб, давлатнинг энергия ташувчи қурилмаларига еҳтиёткорона муносабатда бўлишини ўзида ифода этади.

Таҳлил қилинаётган жиноятнинг объекти - энергия ташувчи қурилмалардан рационал фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар бўлиб, у стратэгик аҳамиятга молик моддий-техник ресурслари ҳисобланади. Қўшимча обйект чифатида ҳисоблаш қурилмаларига эга бўлиш, шахс, давлат ва жамият хавфсизлиги кириши мумкин. Ушбу жиноят обйектив томондан қуйидагича содир этилиши мумкин: а) ўзбошимчалик билан газ ва сув қувурларига уланиш; б) електр,иссиқлик енергияси,табиий газ, иссиқ ёки совуқ сувни ҳисобловчи қурилмаларни бузиш; в) ушбу ҳисоблаш асбобларига уларнинг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида таъсир кўрсатиш.

Сув ва газ қурилмалари тармоғи дэганда – газ ёки сувни ишлаб чиқарувчидан (сотувчидан) истеъмолчига (сотиб олувчига) етказиш ва унинг узлуксизлиги ҳамда технологик бирлиги (масалан, компрессор қурилмалари, уловли трубалар) тушунилади. Ушбу ҳолатда газ ва сув қурилмалари тармоғидаги мавжуд техник узилишлар (яъни, мазкур тармоққа мос келадиган шартли лойиҳалар, масалан, труба ўрнига автомобил транспортидан фойдаланиш) мазкур моддадаги назарда тутилган тармоқ мазмунига мос келмайди. Газ ва сув тармоқларига ўзбошимчалик билан, яъни қонунда ўрнатилган тартиб асосида ваколатли орган руҳсатисиз уланиш ижтимоий хавфли ҳсобланади.

Жиноят субъйектив томондан ҳамма вақт қасддан содир этилади, айбдор ўзи қонунга хилоф ҳаракат еканлигини англайди, жиноий оқибатларнинг келиб чиқишини хоҳлайди ва бунга онгли равишда ё`л қўяди.

Мазкур жиноятнинг субъйекти 16 ёшга тўлган ҳар қандай ақли расо шахс бўлиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикасининг манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш жинояти тушунчасига таъриф беринг?
2. Сохта тадбиркорлик жинояти тушунчасини таърифланг?
3. Сохта банкротлик жинояти тушунчасига таъриф беринг?
4. Солиқлар ва божхона тўғрисидаги қонун талабларини бузганлик учун қандай жавобгарлик белгиланган?
5. Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик асосларини таснифланг?

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР УЧУН МАТЕРИАЛЛАР

1– МАВЗУ. Давлат бошқаруви тушунчасива унинг асосий тамойиллари

Муҳокама учун саволлар:

1. Давлат бошқаруви тушунчаси, мақсади, вазифалари ва тамойиллари.
2. Бошқарув субъйекти ва объйекти.
3. Давлат бошқарувини ташкил этиш.
4. Давлат бошқаруви муносабатларини тартибга солувчи нормалар.

Топшириқлар:

Маъмурий ҳуқуқ дэганда нимани тушунчасиз?
Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш предмэти (ижтимоий муносабатлар доираси) нима?
Маъмурий ҳуқуқнинг тартибга солиш услуби нималарда ифодаланади?
Маъмурий ҳуқуқ тизими ҳақида сўзлаб беринг.
Маъмурий ҳуқуқ манбалари ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
Бошқарувнинг умумий тушунчасини ёритиб беринг?
Давлат бошқаруви дэганда нималами тушунасиз?
Давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари нимада?
Давлат бошқаруви функсиялари ҳақида сўзлаб беринг?

Тестлар:

1.Ма`мурий ҳуқуқ қандай муносабатларни тартибга солади.
А.Ҳуқуқий муносабатларни.
В.Ма`мурий-ахлоқий муносабатларни.
С.Ижтимоий муносабатларни.
Д.Давлат бошқарув муносабатларини.

2.Ма`мурий ҳуқуқ нормаларининг тушунчаси.
А.Давлат бошқарувини ташкил этиш ва фаолиятини амалга оширишга қаратилган қоидалардир.
В.Умуме`тироф этилган, мажбурий кучга эга бўлмаган қоидалар йиғиндиси.
С.Жамият томонидан ўрнатилган умуммажбурий қонунлардир.
Д.Давлат томонидан белгиланган давлат бошқаруви жараёнларини тартибга соладиган умуммажбурий қоидалардир.

3.Ма`мурий ҳуқуқ нормаларнинг бошқа нормалардан фаркли асосий хусусияти.
А.Тартибга солаётган ижтимоий муносабатнинг узига хослиги.
В.Манбаларнинг алохидалигига кура.

С. Қоидаларни таъсис этиш, тартибга солиш ва вазифаларни белгилаш характерига кўра.
Д. Субъектларнинг ва нормаларнинг алохида таркибига кўра.

4. Маъмурий ҳуқуқнинг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан кескин фарк килувчи томонлари.
А.Предмети, иштирокчилар ва нормаларининг тузилишига кўра.
В.Вазифа, мақсад ва манбаларининг турига кўра.
С.У фақат давлат бошқарув тузум асосларини мустахкамлайди.
Д.Маъмурий ҳуқуқ бошқа ҳуқуқ соҳаларининг асоси ҳисобланади.

2-МАВЗУ. Маъмурий ҳуқуқ фани предмэти, тизими ва манбалари

Муҳокама учун саволлар:

1. Маъмурий ҳуқуқ фани тушунчаси, предмэти ва вазифалари.
2. Маъмурий ҳуқуқ томонидан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар доираси.
3. Тартибга солишнинг маъмурий-ҳуқуқий усули.
4. Маъмурий ҳуқуқ тизими ва манбалари.

Топшириқлар:

Давлат бошқарувининг асосий принципларини нималар ташкил этади?
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатида.
Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидагикодексининг маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўрни ҳақида тикрингиз.
Маъмурий ҳуқуқнинг бошқа манбалари ҳақида сўзлаб беринг.
Маъмурий ҳуқуқнинг Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимида тутган ўрни қандай?
Маъмурий ҳуқуқ ва конституциявий ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари нималарда кўринади?
Маъмурий ҳуқуқ ва молия ҳуқуқининг ўзаро муносабати ҳақида фикр билдиринг.
Маъмурий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқининг ўзаро муносабати ҳақида сўзлаб беринг.
Маъмурий ҳуқуқ ва меҳнат ҳуқуқининг ўзаро муносабати ҳақида фикр билдиринг.
Маъмурий ҳуқуқ ва жиноят ҳуқуқининг ўзаро муносабати қандай?

Тестлар:

1.Ма`мурий ҳуқуқнинг предмэти қандай муносабатларни тартибга солади.
А.Давлат бошқарувида юз берадиган муносабатларни.

В.Шахснинг ҳуқуқий ҳолати, давлат, ма`мурий-ҳудудий тузилиш конститусиявий тизим асосларини.
С.Тўғри жавоб А.
Д.Ҳамма жавоб тўғри.

2.Ма`мурий ҳуқуқий нормаларнинг ҳуқуқий тартибга солиш механизмига кура турлари қайси жавобда тўғри курсатилган.
А.Императив, диспозитив.
В.Моддий, просессуал.
С.Та`кикловчи, химоя килувчи, тартибга солувчи.
Д.Ҳаммаси тўғри.

3.Ма`мурий ҳуқуқнинг моддий ва просессуал нормаларининг алокадорлиги ва богликлиги нималардан иборат.
А.Иккала нормалар бўлмаса, ҳуқуқ соҳаси мавжуд бўлмайди.
В.Моддий ва просессуал нормалар кэтма-кэтликда кулланилгани учун.
С.Ҳамма ҳуқуқ соҳасида учрагани учун.
Д.Ҳуқуқий тартибга солишдаги белгиланган вазифаси буйича.

4.Курсатилганлардан қайси бири Ма`мурий ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ҳисобланмайди.
А.Жамоат бирлашмалари, миллат ва миллий гурухлар ва халк.
В.Давлат ва унинг органлари, фуқаролар.
С.Чэт ел фуқаролари.
Д.Депутатлар, Коракалпогистон Республикаси.

3–МАВЗУ. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар

Муҳокама учун саволлар:

1. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тушунчаси.
2. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар тузилиши.
3. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг турлари.
4. Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг вақт ва шахслар доирасида амал қилиши.

Топшириқлар:

Маъмурий-ҳуқуқий норма дэганда нимани тушунасиз?
Маъмурий-ҳуқуқий норманинг ўзига хос хусусиятларини аниқланг.
Маъмурий-ҳуқуқий нормаларнинг турларини аниқланг.
Маъмурий-ҳуқуқий норманинг гипотезасиникўрсатинг.
Маъмурий-ҳуқуқий норманинг диспозициясиникўрсатинг.
Маъмурий-ҳуқуқий норманинг санксиясини кўрсалинг.
Маъмурий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий нормаларни амалда жорий этишнинг қандай шакллари мавжуд?
Маъмурий ҳуқуқ манбаларини кўрсатинг.
Давлат бошқаруви фаолиятининг усуллари дэганда нимани тушунасиз?
Давлат бошқаруви усулларининг турларини санаб беринг.

Тестлар:

1. Ма`мурий ҳуқуқ тушунчаси билан ма`мурий ҳуқуқ фани тушунчаси бир ма`нони англатадими ёки улар фақат ухшаш тушунчаларми.
A.Улар бир хил тушунчалар бўлиб, бир хил ма`ноларни англатади.
B.Ма`мурий ҳуқуқ - ҳуқуқ соҳаси бўлиб, ма`мурий ҳуқуқ фани унинг ичига кириб кэтади.
C. Ма`мурий ҳуқуқ - ҳуқуқ соҳаси бўлиб, ма`мурий ҳуқуқ фанининг таркибида ўрганилади.

Д.Уларни бир биридан ажратиш ёки таккослаш мумкин емас.

2.Ма`мурий ҳуқуқ фанининг манбалари тушунчасига берилган тўғри та`рифни аниқланг.
А.Ма`мурий ҳуқуқ фанининг манбалари Конститусия ва у асосда қабул қилинган норматив хужжатлардир.
В.Фақат конститусия ва қонунлардан иборат.
С. Ма`мурий ҳуқуқ - ҳуқуқ соҳаси бўлиб, ма`мурий ҳуқуқ фанининг таркибида ўрганилади.
Д.Давлат бошқаруви жараёнларининг пайдо булиш ва ривожланиши билан боглик та`лимотлар.

3.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конститусияларнинг қабул қилиниш тўғри вактини кэтма-кэтликда курсатинг.
А.1918-1920 йил, 1927 йил, 1947 йил, 1992 йил.
В.1918-1920 йил, 1947 йил, 1992 йил.
С.1920 йил, 1927 йил, 1937 йил 1992 йил.
Д. 1918-1920 йил, 1927 йил, 1937 йил,1992 йил.

4.Ўзбекистон Республикаси Конститусиясининг қабул қилинишининг ахамиятига тўғри бахони курсатинг.
А. Конститусия ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишидан мақсад давлат мустақиллигини мустахкамлаш еди.
В. Конститусия инсон ҳуқуқ ва еркинликларини химоя қилишнинг асосий воситаси.
С. Конститусия бўлмаса Ўзбекистон уз юлини топаолмасдан ривожланган давлатлар каторига кирмасдан колар еди.
Д.Конститусия мустақил давлатнинг шаклланиши, жамият ривожланиши ва давлат тузилиши, унинг хокимияти юналишлари ва улардан келиб чикадиган бошқаасосий вазифаларини белгилаб беради.

4–МАВЗУ. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Муҳокама учун саволлар:

1. . Маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар тушунчаси.
2. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ва бекор бўлиши асослари.
3. Маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ва объектлари.
4. Маъмурий-ҳуқуқиймуносабатларнингтурлари.

Топшириқлар:

Бошқарув усулларининг ўзига хос хусусиятлари нималарда ифодаланади?
Ишонтириш усули ҳақида тушунча беринг.
Маъмурий мажбурлаш усули тушунчаси, турлари ҳақида сўзлаб беринг.
Маъмурий мажбурлаш усулининг ўзига хос хусусиятлари қандай?
Маъмурий мажбурлаш чораларини таснифлаб беринг.
Маъмурий назоратни амалга ошириш тартиби қандай?
Маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби ва муддатлари ҳақида сўзлаб беринг.

Тестлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ички тузилишини курсатинг.
А. 6 та бўлим, 16 қисм, 26 боб ва 128 моддадан иборат.
В.Мукаддима, 26 боб, 6 бўлим ва 128 моддадан иборат.
С. 6 бўлим, 26 боб 128 моддадан иборат.
Д.Мукаддима, 6 бўлим, 26 боб, 128 модда ва якуний қисмлардан иборат.

2.Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул кили шва унга узгартириш хамда кушимчалар киритиш учун депутатларнинг канчаовози талаб қилинади.

A.Учдан икки қисми.
B.Ярмидан куп.
C.Тўртдан уч қисми.
Д.Сайланган депутатларнинг ярмидан куп.

3.Ма`мурий ҳуқуқ тизими неча қисмга бўлиб ўрганилади.
A. Кириш, махсус ва хулоса қисмга бўлиб ўрганилади.
B. Кириш, махсус ва якуний қисмга бўлиб ўрганилади.
C. Умумий, махсус ва якуний қисмга бўлиб ўрганилади.
Д. Умумий ва махсус қисмга бўлиб ўрганилади.

4.Қуйидагиларнинг қайси бири ма`мурий ҳуқуқнинг тамойили емас.
A.Қонунийлик, адолат.
B. Томонларнинг тенглиги.
C.Ваколат доирасида жавобгарлик.
Д.Жамоавийлик.

5– МАВЗУ. Солиқ тизимини бошқариш соҳасида ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари.

Муҳокама учун саволлар:

1. Давлат бошқарувининг марказий ва маҳаллий органлари.
2. Давлат бошқарув органларининг ваколатлари характери, пул билан таъминлаш манбалари ва фаолиятини ҳудудий кўламлари.
3. Солиқ тизимини бошқариш тушунчаси.
6. Солиқ соҳасини бошқаришдаги ваколатли давлат органлари ва уларнинг вазифалари.

Топшириқлар:

1.Давлат бошқарувининг асосий принципларини нималар ташкил этади?
2.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатида.
3.Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидагикодексининг маъмурий ҳуқуқ манбаи сифатидаги ўрни ҳақида тикрингиз.
